а) ишлаб чиқариш имкониятдан муқобил фойдаланиш – бир хил ускунада ишлаб чиқариладиган ўзаро боғлиқ маҳсулотларнинг (рақобатлашувчи) рўйхатини белгилайди, улар бир-бирининг ишлаб чиқариш қувватини олади.

б) маҳсулотдан маҳсулотга ўтишда имкониятни йўқотиш – бир маҳсулотдан бошқасига ўзгарганда, оддий ускуналар мавжуд бўлиб, бу ишлаб чиқариш имкониятлари йўқолишига олиб келади.

2.3. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан сотиб олиш қобилияти – корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини зарур ресурслар билан таъминлаш қобилиятини белгилайди.

3. Чекловлар – ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар талаб даражасида бўлиши ёки қайта ишланиши керак.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, корхонанинг жами харажатларини бошқариш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг амалдаги ҳисоботида бошқарув ҳисоби усулларини ва бюджетлаштириш тизимини тадбиқ қилиш корхона мулки ва уни шакллантириш манбаларининг таркиби ва тузилмасини оптималлаштириш имконини беради ва шу тариқа солиқ юқининг камайиши, маҳсулот таннархини пасайиши ва корхонанинг молиявий барқарорлигининг ошишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Б.А.Хасанов, А.А.Хошимов. “Бошқарув ҳисоби” дарслик. Т.2014й.

2. Боровков П. Финансовая структура как современный инструмент управления экономикой предприятия // Проблемы теории и практики управления. - 2007. - № 2. - С. 109-115.

3. Ананькина Е.А., Данилочкин С.В., Данилочкина Н.Г. Контроллинг как инструмент управления предприятием.-М.: ЮНИТИ,2002. -279 с.

4. Кукушкина Е.Е. “Бюджетирование в системе управления предприятием перерабатывающей промышленности”. Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова ♦ № 4, 2011.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Ғайибназаров Баҳодир Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Абдусаломова Нодира Баходировна
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳар қандай мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва рейтинги унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ. Шу сабабдан мамлакатлар ўз макроиқтисодий кўрсаткичларини, айниқса, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий даромад (ЯМД), соф ички маҳсулот (СИМ), соф миллий даромад (СМД) ва шу каби бир қатор кўрсаткичларни имкони борича аниқ ҳисоблашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 28 декабрь куни «2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси»да таъкидлангандек, «Келгуси йил учун Давлат бюджети дефицити 4,5 триллион сўм атрофида бўлиши ва ЯИМга нисбатан 1,1 фоиз бўлиши режалаштирилмоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ЯИМни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлиллар ҳам буни тасдиқламоқда».

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи мамлакат иқтисодий тараққиётини ўзида намаён қилувчи макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий ағволини ўзида акс эттирувчи бу кўрсаткични аниқлаш, ҳисоблаш, таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, мазкур мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар (резидентлар) томонидан пировард истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ҳизматлар қиймати тушинилади. Статистика амалиётида ЯИМ уч хил усул ёрдамида ҳисобланади. Ҳар учула усул билан ҳисобланган ЯИМ


кўрсаткичи ҳажми статистик ҳатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳар учала усул билан ЯИМ кўрсаткичини ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал қилиниши талаб этилади.

Аммо ҳар қандай яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳам ЯИМ таркибида ҳисобга олинмаслиги мумкин. Маҳсулот ёки хизмат ЯИМда акс эттирилиши учун у тугалланган бўлиши лозим. Масалан, нон ишлаб чиқаришни олайлик. Фараз қилайлик, кўп тармоқли фермер хўжалигида 1 миллион ш.б. буғдой етиштирилди. Етиштирилган буғдой тегирмонга олиб борилади ва у ерда унга айлантирилади, уннинг қиймати 1,5 миллион ш.б. ташкил этсин. У ҳолда буғдойни унга айлантиришда қўшилган қиймат 500 минг (0,5 миллион) ш.б. бўлади. Энди, ун тайёр нон ишлаб чиқариш учун нон цехларига жўнатилади, нон ишлаб чиқариш қиймати 1,8 миллион ш.б. деб фараз қилсак, у ҳолда ун маҳсулотидан нон ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат 300 минг ш.б. (1,8 миллион-1,5 миллион=0,3 миллион ёки 300 минг ш.б.)га тенг бўлади. Демак, нон ишлаб чиқаришда яратилган жами қўшилган қиймат 1 миллион.+ 0,5 миллион.+0,3 миллион.=1,8 миллион. ш.б.га тенг бўлади.

ЯИМни ишлаб чиқариш усулида оралиқ истеъмол камаяди, аммо ялпи қўшилган қиймат ортади.

Республикада ҳисобланаётган ЯИМнинг ҳаракат босқичларини қуйидагича ифодалаш мумкин: ишлаб чиқариш категорияси сифатида (иқтисодий бирликлар томонидан ишлаб чиқарилган жами якуний товар ва хизматлар); тақсимлаш категорияси сифатида (омилли ва омилли бўлмаган даромадларнинг жамланиши); фойдаланиш категорияси сифатида (якуний истеъмол учун қилинадиган харажатлар ва ялпи жамғариш).

Таҳлилларимиз кўрсатишича, ўрганилаётган йилларда, якуний истеъмол харажатлари 77% дан 68,4% га камайган. Аммо ялпи жамғариш 26,8 % дан 29% га, товар ва хизматлар экспорт-импорт қолдиғи -3,8% дан 2,6 % лик ижобий қолдиққа эришилади(1-расм).



1-расм. ЯИМнинг якуний истеъмол йўналишлари бўйича таркиби

Миллий иқтисодиётда ЯИМни бошқа усуллар ёрдамида ҳам ҳисоблаш мумкин. Улардан бири — даромадлар усулидир. Ушбу усулга кўра, ЯИМ — мамлакатдаги барча иқтисодий бирликлар томонидан олинган даромадларнинг йиғиндисидир. Бу нимани англатади? Маълумки, иқтисодий бирликлар турлича бўлиши мумкин: ёлланма ишчилар, тадбиркорлар, сармоя эгалари (инвесторлар), ер эгалари, акциядорлар ва ҳоказо. Ёлланма ишчилар меҳнат ҳақи кўринишида даромад олади. Тадбиркорларнинг даромад манбаи фойда, капитал эгаларининг даромади эса фоиз кўринишидаги даромадлар ҳисобланади. Ер эгаларининг даромади рента ва акциядорларнинг даромади эса дивиденд ҳисобланади. Таърифга кўра, ушбу даромад турларининг йиғиндиси мамлакатда яратилган ЯИМга тенг бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича юқорида кўрсатилган тавсияларни ҳисобга олишни статистик ҳисоблаш базасини такомиллаштиришга олиб келади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, Тошкент: 2018-йил, 29-декабрь, № 271-272(7229-7230).
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан ҳисобланган.

КОРХОНАЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ

и.ф.д., профессор Навруз-Зода Бахтиёр Негматович. БухДУ

Ҳаракатлар Стратегиясини амалга ошириш шароитида қурилиш комплексини инвестицион жозибадорлигини ошириш учун соҳани рақобатбардошлигининг инновацион ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Инновацион рақобатбардошлик нима?

Рақобатнинг новаторлик ёндашуви асосчиси Жозеф Шумпетер ҳисобланади. У ўзининг “Самарали рақобат” назариясида рақобатни “ижодий бузиш (ёмонлашиш, умирилиш, вайрон бўлиш, ҳалокат)” сифатида кўриб чиқиб, янги билан эски кураши, инновациянинг эскирган билан мусобақа” деб тавсифланган. Рақобат механизми эскирган технологиялардан фойдаланаётган корхоналарни бозордан суриб чиқаради. Рақобат инновацияларни узлуксиз жорий этиш, барча даражаларда – технологик, бошқариш ва қурилиш, кўчмас мулк сифати, кўркам уй-жойларини янги сотиш бозорларни ўзлаштиришни ташкил этишни тақозо этади.

Қурилиш комплексиди рақобатбардошликнинг ўзига хос хусусияти ва унинг саноат ҳамда қишлоқ хўжалигидан кескин фарқи шундан иборатки, рақобат бир вақтнинг ўзида бир нечта ўзаро боғланган даражаларда, жумладан макро-, мезо-, микро- ва монодаражаларда кўриб чиқилиши ва таҳлил этилишини тақозо этади. Ушбу даражаларда рақобатлашув афзалликларни таъминлай олган тақдирдагина инвестицион-қурилиш тизимда

рақобатбардошликнинг синергетик самараси намоён бўлиб, қурилиш соҳанинг янги тизимли хусусиятлари шаклланади.

Инвестицион-қурилиш тизимда рақобатбардошликнинг инновацион концепцияси, фикримизча, қуйидаги бешта таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин:

1) инновациялар билан боғлиқ бўлган ва иқтисодий ресурс сифатида қурилиш комплексида инновацион тадбиркорлиги шаклига эга бўлган *ресурс* кўринишидаги таркибий қисми;

2) инновацион кўчмас мулк сифатида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар шаклига эга бўлган *товар* кўринишидаги таркибий қисми;

3) инновациялар асосида рақобатбардошликни оширувчи омил сифатида инновацион қурилиш фирмалар шаклига эга бўлган *функционал* таркибий қисми;

4) қурилиш соҳасида техник-технологик инновацияларни амалга жорий этиш ва оммалаштириши билан боғлиқ бўлган *тижорат* таркибий қисми;

5) қурилиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг даромад манбаи сифатидаги новаторлик фазилатига эга бўлган *инвестицион* таркибий қисми.

Қурилиш комплексида инновацион тадбиркорликнинг вужудга келиши сари ҳамда рақобат назарияси ва инновациялар назарияси туташиб нуктасида янги - “*Қурилишда рақобатбардошликнинг инновацион модели*” шаклланади. Биз инновацион рақобатбардошликнинг моҳиятини рақобат назариясига инновациялар таъсири остида кўриб чиқамиз.

Қурилишда рақобатбардошлигининг инновацион моделини бошланғич нуктасини “тадбиркорлик функцияси ва инновацион жараёни билан узвий боғлиқ бўлган ҳамда инновацияларни жорий этиш йўли билан мутлақо янги бозор тахмонлари ва ҳаттоки, рақобатдан эркин бозорларни яратишга қаратилган бозор механизмининг ажралмас элементи” талқинидаги

рақобат назарияси ташкил этади. Чунки, рақобат новатор қурувчиларни энг самарали инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни жорий этишга мажбур қилади. Ушбу моделнинг иккинчи нуктасини “янги ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалга ошириш натижасида янги қурилиш хизматлари ва лойиҳаларни, инвестицион-қурилиш жараёнларни, қурилиш бизнесини юритишнинг янги услубларини яратиш” талқинидаги қурилишда инновациялар назарияси ташкил қилади. Бунда рақобатбардошликнинг инновацион концепциясини шакллантириш жараёнида инновациялар таянч асос ролини ўйнайдилар ва қурилиш тадбиркорлик субъектларидан новаторлик фазилатларини ривожлантиришни талаб этади. Бундай саъй-ҳаракатлари эвазида иқтисодиётда консерватор қурилиш фирмаларга нисбатан фаол қурилиш корхоналарнинг салмоғи кун сайин ошиб боради.

Шунингдек, қурилишда рақобатбардошликнинг инновацион моделининг иккита қарама-қарши томонларини урта ўзаро боғланадиган ва ўзаро таъсир ўтказадиган - “Қурилишда инновацион фаолияти”, “Фаол қурилиш тадбиркорлиги” ва “Қурилишда рақобат устунлик” каби ташкилий-иқтисодий воситалар тавсия этилади. Чунки, айнан қурилиш соҳасида инновацион фаолиятини амалга ошириш натижасида бунёдкорлик бизнесининг новаторлик фазилатлари ошади ва у ўз навбатида янги ғояларни қўллаш эвазига рақобат устунликка эришади. Моделдаги “қурилиш новаторлиги” тушунчаси қурилиш ишида бизнес тактикаси ва стратегиясида туб ўзгаришларни киритиш имконини бериш қобилиятини ифодалайди. Чунки, инновациялар ва рақобат назариялари туташиб нуктасида тадбиркорликнинг янги – инновацион компетентлиги шаклланадики, у янги ғояларни юзага келтириш ҳамда уларни амалга оширишидан бошлаб, янги новаторлик қурилиш материалларни яратиш ва хизматларни кўрсатишгача бўлган даврни самарали бошқариш маҳоратини билдиради.

Рақобатбардошликнинг инновацион моделида иккинчи боғланувчи ташкилий-иқтисодий восита сифатида “Фаол қурилиш тадбиркорлиги” тавсия этилади. “Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага, - қайд қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида, - қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт.”[1]

Бозор иқтисодиёти шароитида менежмент ва маркетинг тизимини ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш омилларининг таркиби ва тузилишида туб ўзгаришлар содир бўлади ва жараён қурилиш комплексидаги кадрларнинг тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантиришини таъминлайди. Рақобатбардошликнинг инновацион моделида учинчи боғланувчи ташкилий-иқтисодий восита сифатида “Қурилишда рақобат устунлик” тавсия этиладики, у инновациялар орқали қурилиш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишини таъминлайди.

Моделнинг интеграцион таркибий қисми сифатида юқорида тавсифланган унинг бешта элементлари таъсирида шаклланадиган – “Қурилишда инновацион рақобатбардошлик” мультипликатори тавсия этилади. У қурилиш комплексида инновацион фаолияти натижасида эришилган рақобатбардошлигида ўз аксини топади. Бу мультипликатор қурилиш фаолиятининг рақобат устунлигини оширишини таъминлашга қодир бўлган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тавсифлайди.

Шундай қилиб, инновацион фаоллик ва рақобат устунлик қурилиш комплексида рақобатбардошликни оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Ўзбекистонда 2016-2019 йилларда қурилиш комплексида амалга

оширилатган кўпгина новаторлик саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур соҳа рақобатсизлик даражасидан рақобатбардош даражасига ва ундан инновацион рақобатбардошлик даражасига ўтиш имконига эга бўлмоқда.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371> [28.12.2018].

КОРХОНАНИ (БИЗНЕС)НИ РИВОЖЛАНИШИ ВА БОШҚАРИШ СТРУКТУРАСИ.

Проф. Ганиев К.Б. Магистр. Ахророва С.Т

Аннотация. Ушбу мақолада “Оқ Олтин” ишлаб чиқариш корхонаси маълумотлари асосида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра олинган молиявий натижалар, корхона балансидаги активлар, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, таҳлил қилинган.

Республикамиз мустақилликга еришганидан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида иқтисодиёт тармоқларини фаолиятини еркин бозор тамоиллари асосида ташкил етиш ва мамлакат иқтисодиётини глобал дунё бозори билан уйғунлашувини тامينлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Республикамизда баҳолаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш жараёнлари қисқа муддатларда амалга оширилди дейиш мумкин. Олиб борилаётган тадқиқотим бевосита корхона билан боғлиқ булганлиги сабабли корхона фаолияти ва унинг молиявий курсаткичлари ҳақида тухталиб утишни жоиз топдим.

«Оқ Олтин» ишлаб чиқариш корхонаси 2004 йил 16 ноябр ойида ташкил этилди ва Самарканд вилояти Пастдаргом тумани хокимлиги 2102-сонли қарори билан рўйхатга олинди.

Фаолиятнинг асосий турлари – артезиан скважиналар ва сув таъминоти бошқа объектларини қуриш ва таъмирлаш, темир-бетон, темир

конструкциялар ва сув таъминоти объекларини қурилишига керак бўлган қурилиш материалларни ишлаб чиқариш.

«Оқ Олтин» ишлаб чиқариш корхонаси балансидаги асосий воситаларнинг 1 январ 2018 йил ҳолатида қолдик қиймати 320 780 минг сўмни ташкил қилади. Корхона қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун керакли машина ва механизмларга эга. «Оқ Олтин» ишлаб чиқариш корхонаси тасарруфида автомобил кранлар, қоришма аралаштирувчи механизм ва бошқа механизмлар мавжуд.

Қурилиш материаллар корхона томонидан хом-ашё биржалар ва чакана савдо дўконларидан сотиб олинади. Ундан ташқари, «Оқ Олтин» ишлаб чиқариш корхонаси балансида қурилиш материалларни ишлаб чиқариш цехи мавжуд.

Корхонанинг молиявий ҳолатини тахлили қуйидаги бўлимлардан иборат:

- корхона мулкӣ ҳолатини баҳолаш;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш;
- ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини баҳолаш;
- корхонанинг ишчанлигини таҳлил этиш;
- корхона рентабеллилигини тахлили.

Корхонанинг молиявий ҳолатини тахлили унинг мулкӣ ҳолатини баҳолашдан бошланади. Дастлабки маълумотлар корхонанинг бухгалтерия балансидан олинади. Корхонанинг мулкӣ ҳолатини қуйидаги кўрсаткичлар тавсифлайди:

1. Хўжалик воситаларнинг умумий суммаси.
2. Корхонанинг ўз маблағлари - капитали (ЎК)– баланс пассиви 1 бўлимининг умумий суммасига тенг (1П)
3. Оборотдаги ўз капитали – ўз айланма воситалари. Улар суммасини аниқлаш учун корхонанинг ўз маблағларига узоқ муддатли мажбуриятларини қўшиб, узоқ муддатли активларни айириш керак.

$$ОЎК = ЎК + УМ - 1А$$

4. Ишлаб турган капитал (Функционирующий капитал) – оборотдаги ўз воситалар ва муддати ўтган дебиторлик қарзлар айирмасига тенг: $ФК = ОЎК - МЎДҚ$

5. Жалб этилган маблағлар – узоқ муддатли ва жорий мажбуриятлар йиғиндисига тенг $= 2П$

6. Жорий активлар $ЖА = 2А$

7. Жорий мажбуриятлар (ЖМ). Уларга қисқа муддатли кредитлар, займлар, олинган бўнақлар киради.

8. Узоқ муддатли активлар – иммобилизация қилинган активлар (УМА) $УМА = 1А$

9. Узоқ муддатли мажбуриятлар.

10. Товар-моддий захиралари.

11. Тез ликвидланадиган активлар = пул воситалари + дебиторлик қарзлари – муддати ўтган дебиторлик қарзлари.

“Ок Олтин” ишлаб чиқариш корхонасининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш учун 2015-2017 йиллар маълумотларини бухгалтерия балансларидан ўртача йиллик қийматларини ҳисоблаб чиқамиз. Ушбу маълумотлар қуйида жадвалда келтирилган:

Корхонанинг молиявий барқарорлиги ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар нисбати билан тавсифланади.

1-жадвал.

«Ок Олтин» ИЧК 2015-2017 йиллардаги молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш, +-минг сўм/%		
					2016 йил	2017 йил	
					2015 йилга нисбатан	2015 йилга нисбатан	2016 йилга нисбатан
Дастлабки маълумотлар							
1	Маблағларнинг умумий миқдори	616376	1006651	1565984	$\frac{390275}{163,3}$	$\frac{949608}{254,1}$	$\frac{559333}{155,5}$
2	Ўз	463391	506090	638779	$\frac{42699}{}$	$\frac{175388}{}$	$\frac{13268912}{}$

	маблағлари				109,2	137,8	6,2
3	Жалб қилинган маблағлар	152985	500561	927205	$\frac{347576}{327,2}$	$\frac{774220}{606,1}$	$\frac{426644}{185,2}$
4	Ишлаб турган капитал	276264	272668	324975	$\frac{-3596}{98,7}$	$\frac{48711}{117,6}$	$\frac{52307}{119,2}$
Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари							
1	Автономия коэффициенти	0,75	0,50	0,41	-0,25	-0,34	-0,09
2	Молиявий барқарорлик коэффициенти	3,03	1,01	0,69	-2,02	-2,34	-0,32
3	Молиявий қарамлик коэффициенти	1,33	1,99	2,45	0,66	1,12	0,46
4	Ўз маблағлар мобиллиги коэффициенти	0,60	0,54	0,51	-0,06	-0,09	-0,03
5	Жалб этилган маблағлар коэффициенти	0,25	0,50	0,59	0,25	0,34	0,09
6	Жалб этилган маблағлар ва ўз маблағлар нисбати коэффициенти	0,33	0,99	1,45	0,66	1,12	0,46

«Ок Олтин» ишлаб чиқариш корхонасининг 2015-2017 йиллар фаолияти молиявий кўрсаткичларнинг таҳлили қуйдагиларни кўрсатди:

- Корхонанинг хўжалик маблағларининг ўртача йиллик умумий миқдори таҳлил қилинаётган даврда анча кўпайган. Воситаларни ҳаракатчанлиги ўсиб борган. Пул маблағларининг салмоғи 5,4%дан 11,5%гача кўпайган. Пул маблағлар миқдорини кўпайиши корхонанинг тўловга лаёқатлилигини оширишига олиб келади.

•корхонанинг молиявий барқарорлиги юқори даражада бўлган, лекин 2017 йилда молиявий барқарорлиги камайган.

•“Ок Олтин” ИЧК тўловга лаёқатлилиги 2017 йилда камайган бўлса ҳам, тўловга лаёқатлилиги кўрсаткичлари юқори даражада. Тез ликвидлик коэффициенти йилар давомида жуда юқори даражада. Бу кўрсаткич меъёр бўйича 0,7-0,8 оралиғида бўлиши керак. Тез ликвидлик коэффициенти 1,29 - 0,75 оралиғида бўлган.

•Корхона томонидан олинган махсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум таҳлил қилинаётган давр давомида анча кўпайган. 2017 йилда тушум 1711866 минг сўмни ташкил қилган ва 2015 йилга нисбатан 2,5 маротабага, олдинги йилга нисбатан эса қарийб 2 маротабага ошган. Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси 556 736 минг сўмни ташкил қилиб, худди шундай суръатларда кўпайган.

•“Ок Олтин” ИЧК махсулот рентабеллиги 16%-32%ни ташкил қилиб, йиллар давомида ўсган. Фойдалилик даражаси 43% -107% оралиғида бўлган.

Демак, «Ок Олтин» ишлаб чиқариш корхонасининг 2015-2017 йиллардаги молиявий ҳолати ёмон эмас, унинг рентабеллилиги юқори даражада. «Ок Олтин» ишлаб чиқариш корхонасининг рентабеллиги юқори корхоналар қаторига киради ва корхона бозор иқтисодиёти шароитида ишлай олиш имкониятига эга. Мазкур таҳлил олиб борилган тадқиқотимизнинг ососи ҳисобланади ва олинган кўрсаткичлар мултипликаторларни аниқлашда ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати.

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Тошкент. 2017 йил 16 январ. Халк сузи.

2. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И., Ядгаров В.У., Ганиева Ф.К. Оценка имущества. Тошкент «МАШХУР-ПРЕСС» 2018

3. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И., Ганиева Ф.К. Мулк ва бизнесни баҳолаш. Тошкент “Бактрия пресс” 2018-й

4. В.Ходийев, В.Беркин, А.Кравченко. Biznes qiymatini baholash.T.; — Iqtisod-Moliya”, 2007-й

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Доцент Мухаммадиев Ў.А. (СамДАҚИ)

Ҳозирги пайтда кўпчилик ташкилотларнинг асосий вазифаларидан бири бошқарувнинг реактив шаклидан фойдаланиш ва банкротликка йўл қўймасликдир.

Бошқарувга бундай ёндашув ташкилотни узоқ муддатли барқарор фаолиятини таъминламайди. Шу сабабли узоқ муддатли стратегик мақсадларни инобатга олган ҳолда, молиявий-иқтисодий ҳолатни таҳлил этиш асосида корхоналарни самарали бошқариш долзарб муаммо ҳисобланади.

Инқирозга қарши бошқарув (антикризис менежменти) деганда корхонанинг яшашига қарши хавф соладиган ҳолат тушунилади. Бундай ҳолатда асосий муаммо-бу корхонанинг яшаш учун кураши ҳисобланади. Инқирозга қарши бошқарув фаолияти корхонага хавф соладиган вазиятни таҳлил этиш, ушбу ҳолатни бартараф этишга ёрдам берадиган механизмлардан ва усуллардан фойдаланиш билан ифодаланади. М.Хаберланднинг фикрича, корхона раҳбариятининг диққат эътибори қисқа муддатли муаммоларни ечиш билан бирга тезкор ва шафқатсиз қарорларни қабул қилишга ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган.[4] Баъзи муаллифлар инқирозга қарши бошқарувни ривожланишнинг янги босқичи сифатида қарайдилар. Инқирозга қарши амалга ошириладиган тадбир-чоралар инқирозни енгишга ёки унинг салбий таъсирларини камайтиришга қаратилган бўлади.

Н. Коппа тор маънода ушбу тадбир-чораларни инқирозга қарши менежмент деб аташни тавсия қилади. [4] Инқирозни олдини олиш ва уни енгиш бўйича тадбир-чоралар мажмуасини қўллаш асосида, кенг маънода инқирозга қарши менежмент тушунчасига эга бўламиз.


М. Янике жиддий инқирозли вазиятни “Инқирозга қарши реактив менежмент”ни раҳбариятнинг асосий вазифаси сифатида аниқлайди. Инқирознинг олдини олишни эса,- “превентив (огоҳлантирувчи) менежмент” сифатида тасвирлайди.

Инқирозга қарши реактив менежмент корхонанинг инқирозгача бўлган ҳолатини қайта тиклаш учун қўлланиладиган тадбир-чоралар деб қараш мумкин.

“Корхонанинг барқарор ҳолати” деганда уни ўзини-ўзи ривожлантириш учун структурани ва иқтисодий имкониятларни сақлаган ҳолда буюртмачилар эҳтиёжига мос келадиган товарларни узлуксиз яратиш ва ишлаб чиқариш қобилияти тушунилади. Барқарорликни ушбу тарифи ўзида ишлаб чиқариш ва технологик ҳамда молиявий-иқтисодий тушунчаларни уйғунлашувини назарда тутди. Уларнинг биринчиси тизимнинг потенциалини иккинчиси эса, ундан фойдаланиш самарадорлигини ва ўзини-ўзи ривожлантириш имкониятини ифодалайди. Тизимнинг ёки уни ташкил этувчи унсурларнинг барқарорлигини чегаравий миқдорининг пасайиб бориши инқирозли вазиятни келтириб чиқаради ва корхонани банкротликка олиб келади.

Агар корхонанинг асосий мақсади фойдани яратиш бўлса, унда “Корхона барқарорлигини” режалаштирилган миқдорда фойдани яратиш сифатида тасвирлаш мумкин.

Корхонада инқироз вазиятини барқарорликка нисбатан ривожланиб бориш жараёнини қараб чиқамиз. (1-расм)



Расм-1. Корxonани барқарорлигини ўзгаришига таъсир этувчи инқирозни ривожланишини ифодаловчи график.

Корxона A нуқтагача барқарор фаолият кўрсатади ва режалаштирилган миқдорда фойда келтиради. Салбий омиллар таъсири сезиларли эмас ва фойдалилик даражасига жиддий таъсир кўрсатмайди ёки фойда салбий омилларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда режалаштирилган.

A:V муддатлар-шартли барқарор ҳолат бўлиб, инқирознинг биринчи босқичи ҳисобланади. Салбий омилларнинг таъсирида фойданинг режалаштирилган миқдори амалдаги билан мос келмайди. Компания раҳбарияти вазиятни таҳлил этиши тартиблаштирувчи чораларни амалга ошириши лозим. Ушбу босқичда рентабеллик ва фойда миқдори пасаяди.

V:D муддатни икки қисмга V:C ва C:D га ажратиш лозим. V:C корxonани барқарор бўлмаган ҳолати - бу инқирознинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Амалга оширилган тадбир чораларга қарамасдан фойда камайиб боради ва корxона зарар билан ишлайди. Ушбу босқичда корxона пул маблағларига эга бўлиб, у тўлов қобилиятини сақлаган бўлади.

C:D - инқирозли ҳолат-инқирознинг учинчи босқичидир. Корxона зарар кўришда давом этади ва тўлов қобилиятини йўқотади. Корxона критик

чегарага яқин бўлиб, ҳаттоки оддий товарларни ҳам ярата олмайди. Корхонага ишлаб-чиқаришни тўхтатиш ва банкротлик хавф солади.

Инқирозли вазиятларни босқичларга ажратиш асосида инқирозга қарши бошқарувнинг турли хил шаклини ажратиб, кўрсатиш мумкин. (1-расм)

1. Корхонани барқарор ҳолатида жорий бошқарувнинг ускунаси ҳисобланадиган инқирозга қарши бошқарувни мунтазам режалаштириш. Ушбу бошқарувнинг мақсади корхонани ривожланиш йўлидаги камчиликларни таҳлил этиш ва режадан оғишни олдини олиш.

2. Корхона фаолияти барқарор бўлмаган вазиятидаги бошқарув унинг шартли барқарор ва барқарор бўлмаган ҳолатларини камраб олади. Бунда биринчи босқич ишлаб-чиқаришни ва фойдани қисман камайишини, иккинчи босқич эса зарар билан ишлашни назарда тутди.

3. Корхонани тўлов қобилиятига эга бўлмаган ҳолатда бошқариш-уни инқироз давридаги бошқариш деб аталади. Барқарор бўлмаган ҳолатдаги бошқарувга нисбатан инқирозли вазиятдаги бошқарув шу билан фарқланади.

4. Банкротлик вазиятида бошқарув ўз моҳиятига кўра, банкротлик шартларини бажариш ва ташқи бошқарувни ташкил этиш демакдир.

Инқирозга қарши бошқарув сиёсати корхонанинг умумий стратегиясини бир қисми бўлиб, унинг моҳияти ички ва ташқи муҳит омилларини таҳлил этиш асосида инқироз вазиятини прогноз қилиш ва корхонани инқироз ҳолатидан чиқаришни таъминлайдиган тадбир-чораларни яратиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборат.

Адабиётлар.

1. Айвезян З., Кириченко В. Антикризисное управление: принятие решений на краю пропасти. М. 2015 г.

2. Уткин Э.А. Справочник антикризисного управляющего. М. Экмос 2016 г.

3. Теория и практика антикризисного управления: Учебник для вузов. М. ЮНИТИ. 2016 г.

4. Crisis Managment: A. Casebook / edited by Michael T.

ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Доцент Мухаммадиев Ў.А. (СамДАҚИ)

Ҳар қандай компания учун ўз бозор мавқеини мустаҳкамлаш долзарб муаммо ҳисобланади. Миллий бозорга хорижий товарларнинг бемалол кириб келиши ички рақобатнинг кескинлашувига олиб келади. Шу сабабли маҳаллий компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва уни аниқлаш усуллари яратиш асосий муаммолардан биридир. Ушбу ҳол компаниянинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаш талабини кўяди. Мутахассислар томонидан компаниянинг рақобатбардошлик кўрсаткичини формаллаштириш ва стратегик режалаштириш ҳамда компаниянинг оператив ҳолатини назорат қилиш унинг рақобатбардошлигини иқтисодий кўрсаткич сифатида аниқлаш ва формаллаштириш ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Масалан, фирманинг рақобатбардошлигини муайян товарларнимуайян бозорлардаги рақобатбардошлиги кўрсаткичини ўртача қиймати билан ҳисоблаш орқали аниқлашни таклиф этадиган олимлар ҳам мавжуд. Назарий жиҳатдан шунга ўхшаш лекин мураккаброқ ҳисоблаш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда нафақат компания ишлаб чиқарадиган товарларнинг рақобатбардошлик хусусиятлари балки, компаниянинг маркетинг тизими кўрсаткичлари ҳам инобатга олинади. Иккала ҳолда ҳам рақобатбардошликни аниқлаш компания товарлари сотиладиган бозорларнинг ва товарларнинг салмоғи билан аниқлаш тавсия этилади.

Бошқа муаллифлар компаниянинг рақобатбардошлигини ишлаб-чиқариладиган товарлар сифатига ва компанияни бошқаришда кўлланиладиган ташкилий-технологик механизмнинг самарадорлик кўрсаткичларига асосланган ҳолда аниқлашни таклиф қиладилар. Лекин таҳлил этилган рақобатбардошликни аниқлаш усуллари компаниянинг ҳақиқий рақобат устунлигини аниқлаб бераолмайди. Чунки компания товарларига талаб камайиб борса, рақобатбардошлик кўрсаткичи ҳам пасаяди. Компания товарларини сотилиш ҳажминикамайиб бориши бу жуда ташвишли

ҳолат ҳисобланади. Бундай ҳолатда “рақобатбардошлик кўрсаткичи”ни ҳисоблаш долзарб муаммо бўлмай қолади. Чунки вазият кескин бошқарув тадбир чораларини амалга оширишни талаб қилади. Бундан ташқари, тарихдан маълумки, компания товарлари демпинг нархларда сотиладиган вазиятлар ҳам учрайди. Ушбу ҳолда товар сотилиш ҳажми кескин ошади. Демак, товар ишлаб чиқарувчининг рақобатбардошлиги расман ошиб боради. Лекин бундай вазиятда компаниянинг рақобатбардошлиги ҳақиқатан кучайди деб айта олмаймиз.

Илмий адабиётларда компаниянинг потенциални сонлар ёрдамида баҳолаш ҳам келтирилган. Унга мувофиқ компаниянинг рақобатбардошлиги унинг хизматларига бўлган талаб – “имиж” билан баҳоланади ва иккита ташкил этувчи унсурлар яъни, рейтинг ва компания хизматларини истеъмолчилари сони билан аниқланади. Компаниянинг ижобий имижини, албатта, қўшимча истеъмолчиларни ва ҳамкорларни жалб этади ва рақобатбардошликни ўсишига олиб келади. Лекин истеъмолчиларнинг компания товарларини ёқтириши ёки ёқтирмаслиги инсонларни ҳис-туйғулари ва мулоҳазалари билан боғлиқ бўлиб, компания рақобатбардошлигини аниқлашни назарда тутаяди. Шу билан бирга истеъмолчиларнинг компания товарларини ёқтириши компания имижини каби аниқлаш мураккаб бўлган кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бунда ҳар бир гуруҳ истеъмолчилар ва баҳоловчиларнинг ўз дунёвий қадриятлари мажмуаси мавжуд.

Ҳар хил муаллифлар томонидан компаниянинг рақобатбардошлигига тегишли турли кўрсаткичлар мажмуасидан фойдаланиш механизмлари ажратилган. Ушбу таклифларнинг асосида рақобатбардошликни таърифлайдиган комплекс миқдорлар ётади. Компаниянинг рақобатбардошлигини аниқлайдиган усуллар мураккаблашиб тобора “илмий” кўриниш олаётганлиги туфайли уни амалда қўллаш имконияти пасайиб бормоқда. Масалан, мураккаб ташкилий – ишлаб чиқариш тузилмасига эга компанияларни рақобатбардошлигини аниқлаш ечиш қийин

бўлган ташкилий ва тадқиқот муаммоларига тўқнаш келади. Нобель мукофоти совриндори Г. Саймоннинг хулосалари муҳим аҳамиятга эга, унга мувофик, “бошқарув муаммолари муайян чегаравий даражага етгандан кейин уларни ҳеч бир ташкилот муваффақиятли ҳам эта олмайди”.

Рақобатбардошликни аниқлашга тегишли кенг қамровли ёндашувлар компаниянинг бошқа жиҳатлари билан боғлиқдир. Компанияни рақобатбардошлигини аниқлашга бағишланган усулларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, бунда компаниянинг рақобатбардошлиги нафақат унинг бозор мавқеи ва ишлаб чиқарадиган товарлари билан аниқланади балки, компаниянинг стратегик менежмент соҳасигатегишли бўлган муаммо ҳисобланади.

Компанияларнинг рақобатбардошлигини ва самарадорлигини оширадиган замонавий усуллардан бири маркетинг ёндашувлари ҳисобланади. Стратегик маркетингни компания учун муҳимлиги айниқса, рақобат устунлигини баҳолашда яққол кўзга ташланади. Компания менежменти келажакни баҳолашга ҳаракат қилиш жараёнида унинг олдида қатор муаммолар пайдо бўлади. Жумладан компанияни капиталлашув даражаси, компанияни йириклаштириш ёки бўлақларга ажратиш, янги бозорларни излаш, ишлаб-чиқариш менежменти ва бошқа шу кабилар. Стратегик мақсадлар учун бошқарувни амалга ошириш учун мунтазам равишда компанияни фаолият натижаларини уни рақобатчиларининг фаолият натижалари билан таққослаш ва баҳолаш лозим. Шу каби таҳлиллар муваффақиятли компаниялар фаолиятини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятини яратади. Бундай таҳлиллар асосида “энг рақобатбардош” компанияни моделини яратиш ва уни реал шароитда эмпирик синаш мумкин бўлади.

Замонавий иқтисодий жамиятнинг тарихи компаниянинг ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиш тарихидан иборат. “Адаптив тизимлар” атамаси биология билан боғлиқ бўлиб, бунда биологик тизимларнинг ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзгарувчан муҳитга мослашиши тушунилади.

Замонавий компанияларга бундай ёндошув тушунарли, чунки компаниянинг рақобатбардошлигини бошқариш пировард натижада, компаниянинг реал шароитдаги ҳолати билан уни келажакда бошқаришнинг “идеал” моделига яқинлашиши мумкин бўлади (мунтазам ўзгариб турадиган ташқи муҳитга мослашиш). Компанияни ташқи муҳитга мослашиш жараёнида унинг ресурслари муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда компанияни рақобатбардошлигини аниқлашга ресурсли ёндашув мантиқан тўғри ва рақобатбардошлик тўғрисида реал тасаввурга эга бўлиш имкониятини беради. Чунки, биринчидан, компанияни ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиш учун ресурс харажатларини баҳолаш, иккинчидан, замонавий менежментда ресурсларни бошқариш ва ресурслар мавжудлигини автоматлаштирилган усуллардан фойдаланиб, ҳисобга олиш кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли компания ресурсларини ҳисобга олиш орқали бошқаришни амалга ошириш компания рақобатбардошлигини ҳам самарали бошқариш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. Ансоф И. Стратегическое управление. М. Экономика 2009 г.
2. Армстронг Г., Вьнг В., Котлер Ф., Сандерс Д. Основы маркетинга. – М. 2016 г.
3. Белый Е., Раманова И. Количественная оценка конкурентоспособности компаний. Маркетинг. – 2012 г.
4. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность организации в условиях кризиса: Экономика, маркетинг, менежмент – М.: ИКЦ «Маркетинг» 2012 г.

КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ИНТЕГРАЛЛАШГАН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.

Доцент Мухаммадиев Ў.А. (СамДАҚИ)

Ҳозирги пайтда корхоналарда қўлланиладиган ҳаражатларни бошқариш тизими замон талабига жавоб бермаслиги кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Замонавий бозор учун ташкилот ҳаражатлари қизиқарли эмас, балки уни учун муайян рақобатга бардош берадиган товарни ишлаб чиқиш ҳаражатлари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳаражатларни интеграл бошқаруви самарасиз ҳаражатларга қарши механизм сифатида тавсия қилинади.

Ҳаражатларни бошқаришнинг амалий тамойиллари қуйидагилардир:

- ҳаражатларни бошқаришга тизимли ёндашув;
- ҳаражатларни бошқаришнинг ягона услубиятидан фойдаланиш;
- маҳсулотнинг (хизматларнинг) барча ҳаётий даври давомида ҳаражатларни бошқариш;
- маҳсулот сифатини ошириш ва ҳаражатларни камайтириш жараёнида уларни муқобиллаштириш ва уйғунлаштириш;
- ҳаражатларни камайтиришнинг самарали усулларини ва ускуналарини излаб топиш;
- ҳаражатларни бошқариш йўналишидаги ахборот базасини такомиллаштириш;
- ҳаражатларни камайтириш учун масъул ходимларнинг ва бўлимларнинг манфаатдорлигини ошириш.

Саноат корхоналарини самарали ислоҳотлаш йўлларида бири – “таъминот – ишлаб чиқиш – тахлаш – ташиш – сотиш”, мантиқий тизимини уйғунлигини ва узвийлигини таъминлашдан иборат. Замонавий иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши турли йўналишларда фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг ҳаражатларини интеграллашган ҳолда таҳлил этишни ва логистик алоқани ташкил этишни талаб қилмоқда.

Маълумки иқтисодиётда синергизм таълимоти дастлаб, ўтган асрнинг 60 йилларида пайдо бўлди. Бунда яқка корхона ичидаги ҳар ҳил фаолият турларининг ўзаро боғлиқлиги баҳоланади. Дастлабки кўринишда ушбу таълимот ишлаб-чиқариш масштаби кўламидаги тежамкорликдан кенг стратегик фаолият масштабидаги тежамкорликка ўтишини назарда тутган.

Янги замонавий ахборот технологиялари корхоналарнинг харажатларини камайтиришнинг янги ёндошувларини очиб бормоқда “Интеграция ахборот жараёнининг барча жиҳатларини қамраб олиши лозим. Бирламчи ахборотлар бир неча фаолият йўналишларида ахборотга бўлган эҳтиёжни қондирмоқда, маълумотлар ахборот каналлари орқали бир марта бир йўналишда – ҳисоблаш марказига етказилади, шундан сўнг ҳар қандай бошқарув органи ушбу ахборотларни талаб қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин”, - дейди А.Шмигель.

Корхонани бошқарув тизими доирасида харажатларни интеграллашган бошқаруви мақсадли бошқарув ва ўзини-ўзи ташкил этиш механизмлари асосида амалга оширилади. Харажатларни мақсадли бошқарув харажатларнинг тузилишини, таркибини ва шаклланишини ўзгартиришни назарда тутди. У ресурсларни ҳам интеграллашган тақсимотни назорат қилишни талаб қилади. Харажатларни мақсадли бошқариш йўналишида харажатларни пасайтириш стратегияси ва диверсификация стратегияси кенг тарқалгандир. Финляндиялик олимлар фикрича мақсадли бошқарув жараёнида натижаларни аниқлаш, вазиятни инобатга олган ҳолда бошқарув ва натижаларни назорат қилиш асосий босқичлар ҳисобланади.

Корхонанинг харажатларини интеграл қайд этишни натижавийлиги стандартларнинг мавжудлиги билан аниқланади. Ишлаб-чиқариш жараёнларини автоматлашуви корхонани бошқаришнинг янги йўллари излаб топишни талаб қилади. Масалан: 2003 йилдан Европада ISO стандартлари товар ва хизматларни яратувчилар учун жорий қилинган. Лекин бизнес жараёнларда ахборот тизимларидан фойдаланиш учун (заиф стандартлашган муайян корхонада стандартлардан самарали фойдаланиш,

учун ҳар бир фаолият йўналиши учун) харажатларни интеграллашган бошқарув жараёни ва стандартларни қўлланиш соҳалари аниқ белгиланиши лозим.

Корхонани масъулият марказлари бўйича бошқарувини ташкил этиш тадбиркорлар ва менежерлар учун яна бир истиқболли йўналиш ҳисобланади. Корхонанинг ташкилий структурасига мос равишда жавобгарликни бошқарув марказлари бўйича аниқлаш ҳар бир функционал бўлим ва унинг таркибидаги ходимларнинг жавобгарлигини бир-бирига боғлаш ҳамда умумий натижаларда бўлимларнинг ва ходимларнинг улушини аниқлаш имконини беради. Айнан интеграллашган ёндашув ташкилотнинг таркибий унсурларини самарали фаолиятини ташкил этиш истиқболини яратади.

Харажатларни интеграллашган бошқаруви ҳисобига корхонанинг муҳим мақсадлари бажарилади:

- харажатларни тежайдиган бошқа корхоналар ҳисобига фойдаошади;
- харажатларни пасайтириш ва дефференция ёрдамида ижобий молиявий натижаларга эришилади;
- корхонани узоқ ва қисқа муддатли ривожланиши маҳсулотнинг ҳаётий даврини муқобиллаштириш ҳисобига эришилади;
- масъулият марказларини яратиш орқали бошқарувининг сифатини ва самарадорлиги ошади;
- корхонада ишлаб чиқариладиган товарларни ва хизматларни кузатиш, сифатини таҳлил этиш асосида унинг рақобатбардошлиги оширилади.

Харажатларни интеграллашган тизимини яратиш бошқарувнинг мувофиқлаштириш функциясининг моҳиятини кенгайтиради ва корхонанинг ишлаб чиқариш технологик ва иқтисодий бўлимлари ўртасида талаб қилинадиган алоқани таъминлайди. Интеграллашган қайд этиш ахборотларни қайта ишлашни амалга ошириш доирасида корхонани турли бўлимлари ўртасида ўзаро уйғунлашган ва самарали хатти ҳаракатларни, иқтисодий кўрсаткичларни ҳар томонлама чуқур ва ҳамма фаолиятларни қамраб оладиган таҳлилларни ва баҳолашларни бажаришга асос бўлади.

Адабиётлар:

5. Ансоф И. Стратегическое управление. М. Экономика, 1989 г.
6. Лебедев В.Г., Дроздова Г.Г. Управление затратами на предприятии. СПб.: Бизнес пресса, 2013 г.
7. Управление по результатам Пер. сфинского Издательство «Прогресс», 2016 г.
8. Шмигель А.Д. Организация бухучета в промышленности. Киев. Вища школа, 2018 г.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ

*Доц. Турдибеков Ҳ.И. (СамДАҚИ)
Қурбонов Х. 302-Мен гуруҳи талабаси
Каримова Г., 201 КМЭваУБ гуруҳи талабаси*

Кейинги икки йил давомида мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли халқимиз ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда, унинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалмоқда. 2018 йил – “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширилди. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ривожланишга катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Инновациянинг асосий йўналишлари маҳсулот ва хизматлар, ишлаб чиқариш технологияси ва бошқарув жараёнларига янгилик жорий этишга қаратилган бўлиб, ҳозирги пайтда маҳаллий корхоналарда бошқарувга инновацияларни жорий этиш эътибордан четда қолмоқда. Ҳозирги пайтда замонавий иқтисодиётга оид адабиётларда корхона миқёсида қўшимча қиймат яратишга қаратилган барча жараёнлар бизнес жараёни сифатида талқин этилади. Кўпчилик раҳбарлар рақобатчилар билан муваффақиятли

кураш олиб бориш учун корхона фаолиятининг барча соҳаларида, хусусан маҳсулот сифатини ошириш, харажатларни қисқартиш, янги маҳсулотни ўзлаштириш муддатларини камайтириш, мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўналишларида янгилаш жараёнларини амалга ошириш кераклигини англаганлар. Замонавий корхоналарда бизнес жараёнларни янгилашда асосий эътибор алоҳида функционал бирликлардан корхонанинг бутун структурасига қаратилмоқда.

Бизнес жараёнларини янгилаш ҳаракатининг асосчиси Майк Хаммер бу жараённи «Бизнес жараёнлари самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари, яъни сифат, нарх, хизмат кўрсатиш, тезликни сезиларли яхшилаш учун бизнес жараёнларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва лойиҳалаш» деб таърифлайди. Бу ёндашув охириги 30 йил ичида амалиётга жорий этилган бўлиб, ячейкали ва тўлиқ юкланмаган ишлаб чиқариш, гуруҳли технологиялар ва тортиб олувчи ишлаб чиқариш тизимларида бизнес жараёнларини янгилаш асосида вужудга келган. Дастлабки пайтларда асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнларини янгилашга қаратилган бўлиб, бу корхонанинг ички фаолиятини яхшилаш имкониятини берган. Лекин ҳар доим ҳам юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бозорда юқори натижаларга эришишни аниқлатмайди.

Кейинчалик истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган функцияларро ва ташкилий жараёнларга ҳам эътибор кучайтирилди. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва кенг қўлланилиши билан хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳам янгиланиш жараёни тезлашди. Ҳозирда бу ҳаракат глобал миқёсда авж олган бўлиб, Япония, Сингапур, АҚШ компаниялари бу соҳада етакчи ҳисобланади.

Бизнес жараёнларини янгилаш истеъмолчилар эҳтиёжлари асосида технологик ишлаб чиқаришни қайта лойиҳалашдан иборат бўлиб, сифат, тезлик, янгиликларини жорий этиш даврийлиги, индивидуаллик ва хизмат кўрсатиришни такомиллаштиришга қаратилган.

Бунда иш юритишда инновацияларни жорий этишнинг асосий етти қонидаси таклиф этилган бўлиб, топшириқни ким, қачон, қаерда бажариши,

ахборотларни қандай қилиб тўплаш ва умумлаштириш масалаларига аниқлик киритади:

1.Топшириқларнинг ижроси эмас, натижасини таъминлаш лозим. Бунинг учун жараён алоҳида ихтисослашган топшириқларга ажаратилмасдан, алоҳида шахс ёки гуруҳ томонидан амалга оширилишини таъминлаш керак.

2.Жараённи такомиллаштириш унинг ижрочилари томонидан амалга оширилиши лозим. Натижада топшириқ жараёнга ва унинг мақсадига бевосита алоқадор бўлган ходимлар томонидан амалга оширилади.

3. Ахборотни қайта ишлаш натижаларини ахборот тўпланган жараёнга жорий этиш керак, яъни ахборот тўплаган ходимлар уни ўзи қайта ишлаши керак.

4.Географик жиҳатдан тарқоқ ресурсларга марказлашган ресурслар сифатида қараш. Замонавий ахборот технологиялари номарказлашган жараёнларни марказий бошқарув орқали бир вақтнинг ўзида назорат қилиш имконини беради.

5. Параллел фаолият турларини бирлаштириш, уларнинг натижаларини эмас. Бу ёндашув жараёнларни амалга оширишда параллел фаолият турларини ўзаро боғлашни ва узлуксиз равишда мувофиқлаштириб туришни назарда тутаяди.

Юқоридаги тамойилларнинг қўлланилиши ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни назарда тутсада, фақат замонавий воситаларнинг ўзи бизнес жараёнларни янгилаш ва ишга ижодий ёндашиш учун етарли бўлмайди. Бизнес жараёнларни янгилаш бўйича юқори натижаларга эга бўлган фирмалар тажрибаси кўрсатишича, самарали бизнес маданиятини шакллантиришда интизом (топшириқларни ихтиёрий равишда бажариш), қўллаб-қувватлаш (ўқитиш, ёрдам ва раҳбарлик), ишонч (бошқарувнинг ошкоралиги, бошқарувда иштирок этиш) ва ҳаракатчанлик каби хусусиятларга асосий эътибор қаратиш лозим:

Янгилаш ўз ичига янгилаш сабабларини асослаб бериш; янгиланиши керак булган жараёнларни аниқлаш; янгиланишни жорий этиш имкониятларини

баҳолаш; мавжуд жараённи таҳлил қилиш; янги жараён лойиҳасини ишлаб чиқиш ва янгиланган жараённи жорий этиш каби босқичларни олади. Бунда жараённи янгилаш воситалар ва усуллардан тўғри фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бизнес жараёнларини янгилашнинг турли шароитларга мос келувчи бир қатор воситалари мавжуд:

1) индуктив фикрлаш маълум ёки яширин муаммоларнинг аниқ ечимини топишда қўлланилади;

2) блок-схемалар тузиш янгиланишнинг бошланғич даврида асосий восита ҳисобланади;

3) жараённи ижодий қайта лойиҳалаш. Турли хатоликларнинг таҳлили ва тахминий ғоялар, жараённи янгилашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш имконини беради;

4) жараён эталони (намунаси). Эталон ёндашувига асосан рақобат курашидаги лидерларнинг асосий хусусиятларини намуна, ёки эришиш керак бўлган натижа сифатида қабул қилиш мумкин (баъзида ташқи стандартлар амалда бўлмаслиги ҳам мумкин);

5) моделлаштириш жараёнларини тушуниш учун узлукли ҳодисани компьютерли моделлаштириш ва анимация усулларидан фойдаланиш самаралидир. Бу жараён ҳақида яққол тасаввурга эга бўлиш имконини беради;

6) бизнес жараёнларни янгилаш учун дастурий таъминот. Ҳозирги пайтда жараёнларнинг батафсил технологик харитасини тузиш таҳлил қилиш ва янгиларини лойиҳалаш имконини берувчи кучли компьютерлар ва дастурий таъминот мавжуд. Асосан бу дастурлар АҚШ мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган услубият асосида вужудга келган.

Бизнес жараёнларни янгилаш мукамал асосга эга ижобий концепция ҳисобланса-да, корхонадаги барча хавф-хатарларни бартараф эта олмайди. Ҳар қандай бошқарув усуллари каби бу ҳолда ҳам танланган воситаларни амалиётда қўллай олиш муҳим аҳамиятга эга. Бизнес жараёнларини янгилаш асоси бўлган компьютер технологиялари соҳасида юқори натижаларга эришилмоқда. Бу эса яқин йилларда янгиланиш руҳининг барча

ташкilotларга кириб боришидан далолат беради. Глобаллашув жараёни ривожланган ҳозирги даврда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхона бизнес жараёнларини такомиллаштириш борасида етарли тажрибага эга бўлиши унинг рақобатбардошлигини таъминлашга асос бўлади. Бунда бошқарув жараёнларига инновацияларни қўллаш имконияти чекланган корхоналар модернизациялашга, яъни етакчи компаниялар тажрибаларини ўзлаштиришга эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқ.

ХИЗМАТ КўРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ ЙўЛЛАРИ

доц. Турдибеков Ҳ.И. (СамДАҚИ)

Узоқов Хуриид, Мен-302 гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири инновацион жараёнларга эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар амалиёти кўрсатишича, айнан мазкур соҳа иқтисодиётнинг ўсиши, фаолликнинг ошиши ва бандлик таркибида сезиларли улушга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги пайтда саноатда кенг қамровли кескин ривожланиш учун етарли моддий ва илмий-технологик ресурсларга эга бўлмаган кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти хизматлар соҳасидаги инновацион ривожланиш ҳисобига ўсишга эришмоқда. Ўзбекистон Республикаси учун хизматлар соҳасида инновацияларни ривожлантириш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бунда айнан хизматлар соҳасидаги инновациялар саноатдаги инновацион жараёнларга нисбатан юқори самара бериши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, дунё тажрибасига кўра, мамлакатнинг барқарор ривожланиши асосан унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига боғлиқ. Бу ўз навбатида мамлакатда илмий-техникатараққиётининг юқори даражада таъминланганлиги билан боғлиқ. Инновациялар оқимининг доимий ошиб бориши интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Инновация тизимли хусусиятга эга бўлиб, ташкilotнинг ишлаб чиқариш, ташкилий ва

ижтимоий-иқтисодий таркибининг ўзгаришига олиб келади. Бир қатор илмий тадқиқотларда инновация ишлаб чиқариш категорияси сифатида ўрганилиб, унинг хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги аҳамияти эътибордан четда қолди. Америкалик иқтисодчи олим М.Портернинг фикрига кўра, “Муваффақиятга эришган компаниялар турли стратегияларни қўлласаларда, уларнинг ривожланиш хусусиятлари деярли бир хил. Улар рақобатда устунликка инновациялар асосида эришадилар, янги технологиялар билан бирга фаолиятнинг янги усуллари хам қўллайдилар”. Жаҳон хизмат кўрсатиш бозорининг ривожланишида илмий-техник тараққиёти муҳим ўрин тутди. Бу ўз навбатида қуйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- охири йилларда транспорт харажатларининг кескин пасайиши хизмат кўрсатувчилар ва унинг харидорларининг ҳаракатчанлик даражасининг ошишига имкон берди. Йўлдошли алоқа, интернет ва рақамли технологияларнинг ривожланиши сотувчи ва хизматлар истеъмолчисининг бевосита шахсий мулоқотидан воз кечиш имкониятини туғдирди;

- телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида технологик жараёнларнинг ўсиш суръатларининг тезлашуви хизматлар билан савдо қилишнинг янги шакллари вужудга келишига сабаб бўлди;

- технологик тараққиёт илгари товар шаклига эга бўлган хизматларга (молия, банк, суғурта хизматлари) бўлган талабнинг ошишига олиб келди.

Давлат сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасига эътиборнинг кучайиши натижасида инновацияларга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича фаол изланишлар олиб бориш имконияти яратилди. Мамлакатда хизматлар соҳасида инновацион стратегияни шакллантиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб қуйидаги ҳолатлар ҳисобланади:

- 1) юқори билим талаб қилувчи хизматлар ҳажмининг ошиши;
- 2) хизматлар соҳасида инновацион фаолликнинг кучайиши;
- 3) амалиётда техник хусусиятларга эга бўлмаган инновациялар улушининг юқорилиги.

Шу ўринда хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион ривожланиш атамасига изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион ривожланиш деганда мазкур соҳада барча турдаги янгиликларни жорий этиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда инновацияларни рағбатлантирувчи шароитларни яратиш ҳамда бу жараёнда давлат томонидан қўлланиладиган мувофиқлаштирувчи усуллар йиғиндиси тушунилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновациялар янги хизматларни шакллантириш, уларни қўллаш соҳасини кенгайтириш, хизмат кўрсатишнинг янги усуллари жорий этишга қаратилган. Ишлаб чиқариш соҳасидаги инновациялар эса маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларини, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни жорий кабиларни ўзида ифодалайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацион жараённинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) илмий тадқиқотлар, муаллифлар ва янгиликни жорий этувчи тузилмалар ўртасидаги даромадни тақсимлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

б) фирманинг рақобатбардошлигини ошириш учун технологик трансфертни жадаллаштириш;

в) интеллектуал мулк объектларини яратувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Маълумки, хизматлар соҳасида инновацион фаолиятда икки стратегик мақсад, яъни хизматлар ассортиментини кенгайтириш ва хизматлар сифатини яхшилаш устувор ҳисобланади. Ҳозирги ўзгарувчан иқтисодий вазият шароитида бу мақсадларни таъминлаш учун қисқа муддатда максимал даражада мумкин бўлган миждозларни жалб этиш зарур. Замонавий инновацион фаолият интеллектуал маҳсулот ривожланишининг бир қанча босқичларини ўз ичига олади:

а) фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш натижасида интеллектуал маҳсулот яратиш;

б) оммавий ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида интеллектуал маҳсулотнинг тижоратлашуви;

в) бозорда юқори тижорат самарасига эга интеллектуал маҳсулотнинг тармоқдаги компаниялар ўртасида жорий этилиши.

Рақобат курашининг кучайиши натижасида хизмат кўрсатувчи корхонанинг моддий элементларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берувчи интеллектуал активларнинг ахамияти ошади. Билим ва кўникмаларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган соҳалар – фан, таълим ва юқори технологияли тармоқларнинг ривожланиш даражаси нафақат барқарор иқтисодий ўсиш, балки ижтимоий ўзгаришлар жараёнида давлат ва ташкилотларнинг тараққиёт даражасини белгилаб беради.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: «БУЛУТ»- ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ёрбеков Я. (ф.м.ф.н., доц.), Ражабов Н.А. (ф.м.ф.н., доц.) СамДАҚИ

Аннотация. *Булут технологияси* – ҳозирги кунда замонавий ахборот технологияларининг энг илғор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолада «булут» технологиясининг таълим соҳасига ўқитувчилар томонидан қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги ва унинг имкониятлари кўрсатилган. Шунингдек бу технологиянинг ўзига хос томонлари ва аломатлари келтирилган.

Калит сўзлар: булут, технология, ахборот, интернет, «pool», булутли ҳисоблаш.

Ҳамма нарса ўзгармоқда, дунё жойида турмайди, худди шундай кўпчилик фойдаланувчилар ҳам интернетга бўлган мунособатини ўзгартирмоқда. Жумладан энди улар интернетдан фойдаланишнинг ва файлларни тармоқда сақлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқишди.

Замоновий ахборот технологияларда ҳам “Булут“ технологияси деб аталувчи технология пайдо бўлди ва у шу заҳотиёқ бутун дунёда энг илғор технологияга айланди.

«Булут» технологияси - бу интернет тармоғида сақланувчи бизнинг маълумотларимизнинг электрон базаси бўлиб, у бизнинг маълумотларимизни сақлаш, таҳрирлаш, қайта ишлаш ҳамда қизиқарли файллар билан ишлаш ва дўстлар билан фикр алмашишни таъминлайди.

Бу технологиянинг мазмуни шуки - энди чекли фойдаланувчилар учун масофавий динамик хизмат кўрсатишнинг янги ёндашув концепсияси ишлатила бошланди.

Гап шундаки, тармоқ ресурсларини бошқаришнинг модели янгича амалга оширила бошланди. Чунки ҳамма замонавий компьютер маҳсулотлари харидорлари доимо компьютернинг техник таъминотига янги талаблар қўйишади. Ана шу талабларни қондириш учун «Булут» технологияси ишлаб чиқилган.



Энди бу технология жуда катта хотира ресурсларига эга бўлади. Фойдаланувчи ўз ишчи столига – интерфейсига эга бўлиб, керакли дастурларни шу интерфейсда бошқариши мумкин. Фойдаланувчининг ҳужжатларини ҳажми энди муаммо туғдирмайди. Фойдаланувчи ўз компьютерини хоҳлаган вақтда ўзгартириши мумкин, фойдаланувчи доимо онлайн жойини ўзгартириши мумкин. Бу технологияда фойдаланувчи ҳужжатларини сақлаш ҳамда ҳимоялаш осон бўлади ва вируслардан ҳам ҳимояланади.

Фойдаланувчи ахборотларини ҳимоялаш бу технологиянинг ўзининг тадбиқ қилиниши билан амалга оширилади. Бу «Булут» технологиясининг ютуғи деса ҳам бўлади. Шундай бўлсада ана шу концепцияни ҳозирги вақтда

танқид қилишмоқда. Бизга маълумки ХХІ аср - кўпчилик аналитиклар томонидан юқори технологиялар ва оммавий коммуникациялар асри деб эълон қилинмоқда. Ҳозирги вақтда бизнинг ҳаётимизни ўзгартиришда, электрон қурилмаларсиз яъни компьютерлар, ноутбуклар, планшетлар, мобиль телефонларсиз кўз олдимизга келтира олмаймиз. Бу асрнинг охириги йилларида компьютер технологиялари «Булут» технологиялари ҳисобига янги ривожланиш босқичига кўтарилди.

Биз ушбу мақоламизда қуйидаги саволларга жавоб келтиришга ҳаракат қиламиз: «Булут» технологияси моҳияти ва унинг бизга келтирадиган ёрдамчи воситалари.

Ишимизнинг мақсади: «Булут» технологиясининг, булут сервисларининг моҳиятини ўрганиш, унинг самарадорлигини ўрганиш, жумладан масофавий таълим масалаларида қўллашни ўрганиш.

Бугунги кунда айнан «Булут» технологиясидан Facebook, Amazon ва Twitterларда самарали фойдаланилмоқда.

«Булут» технологияларининг ўзига хос хусусиятлари:

1. Сервис модели хизмати (Тармоқ моделлари ва уларнинг заҳиралари шу захотиёқ бажарилишга ростланувчи «pool» лар шаклида қаралади); *Ингл. Pool- Булут технологиясида ахборот алмашув маълумотлар оқимини интернет тармоғи орқали олиш ва қайта ишлаш “Pool” оқими деб аталувчи тушунча билан маълум.*

2. Фойдаланувчилар сервислар конфигурациясини онлайн тарзда мустақил ўзгартира олиши мумкин;

3. «Pool» хизматлари бошқариш жараёнини юқори даражада автоматлаштирилиши;

4. Мавжуд ресурсларнинг фойдаланувчиларга динамик тақсимланилиши;

5. Мавжуд тармоқ технологияларидан фойдаланаолиши («Булут»га рухсат этилиши);

6. «Булут» технологиясидан фойдаланишда на фақат физик қурилмаларга харажатлар камаяди, балки маълумотларнинг глобал бирлашиши ҳам амалга оширилади.

Мисол сифатида корхона учун корпоратив ахборот «Булут» технологиясини яратишни кўрайлик.

Ахборотлар «булут» модел кўринишда ПК ларда виртуал серверда яратилади.

Бизнинг мисолимизда қуйидаги масалалар қаралган:

- «Булут» технологиясининг назарий томонларини аниқлаш;
- «Булут» маълумотлар базасининг концептуал моделини яратиш;
- «Булут» дастурий таъминотига эга бўлган виртуал машина яратиш ва уни корхонада қўллаш;
- Тадқиқот объекти предмети сифатида корхонанинг ахборот корператив муҳити олинади.

«Булут» технологиялари тўғрисида умумий тушунчалар.

«Булут» технологиялари— бу замонавий ахборот технологияларнинг энг кенг тарқалган ва энг самарали тармоғи ҳисобланади.

Булутли ҳисоблашлар— бу шундай ахборот-технологик концепцияки, у умумий талаб асосида шаклланувчи тармоқ ресурсларига рухсат этилишларни конфигурация қилади ва бу имкониятлар провайдерлар қиладиган ишини минималлаштиради.

Аввало биз «Булут» технологияларининг қисқача характеристикалари билан танишамиз:

—умумий «pool» талабига асосан қулай тармоққа рухсатни таъминловчи модель билан таъминлаш (масалан, ахборот узатиш тармоқлари, серверларда ахборотларни сақлаш ва х.к.о.).

«Булут» термини интернетни компьютер тармоғи диаграммасида ифодалашни англатувчи метафора сифатида ишлатилишини билдиради.

Булутли ҳисоблашлар тушунчаси АҚШ миллий стандартлари томонидан киритилган .

«Булут» технологиясининг ўзи эса йўқ жойдан пайдо бўлган эмас ва у ахборот технологиялари соҳасида концепсуал янгилик эмас. Булутли хизматлар икки катта йўналишлар учрашиш жойида пайдо бўлди. Улар маълумотлар базасини ва хостинг хизматлари учрашган жойида ҳосил бўлди. Шу нарса муҳимки, сервер юкламаларининг оширилиши жараёнида бу технология автоматик тарзда керакли қувватларни виртуал машинадан ажратади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни ахборот тизимларининг ҳамма иловалари ва воситалари ҳар бир ПК га ва унинг конфигурациясига боғлиқ бўлмасдан бажарилади. Аммо ахборот булутли ажратилган сервер сифатида фойдаланилмай умумий руҳсат этишлар тармоғини ташкил этади.

«Булут» технологиясининг фарқланиш хусусиятлари:

1. Бу технологияда хизматнинг сервис модели ишлатилади (Сервис модели - тармоқда ишлатиладиган тармоқ ресурслари «pool» дан фойдаланилади);
2. Ўз - ўзига хизмат (фойдаланувчилар ўзларининг сервис хизматларини ўзларига мос равишда онлайн режимида конфигурациялашлари мумкин);
3. «Pool»дан фойдаланишни юқори даражадаги автоматлаштирилиши;
4. Эластиклик (мавжуд ресурсларнинг фойдаланувчилар учун динамик тақсимланиши);
5. Бу технологияда мавжуд компьютер тармоқ технологиялари ишлатилади.

«Булут» технологияларини яхлит текис маҳсулот деб бўлмайди, чунки «Булут» одатда икки позицияда қаралади: ташқи ҳамда ички дастурий ва аппарат таъминоти билан. Ташқи таъминот фойдаланувчи билан ахборот алмашувни қамраб олади, ички таъминот эса дастурий таъминотини қамраб олади. Бундан қуйидаги келиб чиқади «Булут»да ташқи таъминот билан фойдаланувчи орасидаги ахборот алмашинувини ва ҳимояланишни таъминлайди. Бу технологияда «Булут» технологияси иккита катта қисм тизимлардан ташкил топади. Бу технологияда асосий масала бу фойдаланувчилар томонидан Интернет ресурсларни ва тармоқ ресурсларини сўровлар орқали бошқариш ҳисобланади. Чунки улар бир жинсли бўлмаган

ахборотларда Интернет сўровлар бир хил ўлчамда эмас . Бу ҳолда серверни виртуализация қилиш талаб қилинади.

Ҳозирги вақтда серверларнинг ҳаммаси приоритетли равишда сўровларга боғлиқ ҳолда ахборот узатишни таъминлайди.

Ҳамма бошқа технологиялар сингари бу технологияда ҳам ўзига хос параметрлар мавжуд:

Рухсат этилганлик – Интернет қаерда бўлса ўша ерда булут технологиясини ўрнатиш мумкин.

Арзонлиги – Хизмат нархининг пастлиги.

Хисоблаш ресурсларининг чекланмаганлиги.

Барқарорлиги –Интернет каналининг юқори ўтказувчанлик имконияти.

Хавфсизлиги –оддий хавфсизликга қараганда юқорироқ хавфсизликга эришилади.

Тармоқ билан доимий алоқада бўлишлик.

Дастурий таъминот – фойдаланувчига фақат «Булут»га кирган дастурий таъминотларгина рухсат этилади.

Конфиденциаллик – ҳозирги вақтда 100 % конфиденциалликга эга бўлган хавфсизлик мавжуд эмас.

«Булут» технологиялари - бу ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун жуда қулай муҳитдир. Бу муҳитда ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш амалга оширилади. Бу муҳит ўзида маълумотларни қайта ишлаш ва сақлашнинг аппарат воситаларини ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда «булут» технологиялари деярли ҳамма соҳаларда ишлатилиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирошина А. О. Возможности VMware по организации эластичного облака для интернет проектов (IaaS) / А. О. Мирошина– М.: ЭКОМ, 2002.

2. Вычисления в облаке [Электронный ресурс] – Сайт "Открытые системы" osp.ru. – Режим доступа: <http://www.osp.ru/os/2010/01/13000677/>. – Дата доступа: 16.11.2013

ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК МОДЕЛ ЁРДАМИДА МЕВА ВА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

*Рахимов А.Н - катта ўқитувчи, Акбаров Ҳ.Ў - катта ўқитувчи
Самарқанд ветеринария медицинаси институти*

Аннотация: Ушбу мақолада мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта тайёрлаш ва етказиб бериш масаласи кўриб чиқилган. Иқтисодий-математик модели алоҳида-алоҳидагуруҳларга аратилиб тузилган. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-математик модели тузилган ва ишлаб чиқаришда оптимал фойда олиш кўрсатилган.

Калит сўзлар: модел, моделлаштириш, модернизация, оптималлаштириш, технология, фойда.

Маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар етиштирган маҳсулотларини бозор орқали истеъмолчиларга таклиф этиш ва сотиш натижасида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатларини қоплаши ва маълум миқдордаги фойдага эга бўлиши лозим. Ушбу фойда миқдоригина ишлаб чиқаришнинг келажакдаги “тақдирини” (истикболли ривожланиши ёки инқирозга юз тутишини) ҳал этувчи омил ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш борасидаги кооперация жараёнларига умумий ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасининг хизмат кўрсатиш бўғини корхоналари (маҳсулотни тайёрлаш, сақлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган хизматлар) билан ёки кўп сонли мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ягона мақсад йўналишидаги ўзаро манфаатли ва эркин равишда бирикиши жараёни сифатида қараш мумкин.

Биз қаралаётган масалада Самарқанд вилоятида қайта ишлашни оптималлаштиришни мисолида кўриб чиқамиз. Оптималлаштиришни амалга оширишда корхоналарни қайта ишлаш линиялари аниқланади, кейин хом-ашё ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг мева сабзавот ишлаб чиқариш режалари аниқланади.

Натижада масалани ечишда хом-ашё ишлаб чиқарадиган хўжаликларни режалари излаб топилади. Моделда хом-ашё ишлаб чиқарувчи хўжаликлар билан хом-ашёни қайта ишлаш корхоналари интеграцияси ишлаб чиқарилади. Иқтисодий-математик моделда бир нечта математик тенгламалар тузилади ва улар қуйидагилардан иборат бўлади:

-мева ва сабзаёт хом-ашёларининг консерва маҳсулотига ишлаб чиқарилишига боғлиқ оптимал варианти аниқланади;

-қайта ишлаш корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини чекланиши аниқланади;

-мева ва сабзаёт маҳсулотларини турлари бўйича оптимал ишлаб чиқарилиши аниқланади;

-маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари талабига кўра мева ва сабзаёт хом-ашёси билан таъминланиши аниқланади;

-маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш харажатлари йиғиндиси;

-маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш натижасида олинган фойдани аниқлаш, шунингдек, бу моделда ишлаб чиқариш муддатига боғлиқ бўлган маҳсулот миқдори ва улгуржи сотиш баҳоси аниқланади.

Хом-ашё ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш режасига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулот қуйидагига боғлиқ бўлади:

-қайта ишлаш корхонаси тури ва унинг қуввати.

Хом-ашёни қайта ишлашни алоҳидалаштириш минимал харажатни талаб қилади:

-қайта ишлаш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни мураккаблаши ва уни ривожлантириш истиқболлари маълумотлари;

-сабзаёт ва мева ишлаб чиқариш табиий мураккаблиги шароитлари маълумотлари.

Юқоридаги маълумотлар хом-ашё ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш турлари бўйича технологик хариталарни яратиш имкониятини беради.

Маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарининг асосий кўрсаткичлари қуйидагича ифодаланади:

-консерва маҳсулотларини турлари;

-бир бирлик консерва ишлаб чиқариш учун керак бўлган хом-ашё миқдори;

-консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва муддати;

-бир бирлик консерва ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатлар;

-турли хил консервалар ишлаб чиқариш учун қилинадиган харажатлар;

Сабзавотчилик ва мевачилик иқтисодий коэффициентлари қуйидаги маълумотлардан иборат:

-турлар бўйича сабзавот маҳсулотлари ҳосилдорлиги;

-бир бирлик мева ва сабзавот ишлаб чиқариш харажатлари;

-қўйилган технологиялар бўйича мева ва сабзавот ишлаб чиқариш ҳажми;

-мева ва сабзавот маҳсулотларини соф ҳолатда сотиш баҳоси;

-хўжаликда мева ва сабзавот экинлари майдонини кенгайтириш истиқболлари;

-хўжаликларда мева сабзавотларни самарадорлик характеристикаси.

Иқтисодий-математик модел бўйича қайта ишлаш корхоналарини оптимал режасини аниқлаш мураккаб масалалардан ҳисобланади.

Қабул қилинган критерия бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, хўжалик ва қайта ишлаш корхоналарида ишловчи ходимларни эҳтиёжини қондиришни оптимал режаларини аниқлаш шарти яратилади.

Моделни тузиш учун қуйидаги белгилашлар қабул қилинган:

$(1,2,3,\dots,n1)$ -консервалаш учун қўйилган сабзавотларни индекслари (N1);

$(n1+1,2,3,\dots,n2)$ - консервалаш учун қўйилган меваларни индекслари (N2);

$(n2+1,2,3,\dots,n3)$ -турли хил консерваларнинг ўзгарувчилари индекси (N3);

Маҳсулот ўзгарувчиларининг индекслари қуйидагилардан иборат:

$(1,2,3,\dots,m1)$ -консерванинг турлари бўйича ўзгарувчилар индекси;

$(1,2,3,\dots,m2)$ -фойдаланилган ерлар ўзгарувчиси индекси;

$(1,2,3,\dots,m3)$ -моддий пул харажатлари ўзгарувчиси индекси;

(1,2,3,...,m4)-қайта ишлаш учун керакли сабзавот ва мева ўзгарувчиси индекси;

(1,2,3,...,m5)-консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзгарувчиси индекси;

P-ишлаб чиқариш харажатлари чегаралари.

Масалани иқтисодийматематик моделлари ўзгарувчилари;

x_j – ишлаб чиқариш харажатлари;

$a_{ij} - i$ – турдаги мева-сабзавот хом-ашёсидан j – турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш;

$v_{ij} - i$ – турдаги мева-сабзавот хом-ашёсидан b_j – турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳосилдорлиги;

$b_i - i$ – тур ресурс ҳажми;

$B_i - i$ – тур ресурсдан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

$w_j - j$ – тур консервалар ишлаб чиқариш ҳажми;

$c_j - j$ – маҳсулотнинг бир бирлик миқдори;

$c'_j - j$ – харажат бўйича ишлаб чиқарилган бир бирлик маҳсулот миқдори;

Қўйилган шартлар бўйича мева сабзавотчилик ва боғдорчилик соҳасида консерва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни оптималлаштиришнинг иқтисодий-математик моделини тузамиз.

Қаралаётган масалада мақсад фойдани максималлаштиришдан иборат бўлади.

$$F_{\max} = \sum_{j=1}^{n1} \sum_{j=n1+1}^{n2} \sum_{j=n2+1}^{n3} c_j x_j - c'_j x_j = 0$$

F_{\max} – функция куйидаги шартларни қаноатлантиради:

1) Консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш:

$$\sum_{j=1}^{n1} \sum_{j=n1+1}^{n2} v_{ij} x_j - \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \leq 0$$

2) Консерва маҳсулоти ишлаб чиқариш учун мева-сабзавот маҳсулотларидан фойдаланиш:

$$\sum_{j=1}^{n3} a_{ij} x_j \leq w_j$$

3) Сабзавот ва боғ экилган майдонлар ўлчами:

$$\sum_{j=1}^{n1} \sum_{j=n1+1}^{n2} v_{ij} x_j \leq b_i$$

4). Кафолатланган консерва маҳсулотлар миқдори:

$$\sum_{j=1}^{n1} v_{ij} x_j \leq w_j$$

5) Ишлаб чиқариш харажатларидан фойдаланиш шarti:

$$\sum_{j=1}^{n1} \sum_{j=n1+1}^{n2} \sum_{j=n2+1}^{n3} c_j' x_j - \bar{x}_j = 0$$

6) Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотни пулда ифодаланиши:

$$\sum_{j=1}^{n1} \sum_{j=n1+1}^{n2} \sum_{j=n2+1}^{n3} c_j' x_j - \bar{x}_j = 0$$

7) Соф фойда миқдори:

$$\sum_{j=1}^{n1} \sum_{j=n1+1}^{n2} \sum_{j=n2+1}^{n3} x_j - \sum_{j=1}^{n1} \sum_{j=n1+1}^{n2} \sum_{j=n2+1}^{n3} x_j \leq 0$$

8) Манфий бўлмаслик шarti:

$$x_j \geq 0, \bar{x}_j \geq 0, \bar{x}_j \geq 0.$$

Ишлаб чиқилган иқтисодий-математик модел мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашнинг оптимал вариантини аниқлаш учун мўлжалланган. Унда хўжаликда етиштирилган сабзавот ва мевалардан консерва ишлаб чиқариш шартлари кўриб чиқилади. Келтирилган модел консерва ишлаб чиқариш, технологик линиялардан фойдаланиш, келажакда технологик линиялар ўзгариши излаб топиш масалаларини ечишга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қишлоқ хўжалигидаги айрим масалаларни иқтисодий-математик модел ёрдамида таҳлил қилиш. “Хизмат кўрсатиш соҳаси инновацион ривожланишининг муаммолари” мавзусида харқаро илмий-амалий анжуман материаллари IV-қисм. СамИСИ.Самарқанд 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» қонуни. -Т., 1998.

3. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати: муаммо ва уларнинг ечими. Ли Марина Рудолфовна, Муродов Шерзодбек Мурод ўғли, ТИҚММИ катта илмий ходим-изланувчилари E-mail: msm-ogli@mail.ru.

4. H.Akbarov., Kh.Urdushev.,Kh.Raximov “Regional analysing of production fruit-vegetables and grapes in Uzbekistan”. "Socio-economic problems of modern society".Materials of the IV international scientific conference on June 1-2, 2014 Prague,124-128 p.

КОРХОНАДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ БОШҚАРИШ

*Расулов Нуриддин Абдуллаевич
Наманган давлат университети таянч докторанти*

Ҳозирги кун замонавий бозор иқтисодий шароитида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда ўзининг рақобатбардошлик даражасини сақлаб қолиш мақсадида инновацион жараёнларни барқарор бошқариш тизими иқтисодий самарадорликни оширишнинг янги усулларини жорий этиш асосий мақсад айланди. Шунингдек, корхоналарда самарали бошқарув тизими мавжуд ресурсларни тежашга узок муддатли стратегик дастурлар асосидаги мақсадларга эришишни таъминлаб, ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларга дарҳол жавоб беради.

Замонавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши корхоналарда рақобат муҳитини кучайиб боришига ва шу асосда, инновацион лойиҳалар, ишланмаларни фаол равишда жорий этилишига эришилади. Узокни кўзлаб тузилган мақсадли стратегиялар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга истеъмолчиларнинг ортиб бораётган талабларини босқичма-босқич қондиришга ҳамда корхона томонидан инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали рақобатни бошқаришга имконият беради.

Инновацион жараён - технология, асбоб-ускуналар ва дастурий таъминотдаги сезиларли ўзгаришларни ўз ичига олган янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулотни жорий этиш деб қаралади. Инновацион жараён ишлаб чиқариш бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтиришга, янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб беришни яхшилашга қаратилган [1].

Инновацион жараёнлар бу илмий ахборотни инновацияларга айлантиришдан иборатдир. Бу жараён босқичма-босқич яъни ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳолда тақдим этилиши мумкин, унда инновациялар фундаментал ғоялардан маълум янги маҳсулотга, технологияга, кейинчалик амалиётга ёйилиб, ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишга имкон беради [2].

Бундай тавсифлаш инновацион жараёнларни икки хил йўналишда олиб борилишини белгилайди. Улар кашфиёт сифатидаги инновациялар, яъни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, айрим соҳалар ёки фан йўналишларини кашф этиш, уларнинг янги хусусиятларини очиш имконини яратувчи ҳамда янгиланиб, ўсиб борувчи инновациялар, яъни мавжуд ишлаб чиқариш жараёнларидаги ва маҳсулотлардаги хусусиятларнинг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган инновацияларга бўлинади.

Кашфиёт тусидаги инновациялар жаҳонда етакчиликка эришишни ифодалайди, Масалан, АҚШ, Япония, Германия, Франция ва бошқа ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда амалга оширилган техник ва технологик тараққиёт ана шундай инновацион ишланмалар маҳсулидир [3].

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инновация бозорга таклиф этилаётган янги ёки камчиликлари бартараф этилиб фойдаланиш учун яроқли бўлган маҳсулот ёки инсон турмуш тарзини ўзгартириш, унда янгича қарашларни юзага келтириш инновацион жараённинг амалий ҳамда якуний натижаси ҳисобланади.

Иқтисодиётни инновацион асосда ривожлантириш, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараённинг моҳиятини аниқлашнинг яна

бир ёндашуви мавжуд эканлигини очиб берди. Ушбу ёндашув доирасида, келгусида инновацион асосдаги ривожланиш зарур бўлган йўналишларни аниқлаш учун салоҳиятли бозор эҳтиёжларини ўрганади. Бу эса, корхоналар томонидан инновацион ишланмаларни самарали бошқаришга ҳамда молиялаштиришда кузатилиши мумкин бўлган муаммоларга ечим топишга имконият яратади.

Бундан ташқари, корхоналарда инновацион жараёнларни бошқариш ва молиялаштиришда бир қатор моделлар мавжуд бўлиб, улар: интерактив, интеграл, тармоқ, ва ҳоказолардан иборат. Умуман олганда, инновацион жараён илмий ахборотни ундан кейин эса, амалий фойдаланиш билан муайян маҳсулотга айлантиришдан иборат. Шу билан бир қаторда, бу жараён бозорга корхоналар томонидан инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш билан якун топмайди. Лекин инновацион маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини янада такомиллаштириш истеъмолчиларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилиши корхона бошқарувининг тўғри қарорлар қабул қилиши натижасида юзага келади.

Инновацион жараён, маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан оқилона ва оптимал фойдаланишни таъминлаш, шунингдек корхонанинг стратегик мақсадларини тўлиқ амалга оширадиган самарали бошқарув тизимини талаб қилади. Шу нуқтаи-назардан, инновацияларни молиялаштириш корпоратив бошқарув тизимининг прогрессив тизимларидан бири сифатида қаралади.

Маълумки, инновацияларни молиялаштиришнинг моҳияти корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти, унинг амалдаги ҳамда стратегик мақсадларига асосланган ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятлари билан боғлиқ режалар ишлаб чиқиш, бу режаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш, уларнинг бажарилиш структураларидан четга чиқиш таъсирини тўғрилашдан иборатдир [4].

Мамлакатда фаолият юритаётган ҳар қандай корхоналарда инновацион лойиҳалар, ишланмаларни молиялаштириш орқали бошқарувда юзага келиши мумкин бўлган вазифалар қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш ва тижорат корхоналарининг ўз мақсадларига эришишда режалаштирилган стратегик дастурларни бир-бирига мувофик эмаслиги натижасида, инновацион ишланмаларни молиялаштирувчи томонидан бошқарувдаги қарорларни қабул қилишдаги муаммолар;

2. Турли хўжалик юритувчи субъектларни ва таркибий бўлинмаларни мувофиқлаштириш имкониятида қийинчиликлар, баъзи ҳолларда корхонада яқка тартибдаги ҳамда гуруҳли алоҳида ходимларни бир мақсад йўлида бошқарувни бирлаштиришдаги муаммолар;

3. Тижорат корхоналари ва уларнинг таркибий бўлинмаларини белгиланган мақсадлардан амалдаги фаолиятининг ҳақиқий (амалий) натижаларини четга суриб бориш, ушбу ўзгаришлар сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш, тартибга солиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича асосли қарорлар қабул қилишдаги муаммолар;

4. Молиявий ва моддий ресурсларни бошқариш ва сарфланишини самарали назорат қилиш қилишдаги муаммолар;

5. Молиявий жавобгарлик ва уни бошқарувчилари томонидан режанинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда тажриба етишмаслиги натижасида муаммолар;

Молиялаштириш ҳар қайси корхонага келгусида ўз фаолиятини режалаштириш, тартибга солиш, аниқ натижаларни режалаштирилган кўрсаткичлар билан таққослаш, ушбу жараённинг барча иштирокчиларини рағбатлантириш, шунингдек, ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб беришга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Guidelines for Collecting and Interpreting Innovation Data: Oslo Manual, Third Edition. URL: http://www.dge.ubi.pt/msilva/IE/Manual_Oslo.pdf.

2. Козловская Э.А., Демиденко Д.С., Яковлева Е.А., Бучаев Я.Г., Гаджиев М.М. Экономика и управление инновациями: учебник. М.: Экономика, 2012. 359 с.

3. Солиев И.И. Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида инновацион жараёнларнинг ривожланиши мавзусида Иқтисод фанлар номзоди... ёзилган диссертацияси. Т.: ЎзРФА, 2010 й. 14-15 бетлар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KOMMUNAL INFRATUZILMA SOXALARINI TIZIMLI ISLOH QILISHNI O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*Sag'dulayeva Sh.G'. 3-bosqich talabasi
Botirov B.I. 3-bosqich talabasi
Toshkent arxitektura-qurilish institute*

Annotatsiya: Kommunal infratuzilmalar yangi bosqichga tizimli o'tkazilish jarayonida. Takomillashtirilishi hamda yangidan barpo qilinishi kutilayotgan toza ichimlik suvini ishlab chiqarish korxonalariga innovatsion texnologiyalarini qo'llash ishlab chiqarish hajmini oshirishga xizmat qiladi.

Zamonamizda barcha soxalarni tizimli o'zgartirish, yaxshilash, zamonaviylashtirish maqsadida turli islohotlar olib borilmoqda. Bunga sabab nimada? Har bir davlat o'z xalqining farovon turmush tarzi kechirishi haqida qayg'uradi. Yurtimizda dolzarb masalalar qatoriga kiritilgan uy-joy xo'jaligini boshqarishda so'nggi yillarda ko'pgina islohotlar amalga oshirilmoqda. Buning zahirida aholining turmushi farovonligini oshirish, talab va takliflariga mos xizmatlarni taqdim etish inobatga olingan bo'lib, soxaga innovatsiyalar kiritish hamda zamon talabiga mos ravishda elektronlashtirish masalalari ko'zda tutilgan. Kommunal infratuzilmalar holati va xizmat ko'rsatish sifatini yanada takomillashtirish masalalarini qayta ko'rib chiqishga 2016-yilning 19-oktabrida virtual qabulxonaga fuqarolar tomonidan soxaga doir 19 mingga yaqin arizalar kelib tushgani ham asosiy sabablardan biribo'ldi. Virtual qabulxona 2016-yilning 24-sentabrida fuqarolarning barcha turdagi muammolarini o'rganish maqsadida tashkil etilgan edi. Tushgan arizalarning ko'p miqdori kommunal infratuzilmadagi

muammolar haqidagi shikoyatlar bo'lganligi, soxaga yanada takomillashtirilgan islohotlarning zarurligini ko'rsatdi.

2017-yilning oktabrida “Uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish tizimini boshqarishni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari gto'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni qabul qilindi. Farmonda vazirlik tarkibida uy-joy kommunal xo'jaligini rivojlantirish jamg'armasini tashkil etish va uning mablag'larini, birinchi navbatda, ko'p xonadonli arzon uy-joy fondi, suv ta'minoti, kanalizatsiya va issiqlik ta'minoti obektlarini qurish, kapital hamda joriy ta'mirlash, maxsus texnika va uskunalar, mashina va mexanizmlar bilan ta'minlash hamda boshqa maqsadlarga yo'naltirish ko'zda tutilgan.

Soxada muammolarning turli ko'rinishlari mavjud:

- suv ta'minoti shahar va tumanlarning markazlarida talabga javob beradi, chekka hududlarda aholiga suv ta'minotini uzatishda ba'zi kamchiliklar mavjud;
- gaz va elektr energiyasi tizimida ham huddi shu kabi kamchiliklar mavjud;
- ko'p qavatli binolarning yerto'lalarida quvurlarning eskirib yorilishi kabi holatlar kuzatiladi va yerto'lada suv to'planish hollari kuzatiladi hamda buning oqibatida binoga jiddiy zarar yetadi;
- kanalizatsiya tizimining yaxshi yo'lga qo'yilmaganligi va yana shu kabi bir qancha muammolar mavjud.


Yuqorida sanab o'tilganlar soxa islohotlarining o'ziga xos xususiyatlari hisoblanadi. Aynan shu muammolar bugungi kunda o'z yechimini topmoqda.

Mamlakatimizda 2011-2016 yillarda qariyb 13 ming kilometrdan iborat yirik suv quvurlari va tarmoqlari, bino va inshootlarda 1 ming 600 dan ortiq suv chiqarish quduqlari, shuningdek, 1 ming 400 ta suv minorasi va rezervuari qurildi hamda rekonstruksiya qilindi. Natijada, Respublikamiz aholisining 67 foizi ichimlik suvi bilan markazlashtirilgan manbalardan ta'minlanmoqda, jumladan, shaharlarda 72,4 foizni (toshkent shahrisiz) va qishloqlarda 61,5% foizni tashkil etadi. Aholimizning 24 foizi ichimlik suvi bilan muqobil (alternativ) manbalardan, 9 foizi esa tashib keltirilish bilan ta'minlanmoqda. Aholining soni o'sib borishi, korxonalar va

tashkilotlarning ko'payishi natijasida toza ichimlik suvini yetkazib berishni yanada takomillashtirish, yangi texnologiyalarni joriy etishni talab qilmoqda.

2017—2021 yillarda ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini kompleks rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish dasturi doirasida suv ta'minoti va kanalizatsiya obyektlarini moliyalashtirish uchun – “toza ichimlik suvi” jamg'armasidan 504,96 milliard so'm ajratilishi ko'zda tutilgan. O'zbekiston Respublikasi uy-joy kommunal xizmat ko'rsatish vazirligi obyektlarini moliyalashtirish buyurtmachisi. Bundan tashqari mazkur dasturni moliyalashtirish uchun 4,8 trillion so'm, jumladan, davlat byudjetidan 2,2 trillion so'm, xalqaro moliya institutlaridan 2,6 trillion so'm yoki 730,7 million dollar miqdoridagi mablag'lar ajratilishi belgilangan. Tumanlar va aholi punktlari ichimlik suvi ta'minoti va kanalizatsiya tizimlarini kompleks rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish bo'yicha 2017 – 2021 yillarga qabul qilingan dastur va loyihalarga asosan 10,2 ming kilometr ichimlik suvi quvurlari va tarmoqlari, 1677 ta suv chiqarish qudug'i, 1744 ta suv minorasi va rezervuari qurish hamda rekonstruksiya qilish, shuningdek, 1440 dona nasos uskunasini o'rnatish nazarda tutilgan. 20 ta ichimlik suvi ta'minoti ob'ektini qurish va rekonstruksiya qilish, 302 kilometrdan iborat suv o'tkazish va vodoprovod tarmoqlarini barpo etish bo'yicha yirik loyihalarni amalga oshirish nazarda tutilgan.

2017-2021 yillrga qabul qilingan dasturni amalga oshirish natijasida 2021 yilga kelib aholini markazlashgan ichimlik suvi ta'minoti bilan qamrab olinishi respublikamiz miqyosida 84 foizga, bir qator hududlarda esa 90 foizga etkaziladi. Aholi soniga ko'ra 4,9 mln. aholining ichimlik suvi ta'minoti yaxshilanadi, shundan qo'shimcha 1,1 mln. aholi sifatli ichimlik suvi bilan ta'minlanadi.



1-rasm. Toza ichimlik suvini yetkazib berish sxemasi

1-suv qabul qiluvchi inshoot; 2- 1 ko'tarish nasos stansiyasi; 3-suv tozlovchi inshootlar; 4-toza suvrezervuari; 5- 2 ko'tarish nasos stansiyasi; 6-vodovodlar; 7-suv tarmog'i; 8-suv bosim minorasi

Respublikada aholini ichimlik suvi bilan 35% yer usti hamda 65% yer osti suvlari manbalaridan ta'minlanmoqda. Yer usti suvlari manbalarini ishlab chiqarib, aholiga yetkazib berishda bir necha bosqichli jarayonda bajariladi. Tozalanmagan suvni 1-ko'tarma suv inshooti orqali tortib olinadi; tozalanmagan suvni alyuminli sulfat (achchiq tosh) bilan tindiriladi; so'ngra maxsus hovuzlarda tindiriladi; tindirilgan suv maxsus filtrlardan o'tkaziladi; suvni zararsizlantirish maqsadida biologik usullarda zararsizlantiriladi.



2-rasm. ko'tarilish nasos stansiyasi

Hozirda jahon tajribasida ishlab chiqarish vaqtini kamaytirishga hamda bosqichlarini kamaytirishga xizmat qiluvchi innovatsion texnologiyalar mavjud. Xalqaro tajribadan kelib chiqib, toza ichimlik suvini ishlab chiqarishga zamonaviy texnologiyalarni joriy qilish masalalarini atroflicha o'rganish, uni amalga tatbiq qilish orqali, toza ichimlik suvini ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish hamda hajmini oshirishga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyot va internet tarmoqlari:

1. Mirziyoyev Sh.M. «Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz.»
2. Xolmuradov M., Djavdatovna K.A., Zuhritdinovna N.T. "Uy-joy kommunal xo'jaligi va servis asoslari" T., 2014

3. www.uza.uz O‘zbekiston Milliy axborot agentligi
4. ww.lex.uz

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕС

*Суюнова Я.М - “Қурилишда менежмент” кафедраси, СамДАҚИ
Турсунова Азиза –Ташкени молия институти 1-босқич талабаси*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очик турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш, айниқса кичик ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга боғлиқдир.

Агарда жаҳон иқтисодиётида XX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни концентрациялаш, яъни йириклаштириш ҳолати кузатилган бўлса, унинг иккинчи ярмидан бошлаб эса тескари ҳолат, яъни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Сўнги пайтларда кичик ва ўрта бизнес ўзининг бир қатор афзалликлари туфайли ривожланган давлатларнинг иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. Масалан, Япониянинг кичик корхоналарида барча мамлакат ишчиларининг 80 фоизи ишламоқда. Германия ва Нидерландиядаги кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига экспорт қилинаётган саноат маҳсулотининг 40% туғри келади. АҚШда эса сўнги 10 йил ичида кичик корхоналар эвазига 20 млн. янги иш жойи вужудга келтирилди.

Кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун энг муҳим масалалардан бири улар фаолияти учун инвестициялар (шу жумладан, хорижий инвестициялар)ни жалб қилишдир. Бунинг учун керакли инвестицияларнинг самарадорлигини ҳар томонлама асослаб берувчи таклифлар ва хулосаларни ўзида мужассамлаштирган бизнес режа тузиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам чуқур иқтисодий таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Маълумки ҳар қандай даражадаги ислохотлар мавжуд тартиб, шарт – шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатни узгаришига олиб келади. Ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтиш эса жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар-иқтисодий тараққиётимиз бозор иқтисодиётисиз мумкин эмаслигини ҳар томонлама исботлаб берди. Бу эса ўз навбатида қисқа даврда унинг асосларини ўрганишимизни талаб қилмоқда.

Шунга қура, биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг узига хос модели муҳим тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Биринчи Президентимиз « Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули » номли китобида, мустақил, сифат жиҳатдан Янги ижтимоий – иқтисодий модель сифатидаги ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини мазмунини кенг тушунтириб берган.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бозор иқтисодиётига асосланган янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар шаклланиб, хусусий мулк ва кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 53 % ошиғи, иш билан банд бўлганларнинг 74 % ига тўғри келмоқда.

Шунинг учун ҳам бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференсиялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, ҳамда 2019 йил 28 декабрда Олий Кенгаш аъзоларига қилган мурожатномасида курсатилишича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор узгартиришлар ва энгилликлар киритилган. Масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари анча соддалаштирилган, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, рухсат бериш жараёнини энгиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш, рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини соддалаштирилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг хусусий секторини ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида қўйидаги соҳаларни ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда:

- Дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш;
- Хом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш;
- Кўп меҳнатни талаб қилувчи кичик ҳажмли ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- Сервис хизматлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш;
- Сайёҳлик саноатини ривожлантириш;
- Хусусий медицина ва фармацевтикани ривожлантириш;
- Маҳаллий саноатни ривожлантириш;
- Экспортга йуналтирилган ва импортни ўрнини босувчи ишлаб

чиқаришларни қишлоқ жойларда кўпроқ ташкил этиш.

Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорликни кўллашга ҳам алоҳида тўхталиб утилган.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади, кредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган стратегияси биз учун узок муддатли аниқ ҳаракат дастури бўлади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент: “Адолат” 2017. – 112 б.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир // Халқ сўзи. 2010 йил, 28 январь.

3. Суюнов А.С. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2010.-162с.

4. Бекмуродов А.Ш., Қориева Ё.К., Нематов И.У., Набиев Д.Ҳ., Каттаев Н.Т. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2010.-196 бет.

ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ.

*Каримов А.А., Элмурадов Б.Э. Ахборот технологиялари кафедраси,
СамДАҚИ*

Иқтисодиёт ва бошқарув соҳалардаги ахборотлар таъсирлашуви ижтимоий ҳаётининг мазмунан бойиши, такомиллашувининг муҳим омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ахборот алмашинуви инсоният тараққиётининг муҳим шартига айланди дейиш мумкин. Ўз даврида оғзаки нутқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожини янги босқични бошлаб берган эди. Ҳозирги фан-техника тараққиёти, интеграция ва глобаллашув шароитида эса ахборот маконида туб сифатий ҳолат кечмоқда. Эндиликда, ахборот узатиш нафақат хилма-хил шакллари, балки, ўта тезкорлиги билан ҳам жамият тараққиётининг олдинги давларидан кескин фарқ қилади. Бундай шароитда, ахборот истеъмолчи жараёнида ҳам янги тенденциялар кузатилмоқда. АҚШ Президентларининг медиа маслаҳатчиси вазифасида фаолият юритган Рожер Эугенс Аилеснинг *"Бугунги кунимизда ахборотга эгаллик қилиш бутун ер шарини қўлида кўтариб туришига ўхшайди, яъни бу ҳолат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларда тизгинни қўлга олиш билан баробар"* деган фикрлари бугунги кунда жуда долзарб эканлигини таъкидлашимиз лозим [1].

Замонавий технологиялар бир жойда тўхтаб турмайди. У мунтазам такомиллашгани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ана шундай шиддатли давр талабига ҳамоҳанг равишда ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат экани билан ғоят аҳамиятлидир.

Бугун рақамли технологиялар таъсири натижасида дунё жадал ўзгариб бормоқда. Рақамли технологиялар давлат фаолиятининг барча тармоқларига

кириб келди ва исталган давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ривож ва рақобатбардошлиги ахборот технологияларининг самарали ривожланишига боғлиқ. Айнан замонавий рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва бунинг учун барча зарур шароитларнинг яратилиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича бугунгача 100 тадан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Бу эса бошқарув самараси ортишига, ишлаб чиқаришдаги кечикишларнинг камайишига, ички ва ташқи бозорда маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошишига хизмат қилди. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. “Рақамли иқтисодиёт” атамаси миллий қонунчилигимизда илк бор қўлланилмоқда. Бироқ дунё тенденцияси шуни кўрсатадики, барча ривожланган давлатлар уни шакллантиришга аллақачон киришган. Ўзбекистон ҳам мазкур жараёндан четда қолмаслиги керак. Зеро, биз глобаллашув, дунё ҳамжамияти билан интеграцияга киришиш ҳақида гапирарканмиз, бу борада ўзгарган иқтисодиёт равнақи муҳим саналади. Бу барча технология, компьютерлар интернет орқали бир-бири билан боғланиб бораётгани ила изоҳланади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда қарийб беш миллиард қурилма бутунжаҳон “ўргимчак тўри”га уланган. Яқин беш йил ичида уларнинг сони йигирма миллиардга етиши кутилаётир. Айна пайтда сунъий ақл ва когнитив интеллектуал тизимлар жадал тараққий топмоқда. Бунинг натижасида яқин келажакда айрим касблар ўз долзарблигини йўқотади ҳамда вақти келиб, йўқ бўлиб ҳам кетади. Мисол учун, “IoT” автоматлаштирилган тизими аллақачон синовдан ўтказилаяпти. Пировардида роботлар автомобиль ҳайдовчилари, учувчилар ҳамда автомобилсозликда, қурилишда мураккаб ишларни (лойиҳалаш, бетон ишлари, деталларни йиғиш ва бошқалар) ва ҳатто, ҳуқуқшуносларнинг ҳам ўрнини эгаллаши мумкин [2].

Яна бир муҳим жиҳатлардан бири келгусида механик ҳамда жисмоний меҳнат ўрнини синергетика фани ривожланиши натижасида робототехника эгаллаши кун сайин ойдинлашиб бораяпти. Шунинг учун стратегия ишлаб чиқиш, рақамли кўникмаларни оммавий шакллантиришни таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Ёшлар янги касблар, турли технологиялардан фойдаланиш, компьютерлар, интернет, катта миқдордаги рақамли маълумотларга ишлов беришга тайёр туриши керак. Яъни бошқарув ва иқтисодиёт ва қурилиш соҳасига таллуқли барча жараёнлар автоматлаштирилар экан, одамларни бошқа, янада долзарб интеллектуал касбларга йўналтириш лозим. Агар бу иш қилинмаса, “**рақамли узилиш**” дея номланувчи ҳолат юзага келади ва у АКТнинг жадал ривожланиши билан янги муаммоларнинг юзага келиши оқибатлари ўткирлашиб, мураккаблашиб бораверади.

Қурилишни бошқариш соҳасида келгусида пайдо бўлиши кутилаётган бир қатор муаммоларга ечим топиш учун баъзи бир тавсияларни беришни лозим топдик. Қисқача айтганда, бугун рақамли иқтисодиётнинг иккита вазифаси бор: амалдаги жараённи изчил автоматлаштириб бориш ҳамда одамларни ўз фаолиятида замонавий технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш. Жумладан:

- қурилишни бошқариш соҳасида фаолият юритаётган кадрларни интеллектуал салоҳиятларини ошириш (бунинг учун ишлаб чиқаришга йўналтирилаётган мутахассисларнинг АКТ бўйича билимларини назоратдан ўтказиш учун битирув ишларига тўлалигича ахборот-коммуникация технологияларининг реал тадбиқларини жорий этиш);

- қурилиш соҳасида ҳам рақамли иқтисодиёт соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш (ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш йўналиши замирида рақамли иқтисодиёт соҳасига иқтисослашган йўналишни шакллантириш.);

- қурилиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналарлар ва олий ўқув юртлари ўртасидаги ягона электрон алоқалар тизимини яратиш, рақамли дунё

тармоқлари соҳаларига кириб боришни кенгайтириш, ўз ҳудудидан ташқарида (ҳамдўстлик давлатлари тармоқлари) худди шундай тармоқларнинг фаолиятига боғланишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. https://en.wikipedia.org/wiki/Roger_Ailes
2. Лем С. Информационный барьер? / М.: АСТ, Транзиткнига, 2004. 784 с.

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ.

*кат. ўқит. Рахмонова Ф.М. (СамДАҚИ),
кат. ўқит. Пўлатов З.М. (СамДАҚИ),
Турдимуродов Ж.И., Муродов Р. СамДАҚИ талабалари*

Бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик субъектлари рақобат муҳитида ҳаракат қилишига тўғри келади. Бозордаги рақобатнинг кун сайин ривожланиб бориши рақобатбардошлик тушунчасининг пайдо бўлишига асос бўлди. Иқтисодиётга доир адабиётларда “рақобатбардошлик” тушунчаси қўлланиладиган объектдан келиб чиқиб, ҳар хил талқинга эга бўлади. Ташкилот рақобатбардошлиги – бу рақобат муҳитида мувоффақиятли кураш олиб бориш ва унинг шартларига тез мослашиб кетиш билан белгиланади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлиги деганда, унинг мувоффақиятли фаолиятини, иқтисодий стабиллигини ва ўсувчанлигини белгилаб берувчи аниқ бир рақобат устунлиги тушунилади. Ушбу турдаги рақобат устунликлари мисолида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- қурилиш материалларининг сифати;
- қурилиш материалининг асосланган нархи;
- қурилиш материали ишлаб чиқариш корхонасига бўлган ишонч;
- соҳага доир ишдаги малака;

– бошқарувнинг замонавийлиги ва ҳоказо.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, албатта, ушбу турдаги ташкилотларнинг рақобат даражасини белгилаб берувчи омилларни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Корхона стратегияси яратилишида ва ҳаётга тадбиқ этилишида ушбу омиллар муҳим ўринга эга. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг келажак фаолиятини режалаштиришда рақобатбардошлик омиллари инобатга олинishi шарт. Стратегия ташқи ва ички омилларга тўлиқ мос келмаса, унинг амалга ошиши номаълум бўлиб қолаверади. Бунда асосан икки омилга эътибор бериш лозим:

1. тармоқдаги рақобат вазияти;
2. корхонанинг ички шарт-шароити ва рақобат мавқеи. [1]


Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари билан боғлиқ бўлмаган омиллар – ташқи омиллар саналади. Ташқи омиллар сифатида қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин:

- тармоқдаги, ҳудуддаги ва мамлакатдаги инвестицион муҳитнинг шартлари;

- техника ва технологиянинг таққиёти;
- қурилиш материаллари бозоридаги рақобат даражаси;
- хом-ашё билан таъминланганлик даражаси ва ҳоказо.

Ички омиллар сифатида:

- ишлаб чиқаришга янги техникани жорий этиш;
- прогрессив технологияни жорий этиш;
- ишчиларнинг малакавий даражасини ошириш; ходимлар ўртасида рақобат муносабатларини ўрнатиш ва бошқа қатор омилларни мисол келтириш мумкин (расм 1).



Расм 1. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобат даражасини белгиловчи омиллар.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг бозордаги рақобат вазиятини белгилаб берувчи яна бир муҳим омиллардан бири бу маркетинг тадқиқотларига асосланган замонавий бошқарув тамойилларидан ва усулларидан фойдаланишдир. [2]

Бозорни ўрганиш ва унинг шартларига мослашиш ёрдамида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар мажмуасини маркетинг сифатида қараш мумкин. Маркетинг – бу зарурият ва эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган кишилиқ фаолияти тури. Маркетинг – бу бозорни таҳлил қилиш асосида маблағ тушумини ташкил қилиш ва муайян талабгорларнинг талабларини қондиришга йўналтирилган, маркетинг дастури ёрдамида бозорда савдо қилиш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқаришни ташкил қилувчи комплекс тизим ҳисобланади. [3]

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш маркетинги стабилъ ва ўсувчан буюртма портфелини таъминлашга, корхонанинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган маркетинг

тадқиқотларининг самараси, албатта маркетинг хизматларининг ташкил қилиниши билан боғлиқдир. Маркетинг хизматини ташкил қилиш деганда, унинг вазифаларини бажарувчи таркибий бўлимларнинг тузилиши ва уларнинг ўзаро маъсулиятларини ҳамда боғлиқликларини ифодаловчи тизимни яратиш тушунилади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари маркетинг хизматини ташкил этилиши қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- қурилиш материаллари маркетинги хизматининг махсус вазифалари – бозорни ўрганиш, товар ҳаракати, баҳо, талабнинг шаклланиши, сотишни рағбатлантириш ва бошқаларнинг бажарилишини уюштириш шаклида;

- қурилиш материаллари маркетинги вазифаларини бозорлар бўйича ижро этиш шаклида;

- қурилиш материаллари маркетинги вазифаларини корхона маҳсулотлари ёки улар гуруҳлари бўйича бажариш тарзида.

Қурилиш материаллари маркетинги хизматларини ташкил этишда икки жиҳат муҳим: мақсадлар ва маркетинг хизмати мақоми.

Мақсадни танлаш. Кўпгина ташкилот раҳбарлари ҳозирги пайтда ўз корхоналарининг асосий мақсади сифатида энг юқори фойда олишни кўрсатадилар. Лекин бу танлов етарли даражада мақбул бўлмаслиги мумкин. Айтайлик, агар корхона узоқ келажакни кўзлаб иш юритаётган бўлса, бу ҳолда у анчагина маблағни НИОКРга, асосий сармоёга, ишлаб чиқариш тайёргарлигига ва кадрлар малакасини оширишга сарфлаши керак. Бу тадбирларнинг ҳаммаси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтиради ва фойданинг камайишига олиб келади. Катта фойда олиш, яқин келажакда фойдани кўпайтиришга бўлган ёндашиш ҳар доим ҳам узоқ муддатли ривожлантиришни таъминламаслиги мумкин.

**Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг
умумлаштирилган рақобатбардошлик кўрсаткичлари**



Расм 2. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлик кўрсаткичлари.

Маркетинг хизмати мақоми. Қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг маркетинг бўлими диққат марказида қурилиш маҳсулотининг пировард истеъмолчилари билан боғлиқ барча муаммолар бўлиши керак, бу пайтда бошқа бўлинмалар ўз эътиборини турли жузъий вазифаларга қаратган бўлади шунинг учун ҳам маркетинг бўлими бутун

фаолиятини мувофиқлаштириб туришини тан олиш мутлақо табиийдир. У қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жараёнида етакчи бўлиши учун унинг мақомини бошқа бўлинмалар ичида энг юқори қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таҳлил қилинган омилларнинг корхона фойдасига ишлаши, албатта, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида рақобатбардошлик кўрсаткичларининг мустақамланишига олиб келади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминловчи кўрсаткичларни умумлаштирилган ҳолда уч гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин (расм 2).

Адабиётлар:

1. У.А. Муҳаммадиев, А.Н. Жабриев А.Н. Бектемиров “Стратегик менежмент” ўқув қўлланма, Самарқанд, 2012й. 39б.

2. Ч.Г. Донгак “Повышение конкурентоспособности строительной организации на основе развития ее кадрового потенциала” (автореферат), Санкт-Петербург, 2009г. Стр 6.

3. <http://www.ziyonet.uz> (Ўзбекистон Республикаси ахборот таълим тармоғи расмий сайти)

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

*Гиясов Б. Д “КМЭва УБ” кафедраси мудири
Марданова М. 302-КМЭваУБ талабаси
Алиева Н. Б., СамДАҚИ магистранти
Ж.И. Турдимуродов 101-ИЧТЭваБ гуруҳи талабаси*

Ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини ривожлантириш мамлакатнинг жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиши, халқаро стандартлар талабига жавоб берувчи янги инновацион ишлаб чиқариш маҳсулотларини етказиб бериш ва баҳолаш заруриятини илгари сурмоқда.

Ҳозирги вақтда бозор хўжалигида рақобатбардошликнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган баҳолашнинг яхлит концепцияси ишлаб

чиқилмаган. Шу билан биргаликда хорижлик олимлар Бакли П.(Bucklef P.), Кристофор Л. (Chzistopher L.), Прескотт К. (Prescott K.) (1988) рақобатбардошликни ўлчашни қуйидагича чегараларини ишлаб чиқишган.

1) **Фаолият натижалари.** Бунда кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичлар иқтисодий самарадорлик (фойда олиш), рентабеллик, бозор улишининг ошиши, савдо баланси ҳисобланади. Бошқа турдаги кўрсаткичлар орасида энг кўп тарқалгани бу таққослама афзаллик ёки RCA (Revaled Comparative Advantege);

2) **Рақобат салоҳияти.** Бунда, арзон хом ашё ресурсларига, яхши технологияларга, паст нархлар таклифига ва юқори унумдорликка эришиш имкониятлари борлиги асос сифатида қабул қилинади;

3) **Рақобат жараёни.** Бу усул бошқариш жараёнини баҳолашга ўхшаш бўлиб, асосан сифат характериға эға ёки рақобат салоҳиятини рақобат натижасига айлантириш вазифасини бажаради.

Бошқа манбаларға қараганда маҳсулотнинг миқдор жиҳатидан рақобатбардошлигини баҳолаш (маҳсулотни гуруҳлаш) услуби икки турға бўлинади: маҳсулотнинг келгусидаги салоҳиятини аниқлаш имкониятини берувчи ёки жорий вақтдаги рақобатбардошлигини ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар билан аниқлаш.

Ушбу услубнинг афзаллиги – баҳолашдаги аниқликдир. Бу услубнинг камчилиги интенсив жорий қилиш билан боғлиқ бўлган илмий ечимлар талаб қиладиган ишлаб чиқаришнинг истиқболини белгилашнинг мураккаблиги инновациянинг рақобатбардошликни баҳолашда асосий эътибор миллий маҳсулотнинг ташқи ва ички бозордаги талабига қаратилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда RCA кўрсаткичида индекс бирдан юқори бўлса, мамлакат шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда рақобатбардош ҳисобланади, агар индекс бирдан паст бўлса, мамлакат рақобат афзаллигига эға эмас деб ҳисобланади. Шундай қилиб, RCA мамлакат иқтисодиётининг қайси соҳаси рақобат афзаллигига эға эканлигини белгилаб беради.

Кoeffицентни, махсулотни алоҳида бир турига ёки бир гуруҳ махсулотларга шунингдек, бутун соҳа учун ҳам ишлаб чиқиш мумкин. Шунинг билан бир вақтда RCA услубиётининг камчилигига ҳам эътибор берилмоқда. Бу камчилик шундан иборатки коэффицентни ҳисоблашда фақат экспорт кўрсаткичларигина эътиборга олинади, импорт даражаси эса умуман ҳисобга (эътиборга) олинмайди.

RCA услубиятини токомиллаштириш мақсадида Скотт Л. (Scot L.) (1992) ва Воллрат Т. (Vollrat T.) (1991) лар томонидан муқобил уч кўрсаткичдан иборат услубият таклиф қилинган.

Улардан биринчиси нисбий экспорт афзаллик индекси; RXA_{ij} (Relative Export Advantage Index) RCA_{ij} га эквивалент. Иккинчи – индекс нисбий импорт афзаллиги (турли манбаларда бу кўрсаткич RMA (Relative Import Advantage)) деб аталади ёки RMP_{ij} (Relative Import Penetration Index).⁵ RXA_{ij} каби ҳисобланади, фақат экспорт маълумотлари ўрнига, импортни жорий кўрсаткичлари олинади.

Учинчи кўрсаткич – нисбий савдо афзаллиги индекси RTA_{ij} (Relative Trade Advantage Index), бу RXA_{ij} билан RMP_{ij} нинг орасидаги фарқни ташкил қилади.

RTA_{ij} кўрсаткичи фаолиятининг ҳам экспорт, ҳам импорт жиҳатларини ҳисобга олади. Шунинг билан бир қаторда, коэффицентлар жамланиши нотўғри натижаларга олиб келиши мумкин бўлган сабаблар ҳам мавжуд. Воллрат Т. томонидан рақобатбардошлик кўрсаткичини (RC) таҳлил қилиш учун қўшимча дастакни қабул қилган, бу: $RC = \ln RXA - \ln T.e.$

RC бу ҳолатда RXA дан натурал логарифм ҳисобланади. Услубиятни ривожланишига қарамасдан оригинал ҳисобланган RCA кўрсаткичидан хорижий, шу жумладан кўплаб давлат иқтисодчилари рақобатбардошликни таққослама баҳолашда кенг миқёсда фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, Трэлл Б. (Traill B.) ва Гомес Да Сильва (Gomes Da Silva) лар чет эл инвестициясини тўғридан тўғри рақобатбардошлик ўлчовига таъсирини баҳолаш учун, таққослама афзаллик индекторини ишлаб чиққанлар.

Бу кўрсаткичлар юқорида кўрсатилган RCA кўрсаткичининг мослаштирувчиси бўлиб, мамлакат ичкарасидаги ҳамда ташқарисида жойлашган кўп функцияли корхонанинг ишлаб чиқариш муқобил кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Умумжаҳон иқтисодий форумнинг (МЭФ) олиб бораётган тадқиқотлари, шунингдек, глобал (мамлакатлараро) рақобатбардошликни баҳолашга ҳам қаратилган ва бу тадқиқотлар натижалари ҳар йили доклад сифатида чоп этилади (“The Global Competitiveness Report”).

Ҳар бир мамлакат учун 161 макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали саккизта факториал индикаторлар ҳисоблаб чиқилади ва сўнгра умумлаштирилган индекс аниқланади. Рақобатбардошликнинг асосий комплексга қуйидаги саккизта факторлар киритилган: 1. “очиқлик” (халқаро савдода); 2. “давлат” (давлат сиёсатининг самаралиги); 3. “молия”; 4. “инфраструктура”; 5. “технология”; 6. “бошқариш”; 7. “меҳнат” бозорининг ҳаракатчанлиги; 8. Жамоа “институтлари”нинг сифати. Буларни ҳисоблаш учун ўлчов коэффициентлари қўлланилади, сон ва сўроқ кўрсаткичлар тизими белгиланади, бундай ҳолат субъектив факторлар ролини оширади, натижада бир мамлакатнинг ўзида бир хил натижага олиб келмаслиги мумкин (бу респондентларнинг таркибига ва структурасига боғлиқ).

Шуни ҳисобга олиб, улар ўзларининг муқобил чоралар белгиланган мамлакатнинг 16 индустриал давлатлар рақобатбардошлигига баҳо беришда қўлланилади ва уларнинг барча соҳалари кўрсаткичлари билан таққослаб кўрилган.

Бугунги кунда, рақобатбардошлик индексини ҳисоблаш учун мамлакатлар рейтинги услубини қўллаш, критерияларни умумлаштириш масалалари жуда кўп имкониятни беради. Яъни, биринчи босқичда рақобатбардошликнинг алоҳида омилларини белгилаб берувчи кўрсаткичлар танлаб олинади.

Масалан, мамлакат ҳудудлари рақобатбардошлигига баҳо бериш учун қуйидаги ўн иккита кўрсаткичларни танлаб олиш мумкин:

1. Худуд бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи худудий маҳсулот (ЯХМ);
2. Худудий (ЯХМ) маҳсулотнинг ўсиш даражаси;
3. ЯХМ нинг экспорт улуши;
4. Меҳнат унумдорлиги;
5. Маҳсулотга иш ҳақи сарфи;
6. Бир сўм асосий фондга ишлаб чиқилган ЯХМ;
7. Худуднинг автомобил йўллари билан таъминланганлик даражаси (энгель коэффиценти);
8. Илмий тадқиқот ишларида банд бўлганлар улуши;
9. Ахборотни таъминлаб турувчиларнинг умумий бандликдаги улуши;
10. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган кичик корхоналар сони;
11. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад;
12. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори.

Иккинчи босқичда ўзгаришларнинг мазмуни ҳамма кўрсаткичларни умумий кўринишга келтирилади, бунда шкала 0 дан 1 гача белгиланади. Учинчи босқичда шкалалаштирилган кўрсаткичларни (микро индексларни) белгилаб чиқиш ва омилларнинг мазмунини эътиборга олган ҳолда микро индексларга бўлинади. Умумлаштирилган рақобатбардошлик индекси 12 та индексдан ўртачаси чиқарилиб аниқланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, рақобатбардошликни тадқиқ қилиш услубиёти бугунги кунда етарлича кўп, албатта уларнинг аниқлиги ва ишончилиги даражаси турли шароитларда турлича бўлишига қарамай маҳсулот рақобатбардошлигига соҳа, хўжаликлар, худудлар, мамлакат миқёсида ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида ва турли даражадаги ва масштабдаги сон ва сифат жиҳатидан баҳолаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент. Адолат. 2003 й.

2. Buckley P. Christopher L. Prescott K. (1988) Measures of International Competitiveness: critical survey Journal of Marketing Management, 4 -с. 175-200.
3. Pitts G., Lingerie M. what determines food industry competitiveness? competitiveness in the food Industry Edited by 10 B. Trail and E. Pitts London : Blackie Academics Professional, -с. 2.
4. Стратегия инновационного обновления и повышения. Пер. с англ. - М. ИНФРА- М, 2007. 1028 с.
5. М. Портер Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. Пер. с англ. - М, ИНФРА- М, 2007. Стр. 436.
6. Лифшиц И.М. Формирование и оценка конкурентоспособности товаров и услуг. Учебное пособие.-М Юрайт – Изд., 2004 с.335.
7. Регион на перекрёстке Востока и Запада; Глобализация и конкурентоспособность. Коллективная монография / Под ред. Н.Я. Колюжной, К.Л.Яндина, А.Я.Якобсона – М: ТЕИС, 2003 -359 с.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ АМАЛИЁТГА
ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

*СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни
бошқариш” кафедраси ассистентлари
Рахимов С.А., Диярова М.И.*

Аннотация. Мақолада тижорат банклари депозит сиёсати назарий, ташкилий-амалий жиҳатдан ўрганилган ва тижорат банклари депозит маблағлари таҳлил қилинган ҳамда тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар. Тижорат банки, банк депозити, депозит сиёсати, муддатли депозитлар.

Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлиги ва базасининг мустаҳкамлигига бевосита боғлиқдир. Бироқ, бу борада мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсати кўпчилик ҳолларда амалиётда ўзининг натижасини бермаганлиги сабабли уларнинг депозит

базаси заифлигича қолмоқда. Хусусан, тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари таркибида 90 фоиздан юқориси талаб қилиб олингунча сақланадиган беқарор маблағлар ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга, Марказий банкнинг монетар инструментлари ҳам тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни биз Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банклари жалб қилинган маблағлари ҳисобидан мажбурий захиралар бўйича ўрнатилган ставкаларнинг юқорилигида кўришимиз мумкин.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида тижорат банклари олдида қўйилаётган қатор вазифалар уларнинг депозит сиёсатини такомиллаштиришни талаб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида “Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк тизимини ривожлантириш зарур.” деб алоҳида таъкидладилар. [1] Албатта, бу вазифаларни бажаришда тижорат банклари депозит сиёсати муҳим ўрин тутди.

Тадқиқотлар амалга оширилган ўрганишлар натижасида тижорат банклари депозит сиёсати уларнинг пассив операциялари сиёсатининг асосий таркибини ташкил этиши маълум бўлмоқда. Шу боис банкларнинг депозит сиёсати моҳиятини ёритишда уларнинг шаклланиш хусусиятини ташкил пассив операцияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро банк амалиётида пассив операциялар банклар фойдасидан фондларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга ажратмалар, депозит операциялари, юридик шахслардан олинган кредит ресурслар, муомалага қимматли қоғозлар, пул билетлари ва тангаларни чиқариш тарзида тўртта гуруҳга ажратилади. Демак, депозит операциялар – банкларнинг омонатчилар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсати етарли даражада самарали ишламаяпти. Бунга қатор ташқи ва ички ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсир қилмоқда.

Амалга оширилган тадқиқотлар ва ўрганишлар асосида мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсатини самарали амалиётга жорий этиш ва иқтисодий аҳамиятини янада оширишга қуйидаги ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмоқда:

1. *Мамлакат ва унинг ҳудудларини молиявий-иқтисодий ҳолати.* Тижорат банклари ва уларнинг бўлимларини ҳудудларда жойлашуви депозит маблағларни етарли даражада жалб қилиш имкониятини беради. Бироқ, мамлакатдаги иқтисодий ҳолат ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожини тижорат банклари депозит сиёсатида ўзининг аксини топади. Депозит маблағларини жалб қилишда ва унинг ҳажмига ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, ишсизлик даражасининг ортиши, ҳудуднинг дотация ҳисобида туриши каби омиллар таъсир қилади.

2. *Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати.* Марказий банкнинг пул-кредит инструментлари ўзининг иқтисодий самарасини етарли даражада бермаяпти. Шу билан бирга, тижорат банклари депозит сиёсати самарадорлигига бевосита кучли таъсир этадиган бозор механизмларидан ҳисобланади.

3. *Халқаро ва маҳаллий иқтисодий-сиёсий вазият.* Мамлакатда халқаро ва маҳаллий вазиятнинг барқарорлиги тижорат банклари депозит сиёсатида ўзининг аксини топади. Хусусан, халқаро иқтисодий ва сиёсат вазиятнинг барқарорлиги мамлакатимиз тижорат банклари билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш имкониятини ва уларнинг депозит маблағлари таркибида хорижий валюталарда ресурсларни шакллантириш имкониятини беради. Таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банклари депозитларни жалб қилиш жараёни кейинги йилларда фаоллашмоқда, шу жумладан хорижий валюталарда жалб қилинган депозитларнинг ҳам салмоғи анчагина юқоридир.

4. *Миллий валютанинг барқарорлиги ва унинг сотиб олиш қобилиятининг юқорилиги.* Миллий валютанинг барқарорлиги ва унинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши тижорат банклари депозит сиёсатининг фоиз

ставкасига, рентабеллик даражасига, омонатчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, миллий валютанинг инфляция даражаси юқори бўлган шароитда омонатчиларнинг узок муддатли депозитларни банкларга жамғариш манфаатдорлиги пасаяди.

5. *Омонатларнинг кафолатланганлиги.* Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида юқори риск даражаси мавжудлиги уларни иқтисодий инқирозга учраш эҳтимоли жуда катта бўлади. Мана шу ҳолат омонатчиларни банкларга маблағларни жалб этиш бўйича иккиланиш ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлади. Шу боис, банк омонатларини кафолатлаш масаласига алоҳида эътибор берилиши талаб этилади. Шу жиҳатдан, фикримизча, мамлакатимиз тижорат банклари депозитлари таркибида муддатли ва жамғарма депозитлар улушини кескин дажарада ошириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганишлар асосида мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишда қуйидаги асосий масалаларга эътибор қаратиш лозим:

➤ *Банкнинг депозит сиёсати рақобатбардош бўлиши лозим.* Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ўртасида молия ва фонд бозорларидан маблағларни жалб қилишда рақобат муҳити вужудга келади. Бундай рақобатни ютиб чиқишнинг асосий мезонларидан бири омонатчиларни йўқотмаслик мақсадида уларнинг омонатлари бўйича тўланадиган фоиз тўловларини ошириб бориш лозим бўлади. Бу ўз навбатида банкнинг рентабеллик даражасига таъсир қилади, ушбу таъсирнинг салбий натижаларни келтириб чиқармаслик ҳолатларини таъминланиши банк депозит сиёсати рақобатбардошлигини англатади;

➤ *Марказий банкнинг монетар сиёсатини иқтисодиётдаги пул массасини камайтиришга қаратилган мақсадни кўзлаб эмас, балки яқин келажакда миллий иқтисодиётнинг пулга бўлган талаби ва уни қондирилиши даражасига қараб амалга ошириш лозим.*

➤ *Банкларга жалб этилаётган маблағлар иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлиши лозим.* Бунда асосий эътибор тижорат банклари томонидан пассив операциялар натижасида жалб қилинаётган маблағларни актив операцияларга жойлантириш орқали олаётган даромадлари қилинган харажатларни қоплаш билан бирга, тегишли фойдани бериши муҳим масалалардан ҳисобланади;

➤ *Тижорат банклари депозит сиёсатида қуйидаги ҳолатлар алоҳида инобатга олинishi ва аниқ қилиб белгиланиши лозим.*

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ КРЕДИТ РИСКЛАРИ

Рахмонова Ф.М., Тошназарова Л.Ш. СамДАҚИ

Молиявий инструментлар билан боғлиқ масалалардан бири Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати ва уни молиявий хизматлар бозорига таъсир этиш механизмини такомиллаштириш муаммосидир.

Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг хусусиятлари куйидагилар:

- Пул - кредит сиёсатида ҳал қилувчи ўрин тутади;
- Пул - кредит сиёсатида таянч воситалари вазифасини бажаради;
- Тижорат банкларнинг кредитлаш билан боғлиқ бўлган фаолиятини (тадбирларни) мажмуаси (йиғмаси) ҳисобланади;
- Муомаладаги пул массасига таъсир этиш даражаси билан фарқланади.

Ушбу сиёсат қуйидаги уч хил кредитлаш усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Биринчи усул. (ҳисоб ставкаси асосида)Тижорат банкларининг Марказий банк томонидан уларнинг балансадаги тратталарнинг (векселлар, йўл чеки ва бошқа пул ҳужжатлари) қайта ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш усулидир.

Ўзбекистонда миллий валютада эмиссия қилинган тратталар (векселлар, йўл чеки ва бошқа пул ҳужжатлари) муомаласи мавжуд эмас. Ушбу ҳолат Марказий банк дисконт (вексельда) сиёсатини шакллантириш имконини бермайди. (Дисконт бу суммадан бир қисмини , хизмат ҳақини ажратишидир).

Иккинчи усул. (ломбард ставкаси асосида) Тижорат банкларнинг Марказий банк томонидан уларнинг балансадаги қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули (ломбард кредити – ломбард фоиз ставкаси).

Биринчи ҳолат. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг миқдори уларнинг брутто активлари умумий миқдорига нисбатан анчагина паст фоизини ташкил қилмоқда.

Ушбу ҳолатдан қуйидаги хулоса қилиш мумкин. Тижорат банкларнинг юқори ликвидли қимматбаҳо қоғозларга қилинган инвестициялар миқдорининг нисбатан жуда кичиклиги Марказий банк томонидан бериладиган марказлашган ломбард кредитларининг ҳажмини сезиларли оширишга жиддий тарзда тўсқинлик қилмоқда (қимматли қоғозни гаровга қўйиб Ломбард кредитни олиш жараёни тез ва осон восита ҳисобланади).

Иккинчи ҳолат. Тижорат банкларнинг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган банк инвестицияларининг асосий қисми республика ҳукуматининг (молия вазирлиги) облигацияларига қилинган инвестицияларга тўғри келади.

Мисол тариқасида Россия Федерацияси билан таққослаш мумкин. Россия Федерациясида тижорат банкларнинг ҳукуматнинг (молия вазирлиги) қимматбаҳо қоғозларга (облигацияга) қилган инвестицияларнинг умумий миқдори уларнинг брутто активларнинг миқдорининг 5 фоизини ташкил қилиб, умумий инвестициялар миқдорида улуши юқорилигини кўриш

мумкин. Бу эса тижорат банкларининг марказлашган Ломбард кредитларни (қимматли қозғаларни гаровга қўйиб кредит олиш) олиш имкониятини сезиларли даражада оширишга тўртки бўлиши мумкин.

Учинчи усул. (Аниқ ставка асосида) Тижорат банкларини тўғридан - тўғри кредитлаш усули. Ушбу усулда берилган кредитларни шакли қуйидагилар:

- овердрафт кредита.
- муддатли кредит.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган муддатли кредитларнинг ҳажмини ошириш йўли билан миллий ссуда капиталлари бозорини ресурсларни ошириш муаммоси мавжудлиги қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчи хулоса. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки марказлашган кредитларни портфел салмоғига нисбатдан кам миқдорда жалб этилган. Ушбу ҳолатни сабаби қуйидаги бўлиш мумкин: ҳукумат халқаро инвестицион кредитларнинг асосий қисмини Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали жалб этилган. Шу учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки марказлашган кредитларни катта миқдорда жалб этиш зарурияти юзага келмаган.

Иккинчи хулоса. Асака банкда ҳам марказлашган кредитлардан фаол тарзда фойдаланилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Сабаб шундаки, ушбу банкда хорижий банклардан олинган кредитлар ва ўзини регулятив капиталдан ресурс сифатида фойдаланиш кредит портфелида ҳиссаси юқори.

Ушбу ҳолат қуйидаги тенденцияга эга: хорижий банклардан олинган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи регулятив капиталнинг брутто кредитлар ҳажмига нисбатан камлиги куришимиз мумкин.

Учинчи хулоса: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг умумий миқдорига нисбатан Марказий банк кредитлари ҳисобидан берилган кредитларнинг камлиги.

Юқорида келтирилган хулосаларни умумийлаштириб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Марказлашган кредитларнинг республикамиз тижорат банклари кредит ресурсларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоқга эгаллиги;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги ва дисконт сиёсатини шакллантириш имкони сустлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Ломбард кредит операцияларининг ривожланмаганлиги (Марказий банкдан облигациялар эвазига тижорат банк томонидан кредит олиш);
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк қайта молиялаш сиёсатини такомиллашмаганлиги ва унинг муомаладаги пул массасини тартибга солишдаги аҳамиятининг паст эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини кредитлаш ҳажмини ошириш йўли билан қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- Банк кредитларнинг фоиз ставкаларининг даражасига реал таъсир этиш механизми ишлаб чиқариш зарурлиги;
- Тижорат банк кредитларига бўлган талабларни рағбатлантириш;
- Тижорат банкларнинг жорий ликвидлилик даражасини сезиларли даражада оширишнинг зарурлиги;
- Пировард натижасида сўмнинг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган иқтисодий муҳитни юзага келтириш:

Иқтисодчи олим М.Фридменнинг пул - кредит концепциясидаги қондаси қуйидагилар: Марказий банк қайта молиялаш сиёсати орқали тижорат банкларнинг кредит эмиссиясини рағбатлантириши муомаладаги пул массасининг кескин ошиши ва шунинг асосида инфляцияни кучайишига олиб келади.

Ушбу қоида Ўзбекистан иқтисодиётини ривожланишининг ҳозирги даврида ўз исботини топмади ва долзарб муаммо эканлигидан далолат беради. Сабаб шундаки, Ўзбекистонни миллий иқтисодиётининг банк кредитлари

билан таъминланиш даражаси, бошқа собиқ иттифоқ мамлакатларидан (МДХ) сезиларли даражада паст.

Ўзбекистон Республикасидаги кредит бозори ва қайта молиялаш сиёсати билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими қуйидагилардир:

Урта ва кичик тижорат банкларнинг кредит ресурслари таркибига Марказий банк марказлашган кредит ресурсларнинг ҳиссаси (салмоғи) ниҳоятда кам. Сабаб улар кичик корхоналарнинг жорий фаолиятини молиялаштираётганликлари билан изоҳланади. Натижада Марказий банк тижорат банкларни кредит эмиссия ҳажмига таъсири анча паст.

Бир йил муддатга берилаётган, марказлашган ресурслар ҳисобидан берилган ушбу кредитлар узок, муддатли ишлаб чиқариш даврига эга бўлган корхоналар ва ишлаб чиқариш жараёни мавсумий характерга эга бўлган корхоналар томонидан қайтарилиши қийин, яъни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш масала бўлиб қолади.

Марказлаштирилган кредит ресурсларининг узлуксиз пролангация қилиниши уларни амалда қайтариб олинмайдиган молиялаштиришга айланиб қолишига олиб келади.

Бунда қуйидаги тамойилни тавсия этиш мумкин. Ажратилаётган марказлашган маблаглар учун, албатта гаров ёки кафолат механизмини шакллантириш лозим.

Ҳозирги кунда тижорат банкларнинг кредитларининг фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солинмоқда.

Кредитларнинг фоиз ставкаларига лимит ўрнатиш қайта молиялаштириш ставкалари орқали иқтисодий ислохотларини чуқурлаштиришга тўсқинлик қилади.

Ҳисоб фоиз ставкаси кредит ресурсларининг ҳаракатини тартибга солувчи энг асосий бозор воситаси ҳисобланади. Унга нисбатан лимит қўллаш кредит ресурслари бозорининг шаклланишига кучли салбий таъсир кўрсатади.

Кредитлаш лимитларини жорий қилиш (монетар сиёсатининг маъмурий мазмундаги воситаси) йўли билан (қайта молиялаштириш инструментини кенг

кўламда фойдаланиш юзага келгунга қадар) пул массаси ва фоиз ставкаларининг кескин ўсишига барҳам бериш мумкин.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун қуйидагиларни тавсия этиш мумкин. Марказий банк қайта молиялаштириш сиёсати доирасида амалга ошираётган тадбирлари ичида марказлашган кредит ресурсларини аукционлар орқали сотиш муҳим ушбу масалада йўналишдир. Марказий банк кредит аукционни кредитларининг холисона тақсимланишини кафолатлайди, кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳаққоний акс эттиради. Капиталларнинг давлатлараро эркин тарздаги ҳаракатлар таркибида мавжуд бўлган Марказий банк фоиз ставкасининг ўсиши бу мамлакатга хорижий мамлакатлардан вақтинчалик бўш валюта маблағларининг оқиб келишига (депозитлар) сабаб бўлади. Бу эса тўлов балансининг активлашуви ва миллий валюта курсининг кўтарилишига олиб келади.

ҚУРИЛИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁННИНГ МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жуманов Ш.Н. талабалар Юсупов И.А., Абдулазизов Ш.С.

Охириги йилларда Ўзбекистонда қурилиш соҳасида уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиш, замон талабларига мувофиқ янгилаш ишлари олиб борилмоқда. 2019 йилни Ўзбекистонда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилиши қурилиш соҳасидаги инвестицион фаолиятни ҳам ривожлантиришга туртки бўлди. Ҳеч қайси давлат инвестицияни ривожлантирмасдан, ҳеч қандай натижага эришмайди. Энг мураккаб йўл, бу инвестиция жозибардорлигини

сармоядорларга етказиш бўйича катта ишларни қилишимиз керак. Қурилишда инвестицион фаолият мураккаб муносабатлар тизимини ифодалаб, унинг асосий иштирокчилари сифатида ўзининг бажарадиган вазифаларидан келиб чиқиб қуйидагилар ҳисобланади: инвестор, буюртмачи, курувчи-пудратчи ва лойиҳаловчи.

Буюртмачи ва инвесторнинг асосий вазифаси бино ёки иншоот сифатидаги объектни капиатла харажатларнинг минимал миқдори ва қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш асосида имкони бреча кўпроқ фойда олиш ҳисобланади. Пудратчининг асосий вазифаси қурилиш ишлари рентабеллигини максималлаштириш бўлиб, бу икки йўл билан таъминланиши мумкин:

- қурилиш-монтаж ишлари нархини ошириш, яъни қурилишни қимматлаштириш орқали;
- техник тараққиёт асосида.

Қурилиш маҳсулоти сифатини ошириш муаммоси инвестицион жараённинг барча иштирокчилари, шу жумладан инвесторлар ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг манфаатларига тегишлидир. Шунга кура мамлакатни комплекс модернизациялаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бевосита қурилиш маҳсулоти сифатини кутариш соҳасидаги иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш вазифаси билан бевосита боғлангандир.

Самарқанд вилояти Инжиниринг компанияси ягона “Буюртмачи” ҳисобланиб, объект қурилишига танлов савдолари натижалари бўйича белгиланган қурилишнинг бутун даврига янги қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш учун “Пудратчи” билан шартнома тузади. Лойиҳаловчи ва пудратчини танлов савдолари орқали танлайди.

2018 йил учун тасдиқланган Давлат дастури асосида Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган умумтаълим макбалари, касб- хунар коллежлари, соғлиқни сақлаш объектларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, Спорт объектларини ривожлантириш жамғармаси

фонди ҳисобидан молиялаштирилган болалар ва усмирлар спорт мактабининг сузиш хавзасини капитал таъмирлаш, болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши ва капитал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш ва Самарқанд шаҳридаги «Саховат уйи»ни капитал таъмирлаш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

2018 йил манзилгоҳлар дастурига киритилган деярли барча иншоотлар Давлат қабул комиссияси томонидан ўз вақтида фойдаланишга қабул қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилояти “Инжиниринг компанияси”нинг назоратида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

т/р	Кўрсаткичлар номланиши	Йиллар		
		2016	2017	2018
1	Вилоят бўйича	173930.559	167014.266	613271
	Шу жумладан			
1	Умумтаълим мактаби	71500.176	67154.040	152662.7
2	Касб ҳунар коледжи	11357.326	4111.079	17257.6
3	Соғлиқни сақлаш	29875.817	23903.705	92199.1
4	Спорт объектлари	45438.382	5178.393	52795.1
5	Коммуникация объектлари	7487.670	8385.202	-
6	Мусиқа мактаби	-	2923.443	-
7	Сув иншоотлари қурилиши	-	10237.259	12557.1
8	Мактабгача таълим муассасалари	-	23073.206	154235.3
9	Нуронийлар маскани	-	7191.768	-
10	Маҳаллий ФЙ қурилиши	-	1749.470	-
11	ДЕПО Каттакургон туманида қурилиши	-	3090.310	-
12	Кирғоқлар	-	3368.452	-
13	Олий таълим муассасалари	-	-	76330.4
14	Бошқа объектлар	8271.189	6647.940	55234

Самарқанд вилоят инжиниринг компаниясининг 2018 йил бўйича қурилган жами объектларнинг сони 314 тани ташкил этмоқда. Шундан, 98 та

умумтаълим мактаби қуриб таъмирланган бўлса, 5 та касб ҳунар коледжи қуриб таъмирланган, 55 та соғлиқни сақлаш объектлари, 35 та спорт объектлари таъмирланган, 31 сув иншоотлари қурилиши, 73 мактабгача таълим муассасалари, 8 Олий таълим муассасалари ҳамда 9 та бошқа объектлар қуриб таъмирланган ва реконструкция қилинган. Ҳозирги шароитларда қурилиш ишларини бажариш лойиҳасининг турли масала ва муаммоларини диққат марказига қўйиб, унинг ички тузилишини ўрганишга интилдик. Биз турли шароитларда қурилиш ишларини бажариш лойиҳасининг муносабатларини, ишлаб чиқариш жараёнларида бир бутунликда мужассамлаштирувчиларини назарий ва амалий жиҳатларини кўриб чиқдик. Қурилиш аҳолининг ижтимоий-маданий ва иқтисодий муаммоларини ечишдаги ўзининг асосий ўрни билан бошқа соҳалардан ажралиб туради.

Бу вазифа қурилишнинг барча хўжалик юритувчи субъектларида маҳсулот сифатини кутаришнинг илмий асосланган ва иқтисодий самарали системаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш шартларидагина амалга оширилиши мумкинки. Бу иқтисодиётнинг мазкур тармоғида рақобатбардошлиқни таъминлашга асос бўлади.

Бу биринчи навбатда корхонанинг рақобат муҳитидаги мавқеининг яхшиланишига ёрдам беради. Самарқанд вилоятидаги корхоналар, жумладан, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси бошқарув тизимида юқоридаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда асосий эътиборини сифатни бошқариш услубларини яхши қўллай олиш кўникмаларига эга мутахассисларни тайёрлашга қаратиш керак.

Адабиётлар

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси маълумотлари.
www.samarkand.uz.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, БАНК КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ.

*Тошназарова Л.Ш. СамДАҚИ ўқитувчиси
Уралов Р.А. СамИСИ магистранти*

Ўзбекистонда кичик бизнес секторини рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар натижасида бошланган кичик корхоналарни ташкил этиш ва уни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётимизда муҳим ўзгаришларга олиб келди. Ўзбекистонда кичик бизнес - хусусий тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналардан ташкил топган.

Хусусий тадбиркорлик - кичик бизнеснинг энг кўп сонли қисмидир. Республика қонунчилигига мувофиқ, юридик шахс мақомидан ҳоли ва ишчиларни ёллаш ҳуқуқисиз мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар, шунингдек, ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган оилавий тадбиркорлик, деҳқон хўжаликлари ва оддий ширкат иштирокчилари хусусий тадбиркор деб юритилади.

Кичик бизнес - аҳолининг талай қисми учун меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаи. Бу етарли малака ва тажрибаси бўлмаган, эгилувчан жадвалли иш кунини истаган аксарият меҳнат ресурсларини машғул этувчи меҳнат бозорининг энг мослашувчан қисми. Аёллар, илк бор иш қидираётган ёшлар, маълумоти ва меҳнат тажрибаси юқори даражада бўлмаган шахслар кўпинча фақат шу ерда иш топиши мумкин. Бу жабҳада машғул кишиларнинг аксарият қисми учунгинамас, балки уларнинг оила аъзолари учун ҳам асосий даромад манбаи бўлмиш кичик бизнес миллий фаровонликнинг ўсиши учун муҳим омил бўлиши мумкин.

Кичик бизнес аҳоли орасида иш юритиш ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, унинг бозор муносабатларига мослашганлик даражасини оширишда потенциал самарали воситадир. Фуқароларга нафақат ўз ишчи кучи, балки ўз мулки, жумладан, ишлаб чиқаришга мўлжалланган

мулк эгаси бўлишга имкон яратиб, у ўрта синф - жамиятнинг прогрессив тараққиётини таъминлашга қодир, демократия ва ижтимоий барқарорликда манфаатдор ижтимоий қатламнинг шаклланиши учун асос яратади.

Кичик бизнесни иқтисодиётдаги ҳиссасини қуйидагилардан билиш мумкин:

- рўйхатга олинган, шунингдек, ҳақиқатдан фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонидаги ҳиссаси; (195 мингта субъекти)

- ЯИМ да, саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмида, қурилиш ишлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳиссаси; (ЯИМда ҳиссаси 55%)

- иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонидаги ҳиссаси; (75%)

- экспорт маҳсулоти ҳажмидаги ҳиссаси. (25%)

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва аҳамияти ўртасидаги оралик бўғин сифатида кўриб чиқилади.

Кредитни моҳияти – бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йигиндиси.

Берилган кредит қайтувчанлик характериға эға. У худди шу сифати билан молиядан фарқ қилади. Ссуда капитали манбаларининг таҳлили кредитнинг иқтисодий категория сифатидаги **моҳиятини** аниқлашға асос бўлиб ҳизмат қилади.

Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича, кредит жамиятдаги вақтинча буш пул маблағларини йиғиш ва уларни тақсимлаш шаклидир. Бу нуқтаи назардан, кредит вақтинча бўш пул маблағларини қарзға бериш бўлиб, муайян белгиланган муддатдан сўнг бу маблағлар ўз манбасига қайтиб келиши керак.

Кредит ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули, қийматнинг ҳаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги **иқтисодий муносабатларини ифодаловчи категориядир.** Иқтисодий категория сифатида кредит кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб чиқилган ва улар томонидан **турлича фикрлар билдирилган.**

Масалан, Э.Вознесенский, А.Зверев, Д.Аллахвердян каби олимлар кредит махсус категория ҳисобланса-да, у **молия таркибига кирди, деб ҳисоблашади.**

В.Захаров, О.Лаврушин, М.Пассел, И.Левчук, В.Рыбин, А.Кодиров, Т.Коралиев каби олимлар **эса кредитни молия билан параллел равишда** фаолият кўрсатувчи алоҳида мустақил иқтисодий категория деб ҳисоблайдилар.

Кредитнинг мустақил категория сифатида моҳиятини аниқлаш мураккаб **саволлардан биридир.** Кредитни қарзга бериладиган қийматнинг ҳаракати сифатида тушуниш мумкин.

Захаров В. «Кредит вақтинчалик фойдаланишга бериладиган қиймат бўйича бўладиган ижтимоий муносабатдир» деб хулоса қилган бўлса, Қодиров А., Пассел М. эса кредит иқтисодий категория бўлиб, унда ишлаб чиқариш муносабатлари ўз аксини топади ва давлат, хўжалик ташкилотлари, кохоналар, муассасалар бир-бирига қийматни маълум вақтга, кайтариб бериш ва тўлаш шарти билан берадилар, деб уқтирадилар.

Юкоридаги фикрларга асосланган ҳолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аниқланади:

Биринчидан, унинг ижтимоий маҳсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги;

Иккинчидан, кредитнинг ҳаракат шаклига (товар ёки пул тарзида) эга эканлиги;

Учинчидан, такрор ишлаб чиқаришдаги ҳаракатнинг асосий ҳал этувчи белгиси (қарз) эканлиги ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикасининг “Банк сирни тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 30 август
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2007 йил 7 ноябр.

3. Пардаев М.К., Мамасоатов Т.Х., Муроткобилов А.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш муаммолари ва ечимлари. Монография. - Т.: «Навруз», 2013. - 172 б.
4. Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ./ П.С.Роуз.- Москва.: Дело, 1997.-768с.
5. Турбанов А., Тютюнник А. Банковское дело: Операции, технологии, управление. – М.: Алпина Паблишерз, 2010.-682с.
6. http://www.cbr.ru/analytics/bank_system/obs_080801.pdf
7. www.finance.uz

IV- ШЎЪБА. ИНВЕСТИЦИОН-ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ

АКТУАЛИЗАЦИЯ ИНСТРУМЕНТОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА РЕШЕНИЙ ПРИ ИНВЕСТИРОВАНИИ В ВОСПРОИЗВОДСТВО ТЕПЛОВЫХ СЕТЕЙ В УСЛОВИЯХ ОРГАНИЗАЦИИ МОНИТОРИНГА ИХ ЭКСПЛУАТАЦИИ

Верстина Наталья Григорьевна, НИУ МГСУ, зав. кафедрой «Менеджмент и инновации», проф., д.э.н.

Евсеев Евгений Григорьевич, НИУ МФТИ, зав. кафедрой «Информационных технологий и менеджмента», доц., к. физ.-мат.н.

Аннотация. В статье рассмотрены особенности современного состояния тепловых сетей в странах постсоветского пространства, значительная часть которых в силу износа, требует осуществление инвестиций в их воспроизводство. На основании проведенных исследований основных характеристик воспроизводственного процесса в формате «как есть», были сформированы положения по обеспечению качества решений при инвестировании на основе организации мониторинга.

Abstract. The article describes the features of the current state of heat networks in the post-Soviet countries, much of which due to wear, requires investments in their reproduction. On the basis of the conducted studies of the main characteristics of the reproduction process in the “as is” format, provisions were made to ensure the quality of decisions when investing on the basis of monitoring organization.

Ключевые слова: инвестирование, воспроизводство, качество управленческих решений, тепловые сети, мониторинг.

Keywords: investment, reproduction, a quality of management decisions, heat networks, monitoring.

В современном мире объекты энергоснабжения составляют значительную часть в структуре объектов недвижимости любой страны в силу востребованности во всех сферах жизни общества, при этом данные объекты характеризуются сложностью конструктивных решений и особыми условиями эксплуатации, определяемыми выполняемой функцией – выработкой и

транспортировкой к потребителю определенного вида энергии. Среди объектов энергетического строительства традиционно выделяются линейно-протяженные объекты – тепловые сети, которые в странах постсоветского пространства, как правило, входили в состав систем централизованного теплоснабжения городов и поэтому получили повсеместное распространение как в РФ, так и в Узбекистане. Эксплуатируемые в настоящее время теплосетевыми организациями тепловые сети преимущественно формировались в социалистический период нашей истории, что предопределило их потребительские свойства в настоящее время, обусловленные, прежде всего, качеством проектирования и строительства, внимание к обеспечению которого уделялось в недостаточной степени.

Масштабы проблемы износа тепловых сетей по-разному оцениваются исследователями и практиками в наших странах, однако, полное единство мнений присутствует относительно ключевой позиции – объективно назрела необходимость актуализации инструментов обеспечения качества при инвестировании в воспроизводство тепловых сетей в современной практике. По нашему мнению, можно и нужно развернуть этот тезис, определяя направления исследований по данной проблематике. Анализ значительного объема статистической информации по повреждениям и отказам тепловых сетей, предпринятый нами на примере крупных городов РФ, показал, что основой разработки современных инструментов менеджмента при воспроизводстве теплосетевого хозяйства теплоснабжающих организаций должен выступить комплексный анализ эксплуатации инженерных систем, который позволит выявить слабые звенья имевшейся практики и подойти к разработке научно-практических рекомендаций по совершенствованию инновационного управления в сфере энергетического строительства.

Рассмотрим с этих позиций основные характеристики воспроизводственного процесса в формате «как есть» в настоящее время. *Во-первых*, менеджмент теплосетевых организаций, оценивая величину накопленного износа, ежегодно формирует значительные средства на

воспроизводство изношенных тепловых сетей исходя, прежде всего из своих финансовых возможностей. Российский опыт, рассмотренный авторами, показал, что как на уровне отдельной теплоснабжающей организации, так и в масштабах всей страны, что было озвучено в докладах Минэнерго РФ, средств на осуществление воспроизводственных процессов в должных объемах недостаточно [1]. Современная практика Узбекистана, запланировавшего привлечение в указанных целях в том числе и значительных кредитных средств одной из крупнейших мирового масштаба кредитных организаций, также свидетельствует о дефиците собственных финансовых ресурсов на воспроизводство. В этой связи, становится очевидным первый вывод – принятие инвестиционных решений по воспроизводству тепловых сетей выводится на уровень решений, осуществляемых по классическим канонам бизнес-планирования, основанного на использовании заемных средств, связанных с обеспечением их отдачи с требуемой нормой доходности. Это обуславливает необходимость идентификации параметров инвестирования, связанных в том числе и с техническими характеристиками объектов инвестирования – тепловых сетей.

Это, является *второй* существенной характеристикой воспроизводственного процесса в теплоснабжающих организациях. Современная государственная политика в области регламентации процессов эксплуатации объектов теплоснабжения практически отсутствует в наших странах, при этом и управленческая практика эксплуатации тепловых сетей различными теплоснабжающими организациями не связана с необходимостью обеспечения единого в масштабах страны подхода к учету объектов теплосетевого хозяйства (исключая традиционный бухгалтерский). Таким образом, данные по эксплуатации, позволяющие корректно определить технические характеристики объектов инвестирования и сопоставить различные объекты инвестирования- тепловые сети, уже предопределяют «неоднородность» решений по инвестированию. Исследования авторов показали, что только сейчас менеджмент организаций, эксплуатирующих

тепловые сети, начинает ставить вопрос о системной работе по организации мониторинга эксплуатации инженерных систем с целью получения объективных данных для планирования воспроизводственных процессов. Но организация подобного рода информационной системы – это сложная научно-практическая задача, сопряженная с необходимостью проведения комплекса работ по определению единиц учета – участков тепловых сетей, формированию классификаторов конструкций этих инженерных систем, а также идентификации видов повреждений и отказов тепловых сетей в процессе эксплуатации во взаимосвязи с причинами их появления по стадиям жизненного цикла. Эти исследования были проведены авторами и представлены в целом ряде публикаций научному сообществу, обсуждение с которым позволяет сейчас поставить вопрос о необходимости перехода к общегосударственной системе учета эксплуатируемых тепловых сетей в масштабах всей страны [5,6,7,8].

Это позволит преодолеть наличие *третьей* характеристики воспроизводственного процесса - «локального» формата инвестиционных решений, осуществляемых на уровне теплоснабжающей организации. Объективная статистическая информация об эксплуатации тепловых сетей страны, поддерживаемая в режиме мониторинга, позволит формировать прогнозы развития отрасли, а на этой основе – целенаправленно формировать государственную политику в сфере теплоснабжения, в том числе и меры государственной поддержки. Проведенный авторами анализ новелл и практики применения актуализированного закона «О теплоснабжении» РФ позволил утверждать, что предпринятая попытка изменения организационно-экономической схемы взаимодействия поставщиков и потребителей тепловой энергии, направленная на улучшение воспроизводственных процессов в отрасли, сопряжена с новым инструментом – расчетом тарифом на поставляемый ресурс методом «альтернативной котельной» [1,2,4]. Это по сути шаг вперед в сравнении с господствовавшей ранее практикой развития систем централизованного и децентрализованного теплоснабжения, но при

этом сохраняется опасность объективного увеличения тарифов на тепловую энергию в тех организациях, где высок износ тепловых сетей. В этой связи наличие охарактеризованной выше общегосударственной системы учета эксплуатируемых тепловых сетей в масштабах всей страны, позволило бы расширить диапазон инструментов обеспечения качества при инвестировании в воспроизводство тепловых сетей, поддерживаемых со стороны государства.

Перейдем в заключении к представлению системы положений, определяющих перспективу «как надо», которая по мнению авторов, позволит менеджменту теплоснабжающих организаций сделать шаг вперед в сравнении с современной практикой:

- теплоснабжающие организации в системе информационного обеспечения деятельности формируют новую составляющую – «Мониторинг состояния эксплуатируемых тепловых сетей»;

- в обязательном порядке разрабатывается на уровне организации регламент осуществления мониторинга, в котором закрепляется содержательная характеристика и ответственность персонала за осуществление этих процессов;

- на основе информации мониторинга определяются участки тепловых сетей, подлежащие воспроизводству, после чего формируется перечень объектов инвестирования и производится их ранжирование по критериям, устанавливаемым менеджментом;

- итерационно осуществляется процесс соотнесения имеющихся финансовых ресурсов на воспроизводство в планируемом году и фактически установленной потребности на основе мониторинга;

- по выбранным объектам инвестирования - участкам тепловых сетей осуществляется формирование параметров бизнес-планов, учитывающих необходимость обеспечения отдачи инвестиций с требуемой нормой доходности.

Представленная выше система положений, представляет собой традиционный набор действий и используемых менеджментом инструментов,

применяемых при инвестировании. Но при этом авторами введен новый элемент системы- мониторинг эксплуатации тепловых сетей, который позволяет обеспечить требуемое качество решений при планировании инвестиций в воспроизводство. Важно также отметить и необходимость проведения дальнейших исследований, посвященных воспроизводству теплосетевого хозяйства. По мнению авторов целесообразно было бы расширить аппарат экономико-математического моделирования выбора вариантов объектов инвестирования, который позволяет в зависимости от характера данных мониторинга при необходимости расширять их номенклатуру за счет проведения технической диагностики состояний тепловых сетей, что может стать отдельной частью инструментов обеспечения качества управленческих решений и при этом выступить как самостоятельный объект инвестирования.

Список использованной литературы

1. Федеральный закон от 27 июля 2010 № 190-ФЗ «О теплоснабжении»: принят Гос. Думой 09 июля 2010 г. Одобрен Советом Федерации 14 июля 2010 г.//Рос. газета – Федеральный выпуск № 5247 (168). – 2010 г. – 30 июля.;
2. Федеральный закон от 30 декабря 2012 года № 291-ФЗ «О внесении изменений в отдельные законодательные акты РФ в части совершенствования регулирования тарифов в сфере электроснабжения, теплоснабжения, газоснабжения, водоснабжения и водоотведения»: принят Гос. Думой 21 декабря 2012 г. Одобрен Советом Федерации 26 декабря 2012 г.//Рос. газета № 3. – 2013 г. – 11 января.;
3. Доклад «Об итогах работы топливно-энергетического комплекса в 2018 году и задачах на 2019 год» на заседании Правительства РФ [Электронный ресурс] Официальный сайт Министерства энергетики РФ. Режим доступа: <https://minenergo.gov.ru/press/doklady/> (дата обращения: 26.04.2019);
4. Расчет стоимости тепловой энергии (мощности) по методу «альтернативной котельной» [Электронный ресурс] Официальный сайт

Министерства энергетики РФ. Режим доступа:
<https://minenergo.gov.ru/node/9896/> (дата обращения: 26.04.2019);

5. Верстина Н.Г., Евсеев Е.Г., Гончаров А.М. Организация системы мониторинга эксплуатации тепловых сетей: нормативная основа и условия обеспечения эффективности.// Научный журнал «Экономика и предпринимательство». 2016. № 9 (74). С. 967-972;

6. Верстина Н.Г., Евсеев Е.Г. Фактор строительства в управлении эксплуатацией тепловых сетей в современных условиях//Сборник докладов участников Всероссийской научно-практической конференции «Степановские чтения - 2018: экономика и управление в строительстве»././ Под ред. М.Ю. Мишлановой. 2018. С. 46-51.;

7. Верстина Н.Г., Евсеев Е.Г. Условия развития проектного финансирования в современных теплоснабжающих организациях.// Научный журнал «Недвижимость: экономика, управление». 2017. № 4. С. 69-72;

- 3.Суюнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов. Монография. – Т.: «Фан ва техника».

СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА

Доцент Усманов И.А. (СамГАСИ), доцент Зайналов Н.Р. (СФ ТУИТ)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётнинг шаклланишида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар кўрсатиб берилган. Мазкур жараёни тизимли йўлга қўйиши бевосита замонавий ахборот технологияларининг ривожлантириши билан боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

Калитли сўзлар: ахборот хавфсизлиги, ракамли иқтисодиёт, буюмлар Интернет.

Одним из основных направлений инновационного развития Республики Узбекистан, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан «Об образовании министерства инновационного развития Республики Узбекистан» УП-5264 от 29 ноября 2017 года является «...ускоренное внедрение современных информационно-коммуникационных, промышленных и иных инновационных технологий, обеспечивающих всестороннее развитие отраслей реального сектора экономики».[1] Решение данной задачи непосредственно связано с развитием инфраструктуры цифровой экономики, в том числе элементов информационной безопасности.

Информационная безопасность автоматизированной системы обработки информации – это состояние рассматриваемой автоматизированной системы, при котором она, с одной стороны, способна противостоять дестабилизирующему воздействию внешних и внутренних информационных угроз, а с другой, - ее наличие и функционирование не создает информационных угроз для элементов самой системы и внешней среды. Развитие информационных технологии проблему информационной безопасности рассматривает из двух позиций. Одна её часть — это кибер или электронная безопасность, связанная с безопасным функционированием программного обеспечения, устройств, каналов, это то, где основные угрозы — сетевые атаки, "закладки", взломы, вирусы, трояны, ботнеты и прочее. Вторая часть — это информационная безопасность, связанная с воздействием на сознание, с безопасным функционированием умов.

С точки зрения кибербезопасности наша страна является рынком сбыта информационно-коммуникационных технологии развитых стран, что является большой проблемой в становление независимости технического и программного обеспечения. И сейчас мы вошли в полосу новых технологии, таких как "блокчейн", "нейронные сети", "искусственный интеллект", "криптовалюта", "Интернет вещей", "Большие данные" и т.п. И в этих

условиях встаёт проблема внедрения этих технологии. При этом никто не обсуждает саму разработку этих технологии, а говорится только о внедрении, тем самым люди, ответственные за принятие решений, не понимая смысла происходящего, толкают страну в пучину информационной зависимости от развитых стран.

Рассматривая проблему внедрения криптовалюты, например биткоин, мы до конца не осознаём все последствия на экономическом уровне. Например, мировая статистика транзакций в биткоине показывает, что больше 90% идёт на наркотики и оружие и тому подобные вещи. Значит, внедрение криптовалюты может привести к росту бесконтрольных валютных операций.

Другое направление цифровой экономики связано с Интернетом вещей. Казалось бы, хорошо, когда датчики стоят на всех устройствах, позволяют контролировать производство, энергетику, транспорт или домашнюю технику, но проблема в том, что внутри страны нет собственного стандарта на эти датчики и на протоколы передачи данных. По данным одного из авторитетных экспертов в области цифровой экономики компании The Boston Consulting Group (BCG), доля цифровой экономики в ВВП развитых стран неуклонно растёт (табл.1).

Таблица 1

Динамика роста доли цифровой экономики в ВВП стран G20, %

Страна	доля цифровой экономики в ВВП	
	2010 г.	2016 г.
Великобритания	8,3	12,4
Южная Корея	7,3	8
Китай	5,5	6,9
Евросоюз	3,8	5,7
Индия	4,1	5,6
Япония	4,7	5,6
США	4,7	5,4
Мексика	2,5	4,2
Саудовская Аравия	2,2	3,8
Австралия	3,3	3,7
Канада	3	3,6
Аргентина	2	3,3

Россия	1,9	2,8
ЮАР	1,9	2,5
Бразилия	2,2	2,4

Источник: Boston Consulting Group (BCG)

Такой темп преопределяются не только высоким уровнем автоматизации существующих процессов, но и внедрением принципиально новых, прорывных бизнес-моделей и технологий. Среди них – цифровые платформы, цифровые экосистемы, углубленная аналитика больших массивов данных, 3D-печать, роботизация, Интернет вещей и др. По оценкам, ежегодные вложения в мировую экономику только Интернета вещей до 2025 г. составят от 4 до 11 трлн. долл. США.

Наиболее обширные базы данных потенциальных клиентов содержатся в платформах социальных сетей. Так, по расчетам компании Facebook, только за 2013–2017 гг. количество субъектов малого и среднего бизнеса, зарегистрированных на ее платформе, возросло более чем в 2,5 раза: с 25 до 65 млн. При этом доля их зарубежных подписчиков составляет около 30 %. Этот факт характеризует социальные сети как мощный маркетинговый инструмент, особенно для компаний, заинтересованных в росте экспортных показателей.

В Узбекистане со дня установления независимости уделяется особое внимание интенсивному развитию информационно-коммуникационных технологий. В стране реализуются масштабные цифровые инфраструктурные проекты, в том числе по развитию государственных электронных услуг, расширению электронной системы закупок, вовлечению граждан в процесс принятия общественно значимых решений. Указом Президента Республики Узбекистан от 30 июня 2017 г. №УП-5099, сформирован серьезный задел для развития в республике сферы разработки программных продуктов. Впервые за всю историю на принципе экстерриториальности в пределах территории Республики Узбекистан создан Инновационный центр по поддержке разработки и внедрения информационных технологий «Mirzo Ulugbek Innovation Center». При этом центру и его резидентам предоставлены

беспрецедентные налоговые и таможенные льготы. В то же время, успешное развитие цифровой экономики опосредует своевременное решение проблем, в том числе создание условий для расширенного внедрения и использования цифровых технологий, включая дальнейшее развитие базовых ИКТ и опорной инфраструктуры, обеспечение всеобщей и повсеместной доступности Интернета, сокращение сохраняющегося регионального цифрового разрыва. Потребуется формирование эффективной законодательной и нормативно-правовой базы.

Таким образом, для успешной адаптации к преобразованиям и сокращения технологического разрыва с ведущими игроками, Узбекистану необходимо выработать действенные ответы на вызовы цифровой эпохи. В частности, требуется разработка долгосрочных научно обоснованных и безопасных стратегий внедрения цифровых технологий с учетом необходимости обеспечения опережающих темпов развития в данном направлении как на уровне государства, так и в разрезе отраслей и предприятий республики.

Литература.

1. Указ Президента Республики Узбекистан «Об образовании министерства инновационного развития Республики Узбекистан» УП-5264. Народное слово, 30 ноября 2017 г.
2. Электронная экономика // Википедия [2016–2016] [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://ru.wikipedia.org/?oldid=81412399> (дата обращения: 18.07.2017).

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИЛҒОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШДА ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНИШНИНГ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА
ТАЪСИРИ**

*доцент Бўранов О.Б., доцент Каржавов З.К.,
к.э.н. Мусурмонов Р.М.,
201-Менежмент гуруҳи талабаси Шарипов Ш.Ш*

Бозор иқтисодиёти шароитида илғор технологиялардан фойдаланиш кўпгина давлатларнинг ривожланишида энг мураккаб масалаларни ечишнинг асосига айланиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда шунга эътибор бериш керакки дунёнинг аксарият мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши, асосан илмий янгиликлардан фойдаланиш, тармоқнинг инновацион рақобатбардошлигини ошириб бориши ҳисобига бўлмоқда. Жумладан, Германияда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиши 100 фоиз инновация ҳисобига юз берса, Тайвандда корхоналар инновацион тадбиркорлиги ҳисобига 78 фоиз бандлик ва мамлакат бўйича ЯИМнинг ўсиши 45 фоиз таъминланмоқда.

Эндиликда дунёдаги давлатларни бой ёки камбағал, индустриаллаштирилган ёки аграр мамлакатлар деб баҳо берилишидан, хом ашё етиштирувчи ёки товар маҳсулотлари етиштирувчи, технологиялар ишлаб чиқарувчи, билимлар яратувчи (шу жумладан юқори технологиялар) деб баҳо беришга ўтилмоқда. Охирги гуруҳга кирувчилар дунёда етакчи давлатлар ҳисобланади.

Технологияларни жорий қилиш мунтазам равишда такомиллашиб бормоқда ва турли мамлакатларда турлича амалга оширилмоқда. Жумладан, АҚШда федерал давлат миқёсида олиб борилган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижалари нодавлат корхоналари орқали амалга оширилади. Улар илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари тизимида асосий бўғин ҳисобланади. Федерал ҳукумат шулар орқали энг яхши илмий тадқиқот ташкилотларини, талантли олимларни иш билан

таъминлайди ва уларнинг олдига илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари бўйича вазифалар қўяди.

Германияда аввал АҚШ тажрибасидан фойдаланилган бўлса, кейинчалик эса, Англия, Франция, Японияда қўлланилаётган илмий тадқиқот тажрибасини қабул қилмоқда.

Япония ва Жанубий Шарқий Осиёда жойлашган янги индустриалашган мамлакатлар ўзларининг модернизациялаш ва инновацион фаолиятини ресурсларини истиқболли юқори технологияга асосланган янгиликларни охири бозорга чиқиш олдидан сотиб олишга қаратадилар. Бу уларга янгиликнинг охири босқичидаги ишларни яқунлаб жорий қилиш имкониятини берди. Масалан, Япония йилига 1500 та лицензияларни сотиб олиш ҳисобига шу янгиликларни яратиш учун илмий тадқиқот ишларига харажатларни АҚШга нисбатан 100 маротаба кам сарфлаган ва кўп турдаги импорт қилинаётган маҳсулотларни шу лицензиялар орқали ишлаб чиқариш ҳисобига камайтирган.

Тармоқлар инновацион бошқариш самарадорлигини оширишда, технологик ва техник жиҳатдан модернизациясига қаратилган давлатлар мақсадли дастурларларининг истиқболлига қаратилган фундаментал ва илмий тадқиқотларга асосланган инновацион дастурлар роли ошиб боради. Ишлаб чиқариш корхоналари илмий маҳсулотни жорий қилиш бўйича ўзи мустақил равишда қарор қабул қилиши керак. Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки илмий маҳсулот жорий қилишга тайёр бўлганда ҳам, тармоқни модернизациялашда инновацион жараёни молиялаштирадиган ташкилотлар фаолият юритиши лозим.

Илмий тадқиқот муассасалари ўзларининг илмий ечимларини таклиф қилишга тайёр, аммо инновацияни жорий қилишни молиялаштириш муаммолари бугуннинг долзарб масаласидир. Бунда илмий маҳсулотларни тижорат йўлига қўйиш механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Инновацион жараёнларни ўзига хос хусусиятларидан бири, бу унинг кўп тармоқлилиги ҳисобланади. Инновацион жараёни молиялаштиришнинг

асосий манбалари бу республика бюджети ва худудлар бюджети ҳисобланади. Шунга эътибор бериш керакки, республикада сўнгги йилларда бюджет маблағларини улуши камайиб бориши, хўжалик субъектлари маблағларидан молиялаштириш эса кўпайиб бориши кузатилмоқда.


Маълумки, илмий ходимлар ва инновацион жараёнда иштирок этувчи ижрочиларнинг моддий манфаатдорлиги механизмини такомиллаштиришни, инновацион ғояларни жорий этиш натижалари билан бирлаштириш орқали нафақат мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш балки юқори технология имкониятларини ишга солиш муҳим аҳамият касб этади.

. Инновацион жараён бўйича ҳаракат икки томонлама ривожланиб бориши лозим. Бир томондан давлат кўпроқ бюджет маблағларини илмий йўналишларга, инновацион фаолият учун кредит берувчи ташкилотларни рағбатлантиришга йўналтириши, шунингдек инновацион фаолиятни меъёрий ҳужжатлар билан мувофиқлаштириб туриши, иккинчи томондан, корхоналар шу жумладан, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар инновацион лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириши лозим. Бунинг учун банк кредитлари ҳисобидан инновацион лойиҳаларни кредитлаш механизми янада такомиллаштирилиши лозим. Бунда банкларнинг кредитларни инновацион лойиҳадан фойда олинишига ва кредит ресурсларини қайтишига ишонч ҳосил қилган механизмларнинг мавжудлиги катта аҳамият касб этади.

Корхоналар фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки уларда юқори технологияларни жорий қилиш иштиёқи бор, аммо, бунга ўз маблағларини ишлатиш, банклар кредитларидан фойдаланиш бўйича билимлари ва тажрибалари етишмаётганлиги сабабли инновацион жараёни жорий қилиш имконияти пасаймоқда. Шунинг учун улар ҳар доим малакали маслаҳатга муҳтож. Маслаҳат хизмати тизими, илмий тадқиқот, таълим-тарбия ва тажриба корхоналари билан келишган ҳолда бир яхлит тизим шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг учун, аввало маслаҳат хизматини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий баъзасини мустаҳкамлаш

лозим, Бунда эса, соҳалар бўйича маслаҳат фаолияти ҳақида қонун қабул қилиниши керак бўлади.

Мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор ривожланиши ва маҳсулот рақобатбардошлиги асосини соҳани модернизациялаш ва инновацион йўналишга ўтказиш ҳисобланади. Буни чизма равишда қуйидагича ифодалаш мумкин. (1-расм)



1-расм. Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион ривожланиш тизими

Бугунги кунда республикада модернизациялаш ва инновацион фаолликни ривожланишига ҳалақит бераётган омиллар қуйидагилардан иборат:

- лойиҳалар танловида қатнашишидаги иштирокнинг камлиги, маблағ етишмаслиги, кредитлардан фойдаланишдаги қийинчиликлар;
- тадбиркорларни инновацион дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича танловлар ҳақида етарлича ахборотга эга эмасликлари;
- инновацион маркетингни ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган менежерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яхши ривожланмаганлиги;

- инновацион лойиҳаларни хавф-хатарлик даражасига баҳо берувчи ва суғурталовчи инновацион венчур ва суғурта компаниялар тизимини етишмаслиги кабилар.

- хорижий инновацион ҳамкорлар билан алоқаларнинг камлиги ва ҳ.к..

Хулоса қилиб айтганда, инновация жараёни мамлакатдаги рақобат механизми асосида фаолият юритаётган мулкчиликни турли шакллари, хусусий ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни узлуксиз равишда танлов асосида ривожлантиришни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Investment Appraisal: Methods and Models - Uwe Gütze, эDeryl Northcott, эPeter Schuster - 2015
2. Хотамов И.С., Саъдуллоев Ҳ.И. Инвестицияларни баҳолаш. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2012.- 202б.
3. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов:Пер.с англ.- 4-е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс,2007.1340 с.
4. Боди, Зви, Кейн, Алекс, Маркус, Алан. „Инновационные процессы, 4-е издание.: Пер. с англ. "Вильямс", 2008. — 984 с .
5. Зубченко Л.А. Иностраные инвестиции: Учебное пособие.М.:ООО «Книгодел», 2008.-160 с.
6. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ.

*кат. ўқит. Пулатов З.М., ўқит. Жуманов Ш.Н.,
ўқит. Мирзаев З.А. (СамДАҚИ)*

Ҳозирги иқтисодиётнинг эркинлашиши ва маҳсулот етиштирувчилар орасида рақобатнинг кескин ривожланиб бораётганлиги, корхоналарнинг самарали фаолияти аввало маҳсулот таннархини пасайтириши, унинг сифатини яхшилаши ва маҳсулотларнинг истеъмол бозорида самарали сотилишига боғлиқ.

Маҳсулот рақобатбардошлиги эса, биринчи навбатда унинг сифат кўрсаткичига боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида маҳсулот сифати деганда, унга истеъмолчи назари билан ёндашиш лозим, токи у етиштирилган маҳсулотлар орасидан ўзига энг маъқул бўлганини танлаб олиш имкониятига эга бўлсин.

Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқриш маҳсулотлари ва хом ашёсини рақобатбардошлигини бир неча омилларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш лозим:

- иқтисодий омил, якуний маҳсулот харажат ва нархдан келиб чиққан ҳолда;
- технологик омил, ишлаб чиқаришни истиқболда модернизациялашни ҳисобга олган ҳолда;
- ижтимоий омил, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартирганда ижтимоий характерга эга бўлган харажатларни ҳисобга олган ҳолда.

Шундан келиб чиқиб, таъкидланганидек, рақобатбардошлик деганда истеъмолчи учун маъқул бўлган шу турдаги мамлакат ичкарисида ва ташқарисида ишлаб чиқилаётган, истеъмолчи учун маъқул бўлган маҳсулотнинг бозордаги ўртача истеъмол баҳосини, сотиш воситалари ва усуллари, унинг истеъмол қийматини ифодалаб берувчи комплекс кўрсаткичлари тушунилади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, истиқболда аҳоли даромадининг кўпайиши ва харид қилиш имкониятларини кўтарилиши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабни ошириши мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги даврда иқтисодиётни глобаллашувини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардошлик муаммосини икки йўналишда кўриб чиқиш керак бўлади:

1. Мамлакат мамалакт ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини ички бозорда сотилишини ҳисобга олган ҳолда;
2. Маҳсулотни экспорт қилишни ҳисобга олган ҳолда.

Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардошлигини таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқаро бозор нархини, солиқ юкининг ўзгариши, транспорт харажатларини ҳисобга олганда (масалан, техника-технология, пахта толаси, мева ва сабзавот) маҳсулотлар рақобатбардошлиги нисбатан юқори эканлиги кўзга ташланмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг ва хом ашёларининг рақобатбардошлигини кўтариш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши лозим:

- ишлаб чиқариш имкониятларини миллий саноат асосига қўйиш, қишлоқ хўжалигида об-ҳаво ва иқлим шароитларига чидамли юқори ҳосилли навлар ва уларнинг гибридларидан кенг миқёсда фойдаланиш, зотли моллар ва юқори ҳосилли экин турлари бўйича ҳудудлараро алмашишни йўлга қўйиш, машина трактор паркини янги техникалар билан мустаҳкамлаш ҳамда техника ва асбоб ускунага бўлган талабни лизинг орқали сотиб олиш хажмини ва турларини кенгайтириш;

- миллий маҳсулотларни улгуржи бозор, аукцион, биржа каби янги каналлар орқали сотиш йўллариини шакллантириш;

- мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш хажмини кўпайтириш уни ассортиментини аҳоли талабига қараб кенгайтириш, сифатини ва қадоқлашни яхшилаш;

•импорт бўйича олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли саломатлигига зарар етказишини олдини олиш мақсадида сифат кўрсаткичлари бўйича қаттиқ назорат ўрнатиш лозим;

•жаҳон стандартларига мос келадиган маҳсулот сифатини бошқаришни ташкил қилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хом ашё сифатини қафолатлайдиган тизимни ишлаб чиқиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, рақобатнинг ўзи ишлаб чиқариш корхонасининг малака базасини шакллантиришга етарли эмас, уни мунтазам равишда кенгайтириб такомиллаштириб бориш лозим.

Малака базаси ишлаб чиқариш корхонасини унинг инновация ҳолатини юқори даражада ушлаб туриш орқали рақобатбардошлигини кўтаришни таъминлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, корхоналарда рақобатбардошликни таъминлаш жараёнини назарий жиҳатдан иккита даврга бўлиш мумкин:

1-даврдан унумдорлик омилларини (инсон омили капитали, янги билимлар, ахборот, янги технология ва ҳақозолар) шакллантириш, бу жараённи шундай олиб бориш лозимки, унинг натижаси унумдорлик юқори (максимал) даражада бўлсин.

2-давр шакллантирилган унумдорлик омилларини кенг миқёсда жорий қилиш.

Бугунги ишлаб чиқариш асосини хусусий тадбиркорлар ташкил қиладиганини ҳисобга оладиган бўлсак, хўжалик юретишнинг шу шаклларини рақобат афзаллигини таъминлашда уларнинг малака базасини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик юретишнинг ушбу шакллари малака базаси биринчи навбатда яқка тадбиркорлар ва хусусий корхона раҳбарларининг ва уларнинг бошқариш ишларида иштирок этаётган бошқа аъзоларининг билим даражаси билан боғлиқ. Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг кўпчилик қисми олий маълумотга эга эмас. Олий маълумотга эга бўлганларнинг кўпчилик қисми соҳа мутахасиси эмас.

Шунинг учун ҳам уларни билимини ошириш нафақат тадбирларнинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, балки умуман шу соҳанинг иқтисодийетини кўтаришда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки рақобатбардошликни аниқлаш учун мулкка эгаликдан ташқари, ташкилий, иқтисодий, моддий-техник таъминот ва ижтимоий шароитларга ҳам эътибор бериш лозим экан. Бунга компанияларни биргина мамлакат миллий иқтисодийетини ривожланишдаги иштироки кифоя қилиб қолмасдан, балки бошқа давлатларда жойлашган трансмиллий компанияларнинг иштироки таъсир кўрсатади.

Рақобатбардошликни оширишда ягона эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиниши муҳим рол ўйнайди. Бундай ҳудудларнинг ташкил қилиниши, умумий божхона қоидаларини жорий қилиниши ҳисобига қўшимча маблағ олиш, шунингдек, бошқа давлатлар бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имкониятини ҳам беради.

Аммо бир нарсага эътибор беришимиз керакки, ягона эркин иқтисодий ҳудуднинг ташкил бўлиши миллий стандартларни жаҳон стандартига мослаштиришни талаб қилиши, ҳамда етиштирилаётган маҳсулотлар сифат кўрсаткичи халқаро талабларга жавоб бериши лозимлиги, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши зарурлигини тақозо қилади.

Рақобатга асосланган ички бозорни шакллантириш ва мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, рақобатбардош корхоналарга инвестициялар йўналтирилиши рақобатбардошликни оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу борада рақобатбардош маҳсулотни ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир корхоналарни танлаб олиш ва инвестицияларни шуларга йўналтириш лозим бўлади. Бундан ташқари янги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатга жавоб берадиган ва мамлакат корхоналарини модернизация қилиш учун катта ҳажмдаги капитални кириб келишини таъминлайдиган, инновацион механизмни ишга солишга эътибор бериш керак бўлади.

Бозор механизидан самарали фойдаланишга асосланган рақобат муҳитини яратиш илмий асосланган қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу тадбирлар қуйидагилардан иборат:

монополистик ҳолатни ривожланишини олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмни яратиш;

илмий тадқиқот ишларида халқаро илмий муассасалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш;

халқ хўжалиги комплексини рақобатга асосланган бозор механизмини оптималлаштириш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш мажмуасининг яхлит иқтисодий муносабатлар тизимидаги ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдаги бундан кейинги самарали ривожланиши, бизнинг фикримизча маркетинга асосланиши, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ва монопол назоратни олиб боришга боғлиқ.

Рақобат афзаллиги назариясида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобат ҳолатига стратегик режалаштириш, инновация, ходимларни ўқитиш, бозорни ўрганиш, ресурслар тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни жорий қилиш, ахборотга эга бўлиш ва ҳақозолар орқали эришилади. Ишлаб чиқариш корхонаси бунга эришиши учун биринчи навбатда, юқоридаги санаб ўтилган омилларни бир яхлит интеграллашган ҳолатга олиб келишни таъминлай оладиган малакали кадрлар базасига эга бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Экономико-математический энциклопедический словарь / Гл.ред.В.И. Данилов-Данилиан. –М.: Большая Российская энциклопедия: Издательский дом «ИНФРА-М», 2003. -688с

2. Ч.Г. Донгак “Повышение конкурентоспособности строительной организации на основе развития ее кадрового потенциала” (автореферат), Санкт-Петербург, 2009г. Стр 6.

3. <http://www.ziyonet.uz> (Ўзбекистон Республикаси ахборот таълим тармоғи расмий сайти)

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ.

*Мирзаходжаев А. Б, СамГУ. стар.преподаватель
Шамсиев Д. И, СамГУ. бакалавр 2 курса*

Результаты фундаментальных исследований свидетельствуют о том, что процессы экономического обновления и роста определяются размерами и структурой инвестиций, качеством и скоростью их осуществления. Дефицит инвестиций побуждает хозяйствующие субъекты к увеличению их объемов, в результате чего увеличивается число проектов, претендующих на включение в список финансируемых, поэтому необходимо, чтобы в этом перечне на первых местах находились наиболее эффективные проекты. Несмотря на разнообразие инвестиционных проектов, их анализ обычно следует некоторой общей схеме, которая включает коммерческую, техническую, финансово-экономическую и институциональную выполнимость проекта. С точки зрения стратегического инвестирования, проект должен заканчиваться оценкой риска.

Успех подготовки и реализации инвестиционного проекта зависит от правильного распределения рисков между его участниками. Распределение рисков между участниками может различаться в зависимости от специфики проекта. Этот аспект часто носит юридический характер, так как риски и их распределение находят отражение в проектной документации и являются критическими вопросами любого контракта. Риски, возникающие при реализации инвестиционных проектов, можно подразделить на три группы: политические, коммерческие и риски форс-мажорных обстоятельств.

Предварительный анализ инвестиционного проекта предполагает оценку состояния сферы бизнеса предприятия и сравнительное положение предприятия в рамках отрасли. Необходимо выполнить прогнозирование будущего отрасли, к которой относится предприятие. Также необходимо попытаться получить прогноз на возможные изменения, ожидаемые в отрасли. Стадия предварительного анализа не должна быть продолжительной по времени, и выводы, которые делаются на предварительном этапе, преимущественно

базируются на качественных оценках. Тем не менее, эта стадия необходима, поскольку позволяет принять решение о сфере реализации капиталовложения.

Анализ эффективности инвестиционных проектов важен также потому, что расширение активов обычно связано с существенными затратами, и до того, как будут затрачены большие средства, фирмам необходимо обосновать, насколько эффективным будет вложение финансовых средств через несколько лет. Результативность инвестиций в определенной мере зависит от срочности используемых фирмами кредитов.

Решение о целесообразности проектного инвестирования чаще обуславливается целями, которые оно перед собой ставит. Известна следующая иерархия инвестиционных целей фирмы:

- 1) прибыльность (рентабельность) инвестиционного мероприятия;
- 2) рост предприятия путем ежегодного увеличения доли контролируемого рынка;
- 3) поддержание высокой репутации среди потребителей;
- 4) создание и апробация инновационных подходов и методов.

Одним из побудительных мотивов, заставляющих предприятия выбирать один из нескольких выгодных инвестиционных проектов, является ограниченность финансовых средств. Лимитом финансовых средств для осуществления инвестиций является фиксированный предел годового объема капитальных вложений, которые может позволить себе предприятие исходя из своих финансовых возможностей. В качестве одного из резервов повышения эффективности инвестиционных проектов следует рассматривать снижение постоянных затрат. В большинстве случаев качественный выбор персонала предприятия, повышение квалификации сотрудников, иные усовершенствования позволяют снизить расходы. Следующим фактором, влияющим на эффективность инвестиционных проектов, является снижение переменных затрат. В качестве путей решения этой проблемы можно, например, рассмотреть вопрос оптимизации системы логистики компании.

Технико-экономическое обоснование проекта базируется на сравнительном анализе современных подходов к оценке эффективности инвестиций. Обычно отечественные и западные инвесторы анализируют типовые показатели эффективности проекта и определяют допустимые (рекомендуемые) интервалы их значений. Типовые показатели эффективности проекта представлены в табл. 1.

Таблица 1. Типовые показатели эффективности

Показатель	Рекомендуемый интервал
1. NY – чистый доход	> 0
2. NPV – чистый дисконтированный доход	> 0
3. IRR – внутренняя норма доходности	> нормы дисконта
4. PBP	< срока кредитования

Источник: Коссов В.Н., Лившиц В.Н., Шахназаров А.Г. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов. -М: Экономика 2000: 25–27

Чистым доходом (ЧД) называется накопленный эффект (сальдо денежного потока) за расчетный период:

$$\text{ЧД} = \sum \text{цм}, (1)$$

где цм – сальдо суммарного денежного потока.

Чистый дисконтированный доход (ЧДД) является важнейшим показателем эффективности проекта. Он показывает накопленный дисконтированный эффект за расчетный период и рассчитывается по следующей формуле

$$\text{NPV} = \sum \text{цм} \text{ дм} (E), (2)$$

ЧДД характеризует превышение суммарных денежных поступлений над суммарными затратами по проекту без учета и с учетом неравноценности эффектов (а также затрат, результатов), относящихся к различным моментам времени. Он рассчитывается по интервалам планирования и равен выручке (В) за минусом операционных затрат, налогов (Н) и инвестиционных издержек (И), понесённых в данном интервале планирования.

Максимальная ставка кредитования рассчитывается методом IRR (внутренняя норма дисконта). В наиболее распространенных случаях в инвестиционных проектах, начинающихся с инвестиционных затрат и имеющих положительный ЧД, IRR называется положительное число E_v , если при норме дисконта $E = E_v$ чистый дисконтированный доход проекта обращается в 0. Для оценки эффективности ИП значение ВНД необходимо сопоставлять с нормой дисконта E . Инвестиционные проекты, у которых $IRR > E$, имеют положительный ЧДД и поэтому эффективны. Максимальная ставка кредитования, под которую инвестор привлекает заемные средства, не должна превышать IRR. Под периодом окупаемости (PBP – payback period) понимается тот период времени, за который поток дисконтированных проектных доходов станет равным дисконтированному потоку инвестиций. Это продолжительность периода от начального момента реализации проекта до момента окупаемости. Начальный момент указывается в задании на проектирование (обычно это начало нулевого шага или начало операционной деятельности). Моментом окупаемости называется тот наиболее ранний момент времени в расчетном периоде, после которого ЧДД становится и в дальнейшем остается неотрицательным.

Таким образом, инвестиционный рынок являет собой поле борьбы за инвестора и его капитал, потому каждое предприятие должно подчинять и регулировать свою инвестиционную деятельность в соответствии с типами инвесторов, обычно не избавлявшихся своих собственных амбиций, которые определяют его имидж и репутацию.

Первоочередного решения требуют следующие проблемы развития строительного бизнеса в Узбекистане:

1. Создание благоприятных условий для привлечения дополнительных источников в инвестирование материально-технической базы;
2. Решение вопросов законодательного установления нормативов налоговых платежей, которые бы учитывали особенности отрасли;

3. Приведение существующей нормативно-правовой базы для предприятий строительного комплекса Узбекистан международным требованиям и практике функционирования аналогичных предприятий за границей;

4. Разработка концепции финансово-экономической поддержки предприятий отрасли со стороны центральных и местных органов власти;

Список использованной литературы.

1. Бочаров В.В. Инвестиции.-СПб.Питер,2009 г.

2. Головнина Л. А. Инвестиции: определение и оценка эффективности. - М.: МГИУ, 2001 г.

3.Шахназаров А.Г., Коссов В.Н., Лившиц В.Н. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов. -М: Экономика 2000: 25–27

РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Мукумова Н.Н. преподаватель кафедры «Менеджмент в строительстве»

Динамическое развитие инвестиционной деятельности является необходимым условием стабильного функционирования и развития экономики. Согласно Закону Республики Узбекистан «Об иностранных инвестициях», инвестиции - это материальные и нематериальные блага и права на них, вкладываемые в объекты экономической и иной деятельности.[1].

В нашей республики создан благоприятный инвестиционный климат, широкая система правовых гарантий и льгот для иностранных инвесторов, разработана целостная система мер по стимулированию деятельности предприятий с иностранными инвестициями. Основой правового регулирования в области привлечения иностранных инвестиций в Республике Узбекистан является Закон Республики Узбекистан «Об иностранных инвестициях», Закон Республики Узбекистан «Об

инвестиционной деятельности», Закон Республики Узбекистан «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов», а также ряд других нормативно-правовых актов.

В 2017 году в целях модернизации страны и осуществления приоритетных направлений по либерализации всех сфер жизни Президентом Узбекистана Шавкатом Мирзиёевым была утверждена «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах». В настоящей Стратегии действий одним из приоритетных направлений развития и либерализации экономики является совершенствование инвестиционной среды, активное привлечение в экономические отрасли и территории страны иностранных инвестиций, прежде всего прямых иностранных инвестиций.

За отчетный период 2018 года в Республике Узбекистан наблюдался высокий уровень инвестиционной активности с ростом 18,1 % по сравнению с прошлым годом. (рис. 1)




Рис 1. Освоение иностранных инвестиций и кредитов (долл. США) [2].

Общий объем освоенных иностранных инвестиций в долларовом эквиваленте составил 3885,3 млн. долл. США, из которых 1816,9 млн. долл. США – прямые и другие иностранные инвестиции и кредиты, или 46,8 % от их общего объема. Объем освоенных прямых и других иностранных инвестиций и кредитов в январе-декабре 2018 года составил 14660,4 млрд. сум, или 85,8 по отношению к аналогичному периоду прошлого года.

Важнейшим фактором достижения высоких темпов роста инвестиций в основной капитал в текущем году стали наиболее крупные проекты, включенные в Государственную программу развития (среди которых, строительство Шуртанского ГХК, разработка месторождений и добыча углеводородов на территориях Гиссарского инвестиционного блока, строительство комплекса производств поливинилхлорида, каустической соды и метанола в АО «Навоiazот» и другие).

Остановимся на том, какие наиболее важные задачи, стоящие перед экономикой нашей республики, можно разрешить при помощи иностранных инвестиций.

1. Привлечение дополнительного инвестиционного капитала. Рынок капитала в республике только начинает развиваться, поэтому он не может обеспечить требуемых объемов капитала для крупных проектов. Иностранные инвестиции в этом случае являются источником внешнего капитала.

2. Доступ к передовой технике и технологиям. Многие предприятия республики используют устаревшее оборудование и технологии, что значительно снижает производительность труда и приводит к производству товаров более низкого качества. Это влияет на их конкурентоспособность и уменьшает возможности зарабатывать валюту. За счет собственных средств государство не может быстро их заменить, вот тут-то и приходят на помощь те самые иностранные инвестиции, в этом и заключается одна из их ролей.

3. Доступ к передовым методам управления. Иностранные инвесторы несут с собой передовые методы управления и предоставляют возможность их изучения и использования. Передача такого опыта особенно важна в условиях создания совместных предприятий, приватизации местных предприятий иностранными инвесторами. Выигрывают обе стороны — иностранная фирма — инвестор использует местные знания и контакты, а местные предприятия воспользуются предложенными методами, чтобы повысить производительность труда и улучшить качество продукции.

4. Улучшение доступа к мировому рынку. Иностранные инвесторы помогут осуществить доступ к распределенным каналам и обрести опыт продажи товаров на мировом рынке, что позволит развить экспортные возможности республики и создает надежный источник получения иностранной валюты.

Таким образом, роль иностранных инвестиций сводится к развитию экономики страны в общем, и получателей этих инвестиций (предприятий, производств и т.д.) в частности. Стране очень выгодно получать из-за рубежа иностранные инвестиции, так как они расширяют сферу и географию производства, появляются новые инновационные производства, рабочие места, а также платятся налоги в национальный бюджет и при этом ничего не тратится на социальное развитие регионов.

Литература:

1. Закон Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности» от 09.12.2014 № ЗРУ-380(новая редакция). Электронный ресурс. www.lex.uz
2. Статические данные за 2018 год. Электронный ресурс. www.stat.uz.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ХУЖЖАТЛАРИДА ТЎҒРИ АКС ЭТТИРИШ ҲАМДА МЕЎРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР АСОСИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Холиқулов О.Х - СамИСИ ўқитувчиси
Каржавов Б.З - СамДАҚИ ўқитувчиси*

Қурилиш соҳаси бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида жуда тез суръатларда ривожланаётган иқтисодий соҳа ҳисобланади. Маълумотларга қараганда қурилиш соҳасидан даромад келтириш бўйича дунёда нефт қазиб олиш ва автомобилсозлик саноати ҳамда туризм соҳасидан сўнг 4 ўринда туради. Мамлакатимизда ҳам қурилиш соҳаси йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Жорий йилда бу борадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.[1]

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси барча замонавий қурилиш транспорт турларига эга. Республикада қурилиш соҳасида асосий воситаларни тўғри иш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қурилиш соҳасида ҳисоб юритиш жуда масъулиятли вазифа. Турфа хил ишларни тўғри ҳисобга олиш ва акс эттириш керак бўлади.

Қурилишдаги бухгалтерия ҳисоби, уни ташкил этиш ва юритишда нафақат бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий қоидаларига, балки унинг хусусиятини акс эттирадиган ҳужжатлар ва йўриқнома материалларига ҳам таяниш зарур.

Ўзбекистонда қурилишни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжатлар қуйидагилардир:

- Шаҳарсозлик кодекси ;
- Фуқаролик кодекси; [2]
- Ягона қурилиш регламенти; [3]
- шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида асосий воситалар қуйидаги манбалардан қабул қилинади: - қурилиш тугалланган бино ва омборларни қабул қилиш; - ўрнатиш учун қўшимча маблағларни талаб қилмайдиган асбоб ва мосламаларни қабул қилиш; - фойдаланилган асосий воситаларни қабул қилиш; - бошқа корхона ва ташкилотлардан асосий воситаларни қабул қилиш; - қайтариб бермаслик шарти билан асосий воситани қабул қилиш; - асосий воситаларни ижарага олиш. Мулкчилик шаклидан қатҳий назар асосий воситаларнинг қабул қилиниши ёки уларни тугатилиши далолатномалар билан расмийлаштирилади. Агар қабул қилинаётган асосий воситалар бир корхонадан иккинчи бир корхонага берилган ёки сотилган бўлса, олаётган корхона раҳбарининг фармойишига асосан махсус комиссия тузилади. Бу комиссия аҳзолари асосий восита бўйича қабул қилиш далолатномасини тузадилар. Далолатномада асосий воситанинг номи, жойлашган ўрни, баланс баҳоси (сотиб олиш баҳоси) кўрсатилади. Агар қабул қилинган асосий восита

ишлатилган бўлса, ишлаган даврига таалуқли бўлган эскириш суммаси ҳам далолатномада кўрсатилади.

Асосий воситаларнинг қурилиши Республика аҳамиятига эга бўлса, уларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома махсус давлат қабул комиссияси томонидан тузилади. Бевосита, ишлатилмайдиган асосий воситалар қандай бирламчи ҳужжатлар ва қайси норматив ҳужжатлар асосида расмийлаштирилади? деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Ушбу асосий воситаларни омборхонага кирим қилинганда бухгалтерияда ёзувларини тўғри акс эттириш ва расмийлаштиришини бевосита назоратини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Корхона томонидан ишлатилмаётган асосий воситалар мавжуд. Бу асосий воситалар корхонага тегишли бўлинмаларидан (масалан, дам олиш зонасидан ва бошқа жойлардан) олиб келинган.

Асосий воситалар асосий воситавал корхонангиз балансининг қайси моддасида ҳисобга олинганига эҳтибор беринг. Улар шўъба ёки қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар шаклида ҳисобга олинган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда активларни асосий воситавал омборга кирим қилиб, ҳисоб сиёсатига асосан уларни классификацияланишига қараб тегишли счётларда акс эттирасиз. Масалан, асосий воситалар 0820 “Асосий воситаларни харид қилиш” счётида, материаллар 1000 “Хом ашё ва материаллар” счётида. Активларни кирим қилиш учун сизда асос бўлиши керак (масалан, шўъба корхонасининг ликвидация қилиниши ёки бошқалар). Кейин эса комиссия тузиб, бошқа ҳаракатларни амалга оширасиз.

Корхонада ишлатилмаётган асосий воситалардан (асосий восита) кейинчалик фойдаланилмаса уларни ликвидация қилиш, сотиш, текинга бериш ёки бошқача йўл билан ўзга шахсларга ўтказиш орқали **балансдан чиқариш** мумкин. Агар асосий воситалардан вақтинчалик фойдаланилмаса, уларни маҳлум муддатга **консервация қилиш** мумкин. Ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун корхонада раҳбар ёки бош инженер бошчилигида комиссия тузиш керак. Комиссия асосий воситаларнинг ҳолатини, улар

фойдаланишга яроқли ёки яроқсиз эканини, қайта тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини ва шунга ўхшаш масалаларни аниқлайди, кейин эса уларни қай тарзда тасарруф қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши тўғрисида таклиф беради. Асосий воситаларнинг кейинги тақдири тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин, уларнинг ҳисобини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритасиз.

Асосий воситаларни балансдан чиқариш 5-сон БХМС ва асосий воситада 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатга олинган (кейинги ўринларда Низом)га асосан амалга оширилади. Низомда асосий воситаларни турли сабаблар билан (ликвидация қилиш, сотиш, текинга бериш ва бошқалар) ҳисобдан чиқариш тартиби, бунда тузиладиган бирламчи ҳужжатлар ва турли ҳолатлардаги **бухгалтерия ўтказмалари** батафсил тушунтирилган. Активларни асосий воситалар таркибидан чиқаришда улар ёки уларнинг қисмлари материаллар сифатида оморга кириш қилиниши ва 0100 “Материаллар” счётида ҳисобга олиниши мумкин. Батафсил тушуниш учун Низом қоидалари билан танишинг. Ундан ташқари, Асосий воситаларнинг балансдан чиқишида солиқ мажбуриятлари юзага келиши ёки улар бўйича солиқ мажбурияти тугатилиши мумкин. [4]

Асосий воситани консервация қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Техник даражаси замонасвий воситаий талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланган ёки 3 ой мобайнида ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш зарурати бўлмаган асосий воситалар – уларга бўлган талаб тиклангунгача ёки янги мулкдорга сотиш дасосий воситариди, бироқ 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга консервация қилиниши мумкин. [5]

Асосий воситаларни консервация қилиш “Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (ВМК 16.09.2003 йил № 401) асосан амалга оширилади.

Консервация қилинган асосий воситалар 0199 “Консервация қилинган асосий воситалар” счётида ҳисобга олинади (21-сон БХМС) ва консервация муддати давомида уларга эскириш ҳисобланмайди. [6]

Асосий восита мол-мулк солиғи солинадиган объектлар қаторига қирадиган бўлса (СКнинг 266-моддаси), улар консервация қилинганидан кейин ҳам солиқ тўловчида улар бўйича мол-мулк солиғини тўлаш мажбурияти сақланиб қолади, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан консервация қилинган кўрмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари бундан мустасно (СКнинг 269-моддаси).

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр

2. Фуқаролик кодекси 37-боби, 1, 3-параграфлари.

3. Ягона қурилиш регламенти ВМнинг 20.08.2013 йилдаги 229-сон қарорига 3-илова.

4. Солиқ Кодексининг 132,133-моддаси, 204-моддаси, 355-моддаси, 266-моддаси. 2019 йил 7 январдаги ўзгаришлар билан.

5. “Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (ВМК 16.09.2003 йил № 401).

5-сон БХМС “Асосий воситалар ҳисоби” 32-банд.

ҚУРИЛИШ УЧАСТКАЛАРИДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

*Пулатов З.М – Сам ДАҚИ “Қурилишда менежмент” каф. кат.ўқитувчиси
Абдусаматов Ш.Б – “ZN PREIUM CONSULTING” МЧЖ мутахассиси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисига Мурожаатномасида, шунингдек, Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили Давлат дастури лойиҳасида белгиланган мақсад

ва вазифалар қурилиш индустрияси ходимларига ҳамда қурилишни такомиллаштириш, ундан самарали фойдаланиш бўйича илмий иш олиб бораётган илмий тадқиқот ва изланувчиларнинг зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Қурилиш участкаларини бошқаришнинг энг қуйи звеноси - бу қурилиш участкаларидир. Қурилиш участкаларида самарали бошқарувни таъминлаш учун, участкалар фаолятида меҳнат самарадорлигини ошириш зарурдир. Демак, қурилиш участкаларида меҳнат самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қурилиш участкаларини бошқаришдаги туб иқтисодий ўзгаришлар шу масалани ечишга қаратилгандир.

Қурилиш участкалари фаолятида меҳнат самарадорлигининг ошиши (ўсиши)га таъсир қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса меҳнат самарадорлиги статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Меҳнат самарадорлигининг динамикасини эса қурилиш участкаларидаги меҳнат самарадорлигини оширувчи омиллар таъминлайди. Меҳнат самарадорлигини оширувчи омилларнинг асосийлари:

- табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;
- қурилиш участкалардаги асосий капитал (фонд)нинг миқдори ва таркиби;
- қурилиш участкаларининг технологик таъминланганлик даражаси.

Қурилиш участкалари фаолиятини самарали бошқаришдаги олинадиган иқтисодий самара иккита омилга - меҳнат сарфининг массасига ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлади.

Қурилиш участкаларида меҳнат массаси ишловчилар сонига ва ишланган вақтга боғлиқ бўлса, меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиётига, инвестиция миқдорига, ишловчиларнинг маълумоти ва касбий малакасига, ресурсларнинг жойлашганлигига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқ бўлади. Меҳнат унумдорлиги орқали қурилиш

участкаларидаги иқтисодий самарадорликни таъминловчи яна бир омил - бу ресурсларнинг қурилиш участкаларидаги бригадаларга ишларнинг тақсимланиши ёки қурилиш участкасининг тузилган структурасидир.

Демак, қурилиш участкаларида олинадиган иқтисодий самарани таъминлашнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

- қурилиш участкаларида ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- қурилиш индустриясига фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва уни доимо такомиллаштириб бориш;
- қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион тадбирларни жорий қилиш;
- бошқаришнинг структурасини ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, молиялаш тизимини жорий этиш;
- қурилиш участкалари фаолиятида кредитдан фойдаланиш механизминини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.
- қурилиш индустриясига чет эл инвестицияларни кенг жалб қилиш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

Қурилиш участкаларининг фаолият самарадорлиги энг аввало унинг ички хўжалик механизми бошқарувини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу масаланинг асосий мазмуни шундан иборатки ички хўжалик механизминини бошқариш кўпроқ мустақилликни, иқтисодий бошқарув усуллариغا асосланишни, ишчилар меҳнатини кўпроқ рағбатлантиришни, меҳнат шароитини яхшилашни тақозо этади.

Қурилиш участкаларида асосий масалалар қуйидагилардир:

- аҳолига режа асосида ва тушган буюртмалар асосида ишлаб чиқариш кувватлари ва объектларини ишга тушириш;
- тасдиқланган календар графиклар асосида объектлардаги ишларнинг технологик боскичлари бўйича топшириқларни бажариш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришга сарфланадиган материал харажатларини камайтириш;

- ишларнинг юқори сифатли бажарилишини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

Қурилиш участкалари юқоридаги масалаларни бажаришни қуйидаги ишлар орқали амалга оширади:

- ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш;

- ташкилий тайёргарлик тадбирларини ишлаб чиқиш;

- қурилиш майдонида ва майдондан ташқарида тайёргарлик ишларини олиб бориш;

- ишларни тўғри амалга ошириш учун малакали кадрларни танлаш жараёнларини амалга ошириш;

- ишловчиларни техника хавфсизлиги бўйича доимий инструктаж қилишни ташкил этиш;

Қурилиш участкасида бригадалар фаолият кўрсатиб, ҳар бир бригаданинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш топшириқларини ўрнатилган муддатларда амалга ошириш;

- меҳнат унумдорлигини доимий равишда ошириб бориш;

- ишларни юқори сифатли даражада бажарилишини таъминлаш;

- қурилиш техникалари ва механизмларидан, иш вақтларидан, материал ва бошқа ресурслардан рационал (самарали) фойдаланиш.

Қурилиш бригадаси ўзининг ишлаш доирасида қурилиш ташкилоти олдида ўзининг бажарган иш натижаларига жавобгардир.

Бригадаларни шакллантиришда қуйидаги асосий омилларга эътибор қаратилиши зарур:

- кадрлар қўнимсизлиги таъминланган бўлиши керак;

- бригаданинг таркиби, бажараётган ишга мос бўлиши керак;

- ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш;

- ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда мативациянинг мавжудлиги;

- бригадирларнинг ишбилармонлик ва ишни бажариш қобилиятининг сифатлари;

- жамоадаги маънавий - психологик муҳит;

- ишлаб чиқариш масалаларининг тўғри қўйилганлиги ва улар бажарилишининг аниқлиги.

Бу омиллар ишлаб чиқариш бригадаларининг ишини тўғри ташкил қилишга ва юқори меҳнат унумдорлигига эришишни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида коммунал хизмат кўрсатиш қурилиш участкалари фаолиятини тўғри ташкил қилишда ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, қурилиш участкаларида меҳнат унумдорлигига асосий таъсир этувчи омилларга қуйидаги 5 та омилни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- янги иш жойларини яратилиши;
- ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) кенгайтириш;
- чет эл инвестицияларини жалб этишни (кўпайтириш) ривожлантириш;
- қурилиш фаолиятини олиб боришда инновацион тадбирларни қўллаш;
- аҳолининг даромади ва яшаш тарзи;

Янги иш жойларини яратишда биринчи навбатда аҳолининг ишсиз бўлган қисмини иш билан таъминланиш имконияти яратилади. Ишчи ўринларининг яратилиши бевосита қурилиш участкаларида ишнинг самарали олиб боришга боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни кенгайтириш - қурилиш участкаларида қанчалик хизмат кўрсатиш жараёнини кўпайтирисак янги иш ўринлари билан бирга корхонанинг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳажмини ривожлантиришнинг аҳамияти ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ривожланиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилишни

кўзда тутилиши шу мақсадларга алоҳида эътибор қаратишидан ҳам намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳар бир ишлаб чиқарилаётган ва кўрсатилаётган хизматлар экспорт қобилятига эга бўлишига эришиш асосий мақсад қилиб олинди ва ҳозирда шу асосда қурилиш индустриясида маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилмоқда.

Қурилиш индустриясида қурилиш фаолиятини олиб боришда инновацион тадбирларни қўллаш, қурилиш участкаларида самарадорликни оширишга, қурилишда ишлатилаётган қурилиш материалларининг маҳсулот рақобатбардошлигига олиб келади.

Аҳолининг даромади ва яшаш тарзида асосан қурилиш олиб борилаётган ҳудудда аҳолининг даромади ва яшаш тарзи қанчалик яхши бўлса, қурилишда кўрсатилаётган хизматлар шунча яхши баҳоланади деган фикрдамиз.

Қурилиш участкаларида меҳнат унумдорлигига бу таъсир этувчи омилларнинг қанчалик таъсир кўрсатиш даражасини кейинги тадқиқотларимизда амалга оширамыз.

Фойдаланилган адабиётлар

7. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси” Тошкент шаҳри 2018 йил, 28 – декабрь.

8. “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Тошкент шаҳри 2018 йил, 14 – ноябр.

9. Ш.М.Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.- 592 б.

10. Л.Г.Дикман «Организация планирования и управления строительного производства» М. 2006 г.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОҲИЯТИ.

ўқитувчи Жуманов Ш.Н., талаба Насимова М. СамДАҚИ

Курилиш маҳсулоти - барча турдаги ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта таъмирланиши, уларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир. Уй-жой муаммоларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида келтирилган:

- социал-иқтисодий жадал ривожланиши, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал ва хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш масштабларни кенгайтириш ҳисобига ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш;

- янги саноат ишлаб чиқариш ва сервис марказларини ташкил этиш ҳисобига шаҳар типдаги кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни актив ривожлантириш, йирик хўжалик бирлашмаларнинг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби устувор вазифалар келгусида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳот ҳамда ишларни белгилаб берди.

Капитал қурилиш – асосий воситаларни яратиш ва уларни реконструкция қилиш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган асосий фондларни техник жиҳатдан

қайта жиҳозлаш бўйича фаолият. Капитал қурилиш хараёни лойиҳалаш ва тадқиқот, қурилиш монтаж ишлари, қурилиш монтаж ишлари, қурилиш материаллари ва транспорт хизматларини ўз ичига олади.

Қурилиш мажмуасининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун моддий-техника базасини ривожлантириш ва жойлаштириш учун қурилиш ҳудуди ва жойини танлашга таъсир қилувчи барча омиллар ва шартларни миқдорий ифодалашга имкон берадиган усулларга эга бўлиш лозим.

Республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва бошқа саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. Барча вилоятларда саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, бозор ва савдо расталари, хаммом, чойхона, шифохона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди, ўнлаб меъморий мажмуалар, тарихий ёдгорликлар, мадрасалар, масжидлар таъмирланди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қурилиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида айрим қурилиш вазирликлари тугатилиб, мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилган ихтисослашган давлат концернлари, компаниялар, давлат акциядорлик бирлашмалари, уюшмалар ташкил этилди.

Қурилиш соҳасида олиб борилган ислоҳотлар ҳар йили амалга оширилиб унда ўтган йилда режалаштирилган ишларнинг якунлари ва келгусида қилинадиган вазифалар ҳамда устувор йўналишлар белгилаб олинади.

Жумладан, Қурилиш ишларининг асосий қисми иқтисодиёт фаолият тури бўйича бино ва иншоотлар қурилишга тўғри келди, унинг улуши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан жами қурилиш ишлари ҳажмининг 78,2 % ни ташкил этиб, 1,1 % пунктга кўпайди. Иқтисодиёт фаолият тури фуқаролик қурилиши объектлари бўйича 11,1% ни ташкил этди, ёки 0, 8 % пунктга камайди, мос равишда ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 10,7% (ёки 0,3%).

Бу борада ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган ислоҳотлар ва қабул қилинган фармон ҳамда дастурларда:

- қишлоқ жойларида саноат ишлаб чиқариш ва қурилишини жадал ривожлантириш ҳамда локализациялаштириш;


- қишлоқ ҳаётини тубдан юксалтириш, аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш;

- қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларини намунавий лойиҳалаш, қишлоқ объектларини барпо этиш;

- замонавий уйлар қуриш, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт иншоотлари, мактаблар бўлимини ривожлантириш, қуриш, қишлоқ инфратузилмасини барпо этиш каби вазифалар белгиланганлиги ва уларни изчиллик билан амалга оширилганлиги билан изоҳлаш ўринли.

Албатта, ушбу белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун изчиллик билан қилинган ҳаракат ўз натижасини берди. Яъни, 2018 йилда бу соҳада 384 та объектнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 36977,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 111,4 % ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 5238,2 млрд. сўмни (ёки 102,4 %ни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 5045,4 млрд. сўм (ёки 107,9 % ни) ташкил қилди.

Ихтисодий фаоллиқ турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми
(млрд. сўм)



Жами қурилиш ишларидан 79,6 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 20,4 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди. Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича

бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 36977,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 111,4 % ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 5238,2 млрд. сўмни(ёки 102,4 %ни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 5045,4 млрд. сўм (ёки 107,9 % ни) ташкил қилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда фан-техника тараққиёти таъсири остида қурилиш ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз бермоқда, уларнинг замирида эса қурилишнинг бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ва тайёрлик даражаси юқори бўлган деталлар ва қисмлардан йиғишдан иборат узлуксиз механизациялашган жараёнга ўтиши ётади.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги кунда тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сонини ошириш мумкин эмас Чунки, улар сонини бир фоиз ошириш тармоқда бажарилган ишлар ҳажмини 0,1 фоиз камайишига олиб келиши аниқланди. Шу боис, ҳозирги кунда қурилиш ишлаб чиқаришининг характери ҳам тубдан ўзгарди. Оғир қўл меҳнати йирик ва майда механизация воситалари томонидан тобора сиқиб чиқарилмоқда. Қурувчи-монтажчиларнинг қурилиш майдончаларидаги меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Бизнингча, қурилиш ишлаб чиқаришининг техник жиҳозланганлик даражаси ортиб борган сари, жонли меҳнат сарфлари камайиб, енгиллашиб боради, бундан ташқари, унинг унумдорлиги ортади, қурилишнинг муддатлари қисқариб, унинг сифати яхшиланиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони 2017 йил 7 февраль.

2. Байхонов Б.Т. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услугиётини такомиллаштириш. Монография. // Тошкент: “IQTISODIOT”, 2017.-203 бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ

*Узоқов Хуршид Зиядуллаевич, 302 мен. гуруҳи талабаси,
Эгамов Рахматилло Миролимович, СамДАҚИ докторанти*

Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва юксак даражага кутариш учун уни бошқариш керак. «Бошқариш» иборасини маҳсулот сифатига қўллаганда, маҳсулот сифати ва унинг ракобатбардошлигини доимий назорат қилиш, уни белгиловчи шартлари ва омилларини мақсадга мувофиқ таъсир қилдириш йуллари билан маҳсулот сифатини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишда унинг заурур даражада урнатилишини, таъминланишини ва сакланишини тушунмок керак.

Маҳсулотнинг сифатини бошқариш операциялари муҳандис-техник, ташкилий-технологик, назорат ва бошқа жараёнларнинг узаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқаришда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш ва башорат қилиш;
- маҳсулот лойиҳасини чизиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- маҳсулот сифатини моддий-техник томондан таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
- мутахасисларни танлаш, жойлаштириш, ўқитиш ватарбиялаш;
- маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантириш;
- маҳсулот сифатини назорат қилиш;

Маҳсулот сифатини бошқариш унинг хоссалари, технологик жараёнларнинг ихтисослаштириш хусусиятлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакиллари ва усулларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид вазифалар ва тадбирлар тузатилаётганда уларни амалга ошириш имкониятлари ва мақсадга мофиқлиги

техникавий-иктисодий жихатдан асосланади. Бунинг учун қуйидагилар асос қилиб олинади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ва келгусида уни такомиллаштириш имкониятлари;

- маҳсулот сифат даражасини баҳолаш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотда учраган нуқсонларни юзага чиқариш ва таҳлил этиш;

- илғор корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққослаш. Маҳсулот сифатини яхшилашга оид тадбирлар мажмуасига қуйидагилар киради:

- маҳсулотнинг сифат курсаткичларини яхшилашга қаратилган асосий тажриба ва лойиҳалаштириш ишлари ҳамда ташкилий-техникавий тадбирлар;

- ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга оид тадбирлар;

- маҳсулот сифатини ошириш буйича ўтказиладиган илмий-тадқиқот, тажриба ва лойиҳалаштириш юзасидан илмий-текшириш, лойиҳалаштириш ташкилотларига бериладиган топшириқлар;

- стандартларни узлаштириш, уларга риоя қилиш, буюмларни унификациялаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нуқсонларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар томонидан буладиган норозиликларни камайтириш буйича тадбирлар. [1]

Бу каби тадбирлар уз вақтида бажарилишини тула-туқис таъминлаш учун уларнинг бажарилиш муддатлари, масъул кишилар, муайян харажатлар ва уларнинг иктисодий самарадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда бошқа курсаткичлар аниқланади.

Маълумки, рақобат ва рақобатбардошлик ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд булиб, бири иккинчисидан келиб чиқади. Рақобат корхона (фирма)ларни рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ва хизматлар кўрсатишга ундайди. Рақобатбардошлик нисбий улчов булиб, хусусияти шундан иборатки, уни рақобат предмети (маҳсулот рақобатбардошлиги)га нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Ракобатбардошлик айнан бозорда кузатилади ва товарларнинг истеъмолчи эҳтиёжларига мувофиқ келиши солиштириб ва текшириб кўрилади. Ана шунда товарнинг ракобатбардошлиги реал харидни амалга ошираётган харидор учун жозибадорлик даражасини курсатади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга кўпгина хорижий мамлакатларда ўтган 15-20 йил давомида маҳсулот сифатини бошқариш тизимини яратиш, такомиллаштириш ва сертификатлашга эътибор кучайётганлиги кузатилди, сифатга нисбатан янгича бошқарув тафаккури шаклланди. Бунинг асосида ялпи сифат бошқаруви вужудга келди. Бундай сифат бошқаруви нафақат йирик қурилиш корхоналари, балки ўрта ва кичик корхоналарда ҳам қўлланилмоқда.

Худудларда сифат бошқарув тизимлари концепцияси йўналишларини худудда сифатни бошқариш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш, ривожлантириш ва ташкил этишнинг тизимли механизми кўринишида амалга ошириш мумкин. Бундай тизимли механизмни худудий миқёсда сифат бошқаруви тизимларининг асосий тамойилларидан фойдаланиш концепция доирасида қўриш мумкин.

Биринчи тамойил – бошқарув мақсад ва вазифаларининг устиворлиги, худуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимини бошқаришда сифатни таъминлаш. Сифат вазифалари худудий миқёсда бизнес жараёнларни бошқаришда ва саноат мажмуаларини маъмурий бошқаришда бирламчи аҳамиятга эга. Сифат масалалари худудлар миқёсда амалга ошириладиган барча бошқарув босқичлари ва даражалари, бошқарув функцияларида эътиборга олинishi керак.

Иккинчи тамойил – сифатнинг жараёнларни бошқариш билан интеграциялашуви тамойили. Мазкур тамойилда худуд миқёсда саноат мажмуаларини бошқаришнинг барча тизимлари сифат тизимини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш мақсад ва вазифалари атрофида интеграциялашиши керак. Ушбу тамойилга мувофиқ худудни квазикорпорация сифатида бошқариш жараёнларининг асоси сифат

бошқаруви тизимидир. Худуднинг иқтисодий тизимини бошқаришда бу муҳим интеграцияловчи бўғин бўлиб хизмат қилади. [2]

Учинчи тамойил – занжирли реакция тамойили. Юқори сифат яратиладиган маҳсулот ва хизматларнинг истеъмол қилиниш имкониятларини кенгайтиради, пул муомаласи барқарорлигини оширади, аҳоли ҳаёт даражасининг кўтарилишига ҳисса қўшади, ишлаб чиқаришнинг такомиллашувини таъминлайди, меҳнат шароитлари ва савдо, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Тўртинчи тамойил – сифат бошқаруви тизимида амалга ошириладиган усуллар, ёндошувлар сифат институтларинини ривожланишининг бизнесжараёнларни ташкил этиш шакллари ва усуллари ривожидан олдинлаб кетиши тамойили.

Бешинчи тамойил – сифат бошқаруви тизимларининг ўз-ўзини ташкил этиш тамойили.

Олтинчи тамойил – сифат бошқарувиға ёндошишда иккитарафламалик тамойили.

Бир томондан сифат бошқарув объекти бўлса, бошқа томондан сифат бошқарув функцияси ҳамдир. Шундан келиб чиқиб, худуд миқёсида сифат бошқаруви тизимини ташкилотнинг сифатни бошқариш тизимини тартибга солувчи таъсир сифати қабул қилиш мумкин, бошқа томондан эса, сифат бошқаруви тизими худудни бошқариш тизимининг бир элементи ҳамдир.

Мазкур тамойилларни асосий тамойиллар сифатида белгилаган ҳолда муаллиф худудда сифат бошқарув тизимини ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий таъминлашнинг мантиқий ва тузилмавий моделини таклиф этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нормаматов Р., Саидалиев Х. Стандартизация и качество. Ж. Сельское хозяйство Узбекистана, 1987, №9.

2.Щептова С.Е. Менеджмент и экономика качества: От естественного к формальному, от формального к естественному.- М.: КомКнига, 2007.- 512с.

V- ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ ВА КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Нуриббетов Равшан Ибрагимович
Султанов Алишер Сабиржанович
Тошкент архитектура-қурилиш институти*

Охирги йилларда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётида миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида молиялаштиришнинг самарали усулларида бири - бу давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги (ДХСХ) асосида лойиҳаларни амалга ошириш механизми ҳисобланади. Ушбу механизмни оқилона қўллаш орқали бугунги кунда аҳолининг турмуш даражасига сезиларли таъсир кўрсатадиган миллий мажмуанинг муҳим қисми бўлган уй-жой коммунал хўжалигига (УКХ) қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилишни таъминлаш масалаларини ҳал этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Соҳада тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг етарли эмаслиги, уй-жой коммунал хўжалигида инвестиция ресурсларининг чекланганлиги миллий иқтисодиётимизнинг ушбу тизимидаги инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг янги манбаларини топиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги (УКХ) - бу кўп тармоқли мажмуа бўлиб, аҳолини кундалик ҳаётда зарур бўлган хизматлар билан таъминлайди ва жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан бирга, бугунги кунда республикамизда уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш даражаси талаб даражасида эмас. Ушбу нуқтаи назардан хорижий мамлакатлар амалиётида ўзининг ижобий тасдиғини топган. Уй-жой коммунал хўжалигининг (УКХ) фаолиятини яхшилаш, иқтисодиётнинг ушбу соҳасидаги инвестицион жараёнларнинг молиявий манбаларини оптималлаштириш мақсадида давлат-хусусий сектор шерикчилигининг (ДХСШ) принципларида янада кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Уй-жой коммунал хўжалигининг молиявий-иқтисодий жиҳатлари, давлат-хусусий сектор шерикчилиги механизмлари бўйича мавжуд илмий нашрлар таҳлили уй-жой коммунал хўжалигида инвестиция фаолиятини молиялаштиришни оптималлаштиришнинг баъзи масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини тасдиқлайди.

Инвестиция ресурсларининг етишмаслиги, ташкилотларнинг ўз маблағларидан тўлиқ фойдалана олмасликлари, давлатнинг чекланган молиявий имкониятлари ўз навбатида давлат-хусусий сектор шерикчилиги механизми орқали уй-жой коммунал хўжалигида инвестиция фаолияти учун молиявий ресурсларни жалб қилишнинг янги самарали усулларидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, давлат-хусусий сектор шерикчилиги механизми олимларнинг, экспертларнинг, етакчи халқаро ташкилотларнинг кун тартибида турган тадқиқотлар мавзуларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, “давлат-хусусий сектор шерикчилиги”нинг умум қабул қилинган таърифи ҳали мавжуд эмас.

Мавжуд нашрларни таҳлил қилиш давлат-хусусий сектор шерикчилигининг моҳиятини тушуниш кенг ва тор маънода яқинлашиши керакли мазмунини кўрсатади. Биринчи навбатда, давлат-хусусий сектор шерикчилиги давлат ва бизнеснинг ҳар қандай ўзаро ҳамкорлиги ҳисобланади. Иккинчидан, давлат-хусусий сектор шерикчилиги стратегик, миллий аҳамиятга молик ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида бизнес ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги сифатида тушунилади. Иккинчи ёндашув энг кенг тарқалган бўлиб, ушбу мақолада биз айнан мана шу ёндашувни кўпроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

“Давлат-хусусий сектор шерикчилиги” тоифасидаги замонавий тушунчанинг назарий асослари XXI аср бошига тўғри келади. Буюк Британияда Давлат сиёсатини тадқиқ этиш институтининг (Institute for Public Policy Research) илмий маърузаси доирасида “Давлат-хусусий сектор шерикчилиги – бу ўзаро манфаат ва хавфларни тақсимлаш асосида юзага

келган давлат ва хусусий сектор вакилларининг ўзаро муносабатлар мажмуи бўлиб, унинг мақсади моддий шаклдаги ёки давлат хизмати тақдимоги шаклдаги келишилган натижага эришишдир” деб баён этилади[1].

Давлат-хусусий сектор шерикчилигининг ўхшаш таърифи Жаҳон банки томонидан қўлланилади. Европа ҳамжамияти даражасида давлат ва хусусий сектор шерикчилиги давлат ва бизнес ўртасида инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилма объектларини қуриш, модернизация қилиш, бошқариш ёки сақлаш ёки хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳамкорлик шаклларини ўз ичига олади.

Хусусий-Давлат шерикчилиги тушунчасининг моҳияти масаласидаги мунозаралар узоқ вақт давомида Россия мутахассислари ўртасида ҳам кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Хусусан, В.А.Кабашкин давлат-хусусий сектор ҳамкорлигида иқтисодиётнинг давлат сектори билан боғлиқ вазифаларни янада самарали бажариш, харажатларни қоплаш, рискларни тақсимлаш, мажбуриятларни тақсимлаш ва ҳоказоларни ҳал қилиш учун ҳамкорларни биринчи навбатда хусусий ҳамкорлари жалб қилиш жараёнини тушунишни таклиф қилса[5], В.Г.Варнавскийнинг таъкидлашича, давлат-хусусий сектор шерикчилиги давлат ва хусусий мулкдорлар ўртасидаги давлат ва коммунал мулк объектлари, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий шаклга эга бўлган хизматлар соҳасидаги ҳамкорлик шаклидир[2].

ДХШ турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) ДХШни – ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг

самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқ[7].

Масалан, хорижий олим М.Б.Жерард эса ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса, ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради[8] деб таъкидлайди.

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир”[12] деб таърифланади.

Умуман олганда ҳозирча жаҳон амалиётида ДХШнинг аниқ бир таърифи бўйича ягона тўхтама келинмаган. Кенг маънода айтганда, ДХШ одатда давлат ва хусусий секторнинг ўрта ва узоқ муддатли келишуви (“arrangements”) бўлиб, унга кўра, ижтимоий секторга тегишли, давлат секторининг зиммасида бўлган айрим хизматлар айнан аниқ инфратузилмаси ёки хизматлари билан хусусий сектор томонидан таъминланади. ДХШга қоида бўйича давлат буюртмалари бўлган сервис шартномалари ёки қурилиш-пудрат шартномалари ҳамда ижтимоий секторнинг роли чекланган хусусийлаштириш жараёнлари киритилмайди.[11]

Шунингдек, “ДХШ атамаси ҳамжамият доирасида ҳам аниқланмаган. Умумий қилиб айтганда, мазкур атама давлат ҳокимияти билан бизнес ўртасидаги молиялаштиришни таъминлаш, қурилиш, модернизациялаш, бошқариш ёки инфратузилмани сақлаб туриш ёки хизматларни тақдим қилиш бўйича ўзаро кооперацияга тегишли ” деб қаралади. [9]

Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг минтақавий сиёсат бўйича комиссияси “ДХШни анъанавий тарзда давлат сектори томонидан амалга оширилиб келинган ва молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг хусусий секторга берилишидир” деб таърифлайди.[10]

БМТ томонидан эса, “ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чиқариладиган ва тақдим қилинадиган хизматларни молиялаштиришни,

режалаштиришни, амалга ошириш ва объектларни ишлатишни мақсад қилиб қўяди ва унинг асосий хусусиятлари хизматларнинг узок муддатли тақдим қилинишини таъминлаш (баъзан 30 йилгача), рискларни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан юридик шахсларнинг кўп қиррали узок муддатли шартнома шакллари амалга оширилиши билан фарқланади ” деб таъриф берилади.[6]

Д.Делмон эса ,“ДХШ- кенг маънода ишлатилувчи ва давлат ҳамда хусусий тузилмалар ўртасидаги давлат буюртмалари ва харидларидан ташқари барча инфратузилма хизматларини кенгайтириш ёки яхшилаш билан боғлиқ исталган бир шартномавий ёки ҳуқуқий муносабатларни англатади”[3] деб таъриф беради.

Илмий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимларнинг ДХШни ташкил этиш масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлари келтирилган. Хусусан, иқтисодчи олим К.А. Антонова ДХШни – давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифоқ деб атаса, И.Е. Болехов “ДХШ - давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат”, деб қайд этади.[4]

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар ва таҳлиллар асосида давлат-хусусий сектор шерикчилигининг турли хил таърифларининг қуйидаги асосий хусусиятларни ажратиб олишимиз мумкин:

- муносабатларда томонлар ўзаро ҳамкорлиги тенг ҳуқуқли хусусиятга эга бўлган давлат ва хусусий иштирокчилар сифатида майдонга чиқадилар;
- ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар учун жамоавий йўналишнинг хослиги;
- битимнинг барча томонлари учун баъзи афзалликларнинг мавжудлиги;

- давлат ва хусусий шериклар ўртасидаги муносабатлар узок муддатли, ҳуқуқий асосда амалга оширилади;

- хусусий томон умумий инфратузилмани яратиш учун тўлиқ ёки қисман молиялашда иштирок этади;

- хусусий молиялаштириш турли манбалардан амалга оширилади: банк кредитлари шаклидаги қарз мажбуриятлари, облигацияларни чиқариш, бошқа ташкилотлар кредитлари ва бошқалар;

- шартнома объектини тузишда ҳам, унинг кейинги фаолиятида ва (ёки) хизматида ҳам хусусий шерикнинг иштироки орқали идентификациялаш, хавф ва мажбуриятларни тақсимлаш.

Давлат-хусусий сектор шерикчилигининг институционал инфратузилмаси учун тўсиқлар орасида биз қуйидагиларни ажратиб олишимиз мумкин: давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база ва унинг алоҳида шакллари тартибга солишнинг етарли даражада мувофиқлаштирилмаслиги, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги лойиҳаларида иштирокчилар ўртасида рискларни нотекис тақсимлаш, инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун энг самарали модел сифатида лойиҳаларни молиялаштиришни ҳам ўз ичига олган узок муддатли молиялаштириш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, давлат-хусусий сектор шерикчилиги соҳасидаги жараёнда иштирок этувчилар касбий салоҳиятининг юқори даражада эмаслиги ва бошқалар.

Уй-жой коммунал соҳасида ушбу камчиликларни бартараф этиш учун фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- биринчидан, уй-жой коммунал хўжалигида бозор шароитларини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда лойиҳани молиялаштириш принципларини янада кенгроқ қўллаш;

- иккинчидан, давлат-хусусий сектор шерикчилиги лойиҳалари ҳаётийлик даврининг барча босқичларида замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишни йўлгав қўйиш;

- учинчидан, уй-жой коммунал хўжалиги бозори иштирокчилари фаолиятининг “шаффофлигини” ошириш;
- тўртинчидан, давлат-хусусий сектор шерикчилиги технологиялар соҳасида уй-жой коммунал соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш;
- бешинчидан, ишончли бизнес шериги сифатида давлат имижини мустаҳкамлаш ва хоказолар.

Хулоса қилиб айтганда юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларни ижобий ҳал этиш ўз навбатида соҳага инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини ошириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буюк Британияда Давлат сиёсатини тадқиқ этиш институтининг (Institute for Public Policy Research) илмий маърузаси доираси баёнидан.
2. Варнавский В. Г., Клименко А. В., Королев В. А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие / Варнавский В. Г., Клименко А. В., Королев В. А. — М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
3. Джеффри Делмон. Государственно-частное партнерство в инфраструктуре. Практическое руководство для органов государственной власти. 2010.
4. Дынин Е. А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.
5. Кабашкин В. А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. — М.: Дело, 2010. С.120.
6. Практическое руководство по вопросам эффективного управления в сфере ГЧП/ Организация Объединенных Наций - Нью-Йорк и Женева, 2008. ISBN: 978-92-1-4160403
7. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.

8. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2001. Vol.38.

9. Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. Brussels. 30.04.2004. P.3.

10. http://ec.europa.eu/regional_policy/sources/docgener/guides/ppp_en.pdf

11. <http://ppp.worldbank.org/publicprivatepartnership/overview/whatare-public-private-partnerships>

12. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2004.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ганиев К.Б., Турдибеков Ю.И., СамДАҚИ.

Автотранспорт воситалари ва қурилиш машиналари (АТВ ва ҚМ)га нисбатан қийматнинг услубий таъминоти баҳолаш фаолияти бўйича ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги белгилаган талабларни қондириши лозим. “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган баҳолаш Стандартлари талабларига мувофиқ тузилиши лозим (9-модда).

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, баҳоловчи автотранспорт воситалари ва қурилиш машиналарини баҳолаш бўйича баҳолашнинг тайинланиши учун лойиқлиги кўринишдаги хизматларни кўрсатишга мажбур (яъни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот тегишли инстанцияларда қабул қилиниши ва тан олинниши лозим), буюртмачига унга кўрсатилаётган хизмат ҳақида (ҳисоб-китобларни ўтказиш усуллари ва баҳолашнинг ахборот кўмаги ҳақидаги) тўлиқ ахборот тақдим қилиниши ҳамда автотранспорт воситалари ва қурилиш машиналарини баҳолаш бўйича хизматларнинг зарурий сифатини

таъминлаши лозим. Бундан келиб чиқиб, АТВ ва ҚМларга нисбатан қийматни баҳолаш бўйича ишларни бажариш ягона услубий асосда амалга оширилиши лозим, бу эса хизматларнинг ушбу турдан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарурий шароитлар яратади ва баҳолаш фаолияти бўйича қонунчилик талабларини бажаришга олиб келади [2].

АТВ ва ҚМлар қийматини баҳолашнинг услубий асосини базавий қиёсий ёндашувга асосланган ҳолда аниқланган бозор қиймати намоён қилади. Бозор қиймати бошқа турдаги қийматларни баҳолаш ҳисоб-китоблари учун асос ҳисобланади.

АТВ ва ҚМга нисбатан қийматни баҳолаш услубияти икки йўналишда кўриб чиқилади – баҳолашга фойдаланилган ёндашувлар доирасида усуллар тизими сифатида ва баҳолаш усуллари назарияси сифатида. Услубиятнинг асосий вазифаси баҳолашнинг ушбу вазияти учун энг мос келувчи баҳолашнинг илмий-услубий асосланиши ва турини танлаш ҳисоланади. Деярли барча активни, шу жумладан АТВ ва ҚМни баҳолашга уч асосий ёндашув мажуд.

Харажат ёндашуви объектнинг аниқ нусхасини қайта яратиш ёки жорий нархларда янги сифатида тенгқийматли ўринбосар қийматини аниқлаш ва жисмоний емирилиш, функционал ва иқтисодий эскириш билан боғлиқ қиймат йўқотишни аниқлашга асосланади.

Кўп ҳолларда бевосита сотувларни таққослаш ёндашуви деб аталувчи бозор ёндашуви баҳоланаётган объектга (унинг мавжуд ҳолатига) ўхшаш объектнинг адолатли, ёки асосланган, бозор баҳосига асосланади.

Даромад ёндашуви келажакда объектни эксплуатация қилишдан олиш мумкин бўлган даромаддан келиб чиқиб бозор баҳосини аниқлашга асосланади.

Уч ёндашувда ҳисоблашни амалга оширгандан кейин баҳоловчи кўп ҳолларда уч хил натижа олади. Шунинг учун кейинги этап – олинган қийматларнинг таҳлили, уларни ўзаро таққослаш ва баҳолаш қийматининг яқуний миқдорини аниқлашга мужассамлашган натижаларни

мувофиқлаштириш. Шундан кейин баҳоловчи аниқланаётган қиймат миқдори ҳақида фикрини батамом шакллантирган қиймат ҳақидаги хулосасини беради.

Баҳолашнинг асосий мақсади бўлиб объектнинг қийматини аниқлаш ҳисобланади. Баҳолашнинг тайинланиши баҳолаш объекти билан боғлиқ ҳодиса ёки жараёнларнинг масалаларини ечиш учун ҳисобот кўринишида расмийлаштирилган баҳолаш натижаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Баҳолаш натижаларидан фойдаланишнинг бундай йўналишлари, аниқроғи – тайинланишлари қуйидагилар ҳисобланади: машиналар ишлаб чиқариш учун бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, солиққа тортиш, суд-жиноятчилик ва фуқаролик ишлаб чиқариш, бож мақсадлари, хусусийлаштириш жараёни, битимларни нотариал тасдиқлаш, суғурталаш, асосий воситаларни қайта баҳолаш, олти-сотти, алмаштириш, танловлар, аукционлар ва савдоларни ўтказиш, ижара ва лизинг, устав капиталига мулк киргизиш, жамиятдан чиқишда жамият қатнашчиси (акциядор) ҳиссасини айириш, жамиятни қайта ташкил қилиш ва тугатиш, мулкни ажратиш, мерос, совға, гаров, эгаллик ҳуқуқини аниқлаш, никоҳ шартномасини тузиш, мулкрий келишмовчиликларни ечиш, ишончли бошқарувга бериш, зарарни қоплаш, мусодара қилиш, инвентаризация, АТВ ва ҚМларни ҳисобдан чиқариш ва утилизация қилиш.

Бугунги кунда, энг долзарб муаммо – автотранспорт воситалари ва қурилиш машиналарини иқтисодий баҳолашнинг услубий таъминотининг йўқлиги. Ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланган ҳолда автотранспорт воситаларини баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг услубий таъминотини яратиш, реаллик, аниқлик ва ишонччилик тамойилларининг тўлақонли амалга оширишилиши – баҳолаш фаолиятидаги муҳим вазифа ҳисоланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Баҳолаш фаолити тўғрисида”ги қонуни, Т., 1999.
2. Методические рекомендации по оценке стоимости автотранспортных средств и строительных машин/ Samarqand Xalqaro Biznes Maktabi, qimmatli qog'ozlar bozori mutaxassislarini tayyorlash bo'yicha Milliy Markaz; тай. Ганиев К.Б., Сафин Ф.Г., Зигуля С.В. – Т., Konsauditinform – Nashr, 2010 – 166 б.
3. G'aniyev K.B., G'aniyeva G.I., G'aniyeva F.K. Mulk va biznesni baholash (misol va masalalar)/ o'quv qo'llanma – Т., Vaktriya press-2018 – 140 б.

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ЭСКИРИШ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ

Ганиев К.Б., Турдибеков Ю.И., СамДАҚИ.

Баҳолаш масалаларига нисбатан қўлланилганда эскириш объектнинг эксплуатация ёки узок вақт сақлаш, илмий-техник тараққиёт ва умумий иқтисодий вазият жараёнида ўз қийматининг йўқолиши тушунилади. Ушбу барча омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган эскириш жамғарилган эскириш деб аталади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади [2]:

$$Э_{\text{н}} = \left(1 - \left(1 - \frac{Э_{\text{жис}}}{100} \right) \left(1 - \frac{Э_{\text{функ}}}{100} \right) \left(1 - \frac{Э_{\text{ик}}}{100} \right) \right) \cdot 100$$

бу ерда $Э_{\text{жис}}$ – жисмоний эскириш, у машиналар иш қобилияти ҳолатининг уларнинг эксплуатацияси ёки узок вақт сақлаш натижасида қисман йўқолиши билан асосланади;

$Э_{\text{функ}}$ – функционал эскириш, у янги технологиялар, фан ва техниканинг пайдо бўлиши билан вужудга келган машиналар қийматининг йўқолишидир;

$Э_{\text{ик}}$ – иқтисодий (ташқи) эскириш, у ташқи омиллар таъсири билан асосланадиган қийматнинг йўқолишидир. У умумиқтисодий ва тармоқичи ўзгаришлари, шу жумладан маълум турдаги маҳсулотга нисбатан талабнинг қисқариши, таклифнинг қисқариш ёки хом ашё, ишчи кучи сифатининг ёмонлашуви, шунингдек қонунчиликка, маҳаллий ҳокимият қарорларига,

маъмурият буйруқларига тааллуқли ҳуқуқий ўзгаришлар натижасида келиб чиқиши мумкин.

Автотранспорт воситалари учун жисмоний эскириш унинг функционал ва эксплуатацион тавсифлари ёмонлашувига олиб келувчи техник ҳолатининг эксплуатация жараёнида ўзгаришида ифодаланади. Жисмоний эскиришнинг асосий сабаблари ҳаддан ташқариш фойдаланиш, пластик деформация, чарчок бузилишлар, коррозия, конструктив материалларнинг физик-химик хусусиятларининг ўзгариши ҳисобланади.

$\mathcal{E}_{\text{жис}}$ миқдори турли усуллар ёрдамида аниқланади: техник ҳолатини назорат қилиш орқали жисмоний эскиришни ҳисоблаш усули; корректив орқали норматив усул; ёши ва эксплуатация бошидан босиб ўтган йўлни ҳисобга олган ҳисоб усули; амортизация ажратмалари усули.

Техник ҳолатини назорат қилиш орқали жисмоний эскиришни ҳисоблаш усули норматив-техник ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилгунгача бўлган норматив босиб ўтган йўл (хизмат муддати) белгиланган АТВнинг техник ҳолати инструментал назорат (диагностика)ни ўтказиш имконияти баҳолашда бўлганда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корректив орқали норматив усул норматив-техник ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилгунгача бўлган норматив босиб ўтган йўл (хизмат муддати) белгиланган ва норматив босиб ўтган йўл (хизмат муддати)га таъсир қилувчи омиллар ҳақида ахборот мавжуд бўлган АТВ учун жисмоний эскиришни баҳолаш учун мақбулдир.

Агар автотранспорт воситалари учун норматив-техник ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилгунгача (капитал таъмирғача) бўлган норматив босиб ўтган йўл белгиланган бўлса, унда жисмоний эскириш ҳисоби қуйидаги формула бўйича амалга оширилади [2]:

$$\mathcal{E}_{\text{жис}} = \frac{L_{\text{сам}}}{L_{\text{н}}} \cdot 100$$

бу ерда $L_{\text{сам}}$ – эксплуатация бошидан баҳолаш санасигача бўлган АТВнинг самарали босиб ўтган йўли, минг км;

L_n – ҳисобдан чиқарилгунча (капитал таъмиргача) бўлган транспорт воситасининг норматив босиб ўтган йўли, минг км.

Эксплуатация бошидан баҳолаш санасигача бўлган автотранспорт воситасининг ҳақиқий босиб ўтган йўли $L_{\text{ҳақ}}$ спидометр бўйича аниқланади. Агар жиҳоз носоз бўлса ёки унинг ҳолати норматив ҳужжатларнинг талабларига мос келмаса, эксплуатация бошидан ҳақиқий босиб ўтган йўл ҳисоблаш йўли билан топилади.

Агар автотранспорт воситаси учун норматив-техник ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилгунгача (капитал таъмиргача) бўлган норматив хизмат муддати белгиланган бўлса, унда жисмоний эскириш ҳисоби қуйидаги формула бўйича бажарилади:

$$Э_{\text{жис}} = \frac{T_{\text{сам}}}{T_n} \cdot 100$$

бу ерда $T_{\text{сам}}$ – баҳолаш санасидаги автотранспорт воситасининг самарали ёши, йиллар (мотосоатлар);

T_n – автотранспорт воситасининг ҳисобдан чиқарилгунгача (капитал таъмиргача) бўлган норматив хизмат муддати, йиллар (мотосоатлар).

Амортизация ажратмалари усули юридик шахсларга қаршли бўлган АТВнинг жисмоний эскиришини баҳолаш учун алоҳида вазиятларда қўлланганда мазмунга эга бўлади.

Ёши ва эксплуатация бошидан босиб ўтган йўлни ҳисобга олган ҳисоб усули норматив-техник ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилгунгача бўлган норматив босиб ўтган йўл (хизмат муддати) белгиланмаган автотранспорт воситаси учун жисмоний эскиришни баҳолаш учун фойдаланилганда мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Автотранспорт воситасининг ёши ва эксплуатация бошидан босиб ўтган йўлни ҳисобга олган жисмоний эскиришнинг ҳисоби қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$Э_{\text{жис}} = 100(1 - e^{-\Psi})$$

бу ерда Ψ – АТВнинг эксплуатация бошидан ёши ва ҳақиқий босиб ўтган йўлига боғлиқ бўлган функция.

Функционал эскиришни аниқлашда турли сифат белгиларини бирлаштирувчи сифатнинг ялпи кўрсаткичини танлаш тавсия қилинади: ишончлилиқ, узок муддатлилиқ, дизайн, эксплуатацияда тежамлилиқ ва бошқалар. Хомаки баҳолаш учун функционал эскириш коэффициентини машиналарнинг ёшига боғлиқлигини инобатга олинишига рухсат берилади.

Функционал эскиришни қуйидаги формула бўйича аниқлаш тавсия қилинади:

$$K_{\text{фун}} = 1 - \frac{B_{\text{ан}}}{S_{\text{ттқ}}} \left(\frac{X}{X_{\text{ан}}} \right)^y$$

бу ерда $S_{\text{ттқ}}$ – баҳоланаётган машинанинг тўлиқ такрор ишлаб чиқариш қиймати;

X , $X_{\text{ан}}$ – баҳоланаётган машина ва аналогга мос асосий истеъмол кўрсаткичи;

$B_{\text{ан}}$ – аналог баҳоси;

y – машина кўрсаткичининг унинг қийматига таъсир кучини тавсифловчи даража кўрсаткичи.

Ташқи (иқтисодий) эскириш – машина эксплуатация қилинаётган ташқи муҳит ушбу машинанинг фойдали потенциалидан фойдаланишни чегаралаши натижасида машина қийматининг пасайиши.

Махсус ёки ихтисослаштирилган машинанинг ишлаб чиқариш қувватидан объектив вужудга келувчи ва доимий фойдаланмасликдан қийматининг пасайиш даражасини кўрсатувчи иқтисодий эскириш коэффициентини қуйидаги формула бўйича ҳисоланади:

$$K_{\text{иқ}} = 1 - \frac{Q_{\text{иш}}}{K_{\text{и}}} = 1 - K_{\text{фой}}$$

бу ерда $Q_{\text{иш}}$ – замонавий иқтисодий шароитларда объектив юзага келган баҳоланаётган машина ёрдамида таъминланадиган энг юқори имкониятли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

$K_{\text{и}}$ – баҳоланаётган машинанинг самарали ишлаб чиқариш қуввати;

$K_{\text{фой}}$ – ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти.

Функционал ва иқтисодий эскириш алоҳида даврларда турли сабабларга кўра вужадга келади: технологиядаги инновацион ютуқ, жамиятдаги истеъмолчилар таркибининг ва бозор таркибининг ўзгариши, экологик талабларнинг кучайтирилиши ва х.к. Эскиришнинг бу турлари аниқ танловчанликка эга: машиналарнинг қайсидир турлари уларга учрайди, қайсиларидир йўқ. Баҳолаш амалиётида жисмоний эскириш ҳамма вақт аниқланади ва ҳисобга олинади. Функционал ва иқтисодий эскиришга келадиган бўлсак, ҳар бир аниқ ҳолатда уларнинг мавжудлигини аниқлаш ва баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тушунтиришлар бериш зарур бўлади: нима учун эскиришнинг у ёки бу тури ҳисобга олинган ёки, тескараси, ҳисобга олинмаган.

Функционал ва иқтисодий эскиришни баҳолашда бевосита аниқлаш ва кейинчалик ҳисобга олишнинг зарурияти баҳоланаётган машинанинг тавсифига (универсал ёки махсус, қайта ўрнатиладиган ёки қайта ўрнатилмайдиган, бир функцияли ёки кўп функцияли) ва баҳолашда қўлланиладиган ёндашувга (қиёсий, харажат, даромад ёндашувларига) боғлиқ.

Эскиришни аниқлаш тартибини тўғри танлаш баҳолашда жиддий хатолардан қочишга имкон беради, бунда эскиришнинг қайсидир тури етарлича асосларсиз умуман ҳисобга олинмайди ёки такрор ҳисобга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Баҳолаш фаолити тўғрисида”ги қонуни, Т., 1999.
2. Методические рекомендации по оценке стоимости автотранспортных средств и строительных машин/ Samarqand Xalqaro Biznes Maktabi, qimmatli qog'ozlar bozori mutaxassislarini tayyorlash bo'yicha Milliy Markaz; тай. Ганиев К.Б., Сафин Ф.Г., Зигуля С.В. – Т., Konsauditinform – Nashr, 2010 – 166 б.
3. G'aniyev K.B., G'aniyeva G.I., G'aniyeva F.K. Mulk va biznesni baholash (misol va masalalar)/ o'quv qo'llanma – Т., Baktriya press-2018 – 140 б.

КОРХОНАНИ ҚИЙМАТИНИ БАХОЛАШДА ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

*Проф. Ганиев К.Б. аспирант. Мирзаева Д. магистр. Ахророва С.
Каримова Г. 201-КМЭваУБ гуруҳ талабаси.*

Аннотация. Мақолада бизнесни баҳолашда қиёсий ёндашувни такомиллаштириш муаммолари, афзалликлари, бизнесни баҳолашда жаҳон тажрибаси классификацияси, ҳамда Ўзбекистон шароитида бизнес қийматини баҳолашнинг усуллари таснифи келтирилган. Бизнесни баҳолашда маҳаллий, ҳамда хорижий баҳоловчиларнинг тажрибалари таҳлил қилинган. Тадқиқот асосида бизнесни баҳолаш мультипликаторлари ишлаб чиқилган.

Калит сузлар. Даромад, харажат, қиёсий, баҳолаш, мультипликатор, қиймат.

Республикада бизнесни ривожланиши бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йулининг чуқур таҳлили бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича стратегик ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо етмоқда. Баҳолашнинг методик воситаларини такомиллаштириш, иқтисодий параметрларини прогнозлаш, молиявий кўрсаткичларини аниқлаш, мультипликаторларни ишлаб – чиқиш ва келгусида ЭХМ дастурида маълумотлар дастурини яратишни тақозо этади.

Тадбиркорликни баҳолаш кўп босқичли ва айни вақтда аниқ белгиланган тизимларни амалга ошириш ва зарурий мантиқий тартибларни амалга оширишга асосланган капиталнинг бозор қийматини аниқлашга (эришилган капиталлашув асосида) жуда мураккаб аналитик жараёндир. Ривожланган давлатларда бизнеснинг бозор қийматини баҳолаш бўйича назарий ва методик асослар тўлиқ ишлаб чиқилган ва уларни турли мақсадлар учун қўллашнинг бой тажрибаси тўпланган. Амалиёт шуни кўрсатадики, чет элларда тўпланган бой тажриба, ҳамма вақт иқтисодиёти ривожланаётган давлатларга тўғри келмаслиги мумкин. Хар бир давлатнинг ўз баҳолаш стандартлари, усул-

услугиялари мавжуд. Масалан, АҚШда бизнесни баҳолаш тизими профессионал меъёрлар ва стандартларга қатий амал қилинишига асосланади. Американинг баҳолаш жамияти АСА(the American sosisty of appraisers) 1936-йилда ташкил топган. Бу ташкилотнинг асосий вазифаси баҳоловчиларнинг етакчи муттахасис сифатида тайёрлаш, уларнинг савиясини ошириш ва сертификатлашдан иборат. Ҳозирги вақтда (Халқаро баҳолаш стандартлари халқаро қўмитаси) ва ТЕГО (Европадаги баҳоловчилар уюшмалари гуруҳи) таркибига кирувчи ҳар бир давлатда тартибга солиш режимида миллий фарқлар мавжуд. АҚШ баҳолаш фаолиятини тартибга солиш Англия ёки Германия меъёрий баҳолашидан фарқ қилади. Агарда, Америка тажрибасини кўриб чиқилса баҳолаш ёндашуви икки босқичда амалга оширилади. Биринчи ёндашув Активларни баҳолаш – бу ёндашув уз ичига қуйидаги усулларни олади: Ҳисобланган қийматни ҳисоблаш услуги,(охирги активлар методи); Активларнинг аниқ қиймати; Бинонинг нархи; Зарарни қоплаш услуги; Тугатиш қиймати: Иккинчи ёндашувиккита усулни қушиб битта ёндашув сифатида яни гибрит тарзида намоён булган ва у қуйидагиларни уз ичига олади: Корхонанинг аналог услуги; Бозор қиймати услуги;Бажариш услуги; Ўсувчан нарх услуги; Туғридан туғри капиталлаштириш услуги; Дисконтлаш ставкаси;

Ўзбекистонда баҳолаш фаолияти Фарбга қараганда кейинроқ пайдо бўлган ва шаклланганлигига қарамасдан, у самарали ривожланиш ва фаолият юритиш учун яхши асос бўлиб, бошқа мамлакатларнинг бебаҳо тажрибасидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритди. Чунки, мамлакатда ва дунёда мавжуд бўлган мураккаб иқтисодий вазиятда баҳолаш фаолияти тўғри бошқарув, молиявий ва инвестицион қарорлар қабул қилишда ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС)«Бизнес қийматини баҳолаш» ва Республикада баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сонли кўчмас мулк, интеллектуал мулк ва ҳоказо) яратиш, шу жумладан, корхонанинг (бизнесни) қийматини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат

қилди. Айти кунда, АҚШ баҳолаш ёндашувларидан фарқли уларок Ўзбекистон Республикасида бизнесни баҳолашнинг учта ёндашув мавжуд, уларнинг ҳар бири объектнинг муайян хусусиятларини таъкидлаш имконини беради. Биринчи ёндашув харажат ёндашуви: Соф активлар усули; Ликвидлаш қиймати усули; Иккинчи қиёсий ёндашув; Компания кўрсаткичлари методи; Бозорга оид капиталлаштириш усули; Миқдор жихатдан қиёсийлик; Ўхшаш компаниялар бир тармоққа мансублиги: Учинчи даромад ёндашув; Тўғридан тўғри капиталлаштириш усули; Пул оқимини дисконтлаш усули:

Қиёсий ёндашув учта усул орқали амалга оширилади. Мазкур усул тадқиқотимиз объекти ҳисобланганлиги сабабли кенгроқ тухталиб утамит. Баҳолаш объектнинг бозор қийматини қиёсий ёндашув усуллари билан аниқлаш учун қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган мультипликаторлар қўлланилади:

$$M = \frac{H}{K},$$

бу ерда:

M — мультипликатор;

H — ўхшаш корхонанинг сотув нархи (ёки қийматни белгиловчи ўзга асос);

K — корхона фаолиятини тавсифлайдиган молиявий, ишлаб чиқаришга оид ёки моддий кўрсаткич. Баҳолаш объектнинг нархи молиявий кўрсаткични тегишли мультипликаторга кўпайтириш йўли билан аниқланиши мумкин:

$$H = M * K$$

Қиёсий ёндашувнинг афзалликлари: одатий сотувчилар ва харидорларнинг фикрини якуний баҳолашда акс еттиришга имкон беради; статистик жихатдан асосли; Таҳлил қилиш учун етарли маълумот мавжуд бўлганда, таҳлил қилиш учун етарлича маълумотлар мавжуд бўлганда фойдаланиш осон ва ишончли натижалар беради.

Қиёсий ёндошувнинг камчиликлари: баҳолаш натижасининг тўғрилиги солиштирма ёндашув асосида ҳисоб-китобларга бозор маълумотларига жуда боғлиқ; тўғри баҳолаш учун катта ҳажмдаги ахборот талаб этилади. Шундай қилиб, корхонанинг нархи молиявий курсаткични тегишли мультипликатор билан кўпайтириш йули билан аниқланиши мумкин.

Баҳолаш ҳисоботи буйича 2018-йил учун бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар курсатгичларидан фойдаланиб чиқарилган мультипликаторлар.

Реализациядан тушум	1784265	Ўз капиталининг қиймати \$796727
(махсулот хизмат) таннархи	1470849	
Ялпи фойда	313416	
Ескириш	168141	
Солиқ ва фойизларни тулагунча булган фойда (ЕВИТ)	145275	Баҳолаш мультипликатори
Кредитлар фойизда		
Солиқ тулагандан кейинги фойда	114856	→ $796727/114856=6.9$
Солиқлар	40135	
Соф фойда	74721	→ $796727/74721=10$
Пул оқими (соф фойда + ескириш)	242862	→ $796727/242862=3.2$
Солиқни тулагунча булган пул оқими Солиқ ва фойизларни тулагунча булган фойда+ескириш	313416	→ $796727/313416=2.5$

Барча йилларни худди шу усулда ҳисоблаб чиқилади. Олинган натижалар фойдани тренд чизиғи буйича ҳисобланади, маълумотлар тахлили, фойда динамикасининг етарли барқарорликда ўртача вазний ҳисоблаш усули ўртача арифметик фойдага нисбатан прагнозланувчи соф фойдани юқорирок қийматини беради.

Хулоса қилиб, “Оқ олтин” ИЧК маълумотлари асосида ўтқазилган тадқиқот натижаларига кўра олинган мультипликаторлар - нарх, фойда, сотишдан олинган нарх, актив қиймат нархлар ялпи рента мультипликатори ва қурилиш корхонаси қийматини қиёсий баҳолаш масалалари кўриб чиқилган.

Адабиётлар руйхати

1. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И., Ядгаров В.У., Ганиева Ф.К. Оценка имущества Тошкент «МАШХУР-ПРЕСС»2018
2. Ганиев К.Б. , Ганиева Г.И и др . Экономика предприятия : Рыночная стомашин и оборудования : учебное пособие .
/ Под ред док . техн .наук,проф. Ганиева К. Б. - Т : Издательство Национального общества философов Узбекистана , 2006. - 160 с .
2. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И., Ганиева Ф.К. Мулк ва бизнесни бахолаш. Тошкент “Бактрия пресс”2018-й
3. Jack P Friedman, Nicholas Ordway Income property appraisal and analysis. Copyright 1989 Prentice Hall, Inc. All rights reserved.
4. Aswath Damodaran, Investment Valuation/All Rights Reserved .2002 First Published by John Wiley & Sons, Inc., New York.

К ВОПРОСУ РАЗРАБОТКИ НОРМАТИВНЫХ МУЛЬТИПЛИКАТОРОВ СРАВНИТЕЛЬНОГО ПОДХОДА ПРИ ОЦЕНКЕ НЕДВИЖИМОСТИ

*Проф. Ганиев К.Б., ст. преп. Ганиева Ф.К.,
маг. Пулатов Ш., СамГАСИ., студент Орипов У.А.,*

За годы независимости в стране произошли огромные изменения, последовательно осуществляется переход от централизованной экономики, ориентированной на рынок. Это позволило добиться стабилизации макроэкономической ситуации, увеличения объемов промышленного производства, снижения инфляции, достижения экономической независимости по важным видам продукции. Созданы условия для развития малого и среднего бизнеса, а также частного предпринимательства. Становление и развитие оценочной деятельности – составная часть реформирования экономики и создания правового демократического государства. Оценочная деятельность в Узбекистане получила свое развитие с началом процессов разгосударствления и приватизации, развитием рынка

ценных бумаг и страхования, переходом коммерческих банков к выдаче кредитов под залог имущества и т.д.

Мулк ҳуқуқлари назариясига оид адабиётларда берилган талқинларга кўра мулк ҳуқуқини куйидагича классификация қилиш мумкин: мулкка эгалик ҳуқуқи; мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи; мулкни бошқариш ҳуқуқи; мулкдан фойдаланиш ёки уни бошқариш жараёнида ундан даромад олиш ҳуқуқи; мулкнинг капитал қийматига ҳуқуқ (бу ҳуқуқ бегоналаштириш, истеъмол, ўзгартириш ёки тўзатиш, тугатиш ҳуқуқларини назарда тўтади); хавфсизлик ҳуқуқи (яъни экспроприациядан иммунитет); мулкни мерос ёки васият асосида олиш ҳуқуқи; мулк бўйича чекланмаган муддатга ҳуқуқ; бошқалар учун зарар етказмасдан фойдаланишни талаб қилиш (хар қандай зарарни маън қилиш) ҳуқуқи; қарздор мулкни қарз эвазига тортиб олиш ҳуқуқи; мулкни аввалги ҳолати сақланганлигича қайтарилиши ҳуқуқи.

Мулк ҳуқуқи ўз навбатида икки маънодаги: объектив ва субъектив маънодаги мулк ҳуқуқига бўлинади.

Объектив маънодаги мулк ҳуқуқи деганда, табиат ашёларини ижтимоий ўзлаштиришнинг мавжуд захираларини, усулларини белгилаш, тартибга солиш ва мустаҳкамлаш учун ҳалқ манфаатларини кўзлаб белгиланган тадбирларни ифодаловчи ҳуқуқ нормалари йиғиндиси назарда тутилади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи деб, айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг (давлат, юридик шахслар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ нормалари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларига айтилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 164-моддасида белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра, ўз

хохиши ва манфаатларини кўзлаб эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан иборат. [2]

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи - мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи - мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойда кўришдир.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи - мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир.

Мулк эгалари ўзларига тегишли мулк ҳуқуқидан ғайриқонуний мақсадларда, бировнинг зарарига фойдаланиши йўл қўйилмайди.

Мулкдор ҳуқуқлари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида баён қилинган бўлиб, унга асосан мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. [1]

Бу конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулкдор ўз мулккий ҳуқуқларини амалга оширишда қуйидаги шартларига амал қилиши лозим:

1. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

2. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, кўчмас мулк - ер участкаси эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан зарур ҳолларда, бошқа ер участкаларининг эгаларидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақли. Одатда, сервитут пиёдалар ва транспорт йўли, электр, алоқа, газ ёки сув қувурлари ўтказиш учун зарур бўлиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши

ер эгасини мулк ҳуқуқидан асло махрум қилмайди. Сервитутдан фойдаланувчи билан ер участкаси эгаси ўртасида сервитут ҳақида битим тузилиб, у кўчмас мулкка оид битимлар каби рўйхатдан ўтказилади. Сервитут белгиланган участканинг эгаси агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир. [2]

3. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

4. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганда фуқароларнинг соғлигига ва атроф-муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари деганда, мулк ҳуқуқининг олиниши ёки йўқотилиши билан боғлиқ бўлган юридик фактлар назарда тутилади.

Мулк ҳуқуқини объектив ва субъектив маънода талқин қилиш мумкин. Объектив маънодаги мулк ҳуқуқи - табиат ва жамият бойликларини ижтимоий-иқтисодий ўзлаштиришни тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқ нормалари йиғиндиси. Зеро мулк тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Субъектив маънодаги мулк ҳуқуқи - мулкый ҳуқуқ субъектларининг (давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг) объектив ҳуқуқ нормалари асосида юзага келадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқлари мажмуаси.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишини билдирадиган дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан субъектив фуқаролик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки аввалги мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади:

биринчидан, табиат неъматларини ўзлаштириш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга

ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;

учинчидан, эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниши;

тўртинчидан, эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам хужаликсиз билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан топилган ашёлар, хазиналар (бошқа усулда яширилган нарсалар) топилиши ҳолларида юз беради.

Мулк ҳуқуқининг вужудга келишида эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ўзига ҳосдир. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олади, яъни тўла маънода мулкдор ҳуқуқларига эга бўлади. [2]

Шундай қилиб умумлаштириб айтиш мумкинки, мулк ҳуқуқлари деб одамларнинг юқорида келтирилган мулк ҳуқуқи назарияси доирасида ресурсларга (яъни мулкка) оид ҳуқуқларга эга бўлиш билан боғлиқ муносабатларини жамият томонидан санкцияланган (руҳсат берилган) тартибга солувчи нормалар тушунилади.

Мулк ҳуқуқлари нафақат давлат томонидан химояланиши, балки бошқа ижтимоий механизмлар - урф-одатлар, маънавий тўзуклар, диний қоидалар - ёрдамида химояланиши мумкин.

Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан ўзвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин булмайдиган объектлар киради. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кучар мулк ҳисобланади. [2]

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мулк ва мулкый ҳуқуқ неъмат тўғрисидаги мультифан нуқтаи назаридан товар, капитал ва мулкый (ижтимоий-иқтисодий-ҳуқуқий-информацион) [3] муносабатлар воситаси шаклларида намоён бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз хоссаларига эга бўлган ҳолда

сифатий ва миқдорий кўрсаткичларга, ижтимоий, иқтисодий ва информацион таъминотга ҳамда юридик конструкция(ҳуқуқий база)га эга бўлади. Ушбу хоссалар мулк ва мулкый ҳуқуқларнинг мулкый муносабатлар реализациясини келтириб чиқаради. Бунда мулк ва мулкый ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқлари объектлари таркибига кириши уларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар объекти (неъмат, бойлик) сифатида қаралишини, натижада ўз-ўзидан мулк ва мулкый ҳуқуқлар қийматини баҳолаш ва нархини шакллантирилишини ўзаро боғлиқликда амалга оширилишини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ,1992й.
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, 2018 й.
3. Шохаъзамий Ш.Ш. Мулк назарияси, қиймати ва нархи.-Т.: Fan va texnologiya, 2012. 263.

КЎЧМАС МУЛКГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

*Абдухамидов А.Я. (СамДАҚИ доценти, т.ф.н.),
Абдихолиқов Ж. (СамДАҚИ магистранти),
Яхшибоева М.А. (СамДАҚИ талабаси)*

Фаол инвестиция сиёсати барқарор иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йил мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, деб эълон қилинди. 2019 йилги Инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган. Бу 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўпдир. Жумладан, жорий йилги Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,2 миллиард доллар бўлган 140 та ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу ерда кўчмас мулкга киритиладиган инвестициялар ҳам ўз аксини топган.

Кўчмас мулкга киритиладиган инвестициялари самарадорлигини баҳолашнинг халқаро амалиёти пулнинг вақт бўйича концепцияси ва қуйидаги тамойилларга кўп жиҳатдан таянади:

1. Инвестиция капитали самарадорлигини баҳолаш пул оқимларини (cash flow) таққослаш орқали амалга оширилиб, бу инвестиция лойиҳасини реализация қилиш ва бошланғич инвестициялаш жараёнларида содир бўлади. Агарда бошланғич сумманинг қайтиши ва капитал қўйган инвесторнинг талаб қилган даромадлиги таъминланса, инвестиция лойиҳасининг самарадорлиги тан олинади.

2. Инвестицияланган капитал ва пул оқимлари бошланғич даврга ёки аниқ ҳисоб йилига тенглаштириб олинади (одатда, инвестиция киритилишининг бошланғич даврига келтирилади).

3. Капитал қўйилмалар ва пул оқимларини дисконтлаш жараёни турли дисконтлаш ставкаларида амалга оширилиб, у инвестиция лойиҳасининг муҳимлигига боғлиқ ҳолда танланади. Дисконт ставкасини аниқлашда инвестиция таркиби ва капиталнинг алоҳида ташкил этувчиларининг қиймати ҳисобга олинади.

Баҳолашнинг барча усуллар қуйидаги оддий схемага асосланилади: Қандайдир инвестиция лойиҳасини амалга оширишда бошланғич инвестиция CF_1, CF_2, \dots, CF_n пул оқимларига генерация қилинади. Инвестиция самарадор ҳисобланилади, агарда бу оқимларда қуйидагилар етарли бўлса:

- Бошланғич капитал қўйилмалар қайтиши;
- Қўйилган капиталнинг кўпайиши таъминланса;

Капитал қўйилмаларнинг қуйидаги самарадорлик кўрсаткичлари энг кўп тарқалган:

- Дисконтланган капитал қайтиш муддати (DPB);
- Инвестиция лойиҳасининг ҳозирги соф қиймати (NPV);
- Ички даромадлиқ нормаси (даромадлилиги, рентабеллиги) (IRR);

Бу кўрсаткичлар ва унга мос усуллар қуйидаги икки вариантда фойдаланилади:

- Бир-бирига боғлиқ бўлмаган инвестиция лойиҳаларини аниқлашда, қачонким, лойиҳани қабул қилиш ёки рад этиш бўйича хулоса қилинади,

- Бири-бирини рад этувчи инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини аниқлаш учун, қачонким, бир нечта муқобил лойиҳалардан қайсисини танлаш керак деган хулоса қилинади.

Қоплаш муддатини дисконтлаш усули- бу усул инвестор ёки мулкдор учун кўчмас мулкга сарфланган инвестициянинг қайтиш муддатини аниқлаб беради.

Ҳозирги соф қиймат усули (NPV - метод) - бу усул ҳозирги соф қиймат (Net Present Value) тушунчасига асосланган.

$$NPV = CF_0 + \frac{CF_1}{(1+r)^1} + \frac{CF_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{CF_n}{(1+r)^n} = \sum_{k=0}^n \frac{CF_k}{(1+r)^k},$$

Бу ерда CF_i – соф пул оқими,
 r – инвестиция лойиҳасига жалаб қилинган капитал қиймати.

Усулининг моҳиятига кўра, лойиҳани реализация қилиш учун мўлжалланган капитал қўйилмалар кирувчи пул оқимларнинг ҳозирги қиймат чиқувчи пул оқимларининг ҳозирги қиймати билан таққосланилади. Биричиси ва иккинчиси ўртасидаги фарқ соф ҳозирги қийматдир. Унинг ўлчамига қараб қарорлар қабул қилинади.

Усулнинг бажарилиш тартиби: **1 қадам.** Кирувчи ва чиқувчи ҳар бир пул оқимларининг ҳозирги миқдори аниқланилади. **2 қадам.** Пул оқимлари элементларининг ҳамма дисконтланган миқдорлари суммаси жамланади ва NPV мезони аниқланади. **3 қадам.** Қарорлар қабул қилинади.

- Алоҳида лойиҳа учун: **агар NPV нолдан катта ёки унга тенг бўлса лойиҳа қабул қилинади ;**

- Бир неча муқобил лойиҳалар учун: **қайси лойиҳада NPV қиймати катта бўлиб, ижобий бўлса, шу лойиҳа қабул қилинади.**

Инвестициянинг самарадорлигини баҳолашда инфляциянинг таъсири

Инфляциянинг таъсирини икки вариантда кўриб чиқилади: Инфляция даражаси ташкил қилувчи ресурсларга (кирим ва чиқим) турлича; инфляция даражаси турлича харажатларга бир хил.

Биринчи ёндошув доирасида, бу кўпроқ нобарқарор иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларда реал ҳолатни ифодалайди. Соф ҳозирги миқдорни баҳолашни стандарт усулдан фойдаланиб топилади. Барча даромад ва харажатларнинг ташкил этувчилари ҳамда дисконт кўрсаткичи йиллар бўйича инфляция даражаси башоратига асосланган ҳолда коррективка қилиб танланади. Шунини таъкидлаш лозимки, инфляциянинг турли даражаларини башорат қилиш жуда қийин масала бўлиб, амалда бажариб бўлмайди.

Иккинчи ёндошув доирасида, инфляциянинг таъсири ўзгачадир, инфляция сонли(оралиқ миқдорларга) таъсир этиб, охириги натижага сезиларли таъсир этмайди.

Умумий ҳолда, агар r_p – фойдалилик ставкасининг реал фоизи, T - инфляция суръати бўлса, фойдалиликнинг номинал нормаси қуйидаги формула билан ифодаланиши мумкин

$$r_p = r + T + r \cdot T.$$

Иккала ечимнинг жавоби тўлиқ мос келади. Натижа бир хил бўлди, биз пул киримлари ва пул чиқимларида ҳам инфляция таъсирини ҳисобга олдик.

Шунинг учун кўпгина Европа фирмалари ҳисоблашларда инфляция таъсирини ҳисобга олишмайди.

Ички даромад нормаси (IRR)

Таърифи бўйича, ички даромад нормаси (айрим ҳолларда даромадлилик дейилади) (IRR) – бу шундай дисконт кўрсаткичининг миқдорики, бунда инвестициянинг ҳозирги миқдори инвестициялаш эвазига пул маблағлари оқимларининг ҳозирги миқдорига тенг, ёки шундай дисконт кўрсаткичидирки, бунда инвестиция қўйилмаларининг ҳозирги кўрсаткичининг нолга тенглиги таъминланади.

Ички даромад нормасининг иқтисодий мазмуни шундан иборатким, бу инвестициянинг шундай даромадлик нормасики, корхона ўз капиталини шу даромад нормасида IRR молиявий инструментларга, ёки реал инвестиция киритишда бир хил самарадорликга эришади.

Ички даромад нормаси (IRR) математик ифодаланиши қуйидаги математик тенгламани ечишни тақозо қилади.

$$\sum_{j=1}^n \frac{CF_j}{(1 + IRR)^j} = INV$$

Бу ерда : CF_j - j -даврдан пул оқимларининг кирими, , INV – инвестициянинг миқдори.

Ушбу тенгламани ечиб IRR миқдорини топамиз . Ички даромад нормаси (IRR) усули асосида қарор қабул қилиш схемаси қуйидагича:

- агар IRR қиймати капитал қийматига тенг ёки катта бўлса, лойиҳа қабул қилинади,
- агар IRR қиймати капитал қийматидан кичик бўлса, лойиҳа рад этилади.

Шундай қилиб, IRR “ тўсиқ кўрсаткичи”дир: агар капитал қиймати IRR юқори бўлса, лойиҳа пулнинг ёки капиталнинг қайтимини таъминлаш учун “қуввати” етарли эмас, уни рад этиш керак.

МУЛК ТУШУНЧАЛАРИ ВА МУЛКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

*Абдухамидов А.Я. (СамДАҚИ доценти, т.ф.н.), Латипов А.Р.
(Магистр СамДАҚИ), Яхшибоев З.А. (СамДАҚИ талабаси)*

Илмий адабиётларнинг таҳлилидан маълумки, инсоният пайдо бўлиши билан мулк тушунчаси илк бор қандайдир буюм деган тасаввур сифатида юзага келган бўлиб, шу кунгача унинг мазмун-моҳияти тўғрисида турли қарашлар ва билимлар тизими шакллланган.

Илмий адабиётларнинг талқинига кўра, замонавий мулк (неъмат, бойлик ёки аниқроғи уларга эквивалент бўлган мулк хуқуқлар тизими сифатида):

- мулк - Аллох ўзи буюрган инсонига, унинг учун ўлчаб берган берган нафси ва санаб берган умрига мос равишда ажратган неъмат бўлиб, шу муносабат билан инсон бу неъматнинг мулкдори сифатида Илохий мулккий ҳуқуққа эга бўлади ва натижада социум қонунлари бўйича ижтимоий-иқтисодий мулккий ҳуқуқларни олади;

мулк - мулккий ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлган турли шакл ва мазмундаги фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари (ФХ,О) сифатида намоён бўлувчи (конкрет мисолий хол учун) ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулккий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар бўлиб, улар мулккий ҳуқуқ субъектларининг мулккий муносабатлари мақсадида тизимлаштирилган ижтимоий, иқтисодий, юридик ва техник-технологик параметрлар билан ифодаланувчи турфа ФХ,О;

мулк [1] - турлари қонунлаштирилган мулккий ҳуқуқ объектлари бўлиб, уларга қуйидагилар киради: мамлакат ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, хаво хавзаси, ўсимлик ва хайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, махсулотлар, турар жой ва квартиралар, махсулот белгилари, саноат намуналари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, интеграл микросхемаларнинг топологияси, селекция ютуқлари, хизмат кўрсатиш белгилари, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол- мулклар; инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти, жумладан, ихтиролар, кашфиётлар, фан, адабиёт, санъат асарлари, ахборот, илмий ғоялар, техник ишланмалар ва аклий ижоднинг бошқа объектлари; тарих ва маданият ёдгорликлари; мол-мулкдан ҳужалиқда фойдаланиш натижалари (махсулот ва даромадлар);

мулк -қиймат, нарх, қиммат, наф, фойдалилик, фаровонлик, манфаат ва даромад каби иқтисодий категориялар манбаси, фуқаролик ҳуқуқлари субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мотиви, омили

сифатидаги неъмат (бойлик);

мулк - кўп фанларни ўзаро гармонизациялаштириш негизида шаклланувчи кўпфанлилик (мультифан) ғоясига асосланган назариянинг ва кўп асрли жамият тараққиёти ва иқтисодий амалиётга эга тизимли тадқиқот объекти, зеро у кўп турли, кўп қиррали, кўп хоссали, кўп бозорли, турли омилларга таъсирчан мураккаб табиатли фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг ҳар қандай тури.

Мулк назарияси бўйича кўплаб классик назарияларни мавжуд.

Биринчи ёндашув [2] - бу қийматнинг меҳнат назарияси ва унинг турлари: идеалистик (Фама Аквинский), нисбийлик (Дэвид Рикардо), абсолютлик (Карл Маркс). Бунда Д.Рикардо идеалистик ва абсолютлик назарияларидан фарқли меҳнатдан ташқари фойда суммасини ҳам ҳисобга олади.

қийматнинг меҳнат назарияси (илмий концепция)га асосан мулкнинг товар сифатидаги мазмуни, уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат ҳажми билан белгиланади.

Умумлаштириб айтилса, меҳнат - бу барча мулк ва товарларда мужассамлашган умумий асосдир.

Иккинчи ёндашув [2] - бу чегаравий нафлик (фойдалилик) назарияси. Унга кўра, қиймат ва нарх белгиланишининг асосида мулк(товар)нинг фойдали(нафли)лиги ётади. Ушбу назарияни асослашнинг методологик принципларидан бири бўлиб *маржинализм* ҳисобланади. Унга кўра, субъектив қиммат - бу аниқ бир субъектга мулкнинг қимматлилигидир.

Объектив қиммат [2] - бу моддий бойликнинг бозор нархи. Бу қиммат бозор нархи сифатида “нархнинг чегаравий миқдорини белгиловчи харидор” ва “нархни чегаравий миқдорини белгиловчи сотувчи” бахолари асосида тартибга солинади. Бундай “чегаралари чекланган жуфтликлар” ёрдамида сотувчи ва харидор нархлари мувозатлаштирилади. Яъни қимматлилик талаб ва таклиф мувозанатига эришиш жараёнида амалга оширилади.

Субъектив нафлилик (фойдалилик) миқдорини бахолашда Г. Госсеннинг

иккита қонунидан фойдаланилади.

Бунда Г. Госсеннинг биринчи қонуни қуйидагича ифодаланади: талаблар кондирилишига мос равишда тўйиниш ўсади, конкрет фойдалилик миқдори эса пасаяди.

Г. Госсеннинг иккинчи қонуни қуйидагича ифодаланади: неъматнинг чекланган захирасида унинг “чегараси чекланган экземпляр” мавжуд бўладики, ундан кейин неъматлар истеъмолидан қониқиш интенсивлиги бирдай (бир хил) қолади, ва талабларни максимал тўйинтириш учун истеъмолни “чегараси чекланган экземпляр” миқдорида тўхтатиш зарур.

Чегаравий нафлик (фойдалилик) назарияси доирасида неъматлар фойдалилигини миқдорий ўлчаш учун иккита - кардиналистик ва ординалистик - йўналиш мавжуд.

о

Кардиналистлар (У.Джевонс, А.Маршалл) чегаравий нафликни абсолют миқдорлар ёрдамида ўлчашни таклиф қилиб, бунда улар пулдаги баҳоларга таянганлар.

Ординалистлар [2] (В.Парето, Дж.Хикс, П.Самуэлсон) чегаравий нафликни нисбий тахлилни қўллашни таклиф қилганлар. Бунда нисбий тахлил товарларнинг бир комбинацияси афзалликларини бошқа комбинациялари билан қиёсий солиштириш йўли билан амалга оширилади ёки товарлар тупламига қиёслаш. Бундай тахлил воситаси бўлиб неоклассиклар томонидан макроиқтисодий жараёнларни тадқиқ этишда қўлланилувчи бефарқлилик чизиқлари ҳисобланади.

Учинчи ёндашув - бу Альфред Маршалл таклиф қилган харажатлар ва фойдалилик бирикмаси назарияси.

Бунда Альфред Маршалл таъкидлаганки, харажатлар (меҳнат қиймати назарияси) ва фойдалилик (чегаравий нафлилик назарияси) бир-бирига зид бўлмай, бозор қонунларининг талаб ва таклиф категорияси таркибий қисмларидир. Унинг фикрича, нархларга иккита омил - “чегараси чекланган фойдалилик” ва “ишлаб чиқариш харажатлари” - қайчи наштарларига ўхшаш

бараварига таъсир қилади. Қайчининг бу наштарлари бир-бири билан учинчи унсур ҳисобланувчи талаб ва таклиф ёрдамида боғланади.

Юқорида келтирилган ёндашув ва назариялар асосида, айтиш мумкинки, харидор товар учун тўлашга рози бўлган нарх товарнинг фойда (наф)лилиги, бозорда ўзгарувчан конъюнктура асосида шакллланувчи харидор хулк-атвори психологияси билан белгиланади.

Мулк тушунчаси XX асрнинг 60-70 йилларида ҳуқуқ назарияси билан уйғунлашиб, мустакил назарияга - мулкый ҳуқуқ назариясига айланди. Бу назария трансакцион харажатлар назарияси, иқтисодий ҳуқуқ, ижтимоий танлаш назарияси, иқтисодий ташкилотлар назарияси ва шулар каби бошқа назариялар билан бирга замонавий неоинституционализмнинг асосларини ташкил қилган..

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, 2018 й.
2. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Мулк назарияси, қиймати ва нархи.-Т.: Fan va texnologiya, 2012. 263.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАЗВИТИЯ ОСНОВНЫХ ОТРАСЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

*доцент Абдукадырова Х.А., преп. Суюнов Б.А.
студент группы 301-КМЭваУБ Марданова М.*

Изменения, произошедшие и происходящие в Узбекистане в сфере экономики, дали сильный толчок вперед как в деле проводимых реформ, так и динамичным изменениям показателей во всех секторах экономики.

Прежде всего, речь идет о развитии различных форм собственности в экономике. Валовой внутренний продукт в 2008-2014 гг. на 79,3% был создан в негосударственной сфере экономики, промышленная продукция на 79,9%, продукция сельского хозяйства на 89,4%. Это надо расценивать как положительный сдвиг в экономике. Развитие негосударственной сферы, как наиболее быстрореагирующей на «спрос-предложение», подтверждает

наличие диверсификации, снижения цен на производимую продукцию, быструю модернизацию и переход на новое техническое оснащение

Основными структурообразующими отраслями экономики Узбекистана являются промышленность, строительство, аграрный сектор, рынок потребительских товаров, торговля и услуги.

Динамичное развитие экономики Узбекистана во многом зависит от уровня развития промышленности. Продукция промышленности идет как на экспорт, обеспечивая валовую выручку, так и на внутренний рынок, удовлетворяя потребность населения и всех секторов экономики. Удельный вес промышленности в ВВП Узбекистана вырос с 17,5% в 2005 г. более 26% в 2014 г. А по доле прибыли – в 2014 г. – удельный вес промышленности составил 68,0%, можно судить как о высокоэффективном секторе экономики страны. Необходимо принять во внимание, что в промышленности занято всего 13,5% численности населения, следовательно, сопоставляя с показателями инвестиций и долей прибыли в общем показателе прибыли в экономике страны можно сделать вывод о наличии высокотехнологичного производства во всех отраслях промышленности Узбекистана.

Производство машиностроительной продукции за год увеличилось на 23,5%. Наибольший рост наблюдался в электротехнической промышленности – 142,2% и автомобилестроении – 126,5%. Это явилось результатом увеличения физических объемов производства автомобилей – 13,7%, силовых трансформаторов – 36,4%, установочных проводов – 42,0%. Кроме этого в Узбекистане набирают обороты, и растет выпуск различных видов бытовой техники. В автомобилестроении увеличилось производство помимо существующих моделей (Матизов, Нексии, Дамасов), новых – «Эпика», «Каптива», «Кобальт» и другие. Рост производства и пассажиропотоков привело к росту выпуска грузовых автомобилей (115,6%) и автобусов (139,4%).

Постепенно начинает наращиваться выпуск тракторных сеялок (60,2%), тракторных культиваторов (13,4%) и другой сельскохозяйственной техники.

Электротехника - одна из динамично развивающихся отраслей машиностроения. Наличие сырьевой базы, соответствующей технологии и кадрового потенциала позволяет наращивать кабельную, проводниковую продукцию, трансформаторы, лифты. Значительные резервы имеются по производству продукции бытового назначения. Речь идет о современных телевизорах, DVD – проигрывателях, холодильниках, морозильниках. Отечественная торговля является крупным потребителем холодильников и морозильников различных типоразмеров. Поэтому при правильном подходе можно наращивать выпуск этих видов промышленной продукции для населения и производственных целей.

За один год темпы роста химической и нефтехимической промышленности составили 108,2%. Это высокие показатели, сравнимые с ростом, которые наблюдаются в экономически развитых странах. В разрезе товарной номенклатуры: производство азотных удобрений возросло на 105%, аммиачной селитры – на 105,2%, карбамида на 107%, средств защиты растений на 123,5%, синтетического аммиака 104,6%.

Темпы роста легкой промышленности составили 106,6%. В основном рост достигнут за счет увеличения физических объемов производства химического волокна, чулочно-носочных изделий, ковров и ковровых изделий. Стратегическим достижением следует признать динамичное увеличение производства готовой продукции из местного сырья.

Анализ индексов роста производства основных видов промышленной продукции показывают динамичное развитие производства: электроэнергии 102,3%, сжиженного газа – 104,4%, стали – 104,5%, проката черных металлов – 103,8%, автомобилей – 113,7%, бронекабеля – 108,3%, минеральных удобрений – 104,2%, цемента 110% и т.д.].

Стратегическим достижением следует признать динамичное увеличение производства готовой продукции из местного сырья. Среди тенденций, которые наблюдались в аграрном секторе за последние годы, следует отметить укрупнение всех видов фермерских хозяйств и в первую

очередь в зерноводстве и хлопководстве. Урожайность зерновых в 2014 г. с 1 га составила более 44,5 центнера, в т.ч. пшеницы 44,1, картофеля 184,1 центнера, овощей 228,4, бахчевые 184,6. Сравнение показывает высокую эффективность растениеводства в Узбекистане.

В последние годы было осуществлено 242 мелиоративных проекта на общую сумму 100 млрд. сум, в результате было очищено 11580 км межрайонной и внутрихозяйственной коллекторной сети, построены новые и капитально отреконструированы магистральные и межхозяйственные коллектора, специализированные подрядные организации оснастились новой современной мелиоративной техникой.

Анализ показал, что высокие показатели роста объемов производства потребительских товаров достигнуты за счет:

1. Модернизации и технического перевооружения производства;
2. Осуществление активной инвестиционной политики;
3. Осуществление мер по всесторонней поддержке отечественных производителей;
4. Реализация мер по обеспечению продовольственной безопасности страны;

В рамках Антикризисной программы осуществляется поддержка производителей потребительских товаров и предприятий торговли путем предоставления налоговых льгот и кардинального расширения их льготного кредитования.

Выросли услуги населению на 21,3% в годовом исчислении, а удельный вес данной сферы в ВВП составил 45,3% против 42,5% в 2010 г.

Анализ показал, что рост услуг обеспечен за счет:

- 1) расширения сети предприятий оказывающих услуги населению;
- 2) роста услуг связи и информатизации;
- 3) развития микро и потребительского кредитования;
- 4) развития институтов финансовой инфраструктуры;

5) стимулирования роста услуг по обслуживанию дехканских и фермерских хозяйств.

Таким образом можно сделать вывод, что существенным моментом в обеспечении устойчивого развития экономики является активизация инвестиционной политики, т.к. от этого зависит продолжение модернизации всего производства во всех сферах экономики.

Литература

1. Первый Президент Руз И.А.Каримов. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. -Т.: «Узбекистан», 2009.

2. Суюнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2010.-162с.

ИЖТИМОЙ КЎЧМАС МУЛКНИ ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВИДА БАҲОЛАШНИ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

и.ф.н.Ганиева Ф.С., Рахматова С., СамДАҚИ

Ўзбекистонда бозор ислохотларнинг ривожланиши кўчмас ва кўчар мулкнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқлар қийматини баҳолаш бўйича янги фаолият тўрининг шаклланишига олиб келди.Баҳолаш фаолияти иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ҳуқуқий давлат қўрилишининг ажралмас қисмига айланади.Кўчмас мулк қийматини баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини, усулларини, мулк турларини, баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиш ва амалда қўллаш, баҳолаш фаолиятини бозор инфратўзулмасининг амалий тармоғи сифатида тўшуниш имконини беради.

Республикамизда кўчмас мулкни баҳолаш хизматларига бўлган талаб бозор иқтисодиётига ўтишининг дастлабки кўнлариданоқ пайдо бўлди. Давлат кўчмас мулкни хусусийлаштиришнинг кенгайиши, корхона устав сармоясига киритилган кўчмас мулкни кўпайиши, кўчмас мулк гарови остида кредитлашнинг ривожланиши ва биринчи навбатда мулкдорлар синфини

шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йуналтирилган кўчмас мулк билан бажариладиган бошқа фуқаролик ҳуқуқий жараёнлар баҳолаш тузилмасининг мажбўрий тарзда иштироқи билан амалга оширилади.[2]

Ҳозирги кунда баҳолаш фаолиятини камраб олувчи хизматлар соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу ўринда эътироф этиш керакки, Республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан кўчмас мулкни баҳолаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фуқароларимизнинг мулкка бўлган лоқайд қарашларини тубдан ўзгартириш, мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишдаги иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон шароитида кўчмас мулкни баҳолашнинг услубий асосларини ўрганиш ва баҳолаш фаолияти билан боғлиқ жараёнларни такомиллаштириш республикамизда эркин бозор инфраструктурасини ривожлантиришда ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида» ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича 2009 йил 27-28 март кунлари ўтказилган ялпи мажлисда Президентимиз «Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим тури - баҳолаш фаолияти муайян объектнинг ҳақиқий баҳосини аниқлашда, хусусийлаштиришда, гаровга кўйишда ва бошқаларда муҳим аҳамиятга эга.

Кўчмас мулк бозоридаги ҳолат кўпгина иқтисодий жараёнларнинг кечишига таъсир қилади, ушбу бозорсиз инвестицион фаолликни ошириб бўлмайди. Шунинг учун, миллий иқтисодиёт тизимида кўчмас мулк бозорининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Кўчмас мулкни баҳолаш кўпинча қуйидаги мақсадлар учун талаб қилинади: Банкдан кредит олиш учун (ипотека кредити); мерос олиш учун; суд жараёни мақсадлари учун; мулкни сотиш учун.

Бугунги кунда ижтимоий кўчмас мулк учта ёндашув билан баҳоланади, булар харажатли, даромадли ва қиёсий ёндашувларю. Қиёсий ёндашув бўйича объект қийматини баҳолашнинг асосий боскичлари қуйидагича:

1.Баҳолаш объектига ўхшаш (аналогик) объектлар сотилиши, таклиф баҳолари хақида маълумотлар йиғиш;

2. Эркин бозор шароитида олди-сотди ишлари бажарилганлиги хақида маълумотлар олиш;

3.Ўлчов бирликларини тўғри танлаш ва ҳар бир ўлчов бирлиги учун таққослаш тахлилини ўтказиш, яъни таққослаш объектлари баҳосига нисбатан баҳолаш объектининг баҳосини аниқлаш учун улар баҳосини коррективировка қилиш (тузатиш);

4.Баҳолаш объектининг баҳосини таққослаш характеристикалари тахлили йўли билан аниқлаш ва уларни ягона баҳолаш кўрсаткичига ёки кўрсаткичлар гуруҳига келтириш[1].

Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини қийматини қиёсий ёндашувда аниқлаш кўйидаги жадвалда акс эттирилган

Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини қийматини қиёсий ёндашувда аниқлаш.[3]

Жадвал 1

Таққослаш элементлари	Баҳолаш объекти Оқдарё туман	Таққослаш объектлари				
		Буланғур тумани	Кимёгарлар кўрғони	Жума шаҳри	Селский тумани	Жомбой шаҳри
Такл нархи	Минг сўм	1396000000	1470000 000	1160000 000	1100000000 0	1150000000 0
Нархни пасайтириш миқдори		0,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Келишилган нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035000 000
Сотиш вақти		13.01.19	11. 03.19	16. 07.18	18. 08.18	18. 09.18
Тузатиш,%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035000 000
Мулкнинг эгалик ҳуқуқи		тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Молиявий шарт		тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035000

						000
Сотиш шарт		тижорат	тижорат	тижорат	тижорат	тижорат
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035000000
Жойлашган манзили		Булангур тумани	Кимъёгарлар кўрғони	Жума шаҳри	Селский тумани	Жомбой шаҳри
Тузатиш%		1,0	1,0	1,0	1,0	1
нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035000000
Ум.майдон кв.м.	483,2	460	550	568	460	500
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035 000 000
Жойлашган қавати	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли
Тузатиш%		1.0	1.0	1.0	1.0	1.0
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035000000
Автомобил йўли		бор	бор	бор	бор	бор
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035 000 000
Техник ҳолати	косметик таъмир талаб	косметик таъмир талаб	косметик таъмир талаб	жуда яхши ҳолатда	жуда яхши ҳолатда	косметик таъмир талаб
Тузатиш%		1.0	1.0	1.0	1,0	1,0
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035000000
Фойдаланиш тури	ҳизмат кўрсатиш	ҳизмат кўрсатиш	ҳизмат кўрсатиш	ҳизмат кўрсатиш	ҳизмат кўрсатиш	ҳизмат кўрсатиш
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035 000 000
Кўшимча шарт	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз
Тузатиш%		-	-	-	-	-
нарх		1326200000	1323000000	1044000000	9900000000	1035000000
1 кв м нархи	22695739	2883043	2405454	1838028	2152173	2070000
Баҳоланаётган объектнинг қиймати	1096738227					

Шундай қилиб, 2019 йил 1 март ҳолатига баҳоланаётган Оқдарё туман ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини қиёсий ёндашувда

аниқланган қиймати 1 096 738 227 (бир миллиард тўқсон олти миллион етти юзи ўттиз саккиз минг икки юзи йигирма етти) сўмни ташкил қилади.

Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириши

Дам олиш масканининг турли ёндашувлар ёрдамида баҳолашда қуйидаги натижаларга эришдик:

Харажатли ёндашув – 3 788 724 811 сўм

Даромадли ёндашув - 1 950 214 411 сўм

Қиёсий ёндашув – 1 096 738 227 сўм

Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштиришда турли критериялар ҳисобга олинади:

- сотувчи ва потенциал инвесторнинг асл хохиши ва имконияти;
- бозор конъюктурасининг ўзгариши;
- объектнинг специфик кўрсаткичлари ва х.к.

Жадвал 2

Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини бозор баҳосини аниқлаш

	Кўлланилган ёндашувлар	Аниқланган қиймат, сўм	Кўрсаткичлар улушининг коэффиценти	Ҳисобланган баҳо, сўм
1	Харажатли ёндашув	3788724 811	<i>фойдаланилмади</i>	-
2	Даромад ёндашуви	1950214 411	0,40	780085764,4
3	Қиёсий ёндашув	1096738 227	0,60	658042936,2
	Жами:		1	1438128700,6

Демак, Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини бозор қиймати 1438128700,6 сўмни ташкил қилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 19.08.1999 й. №811-1.

2. Мирзиёев Ш.М 2017-2021 йиларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. www.torg.uz

KO'CHMAS MULKNI BAHOLASH VA BOSHQARISH MEHANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI, MAISHIY HIZMAT BINOSI MISOLIDA

Ganieva F.C. Turaeva M.X., SamDAQI

Mamlakatimizda Prezident SH.M.Mirziyoev rahnamoligida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli iqtisodiy islohotlar jarayonida bozorning barcha bo'g'inlarini rivojlantirish mexanizmlari yaratildi. Ko'chmas mulk bo'yicha amalga oshiriladigan bitimlar zamonaviy bozor munosabatlarining ajralmas qismi hisoblanadi. Ko'chmas mulk bozori faoliyatini tartibga solish, uni davlatimizning fuqarolar huquq va manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan ijtimoiy yunaltilgan iqtisodiy siyosati tamoyillariga muvofiqlashtirish maqsadida milliy Qonunchiligimiz takomillashtirilmokda.[2]

Hozirgi kunda baholash faoliyatini qamrab oluvchi xizmatlar sohasi mamlakatimizda jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. SHu o'rinda e'tirof etish kerakki, Respublikamiz Prezidenti va hukumati tomonidan ko'chmas mulkni baholash, mulkni davlat tasarrufidan chiqarish, fuqarolarimizning mulkka bo'lgan loqayd qarashlarini tubdan o'zgartirish, mulkka egalik qilish, foydalanish va tasarruf etishdagi iqtisodiy va huquqiy savodxonligini oshirishga alohida e'tibor qaratib kelinmoqda. Istiqloq yillarida tadbirkorlikni rivojlantirishni ta'minlaydigan qonunchilik bazasi va xususiy mulkka nisbatan davlatning asosiy kafolatlari shakllantirildi.

Bozorning kon'yukturasi, bu boradagi normativ-huquqiy hujjatlar to'g'risidagi axborot bilan ta'minlash, shuningdek, ko'chmas mulk ob'ektlari reklamasining tarqatilishini tashkil etish, bitim taraflarini tanlash bo'yicha tavsiyalarni o'z ichiga oladi. Bu esa baholovchiga ko'chmas mulkni baholashda qiyosiy usulni qo'llashga, hamda shahar hududiy ko'rsatkichlari ta'sirini tadqiq qilishga muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

O'zbekiston sharoitida ko'chmas mulkni baholashning uslubiy asoslarini o'rganish va baholash faoliyati bilan bog'liq jarayonlarni takomillashtirish respublikamizda erkin bozor infrastrukturasi rivojlantirishda o'ta dolzarb

muammo hisoblanadi.[1] Ko'chmas mulkni xarajat yondashuvida baholashni va bo'sh er uchastkasidan eng maqbul va eng samarali foydalanish tahlili cavdo majmua ko'chmas mulk ob'ekti misolida ko'rib chiqamiz. Maishiy hizmat binosi Urgut shaharchasida joylashgan. Maishiy hizmat binosi Urgut shaharchasining markaziy trassasida joylashgan. Maishiy hizmat binosi 2014 yilda qo'rilgan, bir qavatli, bino uzunligi 20,0 m, eni esa 6,0 m ni tashkil qiladi. Bino balandligi 5,0 m, qavatning balandligi esa 3,0m. Baholanayotgan maishiy hizmat binosi 4 xonali. Maishiy hizmat binosining qo'rilish maydoni 120 kv.m. ni tashkil etadi, poyabzal ta'mirlash ustoxonasi, sartaroshhona, do'kon, oshhonalari mavjud.Er uchastkasi 150 kv.m.ni tashkil etadi.

Ko'chmas mulkdan bir necha yo'llar bilan foydalanish mumkin. Ko'chmas mulkdan foydalanishda har bir yo'nalish bo'yicha belgilangan va to'g'ri keladigan uning bahosi bo'lib, baholashni o'tkazish vaqtida foydalanishni bir yo'nalishi olinadi. ya'ni eng yaxshi va eng samarali foydalanish tamoyili olinadi. Baholovchini fikriga ko'ra – bozor tahlilidan kelib chiqqan holda mulkning samarali foydalanish yakuni kelib chiqadi. Boshqacha qilib aytganda, jismonan bajarish imkoni bo'lgan, istarli darajada asoslangan va moliyaviy jixatdan amalga oshirish mumkin bo'lgan, oqilona foydalanish mumkin bo'lgan va qonuniy muqobil variantlar ichidan tanlab olingan, ko'chmas mulkning eng yuqori qiymatiga olib keladigan foydalanish varianti. Baholanayotgan maishiy hizmat bino markaziy trassasida joylashganligi, atrofida savdo do'konlari va maishiy hizmat ko'rsatish shahobchalari, mavjudligi sababli, undan eng yaxshi va eng samarali foydalanish usuli – uni ijaraga berish hisoblanadi.

Maishiy hizmat bino ko'chmas mulkning tiklash qiymati loyiha-smeta hujjatlariga binoan aniqlanadi. Loyiha-smeta hujjatlari mavjud bo'lmasa, ko'chmas mulk tiklanish qiymatining yiriklashtirilgan normativlaridan foydalanishga yo'l qo'yiladi.

Yiriklashtirilgan normativlar asosida ko'chmas mulkning tiklanish qiymatini aniklash O'zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligida ruyxatdan utgan xamda Vazirlar Maxkamasi koshidagi O'zgeodezkadastr bosh boshqarmasi,

O‘zbekiston Respublikasi Kommunal hizmat Vazirligi tomonidan tasdiqlangan GKKINP-18-013-2011 yil «Noturar joy bino va inshootlarning tiklanish baholari umumlashtirilgan ko‘rsatkichlari to‘plami»dan foydalanilgan xolda amalga oshiriladi.[1]

2011 yil bazis narhlaridagi maishiy hizmat binosining to‘liq tiklanish qiymati quyidagi formula orqali hisoblanadi:

$$S = S \times C_{\text{tabl.}} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times \dots \times K_n, (1)$$

Bunda: S – binoning 2011 yil xolatiga tiklanish bahosi

S - baholanayotgan obektning xajmi m³ (maydon m², uzunlik p.m)

S_{tabl} - UPVSNZiS jadvali buyicha 2011 yil bahosidagi bir birlikning narhi;

K_1 – binoning kapital guruxini hisobga oluvchi koeffitsient

K_2 - xududning zilzilaga bardoshligini hisobga oluvchi koeffitsient

K_3 - xududiy koeffitsient

K_4 - tashki va ichki pardozlash ishlari

K_5 - santexnik jixozlar va boshqalar

Baholanayotgan obektning to‘liq tiklangan kiymatini aniklash uchun quyidagi formuladan foydalanamiz:

$$S_{p.v.} = S \times I_u, (2)$$

$S_{p.v.}$ - Binoning baholash davridagi to‘liq tiklangan kiymati

S - Binoning 2011 yil xolatiga tiklanish bahosi

I_u - Baholash davriga xokimlikning qo‘rilish materiallarining qimmatlashishini inobatga olgan xolda kupaytuvchi.

Noturar –joy ob’ektlarni tiklanish baholari umumlashtirilgan ko‘rsatkichlari to‘plamidan baholanayotgan ob’ekt analogini topib, bahoning yiriklashtirilgan ko‘rsatkichini aniqlab olamiz. To‘plamning 9-chi jadvali bo‘yicha qo‘rilish hajmi 1500 kub mertgacha bo‘lgan 1-qavatli gishtli binoning 2011 yildagi 1 kub m. bahosi 341289,2 so‘mni tashkil qiladi. Analog ob’ektning poydevori –temirbeton, devorlari – pishiq g‘ishtdan, ora yopmalar – brust yog‘ochli, pollari – yog‘och. Markaziy

issiklik tizimi bo‘lmaganligi sababi bu qiymatni -8,3% ga,kanalizatsiya uchun - 2,6%, gaz ta’minoti -2,0, telefon uchun -0,5% ga kamaytiramiz.[1]

$$341289,2-13,4\%=295\ 556\ \text{so‘m}$$

Binoda quyidagi muxandislik jixozlari mavjud: elektta’minoti, radio, telefon, televidenie.

Kapitallik guruhi – 1.

Xududiy koeffitsient Samarqand viloyati uchun 1,007

Seysmik koeffitsienti -1,15

Kapitallik guruhiga o‘tish koeffitsienti -1,0

Bino balandligiga tuzatuvchi koeffitsient -10

Maishiy hizmat binoni tiklanish qiymatini aniqlash

Jadval 1

Ko‘rsatkichlar	Miqdori
Maishiy hizmat binoning qo‘rilish maydoni, m ³	600
1 m ³ qiymati, so‘m	295 556
Binoni kapitallik guruhiga tuzatish	1,0
Binoni balandligiga tuzatish	1,0
Xududiy koeffitsient	1,007
Seysmik koeffitsient	1,15
2011 yil xolatiga qiymat, so‘m	205 361 175
Indeks 1.01.2012y-1.04.2019y	2,419
Maishiy hizmat binoning tiklanish qiymati, so‘m	496 837 571

Baholanayotgan Maishiy hizmat binoni qoldiq qiymati:

$$496\ 837\ 571-21\% =392\ 501\ 681\ \text{so‘m}$$

Er maydoni bilan foydalanish xuquqini baholash

Binoning er maydoni bilan foydalanish xuquqini baholashda, er solig‘i kapitalizatsiya stavkasi qo‘llaniladi, NSOI №8 “Uslubiy qo‘llanma”, GKI RUz. № 01/19-18/20 ot 6 oktyabr 2009 y. “Xususiylashtirish maqsadida mulk qiymatini baholash” qarorlarga asoslanadi.[3]

Er maydoni-150 m², jamoat bino joylashgan er maydoni uchun solik miqdori-2400 so‘m, 1m². Er maydonidan olinadigan daromadni er soligidan aniqlashtiramiz:

$$150 \times 2400 = 360000\ \text{so‘m} \times 12 = 4\ 320\ 000$$

Kapitalizatsiya stavkasi refinansli stavkasiga asosan olindi va 9% tashqil etdi.

$$4320000 \cdot 0.09 = 48\,000\,000 \text{ so‘m}$$

$$4\,320\,000 + 48\,000\,000 = 52\,320\,000$$

SHunday qilib, er maydonidan kelib tushadigan daromad- 52 320 000 so‘mni tashqil qiladi

Maishiy hizmat binoni qiymatini aniqlash uchun uning qoldiq qiymatiga tadbirkorlik faoliyati daromadi qo‘shiladi. Tadbirkorlik daromadi odatda 10-30%ni tashkil etadi. Tadbirkorlik daromadini 20% deb qabul qilamiz.

Maishiy hizmat binoni umumiy qiymatini aniqlash

Jadval 2

Lite r	Binoning turi	Tiklanish qiymati, so‘m	Tadbir.dar koef.	Qiymat,so‘m	Er qiymati	Jami:
A	Maishiy hizmat bino	392 501 681	1,10	431 751 849	52 320 000	484 071 849

Maishiy hizmat binoni xarajat yondashuvida aniqlangan qiymati 484 071 849 so‘mni tashkil qildi.

Maishiy hizmat binoni turli yondashuvlar yordamida baholashda quyidagi natijalarga erishdik[3]:

Jadval 3

Maishiy hizmat binoni bozor bahosini aniqlash

	Ko‘llanilgan yondashuvlar	Aniqlangan qiymat, so‘m	Ko‘rsatkichlar ulushining koeffitsienti	Hisoblangan baho, so‘m
1	Xarajatli yondashuv	484 071 849	0,35	169 425 147
2	Daromad yondashuvi	466 133 333	0,25	116 533 333
3	Qiesiy yondashuv	404228688	0,40	161 691 475
	Jami:		1	447 649 955

Maishiy hizmat binoni bozor qiymati 447 649 955 so‘mni tashkil qiladi.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 19.08.1999 й. №811-1.

2. Мирзиёев Ш.М 2017-2021 йиларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. www.torg.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК СЕКТОРИДА КЎЧМАС МУЛКНИ ГАРОВ МАҚСАДИДА БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ

Ганиева Ф.С., Райимов М. СамДАҚИ

Ҳозирги кунда баҳолаш фаолиятини қамраб олувчи хизматлар соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтилди: “.....одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилди. Давлат ва хўжалик субъектлари миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини, унинг устувор йўналишларини яхши тушуниш, инвестицияларни янги қўрилишга сарфлаш вариантларини, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосидаги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни билиш бугунги кунда кўчмас мулк соҳасидаги мутахассислар учун муҳим аҳамият касб этади.” [1]

Шаҳар банк тизими иқтисодиётни ажралмас қисми ҳисобланувчи хизмат соҳанинг пойдевори ҳисобланади. Самарқанд шаҳар банк тизимида куйидаги банклар киради: [2]

Самарқанд шаҳар банкларни тизимидаги тутган ўрни

№	Банк турлари	Улуши (%)
1	Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки	11
2	Агро банк	9
3	Алоқа банк	4
4	Асака банк	7
5	Ипак йўли банки	7
6	Ипотека банк	6
7	Капитал банк	9
8	Қишлоқ қурилиш банк	10
9	Хамкор банк	9
10	Миллий банк	14
11	Савдогар банк	10
12	Траст банк	4

Шаҳарлар банки – бу иқтисодий категория бўлиб, кўп тармоқли таркибий тузилмалар ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий ва бошқа объектлар йиғиндисидан иборат мураккаб тизим ҳисобланади. Бундай мураккаб тизимнинг фаолият кўрсатиши учун ҳар хил турдаги тармоқ, идоравий ва иқтисодий тузилмаси турли-туман бўлган корхона ва ташкилотларни ягона хўжалик механизмига айлантириш зарур.

Ўзбекистон шароитида кўчмас мулкни баҳолашнинг услубий асосларини ўрганиш ва баҳолаш фаолияти билан боғлиқ жараёнларни такомиллаштириш республикамизда эркин бозор инфраструктурасини ривожлантиришда ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банк секторини ривожлантиришда кўчмас мулкни гаров мақсадида баҳолаш асосларини маиший кўчмас мулк мисолида кўриб чиқамиз. Риелтор фирмаларининг маълумотларига кўра, Ургут туманининг марказий трассасида жойлашган баҳоланаётган турар-жойни барча кўрсаткичлари ўхшаш бўлган маиший хизмат биноларни ўртача бир ойда 400-500 долларга ижарага берилмоқда. Ҳисоб-китобларимизда ижара ҳақини 4000000 сўмга тенг деб оламиз.[2]

Операцион харажатлар – бу кўчмас мулкнинг одатдаги ҳолатда ишлаши ва ҳақиқий ялпи даромадни қайта тиклаш учун зарур бўлган харажатлар.

Операцион харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- миқдори кўчмас мулкнинг эксплуатацион юкланганлик даражасига боғлиқ бўлмаган шартли ўзгармас харажатлар;

- миқдори кўчмас мулкнинг эксплуатацион юкланганлик даражасига қараб ўзгарадиган шартли ўзгарувчан харажатлар;

- алмаштириш харажатлари.

Шартли ўзгармас харажатларга қуйидагилар киради:

- мол-мулк солиғи;

- мол-мулкни суғурталаш харажатлари;

- хизмат кўрсатувчи ходимлар маоши ва унга солинадиган солиқлар.

Шартли ўзгарувчан харажатларга қуйидагилар киради:

- бошқарув харажатлари;

- коммунал харажатлар;

- ҳудудни сақлаш харажатлари;

- жорий таъмирлашлар харажатлари;

- ҳавфсизликни таъминлаш харажатлари.

Алмаштириш харажатларига том, полтўшам, элетроарматура каби бошқа тез эскирадиган яхшилашларни вақти-вақти билан алмаштириш харажатлари киради.

Операцион харажатлар қуйидагини ташкил этади:

- мол-мулк солиғи -3,0%;

- мол-мулкни суғурталаш харажатлари -0,0%;

- бошқарув харажатлари -1,0%;

- коммунал харажатлар-1%;

- ҳудудни сақлаш харажатлари – 1%;

- жорий таъмирлашларига харажатлар-1,0%;

- ҳавфсизликни таъминлаш харажатлари-1,0%.

- алмаштириш харажатлари – 0,0%

Жами операцион харажатлар - 8% ни ташкил этади.

Капиталлаштириш коэффициентини кумулятив усули ёрдамида аниқлаймиз:

Жадвал 2

Капиталлаштириш коэффициентини ҳисоблаш

Таваккал миқдори	2,00%
Менежмент билан боғлиқ таваккал	1,00%
Лойиҳаларни ноликвидлигига таваккал	1,00%
Хуқуқ устуворлигига боғлиқ таваккал	1,00%
Молия доирасида ва банклар сиёсати ўзгаришига боғлиқ молиявий таваккал	2,00%
Инвеститсияни бошқариш таваккали	1,00%
Капиталлаштириш коэффициенти	9 %

Маиший хизмат бинони қийматини даромад ёндашувида қуйидаги жадвалда аниқлаймиз:

Жадвал 3

**Маиший хизмат бинони даромад ёндашувида қийматини аниқлаш,
минг сўм**

Потенциал ялпи даромад	4000	48000
Ҳақиқий ялпи даромад	- 95 %	45600
Операцион харажатлар	8%	3648
Соф операцион даромад		41952
Капиталлаштириш коэффициенти		9%
Баҳоланаётган объектнинг қиймати		466133,3

Маиший хизмат бинони даромад ёндашувида баҳолаш қиймати 466133300 сўмни ташкил қилди.

Маиший хизмат бинони харажат ёндашувида аниқланган қиймати 484071800 сўмни ташкил қилди.

Қиёсий ёндашув бўйича объект қийматини баҳолашнинг асосий боскичлари қуйидагича:

5.Баҳолаш объектига ўхшаш (аналогик) объектлар сотилиши, таклиф баҳолари ҳақида маълумотлар йиғиш;

6. Эркин бозор шароитида олди-сотди ишлари бажарилганлиги хақида маълумотлар олиш;

7. Ўлчов бирликларини тўғри танлаш ва ҳар бир ўлчов бирлиги учун таққослаш тахлилини ўтказиш, яъни таққослаш объектлари баҳосига нисбатан баҳолаш объектининг баҳосини аниқлаш учун улар баҳосини коррективировка қилиш (тузатиш);

8. Баҳолаш объектининг баҳосини таққослаш характеристикалари тахлили йўли билан аниқлаш ва уларни ягона баҳолаш кўрсаткичига ёки кўрсаткичлар гуруҳига келтириш.

“Зарафшон”, “Даракчи” ва “Панорама” рўзномаларида ва Интернет тармоғидан олинган маълумотларга кўра, маиший хизмат биноларни сотилиш нархлари қуйидагича[2]:

Жадвал 4

**Маиший хизмат бинони қийматини қиёсий ёндашувда аниқлаш,
минг сўм**

Таққослаш элементлари	Баҳолаш объекти	Таққослаш объектлари				
		Самарқанд шаҳри, Сельский тумани	Самарқанд шаҳри, Кимъёгарлар қўрғони	Самарқанд вилояти Булунғур тумани	Самарқанд вилояти Жомбой тумани	Самарқанд вилояти Жума шаҳри
Тан нархи	сўм	430 000	570 000	270 000	460 000	460 000
Сотиш вақти		11.02.18	21. 01.18	6. 03.18	8. 04.18	12.01.18
Тузатиш %		-	-	-	-	-
Ум.майдони кв.м.	120	120	160	100	130	122
Тузатиш %		-	-	-	-	-
Нарх		430 000	570 000	270 000	460 000	460 000
Тузатиш%		1.0	1.0	0.95	0.95	1,0
Нарх		430 000	570 000	256500	437000	460 000
1 кв.м. нархи	3368,6	3 583,3	3 562,5	2 565	3 361,5	3 770,5
Баҳоланаётган объектни қиймати	404228,7					

Шундай қилиб, маиший хизмат бинони қиёсий ёндашувда аниқланган қиймати 404228,7 сўмни ташкил қилади.

Маиший хизмат бинони турли ёндашувлар ёрдамида баҳолашда қуйидаги натижаларга эришдик [2]:

Жадвал 5

Маиший хизмат бинони бозор баҳосини аниқлаш

Қўлланилган ёндашувлар	Аниқланган қиймат, минг сўм	Кўрсаткичлар улушининг коэффиценти	Ҳисобланган баҳо, минг сўм
Харажатли ёндашув	484 071,8	0,35	169425,1
Даромад ёндашуви	466 133,3	0,25	116533,3
Қиесий ёндашув	404228,7	0,40	161691,4
Жами:		1	447649,9

Маиший хизмат бинони бозор қиймати 447649,9 сўмни ташкил қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М 2017-2021 йиларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. www.torg.uz

КЎЧМАС МУЛКНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАНИШИ

*Абдухамидов А.Я. (СамДАҚИ доценти),
Гиясова З.Х. (СамДАҚИ магистранти),
Яхшибоева М.А. (СамДАҚИ талабаси)*

Кўчмас мулк бозори инвестицион бозорнинг бир қисми бўлиб, у ўзига хос хусусиятларига эга. Кўчмас мулк инвестициялаштириш объекти сифатида иқтисодий жиҳатдан энг мақбул ва энг жозибадор капитал киритиш соҳасига киритиш мумкин бўлган фарқли томонларига эга. Инвесторларнинг катта қисми ички ва ташқи иқтисодийнинг ривожланиши шароитида, кўчмас мулкка маблағ киритиш исталган натижага, яъни даромад олишга олиб келади, деган хулосага келмоқдалар. Шу сабабли кўчмас мулк

объектларининг инвестицион жозибаторлиги тахлилини амалга ошириш долзарблилигини кўрсатади.

Хар қандай объектга инвестициянинг самараторлигини аниқлаш учун инвестицион лойиҳа ишлаб чиқилади, унда капитал қўйилмаларни амалга оширишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқликнинг асосномаси, ҳажми ва муддатлари берилади. Кўчмас мулкка бўлган инвесторларнинг катта қизиқиши шу билан ифодаланадики, унга киритилган капитал баҳосизланиш хавф-хатарнинг паст даражаси билан тасдиқланади. Бино ва иншоотларга катта маблағ киритилиши, энг авваламбор, салбий инфляция жароёнлардан меъёрлаштириш имконияти билан ифодаланади. Кўчмас мулк эгалик қилиш даврида жорий даромад келтириши мумкин бўлган инвестицион инструментларга тегишлидир. Ҳозирги вақтда хар бир инвестор ўз маблағларини қўйишнинг максимал самараторлигини таъминлаш учун у ёки бу капитал киритиш объектининг инвестицион жозибаторлигини қисқа муддат ичида баҳолаш имкониятига эга бўлиши лозим. Маълум объектнинг инвестицион жозибаторлиги ҳақидаги тасаввур инвестор учун объектнинг иқтисодий салоҳияти, объектга киритиладиган инвестициядан кутилаётган фойда (наф) ва кучсиз томонларини тушуниш учун зарур бўлади. Кўчмас мулк объектларининг инвестицион жозибаторлигига кўпгина ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Уларнинг комплекс баҳоланиши кўчмас мулкнинг инвестицион жозибаторлигини аниқлаш имконини беради.

Инвестицион жозибаторлик омилларига ушбу кўчмас мулк объектининг ҳамда объект жойлашган ҳудуднинг жозибаторлик омилларини киритиш мумкин.

Кўчмас мулк объектининг инвестицион жозибаторлигига омилларнинг таъсир даражасини тавсифловчи вазн коэффициентларини аниқлаш учун эксперт усули фойдаланилади.

**Кўчмас мулк объектнинг инвестицион жозибадорлигини
тавсифловчи омиллар тавсифланиши**

Омил	Сифат тавсифи
<i>1. Объектнинг жозибадорлиги</i>	
1.1. Объектнинг жойлашган жойи	Аҳоли пункти планида объектнинг жойлашиш қулайлиги
1.2. Объект жойлашган ер участкасининг потенциали	Участканинг ҳолати, қурилишлар зичлиги, объектни кенгайтириш имкониятининг мавжудлиги
1.3. Объектнинг эксплуатацияга тайёргарлик даражаси	Тайёргарлик даражаси: паст (30%гача), ўрта (70%гача), юқори (70%дан юқори)
1.4. Функционал (маънавий) емирилиш ҳажми	Бозор тенденциялари, архитектура-қурилишнинг замонавий талабларига мос келиши
1.5. Жисмоний емирилиш ҳажми	Объектнинг жисмоний емирилиши
1.6. Ташқи емирилиш ҳажми	Бозордаги ҳолат, худуддан функционал фойдаланишнинг ўзгариши
1.7. Объектга ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар	Объект ва ер участкасига эга бўлиш ҳуқуқи (мулк, ижара, доимий муддатсиз фойдаланиш ҳуқуқи)
<i>2. Жойлашган жойининг жозибадорлиги</i>	
2.1. Мухандислик инфратузилмаси	Барча зарурий коммунал хизматларнинг мавжудлиги
2.2. Геологик шароитлар	Тупроқ хусусиятлари, ер ости сувларининг ҳолати, ботқоқлашув, ерости сувларининг кўтарилиши хавфи, ерости сувларининг юқори даражаси
2.3. Транспорт инфратузилмаси	Транспортнинг қулайлиги, автойўлларнинг ҳолати, жамоат транспорти билан таъминланганлик, автотранспортни жойлаштириш қулайлиги
2.4. Туманнинг турли-туманлик даражаси	Ижтимоий аҳамияти, инвестицион жозибадорлиги, туманнинг ривожланиш истиқболлари
<i>3. Худуд даражасида жозибадорлиги</i>	
3.1. Объектга инвестиция киритишнинг аҳамияти	Иш ўринларининг миқдори, кўчмас мулк объектдан потенциал солиқ тўловлари, ижтимоий инфратузилма

	объектларининг сони, кўчмас мулк объектини функционал қўлланилиши мос келган ҳолатда ижтимоий объект (мактаб, спорт, кўнгилочар мажмуа ва б.) сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ҳудуд аҳолисининг сони,
3.2. Кўчмас мулк бозоридаги ҳолат	Тумандаги объектларнинг бозор қиймати, объектларга бўлган талаб ва таклифлар миқдори, объектларнинг олди-сотди битимларининг сони
3.3. Ижтимоий-иқтисодий ҳолат	Аҳолининг турмуш даражаси, жиноятчилик даражаси, ҳудуднинг инвестицион жозибаторлиги
3.4. Табиий омиллар	Экологик ҳолат, табиий офатлар хавфи

Ушбу усул кўпинча иқтисодий масалаларни ҳал қилишда фойдаланилади. Эксперт усулининг асосий устун томони – ихтиёрий масалаларни ечиш имкониятини беради. Шу билан бирга, ушбу усул қўлланилганда ишончли натижаларни олиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

- жавобларни таққослаш имконини таъминлаш мақсадида экспертларга берилаётган саволларнинг бир маънолиги ва аниқлигини таъминлаш;
- етарли миқдорда юқори малакали экспертларни жалб қилиш;
- фикр билдиришнинг мустақиллик тамойилидан фойдаланишни таъминлаш.

Кўчмас мулкнинг инвестицион жозибаторлиги инвестор учун кўздан кечирилаётган объектларни даражаларга ажратиш имконини берувчи қиёсий тавсиф ҳисобланади. Содда айтганда, унинг ёрдамида энг омадли ва фойдали активларга қўйилмаларни аниқлаш мумкин.

Инвестор қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

- ✓ дастлабки инвестициялаштирилган маблағни қайтариш учун кетадиган вақтни аниқлаш;
- ✓ кўчмас мулк объектини сотиб олиш натижасида юзага келган активларнинг ҳақиқий ўсиш даражасини таҳлил қилиш;
- ✓ мавжуд хавф-хатарларни баҳолашни амалга ошириш.

Кўчмас мулк объектини баҳолашни фақат қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мумкин:

- инвестицион кўчмас мулк бозорида юзага келган иқтисодий ҳолат;
- асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси;
- инвесторларнинг маълум кўникма ва тажрибаси;
- мамлакатдаги сиёсий ҳолатнинг стабиллиги;
- қўйилмаларнинг режалаштирилган фойдалилиги;
- мавжуд солиққа тортиш тизими.

Кўчмас мулк объектнинг инвестицион қиймати ва жозибadorлиги доимо ўзаро яқин алоқада бўлади. Уларнинг тўғри қўлланилиши инвесторга яқин қарорни қабул қилишга кўмаклашади.

ОЦЕНКА СТОИМОСТИ ОБЪЕКТА НЕДВИЖИМОСТИ КАК ЭЛЕМЕНТ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ НЕДВИЖИМОСТЬЮ

Доцент Ганиева Ф.С., Орипов У.А., СамГАСИ

Недвижимость, в отличие от иных активов в большей степени нуждается в эффективном управлении для получения дохода. Отсюда следует два вывода: для большинства инвесторов недвижимость как объект инвестирования представляет довольно сложный актив; для инвесторов, обладающих достаточными знаниями в сфере управления недвижимостью, она может быть предпочтительным объектом инвестирования, позволяющим извлекать больший доход и обладать контролем над активами.[1]

Управление недвижимостью - это комплекс операций по эксплуатации зданий и сооружений (поддержание их сервиса, руководство обслуживающим персоналом, создание условий для пользователей (арендаторов), определение условий сдачи площадей в аренду, сбор арендной платы и пр.) в целях наиболее эффективного использования недвижимости в интересах собственника. Основой и эффективным способом формирования системы управления при любом типе управления и любых видах недвижимости являются оценочные процедуры.

Одним из важнейших ресурсов предприятия, требующих эффективного управления, является недвижимое имущество - земельные участки, здания, сооружения и помещения. Недвижимость, с одной стороны, облагается налогами, с другой - может приносить существенную прибыль за счет ее эффективного использования. Процесс управления недвижимостью следует рассматривать как взаимосвязанное единство технических, экономических и управленческих экспертиз и решений, что означает системный подход.[2]

Рассмотрим оценку стоимости объекта недвижимости как элемента системы управления недвижимостью на примере мебельной фабрики. Стоимость объекта оценки, определяемая затратным подходом, состоит из стоимости имущественных прав на земельный участок и восстановительной стоимости или стоимости замещения улучшений, включающую прибыль предпринимателя, за минусом накопленного износа. При определении стоимости имущественных прав на земельный участок входящий в состав объекта оценки, данный земельный участок рассматривается как свободный (без улучшений) в предположении его наиболее эффективного использования.[1]

При определении стоимости объекта оценки затратным подходом рассчитывается:

- стоимость имущественных прав на земельный участок;
- затраты на воспроизводство или на замещение улучшений;
- прибыль предпринимателя, представляющую собой вознаграждение предпринимателя (инвестора) за риск использования собственного капитала (инвестиций) при создании объекта недвижимости;
- величину накопленного износа улучшений;
- стоимость улучшений, как уменьшенную на величину накопленного износа сумму затрат на воспроизводство или замещение улучшений и прибыли предпринимателя;
- стоимость объекта оценки, как сумму стоимости имущественных прав на земельный участок и стоимости улучшений.

При затратном подходе считают, что рыночная стоимость оцениваемой недвижимости определяются в первую очередь затратами на его создание и реализацию. Рыночная стоимость, оцениваемая затратным подходом, является стоимостью воспроизводства, так как при этом определяют, сколько может стоить объект, если его произвели и продали сегодня, т.е. при существующем уровне цен.

Таблица 1

Расчет полной восстановительной стоимости административного здания, производственного цеха

Показатели	Административное здание	Производственный цех
Площадь застройки,кВ.м.	424,22	2561,79
Объем здания, куб.м.	2799,9	14997,33
Стоимость 1 куб.м., сум	50,00	17,70
Стоимость после поправки 1 куб.м., сум	47,70	17,06
Территориальный	1,007	1,007
Коэфф.сейсмичности	1,10	1,10
Коэфф. на капитальность	1,00	1,00
Коэфф. на объем	1,00	0,94
Коэфф. на высоту	0,9	0,9
Стоимость объекта по состоянию на 1991 г.	133 145,22	239 764,84
Индекс 2001 -1.05.2019	2325	2325
Восстановительная стоимость	309 664 493	557 636 687
Предпринимательская прибыль – 10%	30 966 449	55 763 669
Стоимость	340 630 942	613 400 356
Общий износ, %	31,31	30,52
Общий износ, сум	96 955 953	170 190 717
Остаточная стоимость, сум	243 654 989	443 209 639

При определении стоимости объекта оценки затратным подходом рассчитывается прибыль предпринимателя, представляющую собой вознаграждение предпринимателя (инвестора) за риск использования собственного капитала (инвестиций) при создании объекта недвижимости,

согласно НСОИ №10 «Оценка стоимости недвижимости». К стоимости здания добавляется 10–30% предпринимательской прибыли.

Таблица 2

Определение стоимости объекта оценки затратным подходом

Литер	Наименование зданий и сооружений	Площадь застройки, м ²	Стоимость, сум
А	административное здание	424,22	243 674 989
Б	производственный цех	2561,79	443 209 639
Итого:		2 986,00	686 884 628

Таким образом, стоимость административного здания и производственного цеха мебельной фабрики, найденная затратным подходом, составляет с округлением: 686 885 000 (шестьсот восемьдесят шесть миллионов восемьсот восемьдесят пять тысяч) сум.

Единая стоимость зданий, найденная затратным подходом на дату оценки, с учетом стоимости земельного участка составляет:

$C = 686\,885\,000,0 + 44\,785\,000,0 = 731\,670\,000,0$ (семьсот тридцать один миллион шестьсот семьдесят тысяч) сум.

Следовательно, оценка стоимости объекта недвижимости как элемента системы управления недвижимостью на примере мебельной фабрики, показала, что при оценке мебельной фабрики затратным подходом его стоимость составила 731 670 000,0 (семьсот тридцать один миллион шестьсот семьдесят тысяч) сум.

Литература:

1. Закон Республики Узбекистан 19 августа 1999 г. N 811-I «Об оценочной деятельности».
2. Мирзиёев Ш.М.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон, 2016

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ УЧУН КАДРЛАРНИ ТАЁРЛАШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Қаржасов Б.З - Сам ДАҚИ
Абдусаматов Б.К – Сам ДАҚИ

Бу масалани кўтаришдан мақсад Республиканинг иқтисодини тез ривожлантирувчи ва янги иш ўринлари яратувчи муҳим омилларидан бири қурилиш соҳасидир. Ҳар доим ҳар бир мамлакат учун мутахассислар тайёрлаш, етук кадрларни вояга етказиш муҳим вазифалардан бири сифатида қаралган. Шу боис ҳам олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратиш, педагог кадрларга эътибор бериш, мутахассислар тайёрлашни кучайтириш муҳим.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси – ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувида, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир»¹.

Республикамизда иқтисодиётни ўстирувчи асосий жараёнларидан бири бўлган қурилиш соҳасининг қонуний асослари, меъёр ва стандартлари ҳамда технологиялари жаҳон стандартларидан орқада қолиб турганлиги бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, ечимини топиш учун зарур бўлган масалага айланиб турибди. Демак, қурилиш соҳаларини замонавий техник воситалар ҳамда мутахассислар билан таъминлаш ҳам орқада қолиб кетмоқда. Натижада чет эл қурилиш корхоналари ўз хизматларини экспорт қилиш билан шуғулланиб мамлакатимизга валюта олиб кириш билан шуғулланмоқда. Миллий қурилиш ташкилотларимиз эса бу талабларга жавоб беролмасдан ва бундай имкониятларга эга эмаслиги кўриниб қолмоқда.

¹ И.А.Каримов. Юксак малакали мутахассислар – тарақиёт омили. - Т.: «Ўзбекистон», 1995, 22-бет.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид қабул қилган Давлат дастурида² ҳам кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган, яъни олий таълим муассасалари томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг истиқболдаги эҳтиёжларини, шунингдек, муассасаларнинг кадрларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилашни жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатма берилди.

Халқ Демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов ўзининг сайлов олди дастурида "Малакали мутахассислар таёрлашга алоҳида эътибор бериш керак, уларни чет давлатларга ўқишга юбориш керак. Янги материаллар ва технологиялар ҳамда мамлакатимизда олиб борилпётган ислохотлар Ўзбекистон корхоналарининг чет эл қурилиш хизматлари бозорларига чиқишига имконият яратиши мумкин" шу билан бирга, Республикадаги қурилиш ташкилотлари замонавий биноларни қуришда ва лойиҳалашда эски стандартлардан воз кечиб — еврокандлар ва евростандартлар асосида лойиҳалаш ва қуришни амалга ошириш замон талаби эканлигини айтган³.

Қурилиш объектларни лойиҳалаштириш ва уни қурилишини амалга оширишдаги меъёрий талабларга риоя қилишда инновацион лойиҳавий ечимлар ва янги илмий-техник ишланмаларни қўллашда тўғри қарорларни қабул қила олмаслик, қурилиш соҳасига жалб этилаётган ҳорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнининг муддатини чўзиб юборишга олиб келмоқда. Демак, бу соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни талаб эилмоқда.

² “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 январь.

³ Read more: <https://sputniknews-uz.com/economy/20161025/3972220/Ketmonov-qurilish-sohasida-evropa-standartlari-kiritish-tarafdori.html>

Республикамизда бу масаланинг ҳам ечими топилган. Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича Президентимиз фармонлари қабул қилинган⁴.

Қурилиш соҳасига оид яъни, қурилиш жараёнини олиб боришда бир қанча муаммолар мавжудлиги ривожланиш даврида кўриниб қолмоқда:

- соҳага доир меъёрий (норматив) ҳужжатлар, жумладан, шаҳарсозлик қоидалари ва қурилиш (СНиП) меъёрларининг аксарият қисми эскирган, ҳозирги вақтда ҳам ундан фойдаланиш давом этмоқда;

- қурилиш лойиҳаларини ўзбошимчалик билан билимсиз кадрлар бажараётганлиги учун сифати паст, нархи эса юқори даражада сақланиб қолмоқда.

Лойиҳани бажаришда асосан:

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда ҳудуднинг экологик жиҳатини албатта эътиборга олиши;

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда хавфсизлик даражасининг муҳимлигини эътиборга олиши;

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда муқобил тежамкор энергия билан таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилиши;

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда бир қолипдан чиққандай кўримсиз бўлиб, аҳоли яшаш пунктларининг бир хиллик қиёфасини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Демак, юқоридаги лойиҳалаш жараёнидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳам, 2018 йилда “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт -

⁴. “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги №5577-сонли Фармони, Тошкент ш, 2018 йил 14 ноябрь.

шароитлар яратиш, қурилиш тармоғи кадрларини профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш” бўйича Президентимиз фармонлари қабул қилинган⁵.

Президентимиз фармонларида:

- қуриялишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий принциплари, функциялари ва органлари, норматив - техник ҳужжатларни жорий этиш ва уларнинг каталогларини юритиш, қурилиш соҳасидаги аккредитация тартиби;

- бош режаларни, батафсил жойлашув лойиҳаларини, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш учун талабномаларни келишиш, пудрат учун давлат шартномасини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби;

- лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш объектларининг қурилиш инспекциясини амалга ошириш ва фойдаланишга қабул қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириш тартиби;

- лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида ишлайдиган архитекторлар ва муҳандислар малакасига талаблар қўйган ва уларнинг жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик даражасини белгилаган ҳолда қурилиш тармоғини профессионал жиҳатдан тартибга солиш;

- 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат қурилиш стандартлари, техник регламентлари, қурилиш нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш (1-жадвал) бўйича аниқ кўрсатмалар берилган.

1-жадвал

Т/р	Норматив-техник номланиши	ҳужжатларнинг Жами	Шундан		
			2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Ташкилий-услубий нормалар	29	6	12	11
2.	Лойиҳалашнинг техник нормалари	120	30	50	40
3.	Қурилиш саноатини ташкил этиш	43	12	24	7

⁵ “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги №5577-сонли Фармони, Тошкент ш, 2018 йил 14 ноябрь.

	қоидалари ва технологияси				
4.	Иқтисодий нормативлар	145	40	60	45
5.	Умумий техник регламентлар	2	2	-	-
6.	Давлат стандартлари	126	30	50	46
7.	Жами	465	120	196	149

Президентимизнинг бу фармонида лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги кадрларнинг, шу жумладан, профессор ва ўқитувчиларнинг хорижий мамлакатларда албатта амалиёт ўтказишини ташкил этган ҳолда узлуксиз, шу жумладан, масофавий касбга ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини яратиш;

- лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида ишлайдиган архитекторлар ва муҳандислар малакасига талаблар қўйган ва уларнинг жавобгарлик, шу жумладан, моддий жавобгарлик даражасини белгилаган ҳолда қурилиш тармоғини профессионал жиҳатдан тартибга солиш бўйича кўрсатмалар берилганлиги қувонарли ҳолдир.

Республикаimiz қурилиш тармоғида фаолият олиб бораётган ходимларнинг тоифалари бўйича тақсимотига бир назар солайлик:

- Раҳбарлар – 4,6 % фоиз;
- Мутахассистлар – 10,4 % фоиз;
- Техник ходимлар – 4,1 % фоиз;
- Хизмат кўрсатувчи ходимлар – 9,7 % фоиз;
- Ишлаб чиқариш ходимлари – 71,2 фоизни ташкил этади.

Аҳолининг ёши бўйича “қурилиш” соҳасида хизмат қилувчи ишчи ходимлар сони:

- 18 ёшгача – 0,0 % фоиз;
- 18-29 ёшгача – 27,3 % фоиз;
- 30-39 ёшгача – 28,5 % фоиз;
- 40-49 ёшгача – 23,0 % фоиз;
- 50-54 ёшгача – 12,6 % фоиз;
- 54 ва ундан катта – 8,6 % фоиз.

“Қурилиш”и бўлган корхона ва ташкилотларда аҳоли сонининг маълумот даражаси бўйича тақсимланиши:

- Олий – 14,8 % фоиз;
- Ўрта махсус – 44,2 % фоиз;
- Ўрта ва тугалланмаган ўрта – 41 % фоиз⁶.

Бу кўрсаткичлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигига катта маъсулият юклаб, яъни етук билимга эга бўлган кадрлар тайёрлашни талаб этади. Президентимиз томонидан бу кадрлар тайёрловчи даргоҳларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва замонавий асбоб – ускуналар билан таъминлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017 - 2021 йилларда риқожлантириш дастури қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасининг ривожига кадрлар тайёрлаш бўйича ўз ҳиссасини қўшиб келаётган 1962 – 1983 йилларда қурилиб фаолият юритаётган Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектур – қурилиш институтида 2018-2021 йилларда ривожлантириш дастурига бир назар ташлайлик:

2-жадвал

т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Миқдори сони	Талаб этиладиган маблағ (млн.сум)
1	Ўқув бинолар ва талабалар турар жойини таъмирлаш ва реконструкция қилиш	7	39 173,5
-	Ўқув бинолари	5	29 693,8
-	Талабалар турар жойи	2	9 479,7
2	Ўқув лаборатория биноларини модернизация қилиш	12	7 559,9
3	Компютер ва бошқа оргтехникалар билан таъминлаш	742	1 919, 7975
-	Компютер	280	1018, 640
-	Видиопроекторлар	185	557, 775
-	Сервер хизматлари	3	164, 6025
-	Симсиз хизмат кўрсатиш (Wi – Fi)	72	47,4800
-	Тизимда электрон иденфик анжом	202	131, 300
ЖАМИ			48 653,1975

⁶ Ўзбекистон Республикаси Лавлат Статистика қўмитаси “Ўзбекистонда қурилиш”. Тошкент-2018.

Давлатимиз тамонидан битта институтга 2018-2021 йилларда ривожлантириш учун жами бўлиб 48 653,1975 млн.сўм маблағ ажратиши натижасида эса албатта, кадрларга бўлган эҳтиёж яна ошишидан далолат бермоқда. Қайд этиш жоизки, Самарқанд давлат архитектур – курилиш институтини ҳар йили мингдан ортиқ талаба битиради. Бу таълим олган кадрлар эртага соҳада эришиладиган янги – янги ютуқларни таъминлайди. Уларнинг малакаси ва билимини янада ошириш, тизимни замонавий мутахассислар билан таъминлашда қўл келади. Шунинг учун институт хорижий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик қилиши зарурдир.

Президентимиз мамлакатимиздаги бирорта университет дунё тан олган олий ўқув юртлири қаторига кирмаганини афсус билан айтди.

Олий ўқув юртлири нуфузини янада ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш соҳа ривожиди муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Мурожаатномада барча соҳаларни ривожлантириш учун барча раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

“Оғир йил кутиб турибди. Қилсак бўлади, лекин халқимиз таъбири билан айтганда сув келса симириб, тош келса кемириб, танлаган йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда ҳаётда ҳеч нарса ўз ўзидан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди. Бугун гап халқимиз, ватанимиз, болаларимиз келажаги ҳақида бормоқда. Барчамиз белимизни маҳкам боғлаб ишлашимиз, барча тажрибамизни ватанимизга сафарбар этишимиз керак. Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмаслигимиз керак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол ишласак, ўз олдимизга қўйган мақсадларга албатта етамиз”⁷, дея сўзини якунлаган Президентимиз.

Самарқанд давлат архитектур – курилиш институтида таълим олаётган ёшлар ҳам Президентимизнинг мазкур даъвати ва кўрсатаётган ғамхўрлигига

7.“Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” Тошкент шаҳри 2018 йил, 28 – декабр.

жавобан, намунали хулқи, етук билими ва тафаккури, қурилиш соҳасидаги истиқболли ғоя ва ташаббуслари билан юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшимоғи зарур деган фикрдамиз.

QURILISHDAGI INNOVATSIYALAR QIYMATINI BAHOLASHDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMI

*Turdibekov Yusuf Ibragimov, SamDAQI,
Abduraimov Bunyed Murodovich, SamDAQI,*

Bozor iqtisodiyoti sharoitida investitsiyalarni boshqarish muhim rol o'ynaydi, ayniqsa fan-texnikaning jadal rivojlanishi sharoitida innovatsiyalarni ishlab chiqarish jarayoniga joriy qilishda investitsiyalarni boshqarishning ahamiyatini yanada oshirmoqda. Innovatsiyalar taraqqiyotning negizidir, shuning uchun innovatsiyalarni nafaqat iqtisodiyotga, balki ijtimoiy sohalarga ham yo'naltirish lozim.

Ba'zi investitsiyalarning maqsadi xususiy kapitalni oshirish bo'lsa, boshqalariniki esa ishlab chiqarish bazasini kengaytirish hisoblanadi. Asosiy fondlarni yaratish va qayta ishlab chiqarishga investitsiyalash kapital qo'yilmalar shaklida amalga oshiriladi. Ularni amalga oshirish turli manbalar hisobiga bo'lishi mumkin: xususiy korxonalarining o'z mablag'lari; bank kreditlari; xorijiy investitsiyalar; davlat byudjeti va byudjetdan tashqari fondlardan investitsion ajratmalar va x.k. Davlat byudjetining turli darajalari va byudjetdan tashqari fondlar mablag'laridan foydalanish ulardan maqsadli foydalanish va samarali boshqarish bo'yicha javobgarlikni oshirishni talab qiladi.

Ilmiy-texnik taraqqiyotning va qurilish tarmog'i rivojlanishining tezlashgan sharoitida ishlab chiqarish salohiyati modernizatsiyasining iqtisodiy mohiyatiga yangicha yondashish zaruriyatini yuzaga keltirmoqda, bunda qurilish korxonalarining raqobat ustunliklarini oshirishga takror ishlab chiqarish jarayonining o'ziga xos hususiyatlari va ilmiy-texnik taraqqiyotning ta'siri inobatga olinishi lozim. Qurilish korxonasining raqobat salohiyati shakllanishi samaradorligining oshishida moddiy-texnik baza asosiy o'rinni egallaydi. Shuni

ta'kidlash lozimki, qurilish korxonasiining raqobat salohiyatidan foydalanish samaradorligini baholashda qurilish-montaj ishlarini bajarish jarayonida qurilish mashinalari va mexanizmlarining optimal yuklanishga alohida e'tibor qaratish zarur. Qurilish tarmog'i xo'jalik sub'ektlarining ishlab chiqarish salohiyatini takomillashtirish texnik qayta qurollantirish, rekonstruksiya, modernizatsiya, kengaytirish yoki yangi qurilish kabi shakllardan biri orqali amalga oshiriladi.

Kapital qo'yilmalar faoliyat yuritayotgan sanoat korxonalari va investitsion-qurilish faoliyatining boshqa ob'ektlarini yangidan qurish, ularni kengaytirish, rekonstruksiya qilish va texnik qayta jihozlashga yo'naltirilishi mumkin. Qurilishda investitsiyalarni amalga oshirishning yuqorida sanab o'tilgan har qanday usulini bugungi kunda kapital qo'yilmalarning samaradorligini oshirishga qaratilgan innovatsion qarorlarni joriy qilishsiz tasavvur qilib bo'lmaydi.

Bino yoki inshootning qurilish loyihasini tuzishda iqtisodiy jihatdan eng samaralisini tanlash maqsadida investitsiyalarni amalga oshirishning bir necha variantlarini ishlab chiqish lozim. Buning uchun loyihani amalga oshirishga yo'naltirilgan harajatlar miqdorini aniqlash talab qilinadi. Lekin loyihaga innovatsion qarorlarni qo'llashda loyihachilar loyiha-smeta hujjatlari tarkibidagi yangi texnika va texnologiyalarning qiymatini baholash imkoniyatining yo'qligiga duch kelishadi.

Loyihaga yangi texnologiya, yangi mexanizatsiya vositalari, zamonaviy materiallar joriy qilinarkan, boshqa teng sharoitlarda innovatsion qarorlarni joriy qilmagan holda va ularni joriy qilishni hisobga olgan holda kapital qo'yilmalarning samaradorligi tahlilini o'tkazish, mehnat unumdorligini baholash, mehnat va tabiiy resurslar iqtisodini hisoblash, ishlarning mexanizatsiyalashganlik darajasini aniqlash lozim bo'ladi.

Korxonani texnik qayta qurollantirish va rekonstruksiya qilishda, odatda, yangi ish o'rinlari yaratilmaydi. Shu bilan birga, o'z faoliyati davomida shakllangan malakali kadrlar va mahsulot ishlab chiqarish tajribasi saqlanib qoladi. Ishlab chiqarish salohiyatini yangilashning bu shakllarining iqtisodiy samaradorligi juda yuqoridir. Tajribalar shuni ko'rsatmoqdaki, texnik qayta qurollantirishni yangi

qurilish bilan taqqoslaganda shuni aytish lozimki, bunda kapital qo'yimlarni amalga oshirishning o'rtacha muddatlari 2 – 3 martaga, investitsion siklning o'rtacha davomiyligi 2 martaga, kapital qo'yimlarning hajmi 2 – 4 martaga, kapital qo'yimlarning qoplanish muddati 1,5 – 2 martaga qisqaradi. Rekonstruksiya qilishda ishlab chiqarish quvvatlarini bir birligi hisobiga umumiy harajatlar yangi qurilishdagiga nisbatan 30%ga kamroqni tashkil qiladi [5].

Kapital qo'yimlarning iqtisodiy samaradorligi, asosan, qurilishga qilingan haqiqiy harajatlarni kamaytirish, uning sifatini oshirish, qurilish muddatlarini qisqartirish, ishlab chiqarish quvvatlarini o'zlashtirish darajasi va loyihaning iqtisodiy ko'rsatkichlariga erishishga bog'liq. Ushbu ko'rsatkichlarga faqatgina ishlab chiqarish jarayoniga o'zgartirishlar kiritish, ya'ni innovatsiyalarni qo'llash yo'li bilan erishish mumkin.

Loyihaning iqtisodiy ko'rsatkichlarini baholashda asosiy ko'rsatkichlardan biri bo'lib qurilish ob'ektining smeta qiymatini aniqlash hisoblanadi. Shuningdek, qurilish muddati ham bahoni shakllanishida muhim o'rin tutadi.

Qurilishning smeta qiymati, odatda, harajat usuli yordamida, ya'ni rejalashtirilgan qurilish, ta'mirlash-qurilish, montaj ishlarining turi va hajmi bo'yicha joriy harajatlarning alohida elementlarini belgilangan norma va baholar yordamida kalkulyatsiya qilish orqali aniqlanadi. Hozirgi kunda smetali normalashtirish va bahoni shakllantirishdagi asosiy muammo bo'lib amaldagi smeta-normativ baza tarkibida qurilish ishlarining turli zamonaviy milliy va xorijiy ishlab chiqarish texnologiyalari, yangi mexanizatsiya va transportvositalari, materiallar va jihozlar, shuningdek zaruriy ishlab chiqarish va boshqa harajatlar normalarda ob'ektiv aks ettirilmasligi hisoblanadi. Mazkur bosqichda qurilish ishlarini amalga oshirish uchun zarur bo'ladigan investitsiyalar hajmini aniq baholash muammosi yuzaga keladi, ayniqsa bu muammo innovatsiyalarni qo'llashda juda dolzarb hisoblanadi. Qurilish jarayoniga turli harakterdagi innovatsion qarorlarni joriy qilishdan olinadigan samarani baholash murakkab vazifa bo'lib, bunda innovatsiyalarni qo'llagan va qo'llamagan xollardagi investitsiyalarni taqqoslash imkoniyati yo'q, natijada buyurtmachi-quruvchining

kelajakdagi moliyaviy resurslaridan foydalanish samaradorligi masalasi ilgari suriladi.

Investitsion loyihalarning samaradorligini baholash davomida olingan natijalar loyihaning foydaliligi nuqtai nazardan investor uchun eng qiziqarlisini tanlash imkonini beradi, bu esa kerakli moliyaviy mablag'larni jalb qilishga xizmat qiladi. Shuning uchun, investor uchun eng muhim masalalardan biri bo'lib qurilish-montaj ishlarini bajarish uchun zarur bo'ladigan kapital qo'yilmalar hajmining haqqoniy baholanishi, ya'ni ob'ekt qiymatini investitsion siklning hamma bosqichlarida aniqlash hisoblanadi. Qurilish tarmog'ida innovatsiyalarni baholash aniqligini oshirish bir vaqtning o'zida biznes-rejalashtirish, marketing va innovatsiyalarni boshqarish jarayonini yengillashtiradi.

Ilmiy-texnik faoliyatning natijalari, umumiy olganda, ishlab chiqarishni samarali amalga oshirish uchun tayyor tijorat mahsuloti hisoblanmaydi. Innovatsion mahsulot uchun yangi bozor yaratilishi lozim, qurilish tarmog'ida esa normativ adabiyot ishlab chiqilishi talab qilinadi, bu esa ularni ishlab chiquvchilar uchun ham, butun qurilish tarmog'i uchun ham eng muhim vazifa hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. А.Н. Асаул, М.А.Икрамов, М.М.Мирахмедов, В.У.Ёдгоров. Кўчмас мулк иқтисодиёти. Дарслик. Т.: “АҚИМ” 2014 й.
2. А.Н. Асаул, М.А.Икрамов, М.М.Мирахмедов, В.У.Ёдгоров. Экономика недвижимости: учебник. Изд.-во Национальной библиотеки Узбекистана им.А.Навои, 2010.-380 с.
- 3.Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Ходиев Б.Ю. Кўчмас мулкни баҳолаш.Т.: “Фан”.2005й.
4. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И.. Оценка недвижимости: Учебное пособие – Ташкент, KONSAUDITINFORM – NASHR, 2010. – 232 с.
5. Ефименко И.Б., Плотников А.Н. Экономика отрасли (строительство): учеб. пособ. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 359 с.

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОГО ХОЗЯЙСТВА В УСЛОВИЯХ УСИЛЕНИЯ УРБАНИЗАЦИИ

*Суюнов Б.А. преп.каф.
«Экспертиза и управления недвижимостью» СамГАСИ*

Аннотация: В Узбекистане уделяется значительное внимание формированию современного уровня жизнеобеспечения, развитию жилищно-коммунального хозяйства. В условиях урбанизации роль ЖКХ возрастает и для оказания качественных услуг в этой сфере необходимо применение инновационных методов.

Ключевые слова: развитие социальной сферы, стратегия урбанизации, инновационные методы развития.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах» одним из направлений признано развитие социальной сферы, направленное на последовательное повышение занятости и реальных доходов населения, совершенствование системы социальной защиты и охраны здоровья граждан, повышение социально-политической активности женщин, реализацию целевых программ по строительству доступного жилья, развитию и модернизации дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктур, развитие сферы образования, культуры, науки, литературы, искусства и спорта, совершенствование государственной молодежной политики.

В реализации этих мер значимую роль играет жилищно-коммунальное хозяйство (ЖКХ), которое в значительной степени формирует среду жизнедеятельности человека, обеспечивая комфортность города, района, микрорайона, жилища. Эта отрасль, с одной стороны, испытывает влияние углубляющихся отношений, а с другой является важным звеном системы социальной защиты населения.

Жилищно-коммунальное хозяйство представляет собой отрасль сферы услуг и важнейшую часть территориальной инфраструктуры, определяющей условия жизнедеятельности человека, комфортности его жилища, его

инженерное благоустройство, качество и надёжность услуг транспорта, связи, бытовых и других услуг, от которых зависит состояние здоровья, качество жизни и социальный климат городской среды.

Традиционно, в составе ЖКХ выделяются следующие подотрасли:

жилищное хозяйство и ремонтно-эксплуатационное производство;

водоснабжение и водоотведение;

коммунальная энергетика (электроснабжение, теплоснабжение, газоснабжение)

городской общественный транспорт ;

информационное хозяйство (кабельные сети, спутниковое телевидение, оптоволоконные системы и электронные каналы связи, системы компьютерного обеспечения и связи);

внешнее городское благоустройство, включающее дорожное хозяйство и дорожно-транспортное строительство;

санитарная очистка территорий (уличная уборка, домовая очистка с утилизацией бытовых и пищевых отходов);

зелёное хозяйство (озеленение городов, цветоводство);

гостиничное хозяйство;

бытовое обслуживание (бани, прачечные, ритуальное обслуживание);

уличное освещение.

Каждая из этих подотраслей в настоящее время претерпевает глубокие инновационные преобразования технико-технологического характера , целью которых являются:

- расширение функций подотрасли и предоставление на этой основе дополнительных опций , услуг;

-улучшение качества традиционных услуг;

-обеспечение более высокого уровня ресурсосбережения;

-снижение материальных затрат на производство используемых приборов, устройств;

-обеспечение сохранности окружающей среды.

Следует отметить, что обеспечение сохранности окружающей среды имеет динамично возрастающий приоритет, что во-многом связано с ростом крупности городов, автомобилизацией, ростом потребления благ и, в целом, усиления техногенного воздействия на окружающую среду.

Процесс инновационного обновления в рассматриваемой сфере носит непрерывный и ускоряющийся характер, когда время появления последующей инновационной технологии (инновация В) наступает до момента физического износа оборудования предыдущей технологии (инновация А). Наличие такого явления становится более привычным и, безусловно, требует своего изучения, поскольку здесь имеются большие резервы ресурсосбережения.

Одним из важных направлений социально-экономического развития в Узбекистане стало активизация процесса урбанизации. Так, в Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28.12 2018 г. отмечено, что «На сегодняшний день уровень урбанизации в стране составляет 35,5 процента, и если не принять меры уже сегодня, то есть вероятность снижения данного показателя». Именно поэтому в стране намечена «разработка Государственной программы по доведению уровня урбанизации в стране до 60 процентов к 2030 году».

Развитие урбанизации является объективным процессом, позитивно отражающимся на макроэкономические показатели. Так, в настоящее время в Узбекистане при указанном уровне урбанизации свыше 70% ВВП Узбекистана создается в городах [1]. Даже, если учесть, что имеется определенная диспропорция цен на промышленную и сельскохозяйственную продукции, вклад горожан в создание ВВП в расчете на душу населения значительно превышает вклад сельчан.

Безусловно, что развитие урбанизации существенно и качественным образом повлияет на существенное усложнение управлением ЖКХ, поскольку рост сложности управления в зависимости от увеличения крупности городов носит нелинейный характер и в определенных условиях

здесь начинают проявляться новые факторы. Рассматривая эти явления с теоретических позиций, имеются основания подтвердить мнения ряда исследователей, что на современном этапе развития производительных сил, общества в целом все больше проявляет себя сингулярность развития.

В условиях роста темпов урбанизации необходимы нетрадиционные, инновационные решения, которые обеспечат качественное новое развитие в таких отраслях как здравоохранение, транспорт, энергетика и инфраструктура. Одним из таких решений, например, является концепция «умного города», нацеленная на обеспечение современного качества жизни, комфорта и стабильности городского населения за счет применения инновационных технологий, которые предусматривают экономичное и экологичное использование городских систем жизнедеятельности, которое рассмотрим ниже.

Также следует отметить, что в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий» от 21 марта 2012 года [2] на Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий «UZINFOCOM» была возложена задача по созданию единого интернет-портала жилищно-коммунальных служб. Основной целью портала является создание общей коммуникационной инфраструктуры в сфере ЖКХ, которая упростит обмен информацией между населением, контролирующими органами и ТЧСЖ, махаллями (городскими кварталами), а также коммунальными службами. Это позволит установить обратную связь и наладить прозрачный контроль за целевым использованием средств населения, что, в свою очередь, должно способствовать улучшению качества предоставляемых коммунальных услуг. В настоящее время портал функционирует в тестовом режиме и доступен по адресу e-kommunal.uz, где формируется единая база данных коммунальных и социальных служб. Создание портала является начальным этапом перехода рассматриваемой сферы на «цифру» и имеет ряд явных и отрядных преимуществ, которые

облегчают процесс предоставления услуг и создают благоприятные условия населению.

В вопросах роста качества жизнеобеспечения определенную роль играет сфера услуг и поэтому государственная Программа развития сферы услуг на 2016-2020 годы в республике [3] стала важным фактором в социально-экономическом развитии страны. Конечные целевые параметры развития сферы услуг в Республике Узбекистан на 2016-2020 годы представлены в таблице.

Таблица 1

ЦЕЛЕВЫЕ ПАРАМЕТРЫ

Развития сферы услуг в Республике Узбекистан на 2016 — 2020 годы

№	Наименование услуг	2020 год	Рост объема услуг 2020 г. в % к 2015 г.
	Доля услуг в ВВП (%)	48,7	
	Республика Узбекистан	113,3	в 1,8 раза
	<i>в том числе:</i>		
1.	услуги связи и информатизации	127,8	в 2,9 раза
2.	финансовые услуги	113,0	в 1,8 раза
3.	транспортные услуги	109,4	в 1,5 раза
3.1	в том числе услуги автотранспорта	109,5	в 1,5 раза
4.	услуги проживания и питания	112,7	в 1,8 раза
5.	услуги торговли	111,0	в 1,6 раза
6.	услуги, связанные с недвижимым имуществом	110,0	в 1,5 раза
7.	услуги в сфере образования	110,0	в 1,5 раза
8.	услуги в сфере здравоохранения	114,0	в 1,9 раза
9.	услуги аренды и проката	112,8	в 1,8 раза
10.	услуги по ремонту компьютеров и бытовых товаров	111,0	в 1,6 раза
11.	индивидуальные услуги	111,5	в 1,7 раза
12.	услуги в области архитектуры, инженерных изысканий, технических испытаний и анализа	111,9	в 1,7 раза
13.	прочие услуги	112,7	в 1,8 раза

Приведенные в таблице данные свидетельствуют о значительности темпов развития сферы услуг, особенно, в области информатизации.

Резюмируя приведенные в статье данные, отметим, что опыт развитых государств свидетельствует о наличии прямой зависимости темпов роста ВВП от уровня развития городов, который пропорционально зависит от мощности,

устойчивой работы инфраструктурных объектов и качества управления городской инфраструктурой.

В этой связи в большинстве развитых государств городская инфраструктура принадлежит и управляется непосредственно городскими (муниципальными) властями. Именно инфраструктура оказывает мультипликативное влияние на привлечение прямых иностранных инвестиции, роста роли городов как очагов индустриально-инновационного развития, повышение качества жизни городского населения.

За последние годы на строительство, реконструкцию и модернизацию интегрированной системы городской инфраструктуры Республики Узбекистан направлены огромные государственные капиталовложения.

Осуществляется поэтапное реформирование всех сфер городской инфраструктуры и коммунального хозяйства, системы государственного и местного бюджета.

Вместе с тем, высокие темпы демографического роста, концентрация в городах промышленного производства, развития и другие факторы выдвигают совершенно новые и повышенные требования к городской инфраструктуре. Новые вызовы в этой сфере связаны, с одной стороны, ускорением урбанизации, реализацией Программ модернизации, технического и технологического обновления ключевых отраслей промышленности, созданием современного облика городов, не уступающих международным стандартам. С другой – вызовы связаны с необходимостью инновационного решения проблем теплоснабжения, водоснабжения, канализации, энергоснабжения и управления городскими отходами, увеличением непроизводственных затрат,.

Ключевой проблемой отрасли является необходимость совершенствования методов и механизмов управления городской инфраструктурой адекватно современным требованиям ускоренного индустриально-инновационного развития экономики страны и повышение качества услуг в сфере ЖКХ на инновационной основе.

В целом представляется целесообразным широкое внедрение инновационных методов и форм совершенствования управления жилищно-коммунальной сферой, что позволит существенно повысить качество услуг, предоставляемых населению.

Литература

1. Урбанизация в Центральной Азии: вызовы, проблемы и перспектив. Аналитический доклад 2013/03- Ташкент: Центр экономических исследований, 2013

2. Постановление Президента Республики Узбекистан ПП 1730 от 21.03.2012 «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий» - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 13, ст. 139; 2013 г., № 44, ст. 578, № 45, ст. 584; 2017 г., № 2, ст. 25; Национальная база данных законодательства, 01.12.2017 г., № 07/17/3415

3. Постановление Кабинета Министров от 26 февраля 2016 года № 55 «О программе развития сферы услуг на 2016 — 2020 годы» - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 9, ст. 89, № 27, ст. 326; 2017 г.

SPORT TEXNIKASI VA TAKTIKASIDA TAKOMILLASHTIRISH.

*TATU Samarqand filiyali katta o'qituvchisi Hotamov N.B.
102-guruh talabasi Hazratqulov Q.M*

Tanlangan sport turi texnika asoslari chuqurlashtirilgan trenirovka bosqichining boshlanishiga o'zlashtirilgan bo'ladi, shuning uchun yosh sportchi ularni puxta mustahkamlashga kirishadi. Oldingi bosqichda shakillantirilgan qator harakat faoliyatlari puxta mustahkamlangan malakalar darajasiga yetqaziladi.

Bu tayyorgarlik bosqichida quyidagi asosiy vazifalar hal qilinadi: har bir tashqi shroitlar paytida sport texnikasini takomillashtirish, harakat faoliyati-ning ayrim qisimlarini qayta ishlash yosh sportchining texnik va taktik mahoratini takomillashtirishga ta'sir ko'rsatadigan jismoniy va irodaviy ifatlarini tarbiyalash.

Sport texnikasini mustahkamlash va kelajakda takomillashtirish bosqichida harakat faoliyatlarida nisbatan uncha katta bo'lmagan o'zgarishlar kuzatiladi, harakat ko'nikmasi va malakasining jddiy qayta qurilishini talab etmaydi. Sport texnikasini takomillashtirish paytida mashg'ulotlarda uzoq tanaffislar qilib bo'lmaydi, chunki malakaga aylangan harakat juda tez so'nib ketadi. Shunday ekan o'rganilayotgan texnik usulni to'g'ri bajarish qbilyatini kelajakda takomollashtirish uchun doimo puxta mustahkamlash kerak. Bunig uchun o'zlashtirilgan texnik usulni bir qancha mashg'ulatlarda ketma-ket ko'p karra takrorlash ayni muddaodir.

O'rgangan texnikani mustahkamlash va kelajakda takomollashtirish bosqichi yosh sportchilar yo'l qo'ygan xatolarni qanchalik yaxshi bartaraf qilsa u shunchalik muvaffaqiyatli o'tadi. Xatolarning sababini aniqlashning qiyinchiliklari shundan iborat, bir va shu kabi noto'g'ri bajarilgan harakat har xil sabablarga ko'ra paydo bo'gan bo'lshi mumkun.

Murabbiy qanchalik tajribali bo'lmasin, xatolarning sabablarini yosh sportchilar bilan hamkorlikda aniqlashlari lozim. Avvalo asosiy xatolar bartaraf qilinadi, chunki ikkinchi darajali xatolar kamdan-kam asosiy tiklay oladi.

Xatolarni tuzish paytida yosh sportchi mashiqni bajarishning noto'g'ri usulini namoyish qiladi. Undan so'ng xatolarini tuzatishga kirishadi. Sport texnikasining takomillashtirish jarayonida tezkor informatsiyaga katta ahamiyat beriladi. Masalan, yugurib kelib uzunlikka sakrashni o'rganish paytida murabbiy yosh sportchiga sakrash uzoqligi to'g'risida, rejaviv topshiriqning bajarilishi yoki bajarilmaganligi to'g'risida unga dalillar bilan ma'lumot beradi.

Qayd qilish zarur, yosh sportchilar tomonidan qo'llangan xatolar, kamdan-kam murabbiyning noto'g'ri faoliyati natijasi hisoblanadi. Ulardan eng ko'p tarqlanlariga quyidagilar kiradi: yosh sportchilar tayyotgarligida ko'rsatish va tushuntirishni faol idrok qilishning muhimligini baholay olmaslik; noaniq ko'rsatish; tushuntirishni cho'zib yuborish; ular mashqlarni bajarish paytida xatolarni yosh sportchi ongiga

yetarlicha yetqazmaslik; individual yondashuv-ning yo'qligi.

Tanlangan sport turining chuqurlashtirilgan trenirovka bosqichida sport texnikasini takomillashtirishda musobaqa metodiga sezilarli rol ajratiladi. Avvalo bu asosan o'quv musobaqalarida o'rganilgan harakat faoliyatini sifatli bajarishga, so'ngra miqdoriy natijalarga erishish (masalan, sakrash, nafaqat imkon qadar to'g'ri, balki yuqoriroq ham va h.k.). Natija ko'rsatishga belgilangan munosobaqani yosh sportchilar qanchalik yaxshi ongli tahlil qilishi, baholashi va muskulni his qilishini shunchalik anglay olishi o'rgatilgan bo'lsa musobaqa faoliyati shunchalik muvaffaqiyatli bo'ladi.

Yosh sportchilar texnikaning biomexanik asoslari to'g'risidagi maxsus bilimlarni egallashlari shart. Murabbiy yosh sportchilarda mustaqil fikirlashni rivojlantirishi, ularni mustaqil nazorat qilishga, xususiy harakatlari va o'rtoqlarining harakatlarini baholashga o'rgatishi lozim.

Yosh sportchi tanlangan sport turi chuqurlashtirilgan trenirovka bosqichida o'zining taktik qobilyatlarini takomillashtiradilar, sport kurashini olib boorish usullarini egallaydilar, shuningdek, paydo bo'lgan vaziyatda harakat vazifalarini mustaqil va zudlik bilan hal etish qobilyatini takomillashtiradilar. Bu qobilyatlarni shakillantirish va kengaytirish yosh sportchining taktik fikirlashi-ning asosi bo'lib xizmat qiladi, binobarin, bu tufayli u to'g'ri taktik faoliyat rejasini tuzadi. Masalan, o'rta masofaga yugurish paytida yosh sportchi to'g'ri taktokani tanlashi uchun raqib kuchini va o'zining kuchini bilishi kerak, ob-havo sharoitini bilishi, oldindan masofa bo'laklariga kuchlarni joy-joyiga qo'ya bilishi va h.k. Raqibning taktik rejasini toppish, u haqida musobaqagacha yoki sport kurashi vaqtida ma'lumot to'plash katta ahamiyatga ega. Shu bilan bir qatorda yosh sportchi o'zining xususiy mo'ljallarini yashira bilishi kerak. O'zining va begonalar taktik rejalari, kundaliklari, mavjud barcha ma'lumot-larni muntazam tahlil qilishi va taqqoslashi zarur.

Rang-barang taktik usullarni qo'llash yosh sportchining jismoniy, texnik va irodaviy tayyorgarlik rivojlanish darajasiga bog'liq. Maxsus bilimlar muhim ahamiyatga ega. Alohida sport turlarida Taktik tayyorgarlik hajmi har xil. Sport

o'yinlari va yakkakurashlarda taqqoslash bo'yicha, masalan, qisqa masofaga yugurish bilan ham rang-barang taktik imkoniyatlarning oqibatida bo'ladi.

GLOBALASHUV JARAYONIDA MULK QIYMATIGA TA'SIR QILUVCHII OMILLAR.

SamDAQI, Ismailov N.I., Raimqulova D.M.

Mulk qiymati to'g'risida iqtisodiy adabiyotlarda ta'kidlanishicha, mulkning tabiati va hayot sikliga, mulkiy munosabatlarga, mulk qiymati va narxiga, xossalariga, ular shakllanadigan bozorlariga turli ichki fundamental, maxsus va tashqi omillar ta'sir qiladi. [1,2]

Ushbu omil tushunchasi – bu voqelikni (jarayonni, oqibatni yoki natijani) keltirib chiqaruvchi, uning rivojini shakllantiruvchi sababdir. Odatda, har qanday omil va voqelikni idrok qilish va o'lchash uchun ular miqdoriy va sifat ko'rsatkichlar bilan ifodalanadi. Omillarni ko'rsatkichlarga ta'siri jihatidan omillarni birlamchi va ikkilamchi va boshqa darajaga ajratish mumkin.

Mana shu “ko'rsatkich” va “omil” tushunchalarining farqi shartlidir, chunki har bir ko'rsatkich bohqa bir undan yuqori darajadagi (unga bog'liq bo'lgan) ko'rsatkichning omili sifatida ko'rilishi mumkin yoki aksincha. Faktorli tizimni matematik modellashtirish omillarni (faktorli tizim unsurlari sifatida qabul qilib) ajratib olishning quyidagi iqtisodiy mezonlariga asoslanadi: sababiylik, tizimlilik, yetarli xususiyatlilik, alohida tarzda mavjudlilik, kompleks bog'liqlik, hisobga olish va miqdoriy o'lchash mumkinligi. Bular asosida omillarning umumlashgan tasnifini quyidagicha verbal shaklda ko'rsatish mumkin:

- *Umumiy va maxsus (ixtisoslashgan) omillar.* Umumiy omillar har qanday obyektning bir necha ko'rsatkichlariga ta'sir ko'rsatadi, maxsus omillar esa alohida obyektga xos ko'rsatkichga ta'sir etadi.

- *Obyektiv va subyektiv omillar.* Subyektiv omillar shaxslar faoliyati bilan bog'liq ravishda namoyon bo'ladi. Obyektiv omillar shaxsga bog'liq bo'lmagan holda namoyon bo'ladi.

- *Tabiiy va suniy omillar.* Tabiiy omillar – bu tabiiy ravishda paydo bo'luvchi va faktorli tizimda doimiy mavjud, surunkasiga ta'sir etuvchi omillar. Ularga, masalan, tabiat qonunlarini, tabiiy ofatlarni kiritish mumkin. Sun'iy omillar – bu faktorli tizimda epizodik tarzda mavjud bo'luvchi va maqsadli-subyektiv ravishda hosil qilinuvchi omillar. Ularga masalan, davlatning boshqaruv siyosati va menejment ta'sirlarini kiritish mumkin.

- *Boshqarilmaydigan va boshqariladigan omillar.* Boshqarilmaydigan omillar – bu obyekt va subyektga bog'liq bo'lmagan va prognoz qilinishi qiyin bo'lgan fors-major omillar. Boshqariluvchi omillar – bu subyektlar tomonidan tahlil, prognoz qilinuvchi va boshqarilishi mumkin bo'lgan omillar.

- *Tashqi va ichki fundamental omillar.* Tashqi omillar – bu biror bir mamlakat yoki subyektga nisbatan tashqaridan doimiy yoki davriy ta'sir etuvchi omillar. Ichki omillar – bu biror bir mamlakat, uning hududi, iqtisodiyot tarmoqlari va sohalari doirasida doimiy yoki davriy ta'sir etuvchi omillar hisoblanadi.

Omillarni tasniflab o'rganish ularning mazmun-mohiyatini, o'rganilayotgan obyektlar va jarayonlarga ta'siri xarakterini chuqurroq tushunib ochib berishga va tegishli nazariy xulosalar chiqarishga, bu obyekt va jarayonlarni rivojlantirishga qaratilgan tavsiya va takliflar ishlab chiqish uchun xizmat qiladi.

Yuqorida qayd etilgan omillardan tashqari, mulk qiymatiga bir qancha maxsus omillar ham ta'sir etib, ularni quyidagicha tasniflash mumkin:

Tashqi omillarga quyidagilar kiradi:

1. iqtisodiy globallashtirish tendensiyalari va muammolari;
2. iqtisodiy sikllar va ularga mos inqirozlar;
3. jahon bozoridagi qiymat va narxlar;
4. global va mintaqalar miqyosidagi tabiiy ofatlar, urush va inqiloblar, terrorizm va h.k.;
5. dunyodagi har bir davlatning o'ziga xos rivojlanish tendensiyalari, muammolari va shu kabi holatlar.

Ichki makro omillarga quyidagilar kiradi: jamiyatning tanlangan ijtimoiy-madaniy, ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy rivojlanish modeli, unda millat mentaliteti,

urf-odati, psixologiyasi va uning hududiy xususiyatlari; mulkchilik tizimi modeli, xususiy mulkning himoyalanganlik darajasi; mamlakat va uning hududlarida inson omilining rivojlanishi darajasi, innovatsion salohiyati; milliy bozor infratuzilmasining rivojlanganlik va ochiqlik darajasi; mamlakatning barqarorligi va kredit reytingi; davlat institutlarining rivojlanganlik va korrupsiyalanganligi darajasi; biznes va mulk huquqlarini kafolatlanganligi; mamlakatning tabiiy va iqtisodiy resurslariga egaligi, geografik joylashuvi, unda resurslarning hududlar bo'yicha taqsimlanganligi ko'rsatkichlari; mamlakatdagi mavjud makroiqtisodiy sharoit, biznes va investitsiya muhiti, milliy va hududiy iqtisodiyotning raqobatbardoshligi va h.k.

Ichki mezo va mikro omillarga quyidagilar kiradi: biznes riski, raqobatbardoshlik va moliyaviy havfsizlik darajasi, reytingi; korporativ boshqaruv siyosati modeli va reytingi, bunda transparentlilik va investorlar haq-huquqlarini himoyalanganlik darajasi; hududlar va iqtisodiyot tarmoqlari hamda ichki bozorlarning barqarorligi va bir-biri bilan bog'liqligi;- tadbirkorlik subyektlarining biznes va investitsion faolligi, iqtisodiy barqarorligi, geografik va iqtisodiy erkinligi, hududiy taqsimlanishi; moliya va kredit tizimining, mulk va xizmat turlari bo'yicha ichki bozorlarning rivojlanganligi, barqarorligi va raqobatbardoshligi; iqtisodiyot tarmoqlari va tadbirkorlik subyektlarining ekologik madaniyati, innovatorlik darajasi; raqobat turi va usullari, iqtisodiy xarajatlar va boshqalar.

Ichki nano omillarga quyidagilar kiradi: inson va oila birdamliligi, totuvligi, madaniyati, qadr-qimmati, urf-odatlarini, mentaliteti va haq-huquqlari, uning iqtisodiy va siyosiy faolligi; insonlarning o'rtacha yoshi, turmush, bilim va daromadlari darajasi hamda uy xo'jaliklarining rivojlanganligi; uy xo'jaliklari kapitali, mol-mulki, daromadi, uy-joy bilan ta'minlanganligi darajasi.

Maxus ichki omillarga quyidagilar kiradi: mulk bozori va mulk qiymatini baholash xizmatlari bozorining faoliyat modellari, ulardagi risk, raqobat va rivojlanish darajasi; bu bozorlarda faoliyat yuritish muhitining qulayligi; mulk bozori va mulk qiymatini baholash xizmatlari bozorini ochiqligi, boshqaruv modeli, transparentligi, xalqaro darajada integratsiyalashuvi; baholash va rieltorlik

bizneslari muhiti; mulk bozori va mulk qiymatini baholash xizmatlari bozori orqali qabul qilinadigan boshqarish, tashkiliy, subyektiv qarorlar samarasi; mulkning texnik, iqtisodiy, yuridik, informatsion hossalari, ko'rsatkichlari, sifatleri; mulkiy munosabatlar, xusuiy mulkchilik tizimi samaradorligi; mulk turlari bo'yicha bozorlar va mulk qiymatini baholash bozorini ularning har biriga xos funksiyalari bajarilishining to'liqlik darajasi.

Mulk tovar, kapital va munosabatlar vositasi sifatida qiymatga ega bo'lganligi sababli, qiymat nazariyasiga ko'ra, mulk qiymatiga ta'sir etuvchi to'rtta asosiy omilni ko'rsatish mumkin: naflilik(foydalilik), defitsit(noyoblilik, kamyoblik), iste'molchilik va real harid imkoniyati.

Mana shu omillar quyidagilar orqali namoyon bo'ladi: mulkning nafliligi to'g'risidagi tasavvur; mulkning texnik-texnologik ko'rsatkichlari; mulkning fantomlari; mulk qiymati va narxining o'zaro ekvivalent bog'liqligi; mulkdan eng yaxshi va eng samarali foydalanish. Shu qatorda ta'kidlash lozimki, mazmun-mohiyatiga ko'ra turli mazmundagi omillar mulk qiymati va narxiga birdek ta'sir ko'rsatganligi uchun amaliyotda ularning har birini real ta'siri miqdorini hisoblab topish mushkul masala hisoblanadi. Shu sababli amaliyotda har bir omilning og'irlik koeffitsientini aniqlashda ekspert baholash usuli ko'proq qo'llaniladi. [3]

O'zbekiston sharoitida Mulk qiymati va narxi bozorini shakllantirilishi jarayoniga ta'siri shaklan va mazmunan o'ziga xos tarzda amalga oshiriladi. Bundan barcha guruhlarga kiruvchi omillarning ta'siri xarakterini shakllanishida O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov tomonidan yaratilgan, bosqichma-bosqich amalga oshirilyotgan taraqqiyotning "o'zbek modeli" va uning asosida davlat tomonidan samarali amalga oshirilayotgan makroiqtisodiy va ko'p shakldagi mulkchilik tizmini rivojlantirish siyosatleri makro omillarga kiritilib, muhim rol o'ynaydi.

Adabiyotlar.

1.Микерин Г.И., Гребникова В.Г.,НейманЕ.И. Методологические основы оценки стоимости имущества.-М.: Интерреклама, 2003. -688с.;

2. Alimov R., Berkinov B., Xodiev B. Ko'chmas mulkni baholash.- T.: Iqtisod-moliya, 2005.;

3. Shoha'zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Toshkent.: "IQTISOD-MOLIYA". 2015, 54-55- betlar

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

*СамДУ докторанти, С.Б.Бобоқулов
Инак йўли ХТУ тадқиқотчиси Д.Э.Умурзокова
СамДУ магистри, К.З.Қаландаров*

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияси хом-ашё ва индустриал ишлаб чиқариш иқтисодиётдан хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётига ўтиши билан тафсилланади. Чунки, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши тажрибсаида хизмат кўрсатиш соҳасига интеллектуал салоҳиятдан фойдаланишга, соҳада фан ва ахборотлар технологиялари сиғими катта бўлган ишлаб чиқариш шакллари ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимизда ҳам ушбу масалага алоҳида этибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида этибор берилиб, бу Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланишнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам эътироф этилган. Хусусан, “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” лозимлиги таъкидланган. [2]

Ҳозирги даврда хизмат кўрсатиш соҳаси эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда бир қатор турларга бўлинади. Бу турларнинг бир меъёрда ривожланиши аҳолининг бандлигини таъминлашда, уларнинг фаровонлигини юксалишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, замонавий иқтисодий

ривожланган мамлакатларда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-70% ташкил этмоқда. Ҳозирги даврда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётининг асосий хусусиятларидан бири сифатида ахборотлар манъбаи, ахборотлар алмашуви, ахборотлар алмашуви тезлиги ҳал қилувчи рол ўйнай бошлади. Бугунги кунда мазкур соҳада кўрсатиладиган хизматларнинг 60 % ортиғи интеллектуал хизматлар ҳиссасига тўғри келади. Буни АҚШ хизматлар соҳаси иқтисодиётида яққол кўришимиз мумкин. АҚШда компьютер ресурслари бизнесининг 76,6 % хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига, фақатгина 11,9 % компьютерлардан интенсив фойдаланувчи саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келган. [5]

Олиб борилаётган ислоҳатлар натижасида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар оқибатида мамлакатимизда сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 55 % ташкил этмоқда. Бу соҳани жадал ривожланаётганлигини, ҳамда янги иқтисодий имкониятларни вужудга келаётганлигини кўрсатмоқда.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларни “рақамли иқтисодиёт”га ўтиши мамлакатимизда ҳам мазкур тажрибани жорий этишнинг заруриятини келтириб чиқаради. “Рақамли иқтисодиёт”нинг муҳим шартларидан бири унинг тармоқ ва соҳаларни барчасини ушбу тизимга ўтказишни талаб этади. Хусусан, хизмат кўрсатиш тизимини “рақамли хизмат кўрсатиш” соҳасига айлантиришни ҳамда соҳа учун зарур кадрларни тайёрлашни тақозо этади. Бу жараён соҳада босқичма-босқич, моддий-техник базани яратиш ҳамда ахборот-маълумот базани яратиш ва ривожлантириш асосида амалга оширилади.

Республикамиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда, чунки хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларнинг айланиши ҳам тезроқ ва энг асосийси даслабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоялар талаб этади. Унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган хизмат кўрсатиш

соҳасини ривожлантириш аҳолини хизмат сифатини ошириш унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш иқтисодиётининг қарор топиши билан тавсифланадиган самарали фаолият мазмунида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида сифат асосида ишлаб чиқарувчининг истеъмолчини максимал эҳтиёжини қондиришга бўлган муносабатини доимо назорат қилиш ва белгилаш лаёқати тушунилиши;

2. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида менеджмент тизими ҳам ўзгариб боради. Унинг асосий хусусияти сифатида эгилувчанлик, тезлик билан қарорларни қабул қилиш, ташкилий жиҳат, эркин ҳаракат қилиш ва ошкоралик ҳисобланиши;

3. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётида асосий эътибор хизмат кўрсатиш тизими шаклланишининг самарадорлигига қаратилса, индустриал иқтисодиётда эса хом ашёни тайёр маҳсулотга айланишига асосий эътибор қаратилиши;

4. Хизмат кўрсатиш иқтисодиётини самарали ривожланиши таъминлаш мақсадида “Рақамли иқтисодиёт” тизимини соҳага жалб этиш тармоқ ривожланишини асосий омили ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, хизмат кўрсатиш иқтисодиётида самарали фаолият юритиш анъанавий (индустриал) иқтисодиётдаги самарали фаолиятдан тубдан фарқ қилади ва у кўпроқ ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Презенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 14 январдаги Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Зарафшон газетаси, 18 январ 2017 йил

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. my.gov.uz

3. Б.Б.Мардонов “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли бандлиги” Монография. Тошкент.”Фан” нашриёти. 2013 йил.

4. А.М.Саидов “Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш йўллари” номли диссертацияси. Самарқанд. СамИСИ. 2011 йил.

5. Opeds and speeches//MTI For Your Information: Productivity in the Services Sector. 2017. Nov12

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ МАЗМУНИ ВА СИФАТИ.

*Тошназарова Л.Ш., СамДАҚИ ўқитувчиси.,
Рахматова С., 301-КМЭваУБ гуруҳи талабаси.*

Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ишлаб чиқаришда модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда таълим тизими муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнлари миқёсини ортиши юқори малакали ва кўникмали ишчи кучига бўлган талабни кескин ўсишига олиб келди.

Истеъмолчи таълим хизматлари мазмуни ва сифатини танлар экан, эгаллаган маълумоти, касбий тайёргарлиги меҳнат бозорида ва меҳнат фаолияти жараёнида ишга солишда қандай фойда олиш мумкинлигидан келиб чиқади. Бундай фойда миқдорини у муайян таълим хизматларидан фойдаланиш учун қилинган харажатлар билан қиёслайди.

Иқтисодий адабиётдаги таълим хизматлари хусусидаги илмий қарашларни таҳлили турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади.

У.Зиннуров таълим хизматлари деганда “умумтаълим ва махсус хусусиятга эга билимлар йиғиндиси сифатидаги ўқув ва илмий ахборот ҳажмини, шунингдек, шахсга муайян дастурлар бўйича бериладиган амалий кўникмаларни” тушунади.

Б.С.Рябушкин: “Ўқув юртлари ходимлари жамиятнинг таълим хизматлари деб номолган ўзига хос иқтисодий неъматларга бўлган эҳтиёжини қондиришади”, - деб ёзади.

Г.Ахунова “Олий таълим муассасаларининг фаолияти таълим хизматлари кўрсатишнинг икки, яъни бир томондан, шахснинг олий маълумот олишга бўлган эҳтиёжини қондириш; иккинчи томондан, иқтисодиёт тармоқлари ва

ижтимоий соҳа учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш нуқтаи назаридан туриб муҳокама этилади” деб таъкидлайди.

БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти “таълим” атамасига ўзида таълимга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадларида амалга ошириладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ва мунтазам фаолиятнинг барча турлари маъносини ифода этади деган таъриф беради.

Бизнингча, таълим хизматлари деганда инсон фаолиятининг муайян билимлар йиғиндисини олиш натижасида қўлга киритилган фойдали самарани, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондирувчи, бозор ва нобозор муносабатларни мужассамловчи аралаш неъматни тасаввур этиш мақсадга мувофиқ келади.

Таълим хизматлари барча хизматлар учун хос умумий жихатлар билан биргаликда бошқа хизматлардан фарқловчи қуйидаги ўзига хос жихатларига эга:

- таълим хизматларини индивидуаллаштириш;
- таълим хизматларининг аралаш неъмат сифати мавжуд бўлиши; таълим хизматларининг умумийлиги;
- уларни ишлаб чиқаришга нисбатан узоқ давом этиши;
- таълим хизмати кўрсатишга ҳақ тўлашни нормалашни қийинлиги;
- истеъмолчи ёшининг таълим хизматлари миқдор – сифат даражасига мувофиқлиги;
- ижтимоий истеъмол.

Таълим хизматлари бозоридаги талаб деганда, биз харидорларнинг муайян миқдор ва сифатидаги таълим хизматларига тўлов қобилиятига эга эҳтиёжни тушунилади. Ушбу бозордаги талаб уни бошқа бозорлардаги талабдан фарқловчи ўзига хос хусусиятларга эга.

Таълим хизматларига талаб нарх билан боғлиқ бўлмаган ва нарх омиллари таъсирида шаклланади.

Нарх билан боғлиқ бўлмаган омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш учун таълим хизматларининг бирон – бир турини афзал кўриш, таълимга талаб мамлакатдаги ижтимоий – иқтисодий вазият, ижтимоий, тарихий ва психологик омиллар, оила анъаналари таъсирида шаклланади:

- таълим хизматлари истеъмолчисининг даромади. Истеъмолчи даромадининг камайиши таълим хизматларини истеъмол қилишни чеклашга олиб келади. Истеъмолчи томонидан нуфузли маълумот олишни устувор мақсад қилиб қўйилса, у таълим хизматларидан фойдаланиш эҳтиёжини қондириш учун бошқа товарлар ва хизматларга қилинадиган харажатлар ҳажмини қисқартиришга мажбур бўлади; истеъмолчилар кутган нарсалар. Мавжуд савиядаги малака билан ишга жойлашиш бўйича истиқболда кутилган нарса таълим хизматларига бўлган жорий талабга таъсир кўрсатиши мумкин; таълим хизматлари бозоридаги харидорлар сони. Таълим хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги рақобат уларга бўлган талабда ўзгариш қилиши мумкин.

Талабга таъсир этувчи, нархга боғлиқ бўлмаган қатор омиллар фақат таълим хизматлари бозорига хос бўлади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- муайян минтақада жойлашган олий ўқув юртлари миқдори. Ушбу минтақада олий ўқув юртлари сони қанча кўп бўлса ва бозорда турдош ихтисосликлар қанчалик кўп таклиф этилса, алоҳида олинган ташкилотда талаб ҳажми шунча кам бўлади.

- таълим муассасасининг нуфузи ва мақоми. Таълим хизматлари бозорида ҳар бир истеъмолчи олий ўқув юртининг мақоми ва бошқа таълим муассасалари ўртасидаги мавқеи профессор - ўқитувчилар таркибида миқдори, сифати томонидан устун даражада белгиланадиган малакали хизматдан баҳраманд бўлишга интилади.

Шундай қилиб, таълим муассасасини нуфузи қанча юқори бўлса, таълим хизматлари истеъмолчиларининг унга бўлган талаби мутаносиб равишда юқори бўлади. Таълим хизматлари бозоридаги таклиф деганда, олий ўқув

юртлари томонидан маълум давр мобайнида муайян нархда кўрсатиши мумкин бўлган маълум сифатдаги таълим хизматлари миқдорини тушунамиз. Таълим хизматлари таклифи таълим муассасаларининг ўқув ўринларини тўлдириш эҳтиёжини кўрсатади.

Таълим хизматлари таклифи дастлаб, таклиф қилинаётган хизматлар нархи билан миқдори ўртасидаги бевосита алоқани акс эттирувчи нарх омиллари таъсирида шаклланади ва таълим хизматларини нархи қанча юқори бўлса, улар таклифининг ҳажми шунча катта бўлади. Таълим хизматлари таклифини белгиловчи нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омилларни ажратиш мумкин.

Таълим хизматлари бозоридаги таклифнинг хусусияти шундан иборатки, ушбу хизмат кимгадир тўғридан - тўғри йўналтирилмаган. Ўқув юртарининг конкрет истеъмолчиларга ўз таълим хизматларини таклиф қилиш бюджетдан зарур молиявий маблағ олиш учун мутасадди давлат бошқарув органларига йўналтирилган таклиф билан ўзаро боғлиқ бўлиб унга қўшилиб кетади.

Таклиф сифатида аниқ таълим хизмати эмас, балки унинг ҳар бир хўжалик субъекти томонидан қийматига қараб турлича қабул қилинадиган образи таълим хизматларининг характерли хусусияти сифатида мавжуд бўлади.

Талаб ва таклиф маълум ихтисослик бўйича таълим хизматлари ортиқчалиги ёки танқислигини вужудга келтириб, миқдор ва сифат жиҳатдан аксарият ҳолларда бир–бирига мос тушмайди. Ўқиш тўғрисидаги тўлов-шартномаси ҳужжатли расмийлаштирилганидан кейингина таълим хизматлари сотувчилари ва харидорларнинг манфаатлари бир – бирига мос келишига эришилади.

Таълим хизматларининг тўлов - шартномаси битими негизида уларнинг қиймати ва истеъмол қийматининг пулдаги ифодаси сифатида нарх ётади. Бирон– бир таълим хизматлари нархнинг мувозанати талаб ва таклифнинг бозор нисбати билан белгиланади. Сотувчиларнинг таълим хизматлари таклифи билан харидорлар талаби ўртасидаги фарқ нархдаги ўзгаришни

келтириб чиқаради. Бу ўзгариш пировард натижада, бир – бирига қарама-қарши ушбу икки таклифни ўзаро мувозанатга келтириш йўли билан мантиқий яқунига етказди.

Таълим хизматларининг энг паст нархи уни ишлаб чиқаришга қилинган харажатдан келиб чиқиб белгиланади ва ушбу хизматнинг ишлаб чиқарувчиси – таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Энг юқори нарх эса истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Умуман, таълим бозорида нарх шаклланишига қуйидаги омиллар жиддий таъсир кўрсатади: таълим муассасасининг нуфузи, таклиф этилаётган таълим хизматлари сифати, рақобатчилар томонидан белгиланадиган таълим хизматлари нархи, ушбу олий ўқув юртида тайёрланган кадрларга меҳнат бозорида бўлган талаб ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда таълим хизматлари бозори моҳиятининг назарий таҳлили унинг бирлаштириш, тақсимлаш, ахборот бериш, рағбатлантириш, табақалаштириш ва ижтимоий функцияларини ажратиш имконини беради. Таълим хизматлари бозорини бозор иқтисодиётининг ўзига хос сегменти сифатидаги моҳияти унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш имконини яратади. Олий таълим хизматлари бозорининг муҳим иқтисодий афзаллиги унинг таълим хизматларини ишлаб чиқаришни мунтазам рағбатлантиришидадир. У ўқитишнинг замонавий, илғор педагогик технологияларни, интерактив усулларини қўллаш асосида истеъмолчиларни, иқтисодиётнинг таълимга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга интилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зиннуров.У.Т. Маркетинг в деятельности вузов: теория и методы решения.- М., 1996.- С.312.

3. Рябушкин Б.С. Экономика образования. - М., МПУ, 1995. – С.24-26.

4. Ахунова Г.Н. Таълим хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ва уни такомиллаштириш: И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати.-Т., 2004.- Б.45.

5. Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.- Т., 2007. -Б. 434.

БОЗОР ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА КЎЧМАС МУЛКНИ БАҲОЛАШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

*Каржасов Бобур Зайниддинович, СамДАҚИ,
Турдибеков Юсуф Ибрагимович, СамДАҚИ, СамДАҚИ*

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳаётий воситалар ва ресурслар, такрор ишлаб чиқариш жараёни омиллари ва технологияларини иқтисодий баҳолаш муҳим роль ўйнайди. Ишчи кучи, истеъмол товарлари хизматлари, интеллектуал мулк, молиявий капитал, турли қимматли қоғозлар баҳоланмоқда. Баҳолаш кенг миқёсда, доимо, ҳам яқка тартибда, ҳам гуруҳ, умуммиллий ва давлатлараро асосда амалга оширилмоқда. Якуний натижада ҳар бир инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олувчи иқтисодий баҳолашнинг мураккаб кўп ўлчамли, кўп омилли ва кўп даражали тизимининг мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин ва у умумий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча таркибий қисмларига кириб бормоқда.

Бу тизимда асосий ўринни жамият ва ҳар бир инсон томонидан жамғарилган бойликнинг энг аҳамиятли, барқарор ва кўринарли қисмини ўзида мужассамлаштирган кўчмас мулкни баҳолаш эгаллайди. Айнан шунинг учун кўчмас мулк ҳар бир индивид ва бутун жамият учун уларнинг бойлигининг абадий ўлчови ҳисобланади.

Тарихий вужудга келган бозор иқтисодиётли деярли барча давлатларда турли категориядаги ер участкалари ва ер билан чамбарчас боғланган бино ва иншоотлар, коммуникация ва бошқа турдаги кўчмас мулк объектларининг қийматини белгилайдиган кўчмас мулкни иқтисодий баҳолайдиган миллий хизматлар фаолият кўрсатади. Бу йўналишда энг муваффақиятли давлатлар қаторига Англия, Германия, АҚШ, Франция, Швеция, Австрия ва жаҳоннинг бошқа малакатларини киритиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган Ўзбекистонда кўчмас мулкни иқтисодий баҳолаш тизими қатор муаммоларга дуч келмоқда, жумладан мавжуд ҳуқуқий-меъёрий базанинг мукамал эмаслиги.

Ўтиш даврида бажарилиши лозим бўлган кўчмас мулкни иқтисодий баҳолашнинг услубий таъминоти энг қийин ҳисобланади. ушбу муаммонинг мазмуни шундан иборатки, баҳолашнинг аниқлиги, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги ихтиёрий объектнинг бозор қийматини аниқлаш учун ва баҳолаш фаолиятининг ихтиёрий мақсадини амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ахборот фақатгина битим иштирокчиларинигина қизиқтирмайди, балки турли консалтинг, воситачилик ва баҳолаш ташкилотлари ўз фаолиятларини самарали юритишлари учун сифатли баҳолаш ахборотини ўз мижозларига кафолатли тақдим қилинишига муҳтождирлар. Бундай ахборот шундай ҳолатларда ҳам муҳимки, яъни баҳолаш мақсади ер-мулкий муносабатларини бошқариш соҳасида, жумладан кўчмас мулкни солиққа тортиш тизимини ташкил қилишда, мажбурий тортиб олиш ва х.к.да зарурий самарали давлат сиёсатини амалга ошириш учун ҳаққоний маълумотларни олиш ҳисобланади. Ҳудди шунинг учун иқтисодий баҳолашнинг ҳаққонийлиги, аниқлиги ва ишончлилиги жамоатчилик ва хусусий манфаатларни мувофиқлаштириш, иқтисодий йўқотишлар ва ижтимоий келишмовчиликлардан қочиш имконини беради.

Кўчмас мулкни иқтисодий баҳолаш – бу жорий қийматни белгилаш ёки кутилаётган ҳаққоний қийматни моделлаштиришнинг усул ва амаллар мажмуасидир. У маълум кўчмас мулк объектининг ёки улар гуруҳининг истемол қийматини белгилайдиган бозор қийматининг аниқ жойи ва вақтда иқтисодий талабларига жавоб бериши лозим.

Кўчмас мулк объектларини иқтисодий баҳолашнинг назарий белгиловчи асослар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади [3]:

- аниқ специфик такрор ишлаб чиқариш функцияларни бажариш учун мўлжалланган кўчмас мулклар аниқ типининг фойдали истемол хусусиятлари таркиби ва тузилишидаги фарқлар;

- ушбу объектларга етиша олишлилик даражаси, ҳар бир индивид ва бутун жамиятнинг ҳаёт таъминоти тизимига уларни жалб қилиш ва фойдаланишнинг реал имкониятининг мавжудлиги.

Ушбу ҳолатга асосланиб, кўчмас мулк объектларининг мавжуд барча турларини тартиблашга ва уларни қуйидаги асосий типологик белгилари бўйича синфларга ажратишга ҳаракат қиламиз:

1) кўчмас мулк объектида табиий ва сунъий-антропоген вужудга келган элементларнинг мавжудлиги ва нисбати бўйича уларнинг таркиби ва тузилиши;

2) ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни таркибида кўчмас мулк объектларнинг ўрни;

3) такрор ишлаб чиқариш жараёнида кўчмас мулк объектларнинг функцияси.

Биринчи белгилари бўйича кўчмас мулк объектларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- табиий объектлар (ер, тоғ-адирлар, ўрмонлар ва х.к.);
- тарихий-маданий объектлар (тарихий обидалар);
- кундалик ижтимоий-хўжалик эҳтиёжларни қондирувчи объектлар (турар жой фонди, ижтимоий инфраструктура объектлари);
- моддий қийматликларни доимий тарзда ишлаб чиқарувчи объектлар (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари бино ва иншоотлари).

Иккинчи белгилари бўйича кўчмас мулк объектларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- даромад келтирувчи кўчмас мулк объектлари (ишлаб чиқариш объектлари);
- даромад келтирмайдиган кўчмас мулк объектлари (ижтимоий объектлар).

Учинчи белгилари бўйича кўчмас мулк объектларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- таъминот жараёнидаги объектлар;
- ишлаб чиқариш жараёнидаги объектлар;
- сотиш жараёнидаги объектлар.

Кўчмас мулкни баҳолаш мақсадининг асосий вариантлари қуйидагилар:

- кўчмас мулкка бўлган барча ҳуқуқларни бир мулкдордан иккинчисига реал жой ва вақтда доимий асосда тўлиқ ҳажмда берилиши (сотиш, совғага бериш, мерос қолдириш, мажбурий олиб қўйиш);

- кўчмас мулкка бўлган қисман ҳуқуқларни мулкдордан мулкдор бўлмаганга ўтказиш (ижарага бериш, пай ва улуш сифатида бериш);

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқнинг жисмоний олиб қўймасдан вақтинчалик чегараланиши ёки қайта тақсимланиши (гаровга қўйилиши, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш);

- кўчмас мулкни давлат томонидан назорат қилиш ва бошқариш (жамғарилган бойликни баҳолаш, солиққа тортиш, инвестицион лойиҳалар самарадорлигини таҳлил қилиш, битимларни рўйхатга олиш).

Бозор товар-пул муносабатлари шароитида кўчмас мулкни баҳолаш такомиллашиб бораётганлиги ва унга бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги инобатга олиб, биз келтирган таснифлашни ушбу фаолият соҳасининг самарадорлигини ошириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2008. – 183 с.

2. Оценка недвижимости: учебное пособие / Т.Г. Касьяненко, Г.А. Махавикова, В.Е. Есипов, С.К. Мирзажанов .- М.: КНОРУС, 2010.- 752 с.

3. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И.. Оценка недвижимости: Учебное пособие – Ташкент, KONSAUDITINFORM – NASHR, 2010. – 232 с.

МУНДАРИЖА:

III – ШЎЪБА. ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ.

- 1 **О СЕТЕВЫХ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯХ И ИНТЕГРАЦИИ В РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННОГО ПРОЦЕССА.** *Асаул Анатолий Николаевич, Заслуженный деятель науки РФ, д.э.н., профессор (Санкт-Петербургский государственный архитектурно-строительный университет) Вахабова Умида, Исмоилова Муборак, (магистранты Ташкентского государственного экономического университета)* 3
- 2 **ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РОССИЙСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ.** *Терешкина Т.Р. доктор экономических наук, профессор Санкт-Петербургский государственный университет промышленных технологий и дизайна* 8
- 3 **ИННОВАЦИИ И РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА.** *Павлов К.В. – д.э.н., профессор, профессор кафедры экономики и управления Ижевского филиала Российского университета кооперации, заслуженный деятель науки Удмуртской Республики, г. Ижевск, Р.Ф., Буриев Х.Т. – заведующий кафедрой менеджмент в строительстве к.э.н., доцент Самаркандского государственного архитектурно-строительного института* 12
- 4 **ОПЫТ ГОСУДАРСТВЕННОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ.** *Павлов К.В. – д.э.н., профессор, профессор кафедры экономики и управления Ижевского филиала Российского университета кооперации, заслуженный деятель науки Удмуртской Республики, г. Ижевск, Р.Ф., Усманов И.А. – к.т.н., доцент, доцент кафедры менеджмент в строительстве Самаркандского государственного архитектурно-строительного института* 16
- 5 **ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТДОШЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.** *Джабリエв А.Н – Сам ДАҚИ профессори, Эгамов Р.М – Сам ДАҚИ докторанти* 20
- 6 **МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ РИСК ВА УНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ.** *Икрамов Мурат Акрамович, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Маркетинг” кафедраси профессори, Ходжаев Азиз Авазович, ТДИУ “Маркетинг” кафедраси тадқиқотчиси, Алимов Файратжон Абдурахмон ўғли, ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети ЭКМ-33 гуруҳ талабаси* 25
- 7 **БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ЁРДАМИДА КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ.** *Абдусаломова Нодира Баходировна ТДИУ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси докторанти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)* 30
- 8 **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ.** *Ғайибназаров Баҳодир Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Абдусаломова Нодира Баходировна иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)* 34
- 9 **КОРХОНАЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ.** *и.ф.д., профессор Навруз-Зода Бахтиёр Негматович, БухДУ* 37
- 10 **КОРХОНАНИ (БИЗНЕС)НИ РИВОЖЛАНИШИ ВА БОШҚАРИШ СТРУКТУРАСИ.** *Проф. Ганиев К.Б. Магистр. Ахророва С.Т* 41

11	ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ. <i>Доцент. Мухаммадиев Ў.А. (СамДАҚИ)</i>	46
12	ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. <i>доцент Мухаммадиев Ў.А. (СамДАҚИ)</i>	50
13	КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ИНТЕГРАЛЛАШГАН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>доцент Мухаммадиев Ў.А. (СамДАҚИ)</i>	54
14	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ <i>Доц. Турдибеков Ҳ.И. (СамДАҚИ), Қурбонов Хислатбек 302-Мен гуруҳи талабаси, Каримова Г., 201 КМЭваУБ гуруҳи талабаси</i>	57
15	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ. <i>доц. Турдибеков Ҳ.И. (СамДАҚИ), Узоқов Хуришид, Мен-302 гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)</i>	61
16	ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: «БУЛУТ»-ТЕХНОЛОГИЯСИ. <i>доц. Ёрбеков Я., доц. Ражабов Н.А. СамДАҚИ</i>	64
17	ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК МОДЕЛ ЁРДАМИДА МЕВА ВА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ. <i>Рахимов А.Н - катта ўқитувчи, Акбаров Ҳ.Ў - катта ўқитувчи Самарқанд ветеринария медицинаси институти</i>	70
18	КОРХОНАДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ БОШҚАРИШ. <i>Расулов Нуриддин Абдуллаевич., Наманган давлат университети таянч докторанти</i>	75
19	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KOMMUNAL INFRATUZILMA SOXALARINI TIZIMLI ISLON QILISHNI O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. <i>Rahbar Sag'dulayeva Sh.G'. 3-bosqich talabasi Botirov B.I. 3-bosqich talabasi Toshkent arxitektura-qurilish instituti</i>	79
20	БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕС. <i>Суюнова Я.М - “Қурилишда менежмент” кафедраси, СамДАҚИ., Турсунова Азиза –Ташкени молия институти 1-босқич талабаси</i>	83
21	ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>Каримов А.А., Элмурадов Б.Э. Ахборот технологиялари кафедраси, СамДАҚИ</i>	87
22	ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ. <i>кат. ўқит. Пўлатов З.М., кат. ўқит. Рахмонова Ф.М., (СамДАҚИ), Турдимуродов Ж.И., Муродов Р. СамДАҚИ талабалари</i>	90
23	ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ. <i>Гиясов Б. Д “КМЭва УБ” кафедраси мудири, Алиева Н. Б. СамДАҚИ магистранти, Ж.И. Турдимуродов 101-ИЧТЭваБ гуруҳи талабаси</i>	95
24	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. <i>СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариши” кафедраси ассистентлари Рахимов С.А., Диярова М.И.</i>	100
25	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДАГИ КРЕДИТ РИСКЛАРИ. <i>Рахмонова Ф.М., Тошназарова Л.Ш. С амДАҚИ</i>	104

26	ҚУРИЛИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁННИНГ МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ. <i>Жуманов Ш.Н. талабалар Юсупов И.А., Абдулазизов Ш.С.</i>	109
27	КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, БАНК КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ. <i>Тошназарова Л.Ш. СамДАҚИ ўқитувчиси Уралов Р.А. СамИСИ магистранти</i>	113
IV – ШЎЪБА. ИНВЕСТИЦИОН-ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ		
28	АКТУАЛИЗАЦИЯ ИНСТРУМЕНТОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КАЧЕСТВА РЕШЕНИЙ ПРИ ИНВЕСТИРОВАНИИ В ВОСПРОИЗВОДСТВО ТЕПЛОВЫХ СЕТЕЙ В УСЛОВИЯХ ОРГАНИЗАЦИИ МОНИТОРИНГА ИХ ЭКСПЛУАТАЦИИ. <i>Верстина Наталья Григорьевна, НИУ МГСУ, зав. кафедрой «Менеджмент и инновации», проф., д.э.н., Евсеев Евгений Григорьевич, НИУ МФТИ, зав. кафедрой «Информационных технологий и менеджмента», доц., к. физ.-мат.н.</i>	117
29	ПРОБЛЕМЫ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ПОСТАНОВЛЕНИИ ИННОВАЦИОННОГО ПУТИ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА. <i>Буриев Х.Т – доц. кафедры «Менеджмент в строительстве», Хамракулова О.Д. - доц. кафедры «Социальных дисциплин» СамГАСИ</i>	124
30	ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. <i>Буриев Х.Т. – СамДАҚИ Қурилишда менежмент кафедраси мудир, и.ф.н., доцент., Шомирзаев Ғ.Ш. – Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация касб-ҳунар коллежи директори, т.ф.н., доцент., Рахматов А. – СамДАҚИ 301-менежмент гуруҳи талабаси</i>	135
31	ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ФАОЛЛИГИ ВА АМАЛИЙЛИГИ АСОСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУҲАНДИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ. <i>Убайдуллоев Мусохон Нуруллоевич фанлари номзоди, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти</i>	140
32	ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЦЕССАМИ ФОРМИРОВАНИЯ КАЧЕСТВА ПРОДУКЦИИ НА ЗАВОДАХ СТРОИТЕЛЬНОЙ ИНДУСТРИИ. <i>Профессор Суюнов А.С., доцент Гиясов Б.Ж., ассистент, Суюнов Б.А., СамГАСИ</i>	146
33	СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА. <i>Доцент Усманов И.А. СамГАСИ, доцент Зайналов Н.Р.СФ ТУИТ</i>	152
34	БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИГА ТАЪСИРИ. <i>доцент Бўранов О.Б., доцент Каржавов З.К., к.э.н. Мусурмонов Р.М. 201-Менежмент гуруҳи талабаси Шарипов Ш.Ш</i>	157
35	МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ. <i>кат. ўқит. Пўлатов З.М., ўқит. Жуманов Ш.Н., ўқит. Мирзаев З.А. (СамДАҚИ)</i>	162
36	НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ. <i>Мирзаходжаев А.Б. СамГУ. стар.преподаватель., Шамсиев Д. И, СамГУ, бакалавр 2 курса</i>	167

37	РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. <i>Мукумова Н.Н. преподаватель кафедры «Менеджмент в строительстве»</i>	171
38	ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ХУЖЖАТЛАРИДА ТЎҒРИ АКС ЭТТИРИШ ҲАМДА МЕЎРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР АСОСИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. <i>Холиқулов О.Х - СамИСИ ўқитувчиси., Каржасов Б.З - СамДАҚИ ўқитувчиси</i>	174
39	ҚУРИЛИШ УЧАСТКАЛАРИДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР. <i>Пулатов З.М. –Сам ДАҚИ “Қурилишда менежмент” каф. кат.ўқитувчиси ., Абдусаматов Ш.Б. – “ZN PREIUM CONSULTING” МЧЖ мутахассиси</i>	178
40	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОҲИЯТИ. <i>ўқитувчи Жуманов Ш.Н., талаба Насимова М.</i>	184
41	ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ. <i>Эгамов Рахматилло Миролимович, СамДАҚИ докторанти., Узоқов Хурийд Зиядуллаевич, 302 мен. гуруҳи талабаси,</i>	188
	V- ШЎҒБА. ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ ВА КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ	
41	ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. <i>Нуримбетов Равшан Ибрагимович ТАҚИ., Султанов Алишер Сабиржанович ТАҚИ</i>	192
42	БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ. <i>Ганиев К.Б., Турдибеков Ю.И., СамДАҚИ.</i>	199
43	АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ЭСКИРИШ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ. <i>Ганиев К.Б., Турдибеков Ю.И., СамДАҚИ.</i>	202
44	КОРХОНАНИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШДА ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. <i>проф.Ганиев К.Б. асп. Мирзаева Д. магистр. Ахророва С., 201-КМЭваУБ гуруҳ талабаси Каримова Г. СамДАҚИ</i>	207
45	К ВОПРОСУ РАЗРАБОТКИ НОРМАТИВНЫХ МУЛЬТИПЛИКАТОРОВ СРАВНИТЕЛЬНОГО ПОДХОДА ПРИ ОЦЕНКЕ НЕДВИЖИМОСТИ. <i>проф. Ганиев К.Б., ст. преп. Ганиева Ф.К., маг. Пулатов Ш., СамГАСИ., студент Орипов У.А.,</i>	211
46	ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РОЗНИЧНЫХ ТОРГОВЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ. <i>доцент Мусаева Ш.А., PhD Усмонова Д.И., Самаркандский институт экономики и сервиса</i>	216
47	АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ. <i>доцент Мусаева Ш.А., тадқиқотчи Файзиева И.И., Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти</i>	220

48	БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ. <i>и.ф.н.,доцент Бўранов О. Б., и.ф.н.,доцент Каржавов З. К., и.ф.н., Мусурманов Р.М.</i>	223
49	ИННОВАЦИЯЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УНИ ҚўЛЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ. <i>и.ф.н.,доцент Бўранов О. Б., и.ф.н.,доцент Каржавов З. К., и.ф.н., Мусурманов Р.М.</i>	228
50	ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОЕКТОВ. <i>Гиясов Б.Ж., Турдибеков Ю. И., Абдураимов Б. СамГАСИ</i>	232
51	ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОЦЕНОЧНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ. <i>Рахманов Тошмирза, доцент, к.э.н., СамГУ, Шамсиев ДЖамиид Исомиддинович, студент, СамГУ</i>	236
52	МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАЛАРИ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ. <i>Гиясов Б. Д., КМЭваУБ кафедраси мудири, Латипов А.Р. (Магистр СамДАҚИ), Яхшибоев З.А. (СамДАҚИ талабаси)</i>	241
53	КўЧМАС МУЛКГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ. <i>Абдухамидов А.Я. (СамДАҚИ доценти, т.ф.н.), Абдихолиқов Ж. (СамДАҚИ магистранти), Яхшибоева М.А. (СамДАҚИ талабаси)</i>	246
54	МУЛК ТУШУНЧАЛАРИ ВА МУЛКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШГА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР. <i>Абдухамидов А.Я. (СамДАҚИ доценти, т.ф.н.), Латипов А.Р. (Магистр СамДАҚИ), Яхшибоев З.А. (СамДАҚИ талабаси)</i>	250
55	ЭФФЕКТИВНОСТЬ РАЗВИТИЯ ОСНОВНЫХ ОТРАСЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ. <i>доцент Абдукадырова Х.А., доцент Суюнов Б.А., 302-КМЭваУБ талабаси Марданова М.</i>	254
56	ИЖТИМОЙ КўЧМАС МУЛКНИ ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВИДА БАҲОЛАШНИ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ. <i>и.ф.н.Ганиева Ф.С., Рахматова С., СамДАҚИ</i>	258
57	КО‘СНМАС МУЛКНИ ВАНОЛАШ ВА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ YO‘ЛЛАРИ, МАИШИЙ НИЗМАТ ВИНОСИ МИСОЛИДА. <i>Ganieva F.C. Turaeva M.X., SamDAQI</i>	263
58	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК СЕКТОРИДА КўЧМАС МУЛКНИ ГАРОВ МАҚСАДИДА БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ. <i>Ганиева Ф.С., Райимов М. СамДАҚИ</i>	268
59	КўЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. <i>Абдухамидов А.Я- СамДАҚИ доценти, Гиясова З.Х-СамДАҚИ магистри, Яхшибоева М.А.-СамДАҚИ талабаси</i>	273
60	ОЦЕНКА СТОИМОСТИ ОБЪЕКТА НЕДВИЖИМОСТИ КАК ЭЛЕМЕНТ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ НЕДВИЖИМОСТЬЮ. <i>доцент Ганиева Ф.С., Орипов У.А., СамГАСИ</i>	277
61	ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ УЧУН КАДРЛАРНИ ТАЁРЛАШНИНГ ЗАРУРИЯТИ. <i>Каржавов Б.З - Сам ДАҚИ Абдусаматов Б.К – Сам ДАҚИ</i>	281
62	QURILISHDAGI INNOVATSIYALAR QIYMATINI VAHOLASHDAGI MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMI. <i>Turdibekov Y.I., Abduraimov V. M. SamDAQI,</i>	288

63	СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЖИЛИЩНО-КОММУНАЛЬНОГО ХОЗЯЙСТВА В УСЛОВИЯХ УСИЛЕНИЯ УРБАНИЗАЦИИ. <i>Суюнов Б.А. преп.каф. «Экспертиза и управления недвижимостью» СамГАСИ</i>	292
64	SPORT TEXNIKASI VA TAKTIKASIDA TAKOMILLASHTIRISH. <i>TATU Samarqand filiyali katta o'qituvchisi Hotamov N.B., 102-guruh talabasi Hazratqulov Q.M.</i>	298
65	GLOBALLASHUV JARAYONIDA MULK QIYMATIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR. <i>SamDAQI, Ismailov N.I., Raimqulova D.M.</i>	301
66	ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ. <i>СамДУ докторанти, Бобоқулов С.Б., Ипак йўли ХТУ татқиқотчиси., Умурзокова Д.Э. СамДУ магистри, Қаландаров К.З.</i>	305
67	ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗорИНИНГ МАЗМУНИ ВА СИФАТИ. <i>Тошназарова Л.Ш., СамДАҚИ ўқитувчиси., Рахматова С. 301-КМЭваУБ гуруҳ талабаси</i>	308
68	БОЗОР ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА КЎЧМАС МУЛКНИ БАҲОЛАШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР. <i>Каржавов Б. З., Турдибеков Ю. И., СамДАҚИ</i>	313

**“Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида
инвестицион-қурилиш ва инновацион
жараёнларни ташкил қилиш ва
бошқаришнинг долзарб муаммолари”
мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-
амалий анжумани
МАТЕРИАЛЛАРИ
2019 йил 17-18 май**

II-қисм

Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Мақолалардаги грамматик ва стилистик хатоларга шахсан муаллифлар жавобгардир

**14.05.2019 йил босишга тавсия этилган.
Бичими 60x84. Офсет босма. Шартли босма 20,5.
Нашр табағи 19,0 Адади 50 нусха
Буюртма № 09/19**

“НАВРЎЗ ПОЛИГРАФ” МЧЖ кичик босмахонасида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 02.09.2014 йил.
Манзил: Самарқанд шаҳар, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.